ва жисмоний маданият кафедраси ассистенти Отабоева Зулфия Гофуровна  
Тел: 99893 416 20 39

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти 2-курс талабалари  
Ганева Кумуш, Базорова Чарос, Махмудова Мухсина

***Аннотация:** Кишининг маданияти, аввало унинг муомаласи, атрофдагилар билан муносабатда кўзга ташланади. Ўқимишли, маданиятли, қандай сўрашни, оилавий муносабатларга дахлдор масалаларга муносабат билдириш зарурияти борми йўқлигини яхши англайди.*

***Калит сўзлар :** Маданият, муомила, идеал, ибрат, ватанпарварлик, қадрият, қадр-қиммат.*

***Аннотация:** Культура человека, в первую очередь, его поведение, находит отражение в его отношениях с окружающими. Образован, культурен, понимает, как спросить, есть ли необходимость ответить на вопросы, связанные с семейными отношениями.*

***Ключевые слова:** культура, отношение, идеал, пример, патриотизм, ценность, достоинство.*

***Annotation:** The culture of a person, first of all, his behavior, is reflected in his relations with others. Educated, cultured, understands how to ask if there is a need to answer questions related to family relationships.*

***Key words:** culture, attitude, ideal, example, patriotism, value, dignity.*

Тарбия болага самарали таъсир этувчи учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини били ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.[1, 297]

Талабалар муомала одобини, мулоқот олиб бориш йўллари асосан ўқитувчи тимсолида англаб оладилар. Муаллим талаба учун бир умр идеал, ибрат, намуна бўлиб қолади. Ўқитувчи билан талаба ўртасидаги мулоқотни тартибга солувчи талаблардан бири талабанинг хулқини, муомаласини, талаба бажарган ишни одилонга, тўғри баҳолашдир. Мулоқотлар жараёнида ўқитувчи айрим талабларга риоя қилишига тўғри келади:

ўз иши жараёнида ўқитувчи ҳар бир талабанинг қадр-қимматини инсон сифатида ҳурмат қилиши, талабага нисбатан ишончи;

талабага меҳрибон, ғамхўр бўлиши, шодлигига ҳам, ташвишларига ҳам шерик бўлиш;

талабалар билан ҳар қандай мулоқот жараёнида алоҳида ёндошиш, педагогик тактни сақлаш.

Ўқитувчи фаолиятида шарқона умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш. Миллий дастур, мактаб талабалари, ўқув юртларининг педагог ходимлари, профессор ўқитувчилари амалга оширадилар. Шу боис педагог ходимлар ўзларининг касбкор шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилишлари:

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари, талаба, талаба ва талаба, ўқитувчи талаба шахсининг қадр-қимматини асрашлари;

талабаларни меҳнатга, қонунларга, ота-оналарга, маънавий тарихий, маданий миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари, ибратли фаолиятлари ва шахсий намуналари билан умуминсоний ахлоқ қоидаларига, ҳақиқат, адолат, ватанпарварлик, яхшилик ва бошқа хайрли хислатларга нисбатан эътиборни қарор топтиришлари лозим.

Туркий халқлар ва уларнинг сўз саънати ҳақида кенг қамровли қиёсий чоғиштирма илмий асар йўқ. Илм-фан дунёси шундай асарга ҳозир ҳам муҳтожлиги туркшунослик илмида изланишларни давом эттиришни тақозо қилади. [2,299]

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг деярли барча асарларида, сўзлаган нутқларида ўзбек халқининг кўп асрлик маънавий-миллий, қадриятлари, маънавиятини белгилаб берувчи Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, Имом ал Бухорий, Имом ат - Термизий, Баҳоуддин каби мутафаккирларнинг бебаҳо меросини, Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ал -Беруний, Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод каби алломаларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган бебаҳо хиссаларини ўрганиш, шу асосда ёш авлодни тарбиялаш зарурлиги таъкидланади. [3.30]

Талабалар билан муносабатга киришар эканмиз, мулоқотни, яъни юқоридан пастга қараб ташкил қилишдан сақланишимиз керак. Ҳатто жуда кичик ёшдаги талабалар ҳам мустақил эканликларини исботлашга ҳаракат қилишади. Ўқитувчилик дипломи талабалар билан муносабатда етакчи бўлиш ҳуқуқини бермайди. Ўқитувчи ҳар бир шахс кўнглидаги сирларни топишга ёрдам беришга ҳаракат қилиши ва бундай малака ва кўникмаларни ўзида шакллантириши керак. Талабаларни ҳар қандай саволига жавоб бериш ва сўзларини тинглашга ҳаракат қилиш. Агарда талаба нотўғри гапираётган ва ўзининг фикрини баён қилишга қийналаётган, ўқитувчининг вақти ниҳоятда зик бўлган тақдирда ҳам унга етарлича жавоб бериб, қолганларини келгуси сафар биргаликда муҳокама этамиз, деб огоҳлантириши зарур. Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки педагог ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади. Педагог муомала воситаси орқали қандай ахборот олишини қараб чиқар эканмиз, ўқувчининг шахси ҳақидаги ахборотнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ярқинова барчиной барғиевна . International conference: actual problems and solutions of modern philology. 2020
2. Отабоева Зулфия Ғофуровна. Экономика и социум. Шахс ривожланиши ҳақида тушунча. Институт управления и социально-экономического развития, 2021
- 3.Б. Ферберман .Илғор педагогик технология.Т фан 2000 й

## ТРУДНОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА В НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУППАХ.

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий. Доцент кафедры узбекского языка, педагогики и физической культуры  
Саидова Сохиба Махкамовна.  
К. Ахмедов, М. Ашуралиев, М. Кабулов студенты 1-курса

**Аннотация:** Бу мақолада рус тилини ўқитишда бир неча фонетик, грамматик ва лексик планида қийинчиликлар борлиги кўрсатилган ва ўша муаммоларга ахамият бериши ва уларни бартараф этиши ҳақида айтилган.

**Калим сўзлар:** қизиқарли, фикр, маданият, қийинчилик, хато бойлик

**Аннотация:** В этой статье показано, что существуют несколько фонетических, грамматических и лексических трудностей при обучении русскому языку, и обсуждается, как обратить внимание на эти проблемы и преодолеть их.

**Ключевые слова:** развлечение, мысль, культура, клиническая, трудность, обилие ошибок.

**Abstract:** This article shows that there are several phonetic, grammatical and lexical difficulties in teaching Russian, and discusses how to pay attention to these problems and overcome them.

**Key words:** entertainment, thought, culture, clinical, difficulty, abundance of mistakes.

Язык - важнейшее средство общения людей друг с другом, это опора для каждого из нас в производственной и общественной деятельности. Одной из главных задач преподавания русского языка в национальных группах является обучение устной и письменной речи. В процессе обучений русскому языку у обучающихся возникают определенные трудности в фонетическом, грамматическом и лексическом плане. Здесь, конечно, уместно обратить внимание на особенности обоих языков. Трудности возникают при произношении букв –щ, –ы, поскольку эти буквы отсутствуют в узбекском языке.

Например: общежитие, совещание; интересный, круглый и т.д

Очень полезным в связи с этим является определённые задания на произношении твёрдого и мягкого т –ть, л –ль: ты – ти, то- тё, та –тя, ту –тю, Тома –тётя, тарелка-тяпка, тысяча-квартира, туфли, костюм ;

лы-ли, ла-ля, ло-лё, лу-лю:ел-ель, столы-линия, ласточка- лягушка, лук-люк

Трудности возникают и при использовании беглых гласных –о, –е при использовании падежных форм.

Например: певец (им.п.) – певца (род. пад.)

щенок (им.п.) –щенка (р.п.)

отец (им.п.)-отца (р.п.)

цветок(им.п.)-цветка(р.п.)

ребенок-( им.п.)- ребенка- (р.п.) [1,10]

В русском языке встречаются и стечение нескольких согласных при произношении которых студенты также допускают фонетические ошибки.

В грамматическом плане большие трудности возникают при изучении видов глагола. Виды глагола – одна из самых сложных тем русской грамматики, изучение которой для нерусских учащихся связано с большими трудностями.

Нередко неправильно употребляют видовые формы глагола выпускники не только школ, но и вузов и даже лица, неплохо владеющие русским языком.

Профессор А.М.Пешковский по этому поводу писал «Виды глагола – главное грамматическое и, стилистическое богатство нашего языка, и сознательное использование ими, во-первых обогатит и уточнит стиль учащегося и понимание им литературного текста, а во-вторых, поднимет его на такую грамматическую высоту, с которой все остальные грамматические различия будут ему казаться элементарными, ибо виды, несомненно, – труднейшие из них» [2,203]

Часто студенты допускают ошибки в словоупотреблении, в выборе слова: неточность выбираемого слова, немотивированное употребление слов разной стилистической принадлежности, повторы одного и того же слова, неправильное употребление слов с фразеологически связанным значением.

В связи с этим необходимо изучить причины лексических ошибок студентов. Нужно больше выполнять заданий по лексике, чтобы обогатить речь студентов, Обогащение словаря учащегося, – одна из главных задач обучения языку, условие успешного речевого развития и усвоения знаний и умений по языку. Лексика помогает обучающимся русскому языку свободнее пользоваться богатствами русского языка, его словарным запасом

Иначе говоря, это явление обычно именуется словарной работой и рассматривается как составная часть развития речи студентов, для этого изучается теоретический материал по лексике: лексическое и грамматическое значение слова, многозначность, прямое и переносное значение слов, омонимы, синонимы, антонимы, слова диалектные, профессиональные, заимствованные, устаревшие и новые.[3,35]

Целенаправленными материалами и заданиями по лексике являются различные виды упражнений на синонимы, антонимы, упражнения в употреблении слов в определенных коммуникативных ситуациях, в текстах по специальности и т.п.

И, конечно, лексическая работа проводится преимущественно практически, с привлечением словарей.

Ситуация с вузовским русским на современном этапе очень сложная, Деграция была многолетней и непрерывной.

Студенты не умеют читать тексты не понимают, это русский язык главный студенческий предмет. Преподавание русского языка должна быть в первую очередь наделена на то, чтобы правильно понимать тексты разных эпох и разных жанров и уметь самому производить понятные тексты на современном литературном языке. На современном этапе развития студенческого лингвистического образования текст становится центром внимания при обучении русскому языку, фактически текстовая деятельность это сегодня цель студенческого лингвистического образования

Особую актуальность приобретает изучение текста в связи с введением единого экзамена по русскому языку в форме тестирования (итоговый контроль ИК) так как в основе многих заданий всех частей лежит умение работать с научным или публицистическим текстом, вычитывать из него необходимую информацию.

#### **Список литературы**

1. Коренева А.В. Теоретические основы профессионально-ориентированного обучения речевой деятельности студентов нефилологов. Монография. Мурманск. МГТУ, 2009 г.
2. Лапотько А.Г. Социокультурные факторы реализации речевых актов в коммуникативной ситуации. - М., 2002.
3. Ожегов С.И. Словарь русского языка. Москва, 1990 г.



## ENGLISH FAIRY TALES IN THE ETHNOLINGUISTIC ASPECT

Abdulloyeva Adiba Boboismoilovna.

Termiz davlat universiteti magistranti [adibaabdulloyeva@gmail.com](mailto:adibaabdulloyeva@gmail.com)

Tel: +998888081130

**Annotation:** *By examining the similar and the different social significance of folklore, reflections of human nature and social values, connections can be made to students' real life; it could make the studying more fun and have ripple effects. The article is devoted to the investigation of the English fairy tale and establishes its clear definition.*

**Key words:** *folk art, folklore, action development, climax, interchange, literary tale.*

**Аннотация:** *Изучая схожее и различное социальное значение фольклора, отражения человеческой природы и социальных ценностей, можно установить связи с реальной жизнью учащихся; это может сделать обучение более увлекательным и иметь волновой эффект. Статья посвящена исследованию английской сказки и устанавливает ее четкое определение.*

**Ключевые слова:** *народное творчество, фольклор, развитие действия, кульминация, взаимообмен, литературная сказка.*

Folklore, a genre of children's literature, is always considered as one of the most mysterious and interesting genres. Folklore is defined as stories that originated orally and sometimes have no authors. Given these qualities, folklore is often considered as a mirror that reflects different groups of people's cultures and moral values.

Fairy tales are stories either created or strongly influenced by oral traditions. Their plots feature stark conflicts between good and evil, with magic and luck determining the usually happy endings. While each culture and geographic region of the world has its own body of folk tales and fairy tales that it considers "its own," certain themes and motifs tend to be repeated across many cultures and time periods. Universal human emotions such as love, hate, courage, kindness, and cruelty appear in bold, broad strokes on the canvas of fairy tales. Because of the worldwide ubiquity of fairy tales, their imagery and tropes have had a vast impact on many different forms of literature.

A fairy tale is a fictional story that may feature folkloric characters (such as fairies, goblins, elves, trolls, witches, giants, and talking animals) and enchantments, often involving a far-fetched sequence of events. The term is also used to describe something blessed with unusual happiness, as in "fairy tale ending" (a happy ending) or "fairy tale romance," though not all fairy tales end happily. Fairy tales are a genre in literature. They have their roots in the oral tradition. Fairy tales with very similar plots, characters, and motifs are found spread across many different cultures. Fairy tales also tend to take on the color of their location, through the choice of motifs, the style in which they are told, and the depiction of character and local color.

Common motifs:

1. Human weakness explored (i.e., *curiosity, gluttony, pride, laziness*, etc.)
2. Human strengths glorified (i.e., *kindness, generosity, patience*, etc.)
3. Trickster (*sometimes a hero, sometimes on the side of evil but humans benefit*)
4. Tall story (*slight exaggeration – hyperbole*)
5. Magic words or phrases; repetition of phrases/words (*abracadabra!*)
6. Guardians (*fairy godmothers, mentors, magical helpers, guides*, etc.)
7. Youngest vs. Oldest (*sons, daughters, sibling rivalry*)
8. Impossible tasks (*ridiculously mind-numbing, fantastic effort needed*, etc.)

Most children are familiar with at least a few fairy tales. These stories are shared folk tales that are passed down to children all around the world. They are often moralistic, told to instill values. Most fairy tales can be divided into a few broad categories, although some bleed into multiple categories. Fairy tales are traditionally shared orally or read from books, but many have been adapted into films or television shows.

#### Types of fairy tales

##### Animal Tales:

A large number of fairy tales feature animals prominently. Many of these stories are quite old and might also be considered folk tales or fables. The animals in these stories can often talk and act like people. They are used to convey simple morals as the animals are symbolic of abstract ideas. Such stories as "Cat and Mouse in Partnership," "The Billy Goats Gruff" and any of Aesop's fables fall into this category.

##### Tales of Magic:

One motif that figures prominently in a large number of fairy tales is magic. Most fairy tales present some magical or fantastic element, but these stories are ones where the narrative is centered on magical elements. Well-known stories, such as "Rumpelstiltskin" and "The Princess and the Frog," feature magic spells and supernatural elements. In some cases, a magical force imprisons characters, while in others; magic seems to be a device to move the story forward.

##### Monster stories.

In monster stories, the protagonist encounters some sort of ghoul, ogre, witch or troll. These monsters are invariably the antagonist and present an obstacle that the hero must overcome. Stories like "Jack and the Beanstalk" and "Hansel and Gretel" fall into this category. Monsters may represent punishment for disobeying an authority figure or a general threat that children should be wary of.

Tales in different countries could be similar and have similar plots. But there are tales that have different history, language, character. However all tales teach us to be kind, friendly and honest and give us a moral lesson. Through the comparative analysis of the thoughts, behavior, self-evaluation of the characters, which they undertake, the students realize that there are more common than differentiating features in our folklore.

#### **REFERENCES:**

1. Bagg, M. B. (1991). Folk literature in the foreign language classroom. Paper presented at the Meeting of the Indiana Foreign Language Teachers Association (Indianapolis, IN, October 25, 1991).
2. De Blécourt, Willem. Tales of Magic, Tales in Print. Manchester: Manchester University Press, 2012.
3. Ockey, G., & Ogden, D. (1997). Tapping Student Interest with Fairy Tales.

## MAKTAB BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARIDA ERKIN FIKRLASHNI SHAKLLANTIRISH

**Abidanova O.N.– Toshkent shahar 201-o‘rta maktab o‘qituvchisi**

***Annotatsiya:** Maqolada boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida erkin va mustaqil fikrlashni shakllantirish uchun o‘qish darslarida sujetli matnlar, hikoyalar hamda ertaklar yozish haqida topshiriqlar berish, o‘zgalarning fikrlarini idrok etish, o‘z fikrini asoslab berish imkoniyatiga ega bo‘lish, hududiy, mahalliy va xalqaro darajada turli muammolarni yecha oladigan o‘quvchilarni tarbiyalashga doir tafsiyalar keltirilgan.*

***Kalit so‘zlar:** boshlang‘ich ta‘lim, o‘quvchi, didaktik layoqat, tanqidiy fikr, texnologiya, komponent, jarayon, foydalanish, o‘quv vazifalari.*

*Статья посвящена раскрытию дидактических возможностей формирования у учащихся начальных классов навыков критического мышления как важное условие повышения качества и эффективности обучения. Также рассматриваются основные компоненты учебной работы, способствующие формированию критического мышления у детей младшего школьного возраста.*

***Ключевые слова:** начальное образование, ученик, дидактические возможности, формирование, критическое мышление, технология, компоненты, процесс, использование, сюжетные тексты, учебные задания.*

*This article is devoted about the formation of didactic possibilities in the primary classes of critical thinking skills as an important condition for improving the quality and effectiveness of training. There are discussed about the main components contributing to the formation of critical thinking among students in primary schools.*

***Key words:** primary education, student teaching opportunities, formation, critical thinking, technology, components, process, use, narrative texts, educational buildings.*

Ma'lumki har bir shaxs dunyoni anglashi, hayot va jamiyat qonuniyatlarini har tomonlama idrok etishi, yer yuzidagi turli xalqlar va millatlar dunyoqarashi, g'oyasi, maslak-muddolarini bilish uchun ham tanqidiy fikr yurita olishi davr talabi bo'lmoqda. Chunki, bugungi zamonda har qanday raqib va muxolif bilan bahsga kirishishi uchun har bir inson tanqidiy fikrlay olishi zarur.

Demokratik jamiyatda bolalar, umuman har bir inson erkin fikrlaydigan etib tarbiyalanadi. Agar bolalar erkin fikrlashni o'rganmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar. Albatta, bilim kerak. Ammo, bilim o'z yo'liga. Mustaqil fikrlash ham katta boylikdir [1, 49].

Tanqidiy fikrlash, deganda tahliliy fikrlash, ya'ni mustaqil, variativ, puxta o'ylangan fikr tushuniladi. O'quvchilarda bunday nuqtayi nazarining shakllanishi ta'lim sifati va samaradorligini sezilarli darajada oshiradi. Chunki, bu nuqtayi nazar ongli, reflektiv bo'lib, o'quvchi shaxsining muloqotga kirisha olish ko'nikmalarini rivojlantiradi.

Tanqidiy fikr – bu qo'yilgan masala yoki muammo yuzasidan o'z fikrini bayon qilish, o'zgalarning fikrlarini tanqidiy qayta idrok etish, o'z nuqtayi nazarini asoslab berish va saqlab qolish imkoniyatiga ega bo'lishga asoslangan.

Tanqidiy tafakkur – bu narsa, voqea va hodisalarning alohida belgilab olingan tarzda o'rganilishidir. Bu jarayon o'rganilishi taqozo qilinayotgan narsa yoki hodisani aniqlashdan boshlanadi. Shundan keyin dalillarni erkin tanlash hamda fikrlashning turli variantlarini tahlil qilishga kirishiladi. Jarayon yakunida esa, haqqoniy fikrlashga asos bo'ladigan dalillarga e'tibor qilinadi. Shundan keyin o'quvchilar aniqlangan dalillar va chiqarilgan hukmlarni o'zaro qiyoslaydilar. Shu tariqa shaxsiy hukm chiqarish uchun asos bo'ladigan fikrlar yig'indisi vujudga keladi. Bunda o'qituvchi o'tilayotgan mashg'ulotning maqsadini aniq qo'yishi lozim. U

o'quvchiga nimani o'rgatishni xohlaydi? Mazkur savolga o'qituvchining javobi tayyor bo'lishi kerak [1, 61].

Ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchi shaxsini tanqidiy fikrlashga o'rgatishning didaktik imkoniyatlari keng bo'lib, o'quvchilar qanday tanqidiy fikrlashlari haqida o'qituvchi aniq tasavvurga ega bo'lishi zarur. O'qituvchining bu tasavvuri o'quvchilarni tanqidiy fikrlashga yo'naltirilgan mashg'ulotlarning samarali tashkil etilishini ta'minlaydi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tanqidiy fikrlashni shakllantirish uchun o'qish darslarida sujetli matnlar, hikoyalar hamda ertaklar yozish haqida topshiriqlar berish mumkin. Ayniqsa, sujetli matnlar yozdirish haqidagi topshiriqlar muhim ahamiyatga ega. Bunday topshiriqlar o'quvchilar uchun qiziqarli bo'lishi bilan bir qatorda, ularda tanqidiy fikrlashni shakllantirish nuqtayi nazaridan juda foydali hamdir. Shu bilan bir qatorda, bu tipdagi topshiriqlar aksariyat o'quvchilarda badiiy asarlarni o'qish, ularni tahlil qilishga qiziqish uyg'otadi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tanqidiy fikrlashni shakllantirish uchun o'zaro aloqador bog'lanishli mavzular tanlash ham muhim ahamiyatga ega. O'quvchi "tanqidiy fikrlash" so'zini eshitganda unda qanday taasurotlar hosil bo'lishini o'qituvchi savollar yordamida aniqlab olishi lozim. O'quvchilarga o'qituvchi shunday savollar bilan murojaat qilishi mumkin: "Hech narsaga ishonmaydigan odam qanday odam?", "Muayyan axborotlar oqimida faqat kamchiliklarni ko'ra oladigan odamlar qanday kishilar?" va shu kabi. Vaziyatni yoki matnlarni tahlil qila oladigan o'quvchi turli manbalarga murojaat qiladi [2, 73].

O'quvchilarda tanqidiy fikrlashni shakllantirishda matnni ohangga rioya qilgan holda o'qish mashg'ulotlari ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda o'quvchilar matndagi ijobiy hamda salbiy qahramonlarni ajratib, ularni tavsiflashga o'rganadilar.

Har bir qahramonga tavsif berilayotgan o'rinlarni alohida ohang bilan o'qiydilar, ularning o'qish ohangidan asar qahramonlariga nisbatan munosabatlari oydinlashsa, to'xtamli o'qishda matndagi har bir abzas o'quvchilar tomonidan tahlil qilinadi. Xuddi shu vaziyatda o'quvchilarda tanqidiy fikrlash elementlari tarkib topa boshlaydi. O'quvchilardagi tanqidiy fikrlash ko'nikmalari muayyan asar yoki matnda qanday darajadagi qahramonlar borligini anglab yetishga ko'maklashadi. Bu esa, o'quvchilarni turli vaziyatlar va qahramonlarga obyektiv baho berishga undaydi. O'quvchilar tanqidiy fikrlash tufayli salbiy nuqtayi nazarlar ijobiy holatlarni keltirib chiqarmasligini anglab yetadilar.

Har bir mashg'ulot yakunida erishilgan natijalar sarhisob qilinishi talab etiladi. Sarhisob qilish jarayonida: – dalillarni aniq hisobga olish; – olingan natijalarga tayangan holda yangi mavzu yoki o'quv vaziyatini rejalashtirish; – o'quvchilarning o'zlashtirishlari uchun qulay bo'lgan axborot va dalillarni tizimlashtirish; – tanqidiy fikrlashga mos kelmaydigan mezonlar va xulosalardan voz kechish; – o'qituvchi o'zining tajribasi, nuqtayi nazari va qarashi doirasida o'quvchilarning tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini takomillashtirishga yo'naltirilgan yangi o'quv vaziyatlarini tashkil etishi nazarda tutiladi.

Tanqidiy fikrlash bahsli - tortishuvlarga sabab bo'ladigan muammolarni yechishga qaratilganligi sababli, o'quvchilarda tinglash, o'zgalar fikrini bo'lmaslik, unga tanqidiy ko'z bilan qarash, taqqoslash, o'zaro bir-biri bilan fikr almashish, tegishli hukm chiqarishga e'tiborni qaratish lozim bo'ladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Karimov I.A. Yoshlarimiz – xalqimizning ishonchi va tayanchi. – T.: "Ma'naviyat", 2006.
2. Бурханова Г. Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчилари ва амалиётчи психологлари учун психологик-педагогик ташхис дафтари юзасидан тавсиялар. –Т., 2005.

## TILSHUNOSLIKDA NUTQ USLUBLARINING TADQIQI

**Abrayeva Bahoroy Javliyevna**  
**Termiz davlat universiteti magistranti. [umidahope943@gmail.com](mailto:umidahope943@gmail.com)**  
**Tel: +998997167057**

**Annotatsiya:** *Uslubiyat tilshunoslik fanining bir bo'limi bo'lib, nutq jarayonida til hodisalarining maqsadga, sharoitga va muhitga mos ravishda foydalanish qonuniyatlari bilan tanishtiradi. Ushbu maqolada uslubiyatda uslublar, til vositalarining nutqda qo'llanish yo'llari, fonetik, lug'aviy, frazeologik va grammatik birliklarning qo'llanish xususiyatlari yoritib berilgan.*

**Tayanch so'zlar:** *nutq, ilmiy uslub, badiiy uslub, so'zlashuv uslubi.*

**Аннотация:** *Методология – это раздел языкознания, который вводит законы употребления языковых явлений в речи в соответствии с целью, контекстом и средой. В данной статье описаны приемы в методике, способы использования языковых средств в речи, особенности употребления фонетических, лексических, фразеологических и грамматических единиц.*

**Ключевые слова:** *речь, научный стиль, художественный стиль, разговорный стиль.*

Tilshunoslikning nisbatan yangi sohasi sanaladigan stilistika – uslubshunoslik til birliklarining aloqa vositasi sifatida muomala jarayonida turli soha va vaziyatda qo'llanishi, nutqni [tashkil qilish qonuniyatlari](#), til tizimidagi barcha vositalarning nutq jarayonidagi imkoniyatlari va ma'no nozikliklarini aniqlash bilan shug'ullanadi. O'zbek adabiy tilida quyidagi asosiy nutq uslublari bor. So'zlashuv uslubida ham, kitobiy uslubda ham ishlatiladigan so'zlar uslubiy betaraf so'zlar hisoblanadi: *suv, tog', bola, xat*. Quyida ingliz tili misolida ham namunalar keltirilgan:

**Examples for formal speech style:** *announcements, SONA, welcome addresses, etc.*

**Examples for casual speech style:** *phone calls, everyday conversation with friends, chats, inside jokes of friends, etc.*

**Examples for consultative speech style:** *regular classroom discussions, doctor-patient, etc.*

### 1. So'zlashuv [uslub](#)

Keng qo'llanadigan uslublardan biri so'zlashuv uslubidir. Bu uslubda ko'pincha adabiy til me'yorlariga rioya qilinadi. So'zlashuv uslubidagi nutq ko'pincha dialogik shaklda bo'ladi. Ikki yoki undan ortiq shaxsning luqmasi dan tuzilgan nutq dialogik nutq deyiladi.

So'zlashuv uslubida ko'pincha turli uslubiy bo'yoqli so'zlar, grammatik vositalar, tovushlarning tushib qolishi, orttirilishi mumkin: Obbo, hamma ishni do'ndiribsiz-da. Mazza qildik. Ketaqo-o-ol!

### 2. Ilmiy uslub

Fan-texnikaning turli tarmoqlariga doir ilmiy asarlar, darsliklar ilmiy uslubda yoziladi. Ilmiy uslub aniq ma'lumotlar asosida chiqarilgan ilmiy xulosalar (qoidalar, ta'riflar)ga boy bo'lishi bilan boshqa uslublardan farq qiladi: Yomg'ir - suyuq tomchi holiday atmosferaga yog'ini. Tomchining diametri 0,5-0,6 mm bo'ladi.

Ilmiy uslubda har bir fanning o'ziga xos ilmiy atamalaridan foydalaniladi, bu uslubda so'zlar o'z ma'nosida qo'llanadi, qoida yoki ta'rifning mazmunini ochishga xizmat qiladigan ajratilgan bo'laklar, kirish so'zlar, kirish birikmalar, [shuningdek](#), qo'shma gaplardan ko'proq foydalaniladi.

### 3. Rasmiy-idoraviy uslub

Davlat idoralari tomonidan chiqariladigan qarorlar, qonunlar, [nizomlar](#), xalqaro hujjatlar rasmiy-idoraviy uslubda yoziladi. Ariza, tilxat, ma'lumotnoma, chaqiruv qog'ozi, taklifnoma, shartnoma, tarjimai hol, e'lon, [tavsifnoma](#), dalolatnoma, hisobot kabilar ham shu uslubda yoziladi. Bunday uslubdagi hujjatlar qisqa, aniq, barcha uchun tushunarli qilib tuziladi. Bu uslubning asosiy belgisi: jummalarning bir qolipda, bir xil shaklda bo'lishi. Bu uslubda ham so'zlar o'z ma'nosida qo'llanadi, ko'pchilikka ma'lum bo'lgan ayrim qisqartma so'zlar [ishlatiladi](#), har bir sohaning o'ziga xos atamalaridan foydalaniladi. Rasmiy-idoraviy uslubda ko'pincha darak [gaplardan](#), qaror, buyruq, ko'rsatma kabilarda esa buyruq gaplardan ham foydalaniladi.

### 4. Ommabop (publitsistik) uslub

Tashviqot-targ'ibot ishlarni olib borishda qo'llanadigan uslub, ya'ni matbuot uslubi ommabop uslub hisoblanadi. Bu uslubda ijtimoiy-siyosiy so'zlar ko'p qo'llanadi. Nutq ta'sirchan bo'lishi uchun ta'sirchan so'z va birikmalardan, maqol va hikmatli so'zlardan ham foydalaniladi. Bunday uslubda gap bo'laklari odatdagi tartibda bo'ladi, kesimlar buyruq va xabar maylidagi fe'llar bilan ifodalanadi, darak, his-hayajon va ritorik so'roq gaplardan, yoyiq undalmalardan, takroriy so'z va birikmalardan unumli foydalaniladi: Azamat paxtakorlarimiz mo'l hosil etishtirish uchun fidokorona mehnat qilishyapti.

### 5. Badiiy uslub

Badiiy asarlar (nazm, nasr va dramatik asarlar) badiiy uslubda bo'ladi. Badiiy asar kishiga ma'lumot berish bilan birga, timsollar (obrazlar) vositasida estetik ta'sir ham ko'rsatadi: O'lkamizda fasllar kelinchagi bo'lmish bahor o'z sepini yoymoqda. Badiiy uslubda qahramonlar nutqida oddiy nutq so'zlari, sheva, vulgarizmlardan ham foydalaniladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

- Allan M. Siegal and William G. Connolly. *The New York Times Manual of Style and Usage: The Official Style Guide Used by the Writers and Editors of the World's Most Authoritative Newspaper* (2002)
- Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе. М., 1971
- Бойкова Н.Г., Беззубов А.Н., Коньков В.И. Публицистический стиль. СПб, 1999

## AKMEOLOGIK YONDASHUV ASOSIDA KASBIY MAHORATNI RIVOJLANTIRISH

**Berdibekova Feruza Abdumannob Qizi**  
ADU, “Umumiy pedagogika” kafedrasida o‘qituvchisi

**Annotatsiya:** Zamonaviy tafakkur rivojida akmeshaxs qiyofasiga axloqiy munosabat zarur. Zero, yurt ravnaqi, millat rivoji, barqarorligini akmeshaxslarsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Demak, O‘zbekistonda barkamol avlod tarbiyasida jismoniy, aqliy, ma‘naviy jihatlar kabi uch asosiy jihatga e‘tibor berish o‘ta muhim va dolzarb masala bo‘lib, ijtimoiy jarayonlarning faol kechishida muhim omillardan hisoblanar ekan, shaxsning intellektual boy, yuksak ma‘naviyatli akmeshaxs bo‘lib yetishishi «vaqt o‘zagi» elagidan o‘tgan ma‘naviy merosga bog‘liqligi yoshlar ongiga singdirib borilishi lozim.

**Annotation:** In the development of modern thinking it is necessary to take a moral approach to the image of the country, the development of the nation, the stability can not be imagined without the individual. It is important to instill in the minds of young people that the development of an individual into an intellectually rich, highly spiritual acme person depends on the spiritual heritage that has passed through the “core of time”.

**Аннотация:** В развитии современного мышления необходимо нравственно подходит к образу личности. Для развития страны, развития нации, стабильности невозможно представить без личности. Важно прививать сознание молодежи о том, что развитие личности в интеллектуально богато, высокодуховно акмечеловек зависит от духовного наследия, прошедшего через «ядро времени».

**Kalit so‘zlar:** Akmeologiya, «akme», maksimal yetuklik, fenomenologiya, yuksak cho‘qqi, akmeologik moyillik.

**Keywords:** Acmeology, “acme”, maximum maturity, phenomenology, high peak, acmeological predisposition.

**Ключевые слова:** Акмеология, «акме», максимальная зрелость, феноменология, высокий пик, акмеологическая предрасположенность.

Akmeologiyaning ilmiy muomalaga kirib kelishiga asos solgan psixolog B.G.Ananiyev, «Insonning ruhiy bilish rivoji markazida dastlabki va so‘nggi ontogenez, «chetroqda» esa insonning ko‘proq ijodiyroq, samaraliroq ijtimoiy-faol hayot fazasi bo‘lishi mumkin» deydi. Albatta, bu jarayonlarning barchasi, shaxsning individual-ruhiy rivoji haqidagi yagona ilmiy-nazariy g‘oyaning maxsus fundamental ishlab chiqarilgan, o‘smirlik va yetuklikning yosh psixologiyasi qismisiz mavjud bo‘la olmaydi, degan nazariyalar ham yo‘q emas. Shu bois, akmeologiyaning predmeti individ, shaxs individual faoliyatining barcha sohalarida erishgan maksimal yetukligi bo‘lmog‘i lozim. (A.A.Bodalyev, N.V.Kuzmina, A.A.Derkach va boshq), degan qat‘iy konsepsiya yuzaga keldi.

Maksimal yetuklik individ, shaxs rivojining cho‘qqisi va individual faoliyat bilan bog‘liq ekan, demak ana shu cho‘qqi yunonchada «akme» deyiladi va bu soha akmeologiya deb yuritiladi. Shu bilan birga, «akme»da insonning faoliyati bilan bog‘liq holatlar ham nazarda tutiladi. Jumladan, shaxsning «yulduzli» onlari yoki shunga yaqin jarayonlar, ya‘ni biror-bir sohada erishgan oliy yutuqlari (N. V.Kuzmina).

Zamonaviy ilm-fanda insoniy yuksakliklarning «akme» kategoriyasi bilan bog‘liq bir necha talqinlari mavjud. Jumladan, birinchi, «akme» — bu qisqagina hayot kesimini qamrab olsada, ko‘p qirrali holat bo‘lib, insonning har doim jamiyatda qanchalik o‘z o‘rniga ega ekanligi, uning biror-bir soha mutaxassisi sifatida olib borayotgan salmoqli faoliyati, shaxs sifatida esa uni o‘rab turganlar bilan olib borgan ijtimoiy aloqasida qanchalik boy yoki qashshoqligi, turmush o‘rtiq va ota-ona sifatida tayyorlik darajasi bilan bir qatorda yaxshi tomonga o‘zgara olish darajasi va eng



yashirin ezgu qobiliyatlarini ham ko'rsata olish darajasiga ham bog'liqdir. Yunonlar, insonning nimagaki qodir bo'lsa, qobiliyati va imkoniyati qirralarini ko'rsatishga xizmat qiladigan barcha yetuklik belgilari namoyon bo'lgan umrining shu qismini «akme» deb o'ylaganlar.

«Akme» — yunoncha («yuksalish», «cho'qqi») kamolot, yuksalish, yetuklik ma'nolarini anglatadi. Akmeolog mutaxassislar shaxsning yuksak professionalizmi va ijodiy mahorati muammolarini oqilona yechishni muhim inson resurslaridan foydalanishda deb bilmog'dalar.

Yetakchi faylasuf olim Xatima Shayxova bu borada: «Akmeologiya — zamonaviy yangi fan. Uning muhim vazifasi muayyan kasb-korlikning yuksak pog'onaga ko'tarilishidagi turli jihatlarini o'rganishdir. Akmeologiyaning mazmun-mohiyati — insonning har bir kasb-hunarni bilim orqali chuqur egallashi, uning jamiyat rivoji, millat ravnaqi, turmush farovonligi hamda ijtimoiy taraqqiyotning iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy-huquqiy jihatlariga ijobiy ta'sirini kuchaytirishga xizmat qilishini chuqur anglashi, o'z ijodiy faoliyatini, kasb-hunar sohasidagi burch va mas'uliyatini ado etishga sarflash maqsadida mukammallik va kamolotga erishishni o'rganishdan iborat», deydi. Bizningcha esa, akmeologiya tabiiy, umumjamo'a va insoniy qoidalar asosida nafaqat kasbiy mahoratning yuksak muvaffaqiyatga erishishi, balki insonning yetuklik bosqichida ham ruhan, ham ijtimoiy rivojlanish qonunlari va mexanizmlari, ijtimoiy, ruhiy yuksaklikka erishish darajalari fenomenologiyasini o'rganish haqidagi fandır.

Yuqoridagi xulosalardan kelib chiqqan holda, «akme» tushunchasini albatta yuksak cho'qqi, avj nuqta, eng oliy hissiyotlar (A.Maslou), deyish mumkin. Akmeologiyadagi asosiy iboralardan biri «akmeologik moyillik» iborasi bo'lib, ushbu tushuncha shaxsning intiluvchanlik xossasini anglatadi. Rivojlangan mamlakatlarning asosiy takomillashuv mexanizmi raqobat bo'lib, u insonni doimo yuksaklik, komillikka, barkamollikka undaydi. Bu jihat akmeologiyada milliylik va umuminsoniylikning o'zaro dialektik munosabatlarini shakllanishiga olib keladi.

Akmeologiya inson kasbiy faoliyati doirasidagi professionallik va ijodiylikning akme shaklining rivojlanishi uchun zarur. Qonuniyatlarni o'rganuvchi fan bo'lgani uchun «akmeologiya» atamasining mazmuni, mohiyati insonshunos olimlar tomonidan turli bahs va munozaralarni keltirib chiqarmoqda. Buning boisi, birinchidan, akmeologiya sohasida ilk davrlarda xususan pedagoglar, psixologlar tomonidan chop etilgan ilmiy asarlar, etika ixtisosligi bo'yicha olib borilgan tadqiqot ishlari fanning u yoki bu jihatlarinigina qamrab olganligi sababli ayrim tushunmovchiliklarni keltirib chiqardi.

Izoh. Bugungi kungacha akmeologiya sohasida olib borilgan tadqiqot ishlari shaxsning psixologik xaritasi, uning xarakter xususiyatlarini aniqlash hamda uning u yoki bu sohaga qiziqishini alohida o'rganishga qaratilgan. Umuman olganda, hozirgi globallashuv davrida jamiyatimiz o'zining yuksak rivojlanish nuqtasi, fuqarolik jamiyatini barpo etishga yaqinlashmoqda. Bu esa ayni paytda akmeologiyaning asosiy kategoriyalaridan mukammallik, yuksaklik, oliy daraja kabi tushunchalar kundalik turmushda ishlatilib kelingan bo'lsa-da, ijtimoiy-falsafiy va axloqiy nuqtayi nazardan maxsus ilmiy-tadqiqot sifatida to'la o'rganilmagan.

«Akmeologiya», agar ularni hududga moslashtirilsa, insonshunoslikdagi barcha tajribalardan o'zining yuqori samaradorligi va ta'lim berishdagi ayrim qulayliklari bilan ajralib, o'quv jarayonining sifatini pedagogik mahoratdan ozod qiladi va ta'lim-tarbiya jarayonining faqat yaxshi va a'lo darajada bo'lishligini kafolatlashi bilan birga, uni qaytadan tiklash imkonini beradi. Umuman olganda, B.G.Ananyevning fikriga ko'ra, «Insonning ruhiy bilish rivoji markazida dastlabki va so'nggi ontogenez, «chetroqda» esa insonning ko'proq ijodiyroq, samaraliroq ijtimoiy-faol hayot fazasi bo'lishi mumkin» va bularning barchasi, shaxsning individual-ruhiy rivoji haqidagi yagona ilmiy-nazariy g'oyaning maxsus fundamental ishlab chiqarilgan, o'smirlik



va yetuklikning yosh psixologiyasi qismisiz mavjud bo'la olmaydi. Shu bois, akmeologiyaning predmeti individ, shaxs individual faoliyatining barcha sohalarida erishgan maksimal yetukligi bo'lmog'i lozim.

Abu Rayhon Beruniyning «Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar» asarida akmeologik qarashlar yaqqol namoyon bo'ladi. Shuningdek, Abu Nasr Forobiy, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshg'ariy, kabi allomalar asarlarida tariximiz va madaniyatimiz yorqin ravishda ko'zga ko'rinadi.

IX—XII asrlarda va undan keyingi davrlarda mintaqamiz tarixiga oid solnomalar va risolalar talaygina yaratildi. Bular orasida «Buxoro tarixi», «Kesh va Nasaf o'tmishi», «Samarqand tarixi», «Xorazm tarixi» kabi u yoki bu hudud o'tmishi, aholi turish-turmushi, siyosiy ijtimoiy ahvoli to'g'risida katta-kichik asarlar vujudga keldi.

Mahmud Qoshg'ariyning uch jildlik «Turkiy so'zlar lug'ati» o'zbek va boshqa turkiy tillar tarixini o'rganishdagi muhim manbadir. Akademik B.Axmedovning «O'zbekiston xalqlari tarixi manbalari» kitobida o'lkamiz tarixiga oid o'rta asrlarda yaratilgan yetmish olti asarga izohlar beriladi. Vatanimiz tarixini chuqurroq o'rganishda «Nizomul-mulkning «Siyosatnomasi», An-Nasaviyning «Sulton Jalolliddin Manguberdi», Sohibqironning «Temur tuzuklari», Ali Yazdiyning «Zafarnomasi» Mirzo Ulug'bekning «To'rt ulus tarixi», Zahiriddin Boburning «Boburnoma», Abulg'ozixonning «Shajarayi turk», M.Solihning «Shayboniynoma» asarlari ham muhim manbadir.

Markaziy Osiyoda IX—XII asrlar fan va madaniyatning yuksalishi, «uyg'onish», «tiklanish» ma'nosidagi renessans jarayoni bilan ifodalanishi mumkin. Bunday holat m a'lum bir davrdagi alohida jamiyatning «akme»sini ifodalabgina qolmay, balki moddiy va ma'naviy taraqqiyotga erishish omillarini ham ko'rsatadi. XX asr boshlarida Turkistonda ijtimoiy-siyosiy oqim sifatida paydo bo'lgan jadidchilik harakati davri tafakkur rivoji insonlar ongida yuksaklik, beqiyoshk, konhlik kategoriyalarining shakllanishiga olib keldi.

Jadidchilik harakatining fidoyilaridan Mahmudxoja Behbudiy, Abdurauf Fitrat, Munawar qori Abdurashidxonov, Abdulla Avloniy, Abdulla Qodiriy, Hamza Hakimzoda Niyoziyning nazariy qarashlarida ikkita muhim xususiyat ko'zga tashlanadi: mustahkam irsiy ildiz hamda Sharq va G'arb ma'rifatchilari, faylasuflarining nazariy merosini egallashga intilish, ular mamlakatni taraqqiyot yo'liga olib chiqishning garovi, G'arb va Sharq madaniyatlarini uyg'unlashtirib, xalqning ko'zini ochish va shu asosda mukammal jamiyatga ega bo'lish g'oyasi tafakkur rivoji insonlar ongida yuksaklik, beqiyoslik, komillik tushunchalarining shakllanishiga olib keldi.

Umuman olganda, Sharq mutafakkirlarining qarashlarida kasb egallashda kamolotga erishish bilan birga uning ma'naviyaxloqiy fazilatlar bilan chambarchas bog'liqligi haqida so'z boradi. G'arb tarixiy tafakkurida akmeologik nazariyalar N.A.Ribnikov tomonidan ilmiy muomalaga kiritilgan bo'lsa-da, V.G.Ananyev tomonidan shakllantirilgan va A.A.Bodalyev tomonidan rivojlantirilgan. Zamonaviy akmeologiyaning vakili rossiyalik psixolog, akademik A.A.Derkachning ilmiy izlanishlari bu fanni institusional bosqichga ko'tardi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. Tillayeva G.H, Akmeologiya asoslari. O'quv qo'llanma.- T.: "Tafakkur bo'stoni" nashriyoti. 2014 y.
2. Xodjayev B.X. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti. Darslik — T.: Sano-Standart, 2017 y.
3. Ro'ziyeva D.L, Tolipov O'.Q. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. -T.: Innovatsiya-Ziyo, 2019 y.
4. Abdullayeva Sh.A, Ro'ziyeva D.I. Pedagogik diagnostika va korreksiya. .

## BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA MATEMATIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH AMALLARI

Aripova Z.F.– Toshkent shahar 201-o'rta maktab o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Maqolada inson aqliy faoliyatida juda muhim bo'lgan tafakkur va tafakkurning bir qismi bo'lgan matematik tafakkur yoritilgan. Matematika fanini o'rgatish jarayonida tafakkur amallariga tayangan holda matematik tafakkur amallarini sodda va tushunarli qilib ko'rsatib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Tafakkur, fikr, nutq, analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish, boshlang'ich sinf.

**Аннотация:** В статье описывается умственная деятельность человека и математическое мышление, которое является очень важной частью психической деятельности человека. В процессе преподавания математики основывается на мыслительные процессы математического мышления способы решения представлены простым и понятным способом.

**Ключевые слова:** мышление, мысль, речь, анализ, синтез, сравнение, обобщение, начальный класс.

**Annotation:** In this article it is stated about the most important contemplation in human's mental activity and the mathematic intelligence which is a part of contemplation. In the process of teaching mathematics mathematical intelligence methods shown very simple and understandable leaning on the contemplative practice.

**Key words:** contemplation, idea, speech, analysis, synthesis, comparison, generalization, elementary class.

Inson o'z atrofidagi olamda bo'lgan buyumlar va hodisalarni ongli ravishda idrok qiladi, ongli ravishda eslab qoladi hamda esga tushiradi va ongli ravishda harakat qiladi.

Sezgi va idroklarga, xotira va tasavvurlarga nisbatan tafakkur odamlarning bilish va amaliy faoliyatida alohida ahamiyatga ega. Odamlarning bilish va amaliy ehtiyojlari, tevarak-atrof va hayot to'g'risidagi o'z bilimlarini yanada kengaytirish va chuqurlashtirishga intilishi tafakkur qilish faoliyatini vujudga keltiradi va bu faoliyatni kuchaytiraveradi. Shu sababli tafakkur qilish jarayonlarining muayyan maqsadga qaratilgan bo'lishi shu jarayonlarning muhim xususiyatidir.

Sharq mutafakkirlari o'z asarlarida bilish hamda inson aqliy tafakkuri masalalariga alohida o'rin bergan bo'lib, Abu Rayxon Beruniy quyidagi fikrni ilgari suradi: Inson narsa va hodisalarning faqat tashqi sifati hamda xususiyatlari haqida bilim olmay, balki tafakkuri, aqli tufayli narsa va hodisalarni taqqoslaydi, bir-biri bilan solishtirib ko'radi, o'z bilimlarining chinligini aniqlaydi [1, 7.].

P.I.Ivanovning darsligida "Tafakkur insonning shunday aqliy faoliyatiki, bu faoliyat voqelikni eng aniq, to'g'ri, to'liq, chuqur va umumlashtirib aks ettirishga (bilishga), insonning yanada oqilona amaliy faoliyat bilan shug'ullanishiga imkon beradi" deb ta'riflanadi. Bu ta'rifda tafakkurning aniq, umumlashtirilgan va to'liq bo'lishi ta'kidlanadi [2, 351].

Tafakkur tushunchasiga to'laroq ta'rif esa O.K.Tixomirov darsliklarida bo'lib u quyidagicha ta'riflanadi: "Tafakkur - bu o'z mahsuloti bilan voqelikni umumlashtirib, bivosita aks ettirishni xarakterlaydigan, umumlashtirish darajasi va foydalanadigan vositalariga hamda o'sha umumlashmalar yangiligiga bog'liq ravishda turlarga ajratishdan iborat jarayon, bilish faoliyatidir". Bu ta'rif yuqoridagi ta'riflarga nisbatan kengroq ochib berilgan, ammo tafakkur muammosiga yangicha yondashuvlarning paydo bo'lishi ta'rifni yanada mukammalroq qilishni taqozo qilmoqda.

Tafakkur insonning shunday aqliy faoliyatidirki, bu faoliyat voqelikni eng aniq (to'g'ri), to'liq, chuqur va umumiyashtirib aks ettirishga (bilishga), insonning yanada oqilona amaliy faoliyat bilan shug'ullanishiga imkon beradi.

Yuqoridagi fikrlardan xulosa qiladigan bo'lsak, tafakkur - fikr yuritish faoliyati, anglab olingan bilimlar, fahmlilik, sinchkovlilik, aql mezoni, ... Demak, tafakkur bu atrofimizdagi voqea hodisalarni umumlashgan holda aks ettiruvchi jarayon bo'lib, yangilik ochishga yo'naltirilgan aqliy faoliyatdir.

Matematik tafakkur - bu ob'ektiv borliqni inson ongida aks ettirilib, matematik qonuniyatlar asosida qayta ishlanib, umumlashtirilib, aniq dalillarga tayanib, tilda sodda va ma'noli ifodalanishidir. Matematikani o'qitish jarayonida o'quvchilarning matematik tafakkurini rivojlantirish juda muhimdir.

Aqliy tafakkur uzoq muddat hamda tinimsiz izlanish natijasida yuzaga keladi. Uning shakllanishida ilmiy qarash va e'tiqod o'ziga xos o'rin tutadi [3,233]. Ma'lumki, tafakkur - bu insonni o'rab turadigan muhitdagi narsa va hodisalarni analizatorlar yordamida umumlashtirib tushuntira bilish va uni tilga olib chiquvchi jarayon hisoblanib, matematikani o'rganish jarayonida shu analizatorga suyangan holda hamda, tafakkur amallari-analiz va sintez, taqqoslash, abstraksiya, umumlashtirish, konkretlashtirish, tasniflash, sistemalashtirish asosida matematik masalalar o'rganiladi va ular matematik qonuniyatlar asosida bajarilishi nazorat qilinadi. Insonning aqliy faoliyatida bu operatsiyalar bir-biriga bog'liq bo'lib, birdamlikda davom etadi.

Matematik tafakkur amallarini kengroq va tushunarli tarzda ko'rib chiqamiz. **Analiz** - shunday tafakkur amalidirki, u yordamida berilgan muammoli vaziyat fikran yoki amaliy tahlil qilinadi. Masalan, biror masalani o'rganish uchun berilgan masalani sodda masalalarga ajratib, sodda masalada berilgan sonlar nimani bildiradi, berilgan terminlarning ma'nosi, berilganlardan foydalanib qanday ketma-ketlikda masala sharti bo'yicha natijaga qarab borish va to'g'ri natijaga erishish singari aqliy faoliyat yuritib analiz qilinadi.

**Sintez** yordamida biz masalalarning analizda ajratilgan ayrim bo'laklarini fikran yoki amaliy ravishda birlashtiramiz. Sodda masalalarni, ular orasidagi o'zaro bog'lanishli shartlarni yana bir-biriga mutanosib qilib birlashtirilsagina biror ma'noga ega masala hosil qilinadi.

Analiz va sintez amali quyidagicha aqliy faoliyat tizimining mahsulidir: a) berilgan masalani diqqat bilan o'qish; b) masalani sodda masalalarga ajratish (agar murakkab masala bo'lsa); v) berilgan sonlar nimani bildirishini anglash; g) terminlarning ma'nosini to'la tushunish; d) qanday ketma-ketlikda masala echimini qidirish; g) yuqoridagilardan to'g'ri xulosa chiqargan holda birlashtirib natijaga erishish.

**Taqqoslash** amali masalalarning bir-biriga o'xshashligi va bir-biridan farqini, teng yoki teng emasligini, ayniyat yoki ziddiyatlarini aniqlashdan iborat. Masalan, og'irlikni va uzunlikni o'lchash orqali, baland va pastni ko'rish orqali, o'xshash masala va misollar natijalarini kuzatish orqali solishtirish mumkin. Bundan farqli holda berilayotgan masalaning shartiga diqqat bilan e'tibor qilish shart. Masalaning ma'nosini to'g'ri tushunib tasavvur qilgan holda, qaysi qonuniyatga mos kelishi, qanday ketma-ketlikda qonuniyatni qo'llay olish to'g'ri tanlansa, taqqoslashda xatoliklar kamayadi.

**Umumlashtirish** - bu berilgan masala yoki misoldagi xossa, belgi, xususiyat, alomatlarni topish va shu umumiylik asosida ularni birlashtirishdir. Masalan, uchburchak, to'rtburchak, romb, trapetsiya, parallelogrammlarni umumlashtirib ko'pburchak, qo'shish, ayirish, ko'paytirish, bo'lishni umumlashtirib arifmetik amallar, planimetriya va stereometriyani birlashtirib geometriya singari iboralar bilan ifodalashimiz mumkin.

O'quvchilarda matematik tafakkurni shakllantirishda tafakkur amallarining bajarilishini boshlang'ich sinflardayoq e'tibor bilan o'rgatish orqali har qanday muammoli masalalarning echimini topa olishga yo'naltirishda ilk qadamlarni to'g'ri tanlagan bo'lamiz. Bu jarayonning bajarilishi orqali esa o'quvchilarning yuqori sinflardagi o'qish davri uchun asos bo'lib xizmat qilishiga erishamiz.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Beruniy Abu Rayxon. Tanlangan asarlar // III jild. –T.: Davlat nashriyoti, 1966.
2. M.E.Zufarova. Umumiy psixologiya. // T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010.
3. S.Burxonov, O'.Xudoyorov, Q.Norqulova, N.Ruziqulova, L.Goibova. Matematika // 3- sinf uchun darslik. - T.: Sharq, 2019.

## **ЭЛЕКТРОННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ В ОБУЧЕНИИ И ТРЕБОВАНИЯ К НИМ**

**Суярова Азиза Хуршид кизи**  
**Базовый докторант ТГПУ имени Низами**

***Annotation:** The article describes the requirements for expanding the information and educational environment and the use of electronic information and educational tools in education.*

***Key words:** Innovation, interactivity, multimedia, ICT, innovative education*

***Annotatsiya:** Maqolada axborot-ta'lim muhitini kengaytirish va ta'limda elektronik axborot- ta'lim vositalaridan foydalanishga qo'yiladigan talablar yoritilgan.*

***Kalit so'zlar:** Innovatsiya, interaktivlik, multimedia, AKT, innovatsion ta'lim*

***Аннотация:** В статье описаны требования к расширению информационно-образовательной среды и использованию электронных информационно-образовательных средств в образовании.*

***Ключевые слова:** Инновация, интерактивность, мультимедиа, ИКТ, инновационное образование*

Электронный информационный образовательный ресурс (ЭИТР) — научно структурированный, предназначенный для учащихся всех возрастов и уровней обучения, простой в освоении и преподавании набор электронных источников информации, сформированных в логической последовательности для изучения [53]. Мультимедийный электронный информационно-образовательный ресурс - электронный информационно-образовательный ресурс, дополняющий учебный материал, а его учебный материал включает в себя различные средства коммуникации - текст, графику, звук, видео. Примером мультимедийного электронного информационно-образовательного ресурса является видеоролик по определенной тематике (например, введение, физика, демонстрация лабораторных работ по химии, процесс роста растений и т. д.) [1].

Требования к электронным информационным образовательным ресурсам включают следующие компоненты [2]:

1. Педагогические требования.
  - 1.1. Дидактические требования;
  - 1.2. Методологические требования.

2. Функциональные требования.
3. Психофизиологические требования.
4. Эргономические требования.
5. Требования к дизайну.
6. Технические требования.
7. Требования к конструкции:
  - 7.1. Электронная структура учебника;
  - 7.2. Структура мультимедийного электронного информационного образовательного ресурса;

8. Минимальные требования к содержанию (структуре) электронных информационных образовательных ресурсов.

Дидактические требования. Созданный электронный информационно-образовательный ресурс (ЭИОО):

- полностью соответствует действующим государственным образовательным стандартам и учебным планам;
- интересность обучаемого и адаптивность его к уровню развития в обществе;
- максимально использовать достижения науки и техники для повышения уровня знаний в образовательном процессе;
- объем предоставляемого учебного материала должен соответствовать уровню знаний, навыков и умений, которые необходимо освоить;
- предоставить возможность учащимся рекомендованного класса изменять интенсивность предоставляемого учебного материала;
- предоставление специальных дополнительных блоков для одаренных учащихся в рамках ЕАТР (олимпийские выпуски, темы для Нобелевских премий и т.д.);
- удобный, простой, понятный, интуитивно понятный и соответствующий возрасту;
- максимально обогащен аудио, анимацией, картинками и подобными медиафайлами, чтобы сделать учебный материал более легким для освоения учащимся ;
- адаптироваться к уровню знаний обучающегося, работать в зависимости от уровня его подготовки, с учетом его эмоциональных и физических возможностей;
- отсутствие лишних элементов, отвлекающих обучающегося;
- обеспечение того, чтобы знания, способности и психологические характеристики учащегося соответствовали процессу обучения;
- создавать возможности для самоконтроля на любом этапе предмета; - уметь переносить материалы по теме на любой носитель и представлять их на диске;
- Наличие ключевых слов, дополнительной литературы, гиперссылок и вспомогательных функций при изучении науки;
- Должны быть учтены все психофизиологические и этногенетические особенности учащихся рекомендуемого класса.

#### 1.2. Методологические требования.

- Допускать разработку и обработку больших объемов учебного материала, использование графических интерпретаций для анализа полученных результатов;
- создать условия для самостоятельной учебы студента, при необходимости самостоятельного выполнения примеров, задач, лабораторных работ и заданий;
- разрешить учителю готовиться к урокам удобным для учителя способом (подготавливать слайды, текст, видео и т.д.);

- обеспечить систематичность, логическую последовательность, модульность и взаимообусловленность изучаемого учебного материала;

- необходимо дать учителю возможность контролировать уровень полученных учащимися знаний с помощью контрольных программ разной сложности (уровень сложности формируется). Определение качества процесса тестирования. Рекомендуется, чтобы создаваемые данные ЭИТР основывались на содержании требуемой информации, то есть по каждому предмету, на который можно ответить от одного до пяти. Требования к тестам или контролям [2]:

- обеспечение необратимости базы вопросов; - группировка вопросов по темам;

- Не ограничивайте количество вопросов по контролируемым темам; - Редактирование с помощью редакторов, что позволяет мне вносить изменения в вопросы и ответы;

- разрешить повторение результатов испытаний;

### ИСПОЛЬЗУЕМАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Бондаренко Е.А. Технологии медиаобразования

[library.ziyonet.uz/ru/book/26927](http://library.ziyonet.uz/ru/book/26927)

2. Зазнобина Л.С. Стандарт медиаобразования, интегрированного с различными школьными дисциплинами // Стандарты и мониторинг в образовании. - 1998.- N 3.- С. 26-34

## O'RTA TA'LIMNING BOSHLANG'ICH SINFI ONA TILI DARSLARIDA GRAFIK ORGANAYZERIARDAN FOYDALANISH

**Fazlitdinova G.A.– Toshkent shahar 201- o'rta maktab o'qituvchisi**

***Annotatsiya:** Mazkur maqolada boshlang'ich sinfi ona tili darslarida grafik organayzerlardan foydalanishning yo'llari ko'rsatilgan.*

***Kalit so'zlar:** ona tili, darslik, grafik organayzerlar, boshlang'ich sinfi, o'quvchilar, jarayon, metodlar.*

*В этой статье рассказывается, как использовать графические органайзеры на родном языке в начальной школе.*

***Ключевые слова:** родной язык, учебники, графические органайзеры, начальное класс, ученики, процесс, методы.*

*This article describes how to use graphic organizers in their native language in elementary school.*

***Keywords:** mother tongue, textbooks, graphic organizers, primary classes, students, process, methods.*

Ta'lim jarayoni izchil va o'ziga xos bir butun tizim bo'lib u ta'lim beruvchidan ketma-ketlikka ("osondan murakkabga" tamoyiliga) rioya qilishni talab etadi. Har qanday yangi mavzu o'tilgan avvalgi mavzularning mantiqiy davomi bo'lishi o'quvchilarga olgan bilimlariga suyanigan holda yangi mavzuni sifatli o'zlashtirish imkonini beradi. O'qituvchilar, odatda, darsning kirish qismida, bob, bo'lim, chorak yoki yil yakunida o'tilgan barcha mavzularni takrorlab mustahkamlash maqsadida turli usul va metodlarni qo'llaydilar. U yoki bu mavzu chetda qolib ketmasligi uchun o'qituvchi doim ikki yoki undan ortiq qo'shimcha usullardan foydalanishiga to'g'ri keladi. Aynan mana shu jarayonda ularda o'zida barcha o'tilgan mavzularni qamrab olgan umumiy mustahkamlovchi mashg'ulot turiga ehtiyoj tug'iladi. Qaysi mavzu o'quvchilarda umumiy tarzda yaxshi o'zlashtirilmay qolganligini tekshirishda yoki yangi mavzu o'tilishi

jarayonida turli qiyinchiliklarning umumiy ildizini, shuningdek, har bir o'quvchining individual yutuq va kamchiliklarini aniqlashda umumiy mustahkamlovchi nazorat mashg'ulotlari, ayniqsa, muhim ahamiyat kasb etadi. Quyida biz tavsiya etmoqchi bo'layotgan grafik organayzerlar yuqoridagi talablarga boshqa usul va metodlardan ko'ra to'laroq javob berishi bilan ahamiyatlidir: 1-jadval. 1-sinf uchun.

Yonimda dag'al qo'llari bilan boshlarimni silab, ko'zlarimga termilib novcha kampir borardi. (X.To'xtaboyev) Ajratib ko'rsatilgan so'zlarni jadvalga joylashtiring.

№	So'z	So'rog'i	Qanday ma'no bildiriyapti?			
			Shaxs va narsaning nomini	Shaxs va narsaning harakatini	Shaxs va narsaning belgisini	Shaxs va narsaning miqdorini
1	dag'al	Qanday?			+	
2	novcha	Qanday?			+	
3	borardi	Nima qilardi?		+		

2-jadval. 3-sinfda sifat so'z turkumi tahlili uchun.

1. Katta singlim Oyshaxon to'rtinchi sinfda o'qiydi... Kichik sinlimning oti Donoxon. (X.To'xtaboyev) *Sifatlarni toping va jadval asosida tahlil qiling.*

№	So'z	So'rog'i	Nimaning belgisini bildiriyapti?		Yasovchi qo'shimchasi bormi?		Qarama-qarshi ma'nosi
			shaxs	narsa	bor	yo'q	
1	Katta	Qanday?	+			+	kichik

Bunda tahlil uchun beriladigan matnlar (darslikdan tashqari) bolalar adabiyoti namularidan olinadi. Ya'ni, matn o'quvchilarga notanish bo'ladi va o'quvchilarni mashqni texnik (yoddan) emas, balki ongli bajarishga o'rgatadi. Tahlil jarayonida o'quvchilarga tahlil uchun olingan matnlarning manbaasi (hikoya, ertak, qissa) yoki muallifi haqida o'qituvchi tomonidan qisqacha qiziqarli ma'lumotlar berilishi bolalarda badiiy asar o'qishga qiziqishni ham orttiradi. Shuningdek, tahlil uchun matnlarni o'qish darsliklaridan olib, kombinatsiyalashgan darslar tashkil etish mumkin. [1, 212]

Bu kabi mashg'ulot turlari dars vaqtini tejash bilan bir qatorda bir qancha qulayliklarga ham ega. Jumladan, undan darsning kirish qismida o'tgan mavzuni takrorlash yoki mavzu yakunida uni mustahkamlash uchun, shuningdek, nazorat ishi sifatida foydalanish mumkin.

Yana bir ahamiyatli jihati shundaki, o'qituvchi bir qolipdan bir necha bor, hatto, yil davomida ham foydalanishi mumkin. Buning uchun tahlilga beriladigan materialni o'zgartirishning o'zi kifoya. O'quvchiga bir-biridan farqlanuvchi turli materiallarni berish esa topshiriqning o'zaro ko'chirilib bajarilishiga (ayniqsa, yonma-yon o'tiruvchi o'quvchilarga) imkon qoldirmaydi va o'quvchilarda mustaqil fikrlashni yanada oshirishga xizmat qiladi. Real natijalar olinadi. Ushbu mashg'ulot turi o'zida ta'lim jarayonida qo'llanuvchi induksiya, diduksiya va analogiya metodlarini bir vaqtda jamlay oladi. Chunki, grafik organayzerlarni bajarish jarayonida o'quvchi o'rgangan qoidalarini amalda qo'llaydi (diduksiya), tahlil jarayonida umumiy xulosalar chiqaradi (induksiya), misollardan o'zaro o'xshash jihatlarini aniqlaydi (analogiya).

Odatda, maktab darsliklarida takrorlash va mustahkamlash uchun mashqlar aynan bir qoidaning o'zlashtirilishi uchun beriladi. Bir qoida uchun ma'lum miqdorda mashqlar berilganidan keyingina navbatdagi qoida uchun yangi turdagi mashqlar berila boshlaydi.

Grafik organayzerlarda esa o'quvchi o'ziga xos kombinatsiya tashkil qilgan qoidalarga duch keladi. Qoidalarni bir-biridan aniq farqlay boshlaydi. Bunda ma'lum bir mavzu yuzasidan berilgan qolipda so'ralgan narsalarni boshqa mavzular uchun beriladigan jadvallarda uchramasligini kuzatish jarayonida o'quvchi, hatto, topshiriqni noto'g'ri bajarganida ham qanday xususiyat nimaga tegishli bo'lishi mumkinligini aniq biladi. [2, 71]

Qoidalarni bir vaqtda amalda har doim ham to'g'ri qo'llay olmasligi mumkin, lekin ularni chalkashtirib yubormaydi. Jadvalni to'ldirish jarayonida o'quvchi barcha qoidalardan birday foydalanadi. Berilgan matn tarkibidan qolipga joylashtirish lozim bo'lgan so'zni topishning o'zidayoq darsliklardagi mashq turlaridan birini bajargan bo'ladi. Grafik organayzerlar bir qarashda o'ziga xos klasterga yoki variantli test topshiriqlariga ham o'xshaydi. Birinchi sinfdan boshlab ushbu topshiriq turining sodda ko'rinishlarini ishlab o'rgangan o'quvchilar bilan yuqori sinflarda ishlash o'qituvchi uchun ancha oson kechadi.

Chunki, ular olgan bilim va ko'nikmalarini oson, tez va to'laroq eslaydilar va xotiralarida tiklaydilar.

#### **Адабиётлар:**

1. Холиков А.А. Педагогик маҳорат. Тошкент, 2011 й.
2. Мухитдинова Х.С., Я. А.Авлиёқулов, Д.А. Нуриддинова. Ўзбек тили. Тошкент 2017 й.

### **КИТОБ - ОЛИЙ МУАЛЛИМ!**

#### **АДУ, Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси: Авазбадалов Шавкат Муратович**

***Аннотация:** Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши ва салбий ҳолатларнинг олдини олиши, оила, мактаб ва таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантириши.*

***Калим сўзлар:** Чидамлилиқ, манавий, иллат, ургу, конвенсия, резолюция, мойил, салбий тасир, танбех.*

***Аннотация:** Проводить содержательный молодежный досуг и предотвращать негативные явления и формирование здорового образа жизни.*

***Ключевые слова:** Ловкость, идейней, акцентны, конвенсия, резолюция, склонность, негативное воздействие, упрек.*

***Abstract:** To conduct meaningful youth leisure and prevent negative phenomena and the formation of a healthy lifestyle.*

***Keywords:** Dexterity, ideological, accents, convention, resolution, inclination, negative impact, reproach.*

Мамлакатимиз аҳолисининг 31 фоизи, ёки 10 миллион нафари 30 ёшгача бо'лган ёшлардир. Уларнинг та'лим олиши, касб-хунар егаллаши учун кенг имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бо'ш вақтини мазмунли о'тказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик ма'навий баркамол бо'лса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунча кучли бо'лади. Нима учун давлатимиз раҳбари айнан ёшлар масаласига алоҳида ург'у бермоқда?

Давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, жаҳон ҳамжамиятини ёш авлод турли бузг'унчи г'оялар ва радикал гуруҳларга қо'шилиб



кетишининг олдини олишга чақирмоқда. Асосий е’тиборни ма’рифатга, ёшларнинг ма’навий ва ахлоқий тарбиясига қаратиш лозимлигини жонкуярлик билан та’кидламоқда. Бу бежиз эмас, албатта. «Тарбия қанча мукамал бо’лса, халқ шунча бахтли яшайди», дейди донишмандлар. Ёшлар тарбияси мукамал бо’лиши учун еса бу масалада бо’шлиқ пайдо бо’лишига мутлақо йўл қўймаслик лозим.

Ёшларга оид фармон ва лойиҳалар, уларнинг манавиятини ошириш юзасидан Президентимиз 2017-йил 19-сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида со’злаган нутқида берган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари то’ғ’рисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи жаҳон афкор оммасида катта қизиқиш уйғ’отди. «Ма’рифат ва диний бағ’рикенглик» махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги ташаббуси барча томонидан қо’ллаб-қувватланиб, 2018-йилнинг 12-декабр куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида қабул қилинди.

Президентимиз дейди: “Ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари етиб вояга етказишга кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Фахр билан айтиш жоизки, кўплаб ёшларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти билан халқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, қолаверса, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришиб, юртимиз байроғини, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётганлиги барчамизни қувонтиради, лекин, ютуқларимиз билан бир қаторда, айрим ёшлар ўртасида зарарли одатларга ружу қўйиш ҳолатлари учраб турганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, оила, мактаб ва та’лим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантириш масалаларига бугун барчамиз жиддий ёндашмоғимиз лозим. Миллий ва диний қадриятларимизда фарзанд тарбиясидаги нозик жиҳатларга, айниқса, уни меҳнаткаш, ҳалол, меҳр-оқибатли, иродали ва мард инсон бо’либ етишишига алоҳида этибор қаратилади. Лекин афсуски, улар орасида енгил-елпи ҳаёт кечиришга мойил, этиқоди суст, иродасиз болалар ҳам учраб туради. Бу тоифадаги инсонларни ғарбона ҳаёт тарзига қизиқмайди, турли шоу дастурлар, ажнабий руҳдаги кечалар улар тақдирини о’згартирмайди, дея олмаймиз”.

Ҳозирда компьютер, интернет клублари, телевидение каби воситалардаги енгил-елпи, мазмунан саёз ва турли зарарли одатларни тарғ’иб етувчи фильмлар, ёшлар тарбиясига салбий та’сир қилувчи воситалар қо’пайгани ҳеч биримизга сир эмас. Ёшларни юксак манавиятли қилиб тарбиялашда бадий китобларнинг ўрни беқиёсдир. Китоб ўқиган болани хулқи-одоби гўзал бўлади.

Ҳаёт қизиқ! Дунё ғаройиботларга тўла, мўжизаларга бой. Буларнинг барини англамоқ учун еса билмадим қанча вақт керак, қанча фурсат? ! Ушбу мўжизалар орасида бир мўжиза бордурки, бу китоб. Нега мўжиза? Сабаби биз мўжиза деб билганларимизнинг барча -барчаси китобларда акс етади.

Китоб - олий муаллим! Нега муаллим? Бунга сабаб китоб инсонни тарбиялайди. Танбеҳ сифатида айтилган оғзаки сўзлардан кўра китоблардаги оддий бир ибратомус ҳикоят инсон учун таъсирлироқ.

Китоб - сирдош. Шундай пайтлар бўладикки, қалбингиз тубида барчадан пинҳон тутувчи сирингизни кимгадур тўкиб солмоқликни, айтмоқликни истайсиз. Лекин айтолмайсиз. Ўзингиз севган асарни ўқир екансиз, унинг қаҳрамонлари билан шунчалар яқин бўлиб кетасизки, улар сизнинг сирдошингиз, суҳбатдошингизга айланади. Улар билан суҳбат қуриб, дардлаша бошлайсиз.

Китоб -тақдирдош. Асарларни ўқир екансиз, қаердандир ўзингизни топиб оласиз. Сизни китобда акс еттиришгандай бўлади, гўё. Ахир бу менку. Шунда ўзингизнинг ҳаётингизга сиртдан баҳо бера бошлайсиз.

Китоб -сеҳргар. Унга шундай маҳлиё бўласизки, ундаги ҳаётга кириб қолиб, китобдаги образлар йиғласа йиғлайсиз, кулганда бирга табассум етасиз. Сиз ёқтирган қахрамонга озор етказишдими, озор берувчиларни қойий бошлайсиз. Китобдан чиқиб кета олмайсиз. Бу сеҳр емасми? !

Китоб -душман. Нега душман? Қачонки китобдаги воқеалардан тўғри хулоса чиқара олмасак, уни тушунмай нотўғри талқин етсак ёки ҳақиқатдан бизни тўғри йўлдан адаштиргувчи китоблар бўлса, шунда китоб биз учун дўст емас, аксинча, душман бўлиб қолади.

Қаранг, китобларда ўз ҳаётимиз акс етяди. Биз учун ибрат, дўстлик, тарбия, севги-муҳаббат, қадр-қиммат, олий мақсадлар, инсонни инсон еканлигини белгиловчи хислатлар-у бунинг зидди бўлган иллатлар, табиат тасвирлари-ю ҳайвонот-наботот олами барча -барчаси китобларда акс етган. Демак, китоблардан жуда кўп нарсани ўрганамиз.

Хусусан, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолар, Робия-ю Кимсанларни ўқиб, муҳаббат қандай еканлигини, Қутидор-у Юсуфбек Ҳожи, Едигей-у Казангапларни ўқиб миллий урф-одатларга собитликни, ватанпарварликни, Кичкина Шаҳзода билан танишгач фақат езгулик сари интилишни, Мулла Абдурахмон каби бўлиб қолмай Султоналидек, Анвардек дўстга содиқликни, Собитжондек онгли манқурт бўлиб қолмасликни, Сантягодек мақсад сари олға интилишни, соя емас нур бўлиб яшамоқликни, олим емас, аввало, одам бўлиб яшашни, ҳаётимизни саробга айлантириб қўймасликни, меҳробимизга чаёнларни йўлатмасликни, боқий дарбадар бўлиб емас, номимизни езгулик билан боқий қолдиришни ўрганамиз.

## АДАБИЁТЛАР

1. Авесто. Тарихий - адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси, Т.:Шарк, 2001.
2. Махмудова Г.Т. Авестонинг фалсафий моҳияти.-Т.: Ношир, 2015.
3. Хужамуродов И.Р.Авестода маънавият масаласи // Мулоқот, 1996,1 - сони.
4. Очилов М. Мустақиллик маданияти ва тарбия асослари . Т., «Ўқитувчи», 1995.
5. Куронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т., «Фан», 1995.
6. Куронов М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб. Т., «Маънавият», 2000.

## OLIV O'QUV YURLARIDA KREDIT-MODUL TIZIMINI TASHKIL ETISH

*Mamatqulova Nilufar Boyzoq qizi*

*Andijon Qishloq Xo'jaligi va Agrotexnologiyalar insituti*

*O'zbek tili pedagogika va jismoniy madaniyat kafedrasi assisenti*

*998905430671*

*Isaqova Diyora, Gaybullayeva Mohina, Nabijonova Dilafruz*

*Andijon Qishloq Xo'jaligi va Agrotexnologiyalar insituti talabalari.*

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada OTM larda kredit-modul tizimini qo'llashning huquqiy asoslari, tashkiliy-pedagogik jihatlari, samaradorlik shartlari, xorij tajribalari kabi masalalar muhokama etiladi.

**Kalit so'zlar:** Kredit-modul, OTM, pedagogika, ta'lim, vazifa, burch, huquq.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются такие вопросы, как правовая база, организационно-педагогические аспекты применения кредитно-модульной системы в высшей школе, условия эффективности, зарубежный опыт.

**Ключевые слова:** Кредитный модуль, вуз, педагогика, образование, задача, обязанность, закон.

**Annotation:** This article discusses issues such as the legal framework, organizational and pedagogical aspects of the application of the credit-module system in higher education, the conditions of effectiveness, foreign experience.

**Keywords:** Credit module, HEI, pedagogy, education, task, duty, law.

Mamlakatimiz ta'lim tizimi uchun yangilik bo'lgan kredit-modul tizimi, uning mazmun-mohiyati, tizimda qo'llaniladigan atamalar va tushunchalar hamda ularning mazmuni, tizimda o'quv jarayonini tashkil etish borasida ko'plab olimlarimiz tomonidan qo'llanmalar, maqolalar chop etilmoqda. Jumladan, 2020 yilda B.Sh.Usmonov, R.A.Xabibullaevlar tomonidan "Oliy o'quv yurtlarida o'quv jarayonini kredit-modul tizimida tashkil qilish" nomli o'quv qo'llanma chop etilgan bo'lib, unda kredit-modul tizimi haqida batafsil ma'lumotlar berilgan. O'quv qo'llanmada kreditmodul tizimining paydo bo'lishi va rivojlanish tarixi, turli xorij mamlakatlarida, jumladan, AQSh, Ispaniya, Shvesiya, Gollandiya, Buyuk Britaniya, Yaponiya ta'lim tizimida qo'llanilishi va o'ziga xosligi haqida bayon etilgan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2020 yil 31 dekabrda 824-sonli Qarori bilan tasdiqlangan "Oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayoniga kredit-modul tizimini joriy etish tartibi to'g'risida"gi Nizomga asosan, mazkur o'qitish tizimida o'quv fanlari majburiy va tanlov fanlariga bo'lingan.

### TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

Ta'lim dasturlarini o'lchash va taqqoslashning sinov birliklari tizimi (yoki kredit tizimi) G'arbiy Yevropa va Amerika universitetlarida o'nyillar davomida qo'llanilib kelinmoqda [2]. Kredit tizimi o'quv dasturlarini shaffof va eng asosiysi, taqqoslanuvchan qiladi, bu esa talabalarning akademik mobilligini oshirishga imkoniyat yaratadi.

Mamlakat ta'lim tizimining reproduktiv holatdan uzluksiz rivojlanuvchi, ochiq holatga o'tishi hamda ta'lim oluvchilarni o'z ta'limiy va ijtimoiy-madaniy manfaatlarini yuzaga chiqarishga yo'naltirish jarayonlarita'lim tizimi bosh sub'ektlarining – ta'lim oluvchilar va o'qituvchilarning o'z faoliyatiga munosabatini o'zgartirishini taqozo qildi. Bu holat kredit ta'lim tizimi bo'yicha ta'lim jarayonini tashkil qilishga to'la mos keladi.

Kredit-modul tizimi - bu ta'limni tashkil etish jarayoni bo'lib, o'qitishning modulli texnologiyalariga asoslangan, mustaqil ta'lim olishga yo'naltirilgan, o'quv jarayonini qat'iy belgilangan holda va mehnat bozori talablariga mos tarzda tashkil etishga qaratilgan, kredit o'lchovi asosida baholashga asoslangan ta'lim tizimi hisoblanadi [3].

Kredit-modul tizimining ahamiyatli tomoni shundaki, bu tizimda fanning o'quv dasturi mehnat bozori talablarini o'rgangan holda, shunga mos tarzda tuziladi. O'quv rejadagi fanlar ikki guruhga, ya'ni majburiy fanlar va tanlov fanlariga ajratiladi. Tanlov fanlari o'quv rejadagi fanlarning 50%ini tashkil etadi, demak talabalarning o'zi qiziqadigan va kelajakda kerak deb hisoblaydigan fanlarni tanlab o'qish imkoniyati ortadi. Kredit-modul tizimida talabalarni o'qitish jarayonida o'qituvchilardan har bir talabaga individual yondashish talab etiladi va talabani mustaqil ta'lim olishga yo'naltirish lozim bo'ladi. Yana shuni ta'kidlab o'tish joizki, kredit-modul tizimida talabalarda fanlarni va o'qituvchilarni tanlash huquqi ham paydo bo'ladi, shuningdek o'z ustida mustaqil ishlash imkoniyati ortadi [5].

Muammo shundaki, fanlarni talaba tanlaydi. Shu sababli, talabalarning o'quv fanlarini tanlash tamoyillarini ishlab chiqish dolzarb bo'lib turibdi.

Birinchi tamoyil: Tayyorlash. Mazkur tamoyilga ko'ra, professoro'qituvchilar tomonidan majburiy va tanlov fanlari blok tarzda tayyorlanadi. O'quv fanlari bo'yicha tayyorlangan materiallar mavzular tavsifi, amaliy mashg'ulotlar tartibi va mustaqil ta'lim shakllarida tayyorlanadi.

Ikkinchi tamoyil: O'rganish. Ta'kidlab o'tilgan Nizomga ko'ra, talaba o'quv yilining boshida bir hafta davomida o'zlashtirishi lozim bo'lgan majburiy va tanlov o'quv fanlarini tanlashi kerak [7].

Uchinchi tamoyil: O'zlashtirish. Talaba majburiy va tanlov fanlarini o'quv yili davomida kredit to'plash bilan o'zlashtiradi. Biroq talabaning o'zlashtirish jarayonini kuzatish va aniqlash murakkab kechadi. Bunda agar o'quv fanlari ketma-ketlikda va kutilgan talabalar darajasida tanlangan bo'lsa, talabaning o'zlashtirishi yengil kechadi.

To'rtinchi tamoyil: Sharoit. O'qitishning kredit-modul tizimida oliy ta'lim muassasalarining kafedralari zimmasiga eng ko'p vazifa tushadi. Shu jihatdan har bir kafedrada o'quv fanlarini tanlashga ko'maklashuvchi Tartib va Ishschi guruxning mavjud bo'lishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

## **XULOSA VA MUNOZARA**

Oliy ta'lim tizimida:

– respublikamiz oliy ta'lim tizimiga kredit-modul tizimini joriy etishda millatimizning o'ziga xos xususiyatlari va milliy mentalitetni e'tiborga olish lozim;

– bu tizimini joriy etishda rivojlangan mamlakatlar tajribasini o'rgangan holda, tahlil qilish asosida ulardan samarali foydalanish kerak;

– fanlarning xususiyatidan kelib chiqqan holda kredit-modul tizimiga joylashtiriladigan fanlarning metodik ta'minotini yaratish, yaratilganlarini tahlil qilish va aniqlangan mavjud kamchiliklarni bartaraf etish chora-tadbirlarini tezda ishlab chiqish zarur;

– shaffoflikni ta'minlashga, ya'ni talabalarning ta'lim jarayonlariga taalluqli bo'lgan barcha ma'lumotlarni talabalarga oldindan, aniq, tushunarli, to'liq va shaffof tarzda yetkazishga alohida e'tibor qaratish [8];

– ta'lim dasturiga muvofiq majburiy o'qitiladigan va tanlov asosida o'qitiladigan fanlar, ularning mazmun-mohiyati, talabaga bilimlarni o'rganishga qo'yiladigan talablar yoki baholash

mezonlarini va dars o‘tuvchi professor-o‘qituvchilar haqida ma’lumotlar bazasini shakllantirish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

- kredit-modul tizimi bilan tanishtirish va bu tizimda faoliyat yuritish asoslari haqida OTM professor-o‘qituvchilari va talabalar bilan doimiy tarzda treninglar, seminarlar, master-klasslar va bahsmunozaralar uyushtirib borish;

- OTMlar o‘rtasida o‘zaro tajriba almashish va hamkorlikni yo‘lga qo‘yish;

- kredit-modul tizimida talabalarning vazifalari, burchlari va huquqlari haqida maxsus qo‘llanma tayyorlash;

- kredit-modul tizimi, uning mazmunmohiyati, o‘qish jarayonining borishi, baholash tizimi haqida ota-onalar uchun qisqa yozma ma’lumotnomalar tayyorlash va ota-onalarga yetkazish, ular bilan uzluksiz muloqotda bo‘lib turish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

#### ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5847-son Farmoni.

2. Usmonov B.Sh., Xabibullaev R.A. Oliy o‘quv yurtlarida o‘quv jarayonini kreditmodul tizimida tashkil qilish. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent, TKTI, 2020. - 120 bet.

3. Metodicheskie rekomendatsii po vnedreniyu v vuze sistema zachetnykh yedinis (kreditov) / [Tekst] /. Gosudarstvennyy universitet upravleniya, Sentr kachestva [sost. O.V. Davydova, V.I. Zvonnikov, M.B. Chelishkova]. – M.: GUU, 2010. – 50 s.

4. Hasanova M.U., Jumanova M.G‘. Kredit – modul tizimi va uning amaliyotga joriy etish tamoyillari (oliy ta’lim muassasalarida matematika o‘qitishda). - «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020. 264-270 betlar.

5. Timofeev A.A., Ushko N.A., Yarifa M.A. kreditno-modulnaya sistema obucheniya. - Jurnal “Sovremennaya stomatologiya”, 1/2013. Str.134-136.

6. Roslyakova Ye.M., Biserova A.G., Xasenova K.X., Baybolatova L.M. Modulnaya sistema obucheniya-opyt i perspektivy. – Posted September 25th, 2014 by kaznmu & filed under Angliyskiy, Innovatsionnye metody obucheniya. <https://kaznmu.kz/press/2014/09/25/%D0%BC%D0%BE%D0> (Manbaga 18.09.2020 da murojaat etilgan, muallif tomonidan tarjima qilingan)

#### TA’LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XALQARO BAHOLASH DASTURLARINING AHAMIYATI

**Qayumova Shoxsanam To‘lqin qizi**  
**Guliston davlat universiteti**  
**doktaranti**

***Anotatsiya.** Ushbu maqolada o‘quvchilarning matematika va tabiiy fanlarga oid savodxonligini aniqlashda TIMSS xalqaro baholash dasturining ahamiyati va mazmuni yoritilgan*

***Kalit so‘zlar.** TIMSS, kognitiv soha, bilim, qo‘llash, mulohaza yuritish, mazmun sohasi*

***Annotation.** This article discusses the importance and content of the TIMSS International Assessment Program in the education system*

***Keywords.** TIMSS, PISA, PIRLS, TALIS, competence, curriculum, assessment content*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются значение и содержание международной программы оценки TIMSS в системе образования.*

***Ключевые слова.** TIMSS, PISA, PIRLS, TALIS, компетентность, учебная программа, содержание оценивания*

Mamlakatimizda Prezidentimiz tashabbusi va rahbarligida qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi taraqqiyotning yangi bosqichini boshlab berdi. Bu jarayonning amaliy natijalari bugungi kunda hayotimizning barcha jabhalarida yaqqol ko‘zga tashlanmoqda. Shu ma’noda harakatlar strategiyasi O‘zbekistonni tez sur‘atlar bilan o‘zgarayotgan zamon talablari asosida jadal rivojlantirishning ilmiy-nazariy, amaliy-konstruktiv asoslarini belgilab beradigan, taraqqiyotning yangi davri uchun mo‘ljallangan muhim hujatdir. Bu keng ko‘lamli noyob hujjat davlatimizning barcha sohalarida yangicha yondoshuv va mezonlarni joriy etish, aholining barcha qatlamlari ortasida tashabbuskorlik, tadbirkorlik, el-u yurtimiz kelajagi uchun ma’suliyat va dahldorlik tuyg‘usini oshirishga qaratilgandir.

Ma’lumki, mustaqillikka erishilgandan so‘ng pedagoglar oldiga qo‘yiladigan talablar ortib bormoqda. Bu talablar tabiat va jamiyat talablarini bilish maqsadida ma’lum mazmuni fan va texnikaning eng yangi yutuqlari bilan boyitishga: ta’lim-tarbiya jarayonida texnologiya ta’limining rolini oshirish va bolalarni tarbiyalash uchun ota-onalarining, o‘qituvchilarining ma’suliyatini oshirishga ajratilgan. Bu o‘z navbatida TIMSS xalqaro tadqiqotining asosiy vazifasi sifatida maktabda matematika va tabiiy fanlarni o‘qitish sifatiga etibor berishda maktab o‘qituvchilari oldiga murakkab va mas’uliyatli vazifalar qo‘yadi. Ma’lumki bugungi kunda ko‘plab ishlarda matematika va vatabiiy fan haqida asosiy tushuncha talab etilmoqda bu esa kelajakda bu fanlarni o‘rganishga bo‘lgan talab tobora kuchayib boradi[1]

TIMSS (Trends in International Mathematics and Science Study)- o‘quvchilarning matematika va tabiiy yo‘nalishdagi fanlardan o‘zlashtirish darajasini baholash dasturi hisoblanadi.

Dunyoning turli mamlakatlaridagi o‘rta maktab o‘quvchilarining matematik va tabiiy-ilmiiy fanlarni o‘qitish darajasi va sifatini, shuningdek milliy ta’lim tizimida ro‘y berayotgan o‘zgarishlarni aniqlash va taqqoslash imkonini beradi. Ta’lim yutuqlarini baholash bo‘yicha Xalqaro Assotsiatsiya tomonidan milliy markazlar ishtirokida yetakchi xalqaro ilmiy tashkilotlar konsortsiumda amalga oshiriladi. Xalqaro muvofiqlashtiruvchi tadqiqot markazi Boston kolleji (International Study Center, Boston College, AQSh) hisoblanadi[2]

Tadqiqot 1995 yildan boshlab, to‘rt yillik sikllarda amalga oshiriladi va o‘rta ta’lim sohasida eng nufuzli xalqaro tadqiqotlardan biri hisoblanadi. Tadqiqot dasturi bilan qamrab olingan mamlakatlar soni asta-sekin o‘sib bormoqda.

Ushbu tadqiqotning maqsadi turli xil ta’lim tizimiga ega bo‘lgan mamlakatlarda matematika va tabiiy fanlar doirasidan 4- va 8-sinf o‘quvchilarining tayyorgarligini qiyosiy baholash, shuningdek, o‘quvchilar yutuqlarining turli darajalarini belgilaydigan ta’lim tizimlarining xususiyatlarini aniqlashdan iborat. Tadqiqot to‘rt yilda bir marta o‘tkaziladi. 2019 yilda tadqiqotning yettinchi doirasi o‘tkazildi. Avvalgi tadqiqotlar 1995, 1999, 2003, 2007, 2011 va 2015 yillarda o‘tkazilgan. 2019 yil TIMSS tadqiqotida 60 dan ortiq mamlakatlar ishtirok etdi[3].

Tadqiqotning maqsadi turli ta’lim tizimlariga ega bo‘lgan mamlakatlarda o‘rta maktab o‘quvchilarining matematika va tabiiy fanlar bo‘yicha umumta’lim tayyorgarliklarini qiyosiy baholash va bu ta’lim tayyorgarlik darajasiga ta’sir qiluvchi omillarni aniqlashdan iborat. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, uning natijalari har to‘rt yilda bir marta 4-sinf o‘quvchilari 8-sinf o‘quvchilariga aylanganda ta’limning matematik va tabiiy fanlar yo‘nalishidagi an’analarni kuzatish imkonini beradi. Bundan tashqari, ishtirokchi mamlakatlarda matematik va tabiiy fanlar ta’limi mazmunining va o‘quv jarayonining o‘ziga xos xususiyatlari, shuningdek, ta’lim

muassasalari, o'qituvchilar, o'quvchilar va ular oilalarining xususiyatlari bilan bog'liq omillar o'rganiladi.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekiston TIMSS va boshqa xalqaro tadqiqotlarda qatnashish orqali rivojlangan mamlakatlar tajribalarini O'zbekiston ta'lim tizimida qo'llash, o'z natijalarini boshqa davlatlar natijalari bilan qiyosiy taqqoslash imkoniyatlariga ega bo'ladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. TIMSS 2003, Trends in International Mathematics and Science Study. International Mathematics reports released 14 December 2004. Website: [www.timss.com](http://www.timss.com).

2. PISA 2003 technical report, OECD Programme for International Student Assessment, Website: [www.pisa.org](http://www.pisa.org).

3. Baumyert, J., Kuntyer, M., Blum, W., Brunnyer, M., Voss, T., Jordan, A., & Tsai, Y.-M. (2010). Teachers' mathematical knowledge, cognitive activation in the classroom, and student progress. American Educational Research Journal, 47(1), 180b.

4. SH.Qayumova "O'quvchilarning matematika va tabiiy fanlarga oid savodxonligini aniqlashda TIMSS xalqaro baholash dasturining ahamiyati", Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti ilmiy jurnali 1/2/1 Ijtimoiy gumanitar fanlar turkumi. Toshkent 2022.

## **UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA BILIMNI BOSHQARISH AMALIYOTI BARQAROR RIVOJLANISH VOSITASI SIFATIDA**

**Umarkulova Shaxnoza Saidovna – Jizzax Davlat Pedagogika instituti magistranti**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada umumta'lim maktablarida bilimni boshqarish amaliyoti barqaror rivojlanish vositasi ekanligi tadqiq etilgan.

**Kalit so'zlar:** ta'limni boshqarish; ta'limni boshqarish amaliyoti; barqaror rivojlanish; barqarorlik; umumta'lim maktablari; baholash.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается практика управления знаниями в общеобразовательных школах как инструмент устойчивого развития.

**Ключевые слова:** управление образованием; практика управления образованием; устойчивое развитие; устойчивость; средние школы; оценивание.

**Annotation:** This article studies the practice of knowledge management in secondary schools as a tool for sustainable development.

**Keywords:** education management; education management practice; sustainable development; sustainability; secondary schools; evaluation

Haqiqatan ham tobora kamayib borayotgan tabiiy resurslar, atrof-muhitning ifloslanishining ortib borayotgani va milliy chegaralardan tashqariga chiqadigan boshqa ekologik, iqtisodiy va ijtimoiy muammolar davlat va tadbirkorlik sohalarida barqaror rivojlanish tamoyillarini yanada mas'uliyat bilan amalga oshirishga doimiy intilishni taqozo etadi, ayniqsa, umumta'lim maktablarida, chunki jamiyatning kelajagi va farovonligi ta'lim natijalariga bog'liq. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan qabul qilingan "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi"da ham alohida urg'u berilgan[1]. Shu sababli, umumta'lim maktablarida bilimlarni boshqarish amaliyotini joriy etish barqaror rivojlanish tamoyillariga erishish va ularning jamiyat va davlat uchun ijobiy natijalarini ta'minlashning samarali usullaridan biridir. Ushbu tadqiqot barqaror rivojlanish uchun umumta'lim maktablarida ta'limni boshqarish amaliyotini qo'llashning o'ziga xos xususiyatlarini baholashga qaratilgan.

Tadqiqot maqsadiga erishish uchun ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish, ko'p mezonli baholash, so'rov va ekspert baholash kabi tadqiqot usullari qo'llanildi. Tadqiqot natijalari umumta'lim maktablarida barqaror rivojlanishga erishish uchun bilimlarni boshqarish amaliyotini qo'llash bo'yicha yuqori salohiyat mavjudligini ko'rsatdi. Biroq, umumta'lim maktablari barqarorlikni ta'minlash uchun bilimlarni boshqarish amaliyotlarini qo'llash va bilim infratuzilmasini yaxshilash uchun hali ham o'qituvchilarning salohiyati, motivatsiyasi va moliyaviy resurslarning yetishmasligiga duch kelmoqda.

Bilimlarni boshqarishning tashkilot xodimlari uchun barqarorlikka erishishga ta'siri ichki va tashqi ta'lim jarayonlari orqali tez o'zgaruvchan texnologik muhit va mijozlar ehtiyojlariga tezroq moslashish bilan bog'liq bo'lib, o'quv jarayonida olingan bilimlarni ishga qo'llash va maqsadlarga erishish imkonini beradi. barqaror rivojlanish. Natijada, xodim o'z vazifalarini bajarish va muvaffaqiyatga erishish uchun ko'proq rag'batlantiriladi, bu bajarilayotgan faoliyatdan yuqori darajada qoniqish bilan bevosita bog'liq. Bu tashkilotga barqaror rivojlanish uchun strategik bilimlar bo'yicha qarorlarni yanada samaraliroq amalga oshirish, ichki jarayonlarni boshqarish, innovatsiyalar va yanada noyob mahsulot va xizmatlarni yaratish va mijozlar ehtiyojlarini qondirish imkonini beradi [2].

Bilimlarni boshqarish amaliyotlari bilimlarni boshqarish jarayonlarida turli uslub va vositalar orqali ham amalga oshiriladi. Empirik tadqiqotlar asosida bilimlarni boshqarish jarayonlarida qo'llaniladigan asosiy usul va vositalar tizimlashtirilgan va farqlangan. Bilimlarni boshqarish jarayonlarida qo'llaniladigan tizimli usullar, uslublar va vositalar qo'llanilishi tabiatiga ko'ra individual va guruh, tashkiliy va texnologik darajalarda guruhlangan. ilmiy adabiyotlarda belgilangan rivojlanish tamoyillari umumta'lim maktablarida yanada o'rganildi.

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, umumta'lim maktablarida bilimlarni o'zlashtirish, saqlash, qo'llash va yaratishda xodimlarning motivatsiyasi yo'q, chunki bilimlarni boshqarish infratuzilmasini yaxshilash uchun moliyaviy resurslar etarli emas. Bilim almashish jarayonida xodimlarning istaksizligi va hamkorlik madaniyatining yo'qligi kabi muammoli sohalar aniqlandi. Umumta'lim maktablari o'qituvchilari bilimlarni egallash jarayonida barqarorlikka erishish uchun bilimlarni boshqarish jarayonlarini qo'llashga undaydigan asosiy omillar o'qituvchilarning kompetensiyalarni rivojlantirish motivatsiyasi ekanligini ta'kidladilar; bilimlarni saqlash jarayonida, bilimlarning mavjudligi va moslashishi; bilim almashishda, hamkasblar o'rtasidagi hamkorlikning aniq qiymati va bilimning qiymati; bilimlarni qo'llash, bilimlarni qo'llash va ish muhitini yaxshilashda; bilim yaratishda esa ishlab chiqilgan vositalarning asl natijalarida aks etadi. Ekspert baholash natijalari shuni ko'rsatdiki, barqarorlik uchun bilimlarni egallashning asosiy usullari seminarlar, uchrashuvlar, qidiruv tizimlari va vositalari, onlayn ochiq ma'lumotlar bazalari hisoblanadi. Bilimlarni saqlash jarayoni AKT vositalari: ma'lumotlar bazalari, tarmoqlar va hujjatlarni boshqarish tizimlari orqali amalga oshirildi. Bilim almashish jarayoni mentorlik tamoyillarini qo'llash orqali amalga oshirildi. Bilimlarni qo'llashning asosiy yo'llari o'quv dasturlariga mo'ljallangan uslubiy va o'quv qo'llanmalar orqali amalga oshirish va ularni shtab yig'ilishlarida muhokama qilish edi. Bilim yaratish jarayonining muhim usullari jamoaviy va guruhli ish usullari edi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, bilimlarni boshqarish amaliyoti barqaror rivojlanish tamoyillarini amalga oshirishda hal qiluvchi omil hisoblanadi. Ilmiy tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, bilimlarni boshqarish amaliyoti operatsion samaradorlik, raqobatbardosh ustunlik va barqaror rivojlanishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Bilimlarni boshqarish amaliyoti ushbu tadqiqotda bilimlarni boshqarish jarayonlari va usullari va vositalari orqali jarayonga yo'naltirilgan nuqtai



nazardan o'rganildi, bu jarayonlarda qo'llaniladi. Olimlar bilimlarni boshqarish jarayoniga yondashuvni tekshirishda bilimlarni boshqarish jarayonlarining turli kombinatsiyalarini tahlil qiladilar. O'zbekiston umumta'lim maktablari ma'muriyati bilan muhokama natijalariga asoslanib, ushbu tadqiqot bilimlarni boshqarishning beshta jarayonini ko'rib chiqdi: bilim olish, bilimlarni saqlash, bilim almashish, bilimlarni qo'llash va bilim yaratish. Bilimlarni saqlash bilimlarni boshqarish qismidir. Bilimlarni saqlash mutaxassislar uzoq vaqt ishlaganidan so'ng tashkilotni tark etganda, bilimlarni saqlash zarur. Bilimni saqlab qolish intellektual kapitalni yo'qotishning oldini oladi [4].

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60 –son farmoni
2. J. Raudeliūniene, M. Tvaronaviciene, M. Blažyte. Knowledge management practice in general education schools as a tool for sustainable development. Sustainability 2020, 12,4034; doi:10.3390/su12104034
3. Jirard, Jon P.; Jirard, JoAnn L. (2015). "Bilimlarni boshqarishni aniqlash: qo'llaniladigan to'plamga" (PDF). Amaliy bilimlarni boshqarish bo'yicha onlayn jurnal. 3 (1): 14.
4. "Bilimlarni boshqarish bilan tanishish". www.unc.edu. Chapel Hilldagi Shimoliy Karolina universiteti. Asl nusxasidan arxivlangan 2007 yil 19 mart. Olingan 11 sentyabr 2014.
5. Nonaka, Ikujiro (1991). "Bilimlar yaratuvchi kompaniya" (PDF). Garvard biznes sharhi. 69 (6): 96–104.
6. Nonaka, Ikujiro; fon Krogh, Georg (2009). "Tinch bilim va bilimlarni konvertatsiya qilish: tashkiliy bilimlarni yaratish nazariyasida bahs va taraqqiyot". Tashkilot fanlari. 20 (3): 635–652. doi:10.1287 / orsc.1080.0412.
7. K. S. Akhadova. PROBLEMS OF DEVELOPING MATHEMATICAL COMPETENCIES OF FUTURE ENGINEERS // Academic research in educational sciences. 2022. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-developing-mathematical-competencies-of-future-engineers>.

### **BO'LAJAK TEXNOLOGIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA MUTAXASSISLIK FANLAR BO'YICHA MASHG'ULOTLARDA TALABALARNING TEXNIK TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING METODIK SHART- SHAROITLARI**

**Rahimova Naima Sobirjon qizi**  
**Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti 1-kurs magistranti**

***Annotatsiya:** Mazkur maqolada oliy ta'limda bo'lajak texnologiya fani o'qituvchilarini tayyorlashda mutaxassislik fanlari bo'yicha mashg'ulotlarda talabalarning texnik tafakkurini rivojlantirishning metodik shart-sharoitlarini nazariy jihatlari yoritib berilgan.*

***Аннотация:** В данной статье рассмотрены теоретические аспекты методических условий развития технического мышления студентов при подготовке будущих учителей технологии в высшей школе на уроках предметов специальности.*

***Annotation:** This article describes the theoretical aspects of the methodological conditions for the development of technical thinking of students in the training of future teachers of technology in higher education in the lessons of specialty subjects.*

***Kalit so'zlar:** Texnologik ta'lim, metodika, pedagog, texnik tafakkur, amaliy mashg'ulot.*

***Ключевые слова:** технологическое образование, методика, педагогика, техническое мышление, практические занятия.*

**Keywords:** *Technological education, methodology, pedagogy, technical thinking, practical training.*

**KIRISH.** O‘zbekiston taraqqiyotida xalqning boy ma’naviy salohiyati va umuminsoniy qadriyatlarga hamda hozirgi zamon madaniyati, iqtisodiyoti, ilmi, texnikasi va texnologiyasining so‘nggi yutuqlariga asoslangan mukammal ta’lim tizimini barpo etish dolzarb ahamiyatga ega. Bugungi kunda uzluksiz ta’lim tizimining muhim bosqichi bo‘lgan oliy ta’lim tizimiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bu esa, bo‘lajak o‘qituvchilarni tayyorlash sifati va samaradorligiga katta talablar qo‘ymoqda.

Jamiyatning ta’limga nisbatan o‘sib borayotgan talabini va fandagi sifat siljishlarni hamda uzluksiz ta’lim tizimining barcha bosqichlaridagi ta’lim mazmuni va usullarini hisobga olgan holda ta’lim jarayonini tashxislash tizimli yondashuv asosida amalga oshirilganda samara beradi. Pedagogikada ta’lim jarayoniga tizimli yondashuvning asosiy vazifasi tadqiq etilayotgan ob’ektni namoyish etishning konseptual vositalarini, tizimning tasnifi va pedagogik modeli ko‘rinishida ishlab chiqishdan iborat.

Bo‘lajak texnologiya fani o‘qituvchilarini o‘z kasbining bilimdoni qilib tayyorlashda oliy o‘quv yurtlaridagi talabalar ilmiy tadqiqot ishlari metodologiyasini yaxshi yo‘lga qo‘yish katta rol o‘ynaydi. Bunday ilmiy tadqiqot metodologiyasi bo‘lajak texnologiya fani o‘qituvchilarini kasbiy pedagogik faoliyatga tayyorlashning asosi ikki jihatga ega.

Bo‘lajak texnologiya fani o‘qituvchilarini kasbiy faoliyatga tayyorlashda tadqiqotchilik ko‘nikmalarining o‘rni muhim. Bularga nazariy o‘rganish, kuzatish, muammoni qo‘ya bilish, faraz qilish, farazdan kelib chiqib reja tuzish, tajriba o‘tkazish, tajriba natijalarini olish, farazga nisbatan tajriba natijasini taqqoslash, nazariy tahlil qilish va umumlashtirish, amalda qo‘llab ko‘rish kabilar bilan bog‘liq ko‘nikmalar kiradi. Aytilganlarning ba’zilar fan asoslarini o‘rganishda, ba’zilar amaliyot jarayonida, yana boshqalari izlanish ishlari orqali shakllanadi. Bo‘lajak texnologiya fani o‘qituvchilarining faoliyatida, muammoni qo‘yish uchun tadqiqot vazifasi birinchi o‘ringa o‘tishi maqsadga muvofiq, chunki unda bajariladigan ishning maqsadi va unga bo‘lgan ehtiyoj o‘z aksini topadi. Texnik ijodkorlikda tadqiqot vazifasi talabalarni izlanish faoliyatiga jalb qilishning asosi hisoblangani uchun u tadqiqotchilik ko‘nikmalarini shakllantirishning va ijodkorlik faoliyatini jadallashtirishning zaruriy vositasi bo‘lib hisoblanadi. Yuqorida qayd etilganlar ijodkorlik masalalarini yechishda tadqiqotchilik ko‘nikmalarini shakllantirishning mohiyati va strukturasi to‘laroq tavsiflashni taqozo etadi. Tadqiqotchilik ko‘nikmalarini shakllantirish deganda talabalarning ilmiy-texnikaviy ijodkorlik masalalarini yechishda tadqiqot vazifalarini bajarish bilan bog‘liq ilmiy metodlardan oqilona foydalanishga o‘rgatish tushuniladi.

Texnologik ta’lim jarayoni tizimlarini ilmiy-uslubiy tadqiq qilish va ulardan jarayonlarni boshqarishda foydalanish ko‘pgina muhim muammolarning echimini topish imkonini yaratadi, bular:

1. rejalashtirilgan ta’lim jarayonini chuqur tahlil qilish;
2. rejalashtirilayotgan ta’lim jarayonining elementlari va komponentlari, sifat ko‘rsatkichlari to‘plamini yaratish va ularni sinflarga ajratish;
3. ko‘rsatkichlar orasidagi bog‘lanishlarni o‘rganish, bog‘lanish qonuniyatlarini o‘rnatish va ular ichidan asosiylari va ikkinchi darajalilarini ajratish kabi muammolar echimi oson hal bo‘ladi.

Ilmiy tadqiqotlarning metodologiyasiga asoslangan holda, biz quyida ana shu tizimli tahlil bosqichlarini bo‘lajak texnologiya fani o‘qituvchilarini tayyorlash misolida qarab o‘tamiz. Oliy ta’lim muassasalarida bo‘lajak o‘qituvchilarni tizimli yondashuv asosida tayyorlash jarayonida kasbiy faoliyatning mazmuniy ko‘rsatkichlari asosida pedagogik shart-sharoitlar va vositalar

tizimini aniqlab olish, ta'lim jarayonini samarali hamda to'g'ri tashkil etish shakl va metodlarini aniqlash talab etiladi. Buning uchun, eng avvalo, pedagogik tizim mohiyatini asoslash, tizimli yondashuvning xususiyatlarini, asosiy tavsifiy belgilari (tuzilma hamda funksiyalari)ni, ularga ta'sir qiluvchi omillarni aniqlash zarur.

Tizimli yondashuvni amalga oshirish uchun ta'lim maqsadlari hamda metodlarini shakllantirish, tizimning maqsadga muvofiq faoliyat ko'rsatishini ta'minlovchi elementlari (ta'limni tashkil etish shakli va vositalari) va ular orasidagi munosabatlarni aniqlash talab etiladi. Tizimli yondashuv ilmiy bilish hamda ijtimoiy amaliyot metodologiyasining yo'nalishi bo'lib, uning asosida ob'yektlarni tizim sifatida ko'rib chiqish talab etiladi. Bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlash jarayoni - ob'jektga tizimli yondashuv, uning yaxlitligini ochib berish, tashkil etuvchilari (komponentlari) o'rtasidagi aloqalarini aniqlash, amalga oshirish shartlarini aniqlash, bo'lajak texnologiya o'qituvchilarini tizimli yondashuv asosida tayyorlashda muammoli ta'lim metodlarini qo'llash masalalarini yoritish muammosi tadqiqot ishimizning navbatdagi vazifasi etib belgilandi.

Texnologiya o'qituvchilarini tizimli yondashuv asosida tayyorlash muammosiga kasbiy-pedagogik bilimlarni o'zlashtirishning barcha tomonlarini, ya'ni mazmuni, shakli, metod va vositalari, kasbiy faoliyatni tashkil qilish yo'llari, ta'lim natijalarining monitoringi, ta'lim sifatini baholash va boshqarishni qamrab oluvchi integrativ jarayon sifatida qarash mumkin. Bunda texnologik ta'limning asosiy tarkibiy tashkil etuvchilarini integratsiyalash (kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish), shaxsga yo'naltirilgan aksiologik-rivojlantiruvchi (ijodiy faoliyat tajribasi asosida) va tarbiyalovchi vazifalarining (haqiqatga his-qadriyatli munosabat asosida) birligini ta'minlaydi.

**XULOSA.** Pedagogika oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak texnologiya fani o'qituvchilarining uslubiy tayyorgarligi yaxlit tizimni tashkil etadi va katta tizimlarga xos bo'lgan quyidagi xususiyatlarni o'zida saqlaydi: yaxlitlik, tuzilmaviylik, boshqa tizimlar bilan o'zaro bog'langanlik, poydevoriylik. Shu bilan birgalikda, o'quv-tarbiyaviy faoliyat ko'p qirrali o'ziga xos dinamik xususiyatlarga ega bo'lgan, murakkab jarayon ekanligini inobatga olgan holda bo'lajak texnologiya fani o'qituvchilarini tayyorlashda har bir bo'g'in alohida tizim sifatida o'rganilishi, har bir bo'g'inga o'ziga xos yondashuvni joriy etish zaruriyatini tug'diradi. Demak, tizimli yondashuv ilmiy bilish metodologiyasi va pedagogik amaliyotning bir yo'nalishi sifatida universal tavsifga ega bo'lib, pedagogikada keng qo'llaniladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Sharipov Sh. Kasb ta'limi tizimida o'quvchilar ijodkorlik qobiliyatini rivojlantirishning uzluksizligi. Toshkent. "Fan" nashriyoti, 2005.
2. Sharipov Sh.S., Muslimov N.A. Texnik ijodkorlik va dizayn. Toshkent 2007.
3. Jo'raev N.O. va b. Texnik ijodkorlik va dizayn. Toshkent "Turon zamin ziyo" 2015  
[Tel:998744902](tel:998744902)  
[Tel:998144902](tel:998144902)

## ИНСОН САЛОҲИЯТИ ВА ИЖТИМОЙ МОБИЛЛИК НИНГ ЎЗАРО ДИАЛЕКТИКАСИ

Холмирзаев Хуршид Накибиллаевич

Андижон давлат университети 09.00.04 – Ижтимоий фалсафа таянч докторанти

Тел: +998934142052. e-mail: [sokin3548@umail.uz](mailto:sokin3548@umail.uz)

**Аннотация:** Мақолада инсон ва жамият салоҳиятининг эволюцион ривожланиши, “Ижтимоий мобиллик” тушунчасининг маъно-мазмуни, ижтимоий мобиллик ҳақидаги назариялар илмий асосда таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** инсон салоҳияти, жамият салоҳияти, ижтимоий мослашув, ижтимоий мобиллик.

**Аннотация:** В статье анализируется эволюционное развитие человеческого и социального потенциала, значение понятия «социальная мобильность», теории социальной мобильности на научной основе.

**Ключевые слова:** человеческий потенциал, общественный потенциал, социальная адаптация, социальная мобильность.

**Abstract:** The article analyzes the evolutionary development of human and social potential, the meaning of the concept of "social mobility", theories of social mobility on a scientific basis.

**Keywords:** human potential, community potential, social adaptation, social mobility.

Инсон салоҳиятининг ортиб бориши унга жамиятда ўз фаолияти орқали салоҳиятига асосланиб, ижтимоий тараққиёт талабларига, чақириқларига ҳамда эҳтиёжларига мослашиб боради. Демак, инсоннинг ижтимоийлашиб бориши жараёнида бунга алоқадор бўлган иккита ҳодисани кўрсатиб ўтиш зарур:

- инсоннинг ижтимоий ўзгаришлар ва тараққиётга мослашиб бориши;
- ижтимоий тараққиётда инсон мобиллиги.

Инсоннинг мослашиб бориши бу инсон томонидан тараққиётни, ижтимоий ўзгаришларни тўғри акс эта олиши, салоҳиятининг ортиб бориши ҳамда реализация қилиш жараёнида уни тўғри йўналтира олиши билан боғлиқ.

Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётида аввалги авлод томонидан ташкил этган турмуш тарзи, моддий ва маънавий бойликларининг яратилганлиги ҳамда ижтимоий ҳаётнинг ташкилланганлигига дуч келади ва улардан фойдаланади. Уларга ўз фаолияти асосида ёндашади. Мавжуд ижтимоий тараққиёт натижаларидан фойдаланади. Бундай диалектик боғлиқлик асосида инсоннинг салоҳияти янада ортиб боради. Инсоннинг салоҳияти ўзигача мавжуд бўлган салоҳиятдан фойдаланиш, жамиятда авлодлар ўртасида боғлиқлик юзага келади. Шундай қилиб, инсоннинг мавжуд ижтимоий муносабатлар, ижтимоий тартибга мослашиб бориш натижасида эволюцион тарзда инсоннинг ва жамиятнинг салоҳияти мунтазам ортиб боради. Ижтимоий тараққиётда инсон салоҳиятининг мунтазам ортиб бориши объектив қонуният ҳисобланади.

Ижтимоий мослашув инсоннинг ўзи яшаган даврга хос бўлган ижтимоий муносабатларни, мавжуд моддий ва маънавий қадриятларни иқтисодий ва сиёсий ҳаёт асосларини, ижтимоий тажриба ва бошқа анъаналарни ўзлаштириб бориш жараёнидир. Санаб ўтилган омилларга асосланган ҳолда инсон ва жамият тараққий этади.

Демак, салоҳиятнинг муҳим ижтимоий хусусияти реализация қилиниши жараёнида янгиликларга, заруриятга, ижтимоий талаблар ва буюртмаларга мослаша олишдан иборат.

Ижтимоий тараққиётда инсон салоҳиятининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлган яна бир жараён инсоннинг ижтимоий мобиллиги ҳисобланади. “Ижтимоий мобиллик” жамият аъзолари ҳамда жамиятда шаклланган турли ижтимоий гуруҳларнинг ўз мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб маълум ижтимоий позицияни намоён этиши, уни ўзгартиришни ифода этувчи тушунча.

Ижтимоий мобиллик жамият аъзоларининг салоҳиятига турлича таъсир этиши мумкин. Инсон ўзининг жамиятда эга бўлган ижтимоий мавқеи, касби, билими, кўникмалари ва бошқа унинг салоҳиятига таъсир этувчи жиҳатларидан келиб чиқиб маълум даражада ижтимоий мобил бўлиши мумкин.

“Ижтимоий мобиллик” тушунчасини XX асрнинг таниқли социологи Питирим Сорокин фанга олиб кирган. Унинг 1927 йилда АҚШда нашр этилган “Ижтимоий мобиллик” номли асари бу борада улкан аҳамиятга эга бўлади. Сорокин ижтимоий мобилликни жамиятга хос бўлган хусусият сифатида тавсифлайди. У горизонтал ва вертикал мобилликни эътироф этади. Мобиллик жараёнида жамиятда шаклланган ижтимоий қадриятларга катта аҳамият бериб, уларнинг ўрни муҳимлигини эътироф этган [1, 119]. Унинг фикрича, инсон фаолиятидан келиб чиқиб ҳар қандай ижтимоий объект, қадрият мобиллик хусусиятига эга бўлиши мумкин.

Россиялик олима В.Чеснокова инсоннинг ижтимоий мобиллигини унинг касби, профессионал хусусиятлари, ўз вазифасини самарали бажариши билан боғлиқ қобилияти муҳим роль ўйнашини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсоннинг хусусиятини ҳамда салоҳиятини жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатлар орқали, инсоннинг мазкур муносабатлардаги ўрни, позицияси орқали англаш мумкин [2, 119].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсоннинг жамият ҳаётида мослашувчанлиги ва ижтимоий мобиллиги инсон салоҳиятининг айнан ижтимоий муносабатлар билан боғлиқлигини ва мазкур муносабатлар доирасида шаклланиши ҳамда ортиб боришини, жамият тараққий этиб боргани сари унинг салоҳияти ҳам юксалиб бориши, ижтимоий тараққиётнинг субъектив омили – инсоннинг салоҳияти янада юксалиши каби ҳодисалар инсон салоҳиятининг ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳамда ижтимоий моҳиятга эга эканлигини англатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сорокин П.А. Социальная мобильность. М.: 2005. –С. 119
2. Чеснокова В.Ф., Уильям Л. Питирим Сорокин: социальная стратификация и социальная мобильность. Человек. Сообщество. Управление. 2007. № 1. – С. 115;121  
<https://cyberleninka.ru/article/n/uilyam-l-uorner-pitirim-sorokin-sotsialnaya-stratifikatsiya-i-sotsialnaya-mobilnost/pdf> (мурожаат этилган сана: 04.04.2022).

## KAMOLOT UCHUN ENG AVVAL MA'RIFAT

**Mirzahamdorov Saxovatbek Dilshodbek o'g'li**  
**Tarix fakulteti, tarix yo'nalishi II bosqichi talabasi.**

***Annotatsiya:** Bu maqolada inson kamolotida axloq, ilm va dinning ahamiyati va ularni singdiruvchi mutasaddilarning o'zaro munosabatlari haqida fikrlar borib, unda "Eng avval ma'rifat, so'ng iqtisod va so'ngida siyosat" g'oyasi ilgari surildi.*

***Kalit so'zlar:** Ma'rifat, III renessans, ilm va axloqning uy'unlashuvi, ta'lim, tarbiya.*

***Annotation:** This article discusses the importance of morality, science and religion in human development and the relationship between responsible people who instill them, and puts forward the idea of "first education, then economics and, finally, politics."*

***Key words:** Enlightenment, 3rd Renaissance, combination of science and ethics, education, upbringing.*

***Аннотация:** В данной статье рассматривается значение морали, науки и религии в развитии человека и взаимоотношения между ответственными лицами, которые их прививают, и выдвигается идея «сначала просвещение, затем экономика и, наконец, политика».*

***Ключевые слова:** Просвещение, 3-ий Ренессанс, соединение науки и этики, образование, воспитание.*

Inson yaratilmish jonzotlar orasida eng yirik mo'jiza sifatida qadrlanadi. Zeroki, unda ma'rifat shakllangan bo'lsa. Ma'rifat o'z ichiga nafaqat o'zining ilm tushunchasini balki ma'naviyatning asoslari axloq va diniy tarbiyani ham o'z ichiga oladi. Biz buni asoslashda quyidagicha yondashdik. Insonni boshqa jonzotlardan ajratib turadigan 3 ta jihat: tafakkur, axloq va e'tiqodlarni asos qilib oldik. Chunki insonni hayovonot olamidan ajratib turadigan jihatlar aynan shulardir. Biz o'z fikrimizdan maqsadimizni tushuntirishdan avval ma'rifat deb ilgari surilayotgan ilm, axloq va dinga qisqacha ta'rif berib, o'rnini aniqlashtirib o'tsak.

Bilamizki, ilmlarning ba'zilari tartib va tasnifga tushirilgan fanlar ko'rinishida bo'ladi. Ular – o'z mazmuniga ko'ra diniy va dunyoviy; amaliy ko'rinishiga ko'ra – amaliy-malakaviy va ijodiy; ehtiyojga ko'ra, keraksiz va foydali kabi turlarga tasniflanishi ham mumkin. Ilm va bilimni bir-biridan farqlashimiz kerakki, ilm bu bir dengiz bo'lsa, bilim esa o'qish va tajriba asosida shu dengiz qaridan tergan durlarimizdir. Bilim esa o'z o'rnida ma'lumot, ko'nikma va malakada mujassamlashadi. Ilm haqida juda ham ko'p ulamo-yu mutafakkirlarimiz o'z so'zini aytib kelganlar. Bunda ular quyidagicha toifalarga bo'linadilar: ko'plari ilmni neytral tushuncha sifatida qabul qilib, uni hamma ham o'rganaverishini aytadilar. Eng muhimi uni to'g'ri yo'lga yo'naltirilsa bas. Bunga faylasuf-u olimlar Aristotel va imom G'azzoliyning "ilm gar qalb bilan mujassamlashmasa u yozuvlik uchun xizmat qilishi hech gap emas" degan fikrini dalil qilib oladilar; Aksariyat olimlar ilmda, asosan, amalga ko'p e'tibor qaratgan bo'lsalar; ba'zilari esa amal bilan emas, ilmning o'zi mutlaqdir degan hukmni ilgari suradilar, negaki, siz qoldirgan meros bilan vafot etgan holingizda ham qolganlarga ta'sir o'tkazyapsiz. Aynan shuning uchun ilmda amalning birlamchiligi hayot davomidadir; ana boshqa bir guruh olimlar esa bu borada niyat bilan hisoblashish kerak degan g'oyani ilgari suradilar. Bilamizki, ilm, asosan, ta'lim vositasi orqali insonga singdiriladi. Singdiruvchi asosiy mutasaddilar esa o'qituvchilar va murabbiylar.

Axloq – kishilarning bir-birlariga, oilaga, jamiyatga bo'lgan munosabatlarida namoyon bo'ladigan hatti-harakatlari, xulq-atvorlari, odoblari majmuyi bo'lib, uni "Etika" fani o'rganadi. Uni singdirish vositasi sifatida tarbiya yetakchi ro'l o'ynab, uning singdiruvchi dastlabki va asosiy

mutasaddilari ota-onalardir. Shu joyida buyuk muallim Abdulla Avloniyning “Tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir” degan so‘zlari biz uchun yetarlidir. Axloqning huquqdan farqli jihati, axloq talablarini bajarish yoki bajarmasligini jamoatchilik tomonidan baho berish, ya’ni qilingan ishni qoralash yoki ma’qullash kabi o‘z munosabatini izhor qilish bilan belgilanadi. Lekin huquq qoidalarini bilan axloqni o‘xshashlik jihati borki, unda “axloq – qonun negizi” qoidasidan kelib chiqib, qonunning buzilishida, avvalo, axloqning darz ketishi holati yuz beradi. Inson ijtimoiy va kundalik hayotida har doim axloqiy tanlovlarga duch keladi. Bu tanlovlar hattoki, insonning butun boshli hayot yo‘lini belgilab berishi mumkin.

Axloq umumiy nom bo‘lib, u ikki qism: xulq va odobga bo‘linadi. Odob – insonning o‘zgalar oldidagi burchining normal muvozanat shaklidir. Uning asosini kichik normal burch shaklidagi qonun-qoidalar tashkil etadi. Odobni singdirish vositasi esa har qanday narsalarni takroriy ravishda odat qilib olishdan kelib chiqadi. Xulq esa bundan ancha muhimroq bo‘lib, inson qalbining ichki go‘zalligi va pokligini o‘zining hatti-harakatlarida ko‘rsatishdir. Uning asosi go‘zal qalbdir. Unga tarbiya vositasi sifatida ibratning o‘zi kifoya.

Din masalasiga kelsak, bu nozik va ehtiyotkorlikni talab qiluvchi tushuncha bo‘lib, insonlarning Xudoga nisbatan bilimlar, aqidalar, axloq, amallar bilan qilinadigan ilohiy munosabat shakli bo‘lib, ikki dunyo saodatini va’da qilib, o‘sha saodatga eltadigan yo‘llarini ham ko‘rsatib qo‘ygan ijtimoiy va individual talpinish hodisasidir. Umuman olganda barcha dinlarning asosi ezgulik hisoblanadi. Dinlar ham ijtimoiy hayotda birlashtirish, tasalli berish, tarbiyalash va boshqa funksiyalarni ham bajaradi. Shunday ekan biz hech qaysi usulda ham dindan ayro tusha olmaymiz.

Endi ilm, axloq va dinning o‘zaro munosabatiga to‘xtalsak, Biz ilgari surayotgan ma’rifat konsepsiyasida “axloq, din va ilm doim o‘zaro bog‘liq holda bir-birini to‘ldirishi kerak” degan fikri ilgari suriladi va inson kamolotida bu eng asosiy ustundirlar. Ya’ni agar biror ilm-fan o‘z o‘rnida axloq va dinni inkor qilyaptimi yoki ularga zid bo‘lsa demak, unday ilm ilmdan emas. Yoki biror axloq o‘z o‘rnida din va aqlga zid ekan, u befoydadir. Va hattoki din ham axloq va aqlga zid ekan, demak din ham asl sof holda bo‘lmay tor doirada mutassiblik darajasida bo‘lishi mumkin. Xulosa o‘rnida aytganda ilm-fan, axloq va din o‘z holida yolg‘iz ishlatilganda inson qo‘lida qurol bo‘lishi mumkin, Ammo bular insonga bir-biriga mezon bo‘lsa va singdirilsa, bir yo‘la uchchala ilm ham, ular singdirilgan shaxs qurol bo‘lmaydi. Bu she’rda keltiramizki,

Insonning qadrini axloq bilgin sen,  
Hayvondan farqliqni ilm degin sen  
Ey inson xushyor tort nechun keraksen,  
Gar iymon bo‘lmasa hayfdirsan sen.<sup>1</sup>

Savol tug‘iladi? Insonga ma’naviyat va ma’rifatni singdirishda bu uchchalasidan qaysi bir yuqori darajada va qaysi biri avvalroq yoki keyinroq singdirilishi kerak? Bilamizki, istalgan din inson irodasini bo‘ysindira olish qudratidan holi emas. Shuning uchun hamma dinning ro‘li yuqori ekanligini ilgari suradilar. Biz ham shu fikrga qo‘shilamiz lekin, biz buni boshqa yo‘l orqali dalillaymiz. Birinchidan, din o‘zini singdirishda tarbiyadan ham, ta’limdan ham to‘laqonli foydalanadi va hech qachon bu vositalarni rad etmaydi. Ikkinchidan esa dunyoni o‘zgartirgan shaxslar reytingida xos payg‘ambarlar mos ravishda yetakchi o‘rinni egallamoqdalar. Shundan ko‘rinyapti, andoza sifatida payg‘ambarlar eng a’lo namuna sifatida ko‘rilib inson kamolida beqiyos o‘rindadirlar.

Keyingisi agar axloq va ilm o'rtasida qaysi birini ustunroq bilish yoki qay birini ertaroq singdirish masalasi. Odamlar bu savolga o'z tabiatiga ko'ra javob beradilar. Ya'niki, kimdir aqli shaxslarni hurmatlab unga ilm yoshlikdan berilishi kerak desalar, yana kimdirlar agar xulqi bo'lmasa ilm ham yuqmasligini aytib, axloqli shaxslar har doim ham e'zozlanishini ilgari surib, axloq avvalroq singdirilishini aytadilar. Biz bu borada aniq pozitsiyaga egamiz. Ba'zi bir mualliflar ikki tarafni ham yoqlab chiqadilar. Biz fikrimizni Umar ibn Hattob fikri bilan bayon etamiz "Farzandga avval tarbiya, so'ng ta'lim beringlar". Yana bir savol tug'iladi: "Bolaning 5 yoshgacha davrida ko'rib o'rgangan narsalarining 85 % ni eslab qolishini qo'ldan boy beramizmi?". Javobimiz shuki, bolaning eslab qolish quvvati kuchli ekanligi uning hamma narsani tahlil qila oladi degani emas. Demakki, avval xulq, so'ng ilm ekan. She'rd aytiladi:

Agar xulq ila ilm bo'lsa egizak,  
Unga axloq og'a bo'lmog'i kerak.<sup>2</sup>

Axloqning eng mo'jizali ahamiyati shuki, axloqni barcha birdek yaxlit qabul qilishidadir. Chunonchi, siz-u men uchun dinlarning sanog'i juda ko'p bo'lib, sizdagi dinni boshqasi qabul qilmasligi yoki siz ham boshqa dinga o'tmasligingizga juda katta foizda aminsiz albatta. Xuddi shunday ilm-fanda ham juda ko'p g'oyalar mavjud bo'lib, siz qaysidir g'oya tarafdori bo'lsangiz, boshqasi uni rad etishi mumkin. Lekin axloq butun insoniyat uchun begona bo'lmay hattoki, qadriyat darajasida e'zozlanadi. Tarbiya Aristotel aytganidek, inson tabiatida bo'lmagan narsalarni singdirish orqali o'z aksini topadi. Shunday holatlar bo'ladiki, inson o'zi xohlasa-da istagan xulqni o'zida shakllantira olmay qoladi. Xoh o'sha xulqqa ega shaxslar bilan yashab, ulardan ibrat olib ulg'aygan bo'lsin, xoh o'zini o'sha narsaga qattiq turib odob-u qoidasiga o'rgatsin bu xulq unda shakllanmay qoladi. Bunga uning irsiyligi to'siq bo'lib qoladi.

Ma'rifat (ilm, xulq va din)ni singdiruvchilar va ularning o'zaro munosabatlariga kelsak, shartli ravishda ota-onani tarbiya beruvchi ustoz, ta'lim beruvchi va ulamolarni dinni singdiruvchi subyektlar sifatida qabul qilamiz. Umuman olganda shoirlar, psixologlar, adib-u faylasuflar kabi yana boshqa ta'sir etuvchi subyektlar ham yo'q emas. Lekin yuqoridagilar asosiy vazifani o'tab beruvchilardir. Lekin bizning etnopsixologiyamizda shunday fikr singib ketganki, ta'lim beruvchi ta'lim jarayonida tarbiya ham bermoqda, diniy xodimlar ham aqida, shariat va boshqalarni o'rgatish bilan bir qatorda ijtimoiy tarbiya bermoqdalar. Bu ular uchun eng oson usulga aylanmoqdaki, ular o'z faoliyatida shunday ehtirolarni qo'zg'ashni qurol qilib olib da'vat qilmoqdalarki, ularning kuchli ehtirolsi fikrlaridan keyin ommada ularda ilm bor yoki yo'qligi bilinmay qolmoqda. Ustoz ham, diniy xodimlar ham o'z yo'lida tarbiya berishi shunga olib keldiki, bunda haqiqiy tarbiya berishi kerak bo'lgan shaxslar - ota-onalardan tarbiyalash vazifasi soqit bo'lib qolayotgandek. Aslida bu ham mutlaq notog'ri ish emas, uztoz va din ulamolari farzandga nasihatlar berishi mumkin va xursand qiladigan hol, ammo bergan nasihatlarini nazorat qilish qudratiga ega emaslar. Ular faqatgina farzandga tarbiyani go'zal namuna bo'lish orqaligina bera oladilar. Ota-onalar bilishlari kerakki, nima qilmasinlar baribir ham yaxshimi yoki yomonmi farzandlariga o'rnak bo'lishlari orqali, tarbiya berib boradilar va farzand ham o'z ota-onasidan o'z-o'zidan ibrat olishga tayyorlar, chunki ota-onasi va boshqalardan o'rnak olish vaqtida farzandda ularning tarbiyasini baholay olishga qodir tafakkur bo'lmasligi barchaga ayon. Shunga ko'ra farzandlarimiz tarbiyasiga ko'ra 3 guruhga bo'linadilar: tarbiya ko'rganlar, tarbiya ko'rmaganlar, noto'g'ri tarbiyalanganlar. Bilish kerakki, farzandning jamiyatda o'rinsiz tarbiyalanishida nafaqat noto'g'ri tarbiyalanish balki, tarbiyalanmay o'z holiga qo'yib qo'yishlikni o'zi kifoya qilar ekan. Biz yuqorida aytganimizdek, farzand ma'naviyatida ilm, e'tiqod va axloqning uyg'unlashuvini mutlaqlashtiriyotganimizni aniq ta'kidladigimizdan keyin sizda sizda



savol tug'ilishi mumkin "Nima uchun unda ta'limni tarbiya bilan uzviylikda, diniy xodimlarning e'tiqod va'zlarida ularning ijtimoiy nasihatlariga moyillik qilmayapsiz?". Biz bunga qarshi emasmiz, lekin ular tarbiyani o'z dunyoqarashlaridan kelib chiqib bermoqdalalar, aniq tizim yoki ibrat hamda o'rnak bo'lishlik bilan emas. Shunday ekan uyg'unlikni ta'minlash mumkinmi? Ha, mumkin, qachonki, ota-ona, diniy xodimlar va ustoz o'rtasida mustahkam aloqa shakllansin, bir-birlarining fikrlari bir-birga qarshi bo'lmasin. Chunki ular ayni ta'sir kuchiga egalar, bir taraf nasihat qilsalar, boshqa taraf esa o'sha aytilgan nasihatlardan xabardor holda farzandini shu aytilgan nasihatlarga amal qilayotganini nazorat qilsinlar. Ota-onalarning o'zlari ham nazorat qilish barobarlarida o'zlari amal qilib, o'rnak bo'lsalar nur ustiga a'lo nurdur.

Maqolamizdan xulosa va natijamiz shuki, agar shu 3 xislat ilm, axloq va muqaddas qadriyat islom dinimizni farzandlarimiz ma'naviyati va ongiga alohida holda emas, aynan, uyg'un tarzda singdira olsak, biz kutgan O'zbekiston kelajagi uchun kutilayotgan III renessansni ,albatta, qila olamiz.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. "Turkiy guliston yoxud axloq" – Abdulla Avloniy(Hijron). Toshkent. 1917 (eski nashr bo'yicha).

## **TEKNOLOGIYA FANIDA ARDUINO DASTURIDAN FOYDALANISH**

### **Ajiniyoz nomidagi NDPI**

**Assistent o'qituvchisi M.K.Kamilova**

**Stajyor o'qituvchi R. Saparniyazova**

***Annotatsiya.** Maqolada texnologiya darolarida talabalarning ijodkorlik tafakkurini rivojlantirish masalalari qaraladi. O'quv jarayonida Arudino dasturidan foydalanishning ahamiyatlilik masalalari ko'rib chiqiladi.*

***Kalit so'z.** Arduino platformasi, robototexnika asoslari, ijodkorlik tafakkuri, dastur.*

***Аннотация.** В статье обсуждаются подходы к развитию конструкторского мышления учеников на занятиях технология. Рассматриваются вопросы популярности использования в образовательном процессе программы Arudino.*

***Ключевые слова:** платформа Arduino, образовательная робототехника, конструкторское мышление, программа*

***Annotation.** The article discusses approaches to the development of students' design thinking in technology classes. The questions of the popularity of using the Arudino program in the educational process are considered.*

***Keywords:** Arduino platform, educational robotics, design thinking, program.*

Zamonaviy axborot texnologiyalarining rivojlanishi nafaqat yangi texnik jihatdan ilg'or qurilmalarning paydo bo'lishi, balki robototexnika rivojlanishi bilan ham bog'liq. O'qituvchilik faoliyatida maktab o'quvchilariga avtomatlashtirilgan texnik tizimlarni - robototexnikalarni ishlab chiqishda ishtirok etadigan amaliy fan texnologiya faniga Arudino dasturidan foydalanish o'quvchilarning ijodkorlik faoliyatini rivojlantiradi.

1971 yilda Amerikaning Texas Instruments kompaniyasi xodimlari Maykl Kochren va Garri Bun birinchi bo'lib birkristalli mikroEHM ga patent olishdi.

Bitta chipga nafaqat protsessor va kiritish-chiqarish qurilmalari bilan xotira joylashtirilish go'yasi maishiy elektronika va texnikaning rivojlanishining asosiga aylandi. Bunday qurilmani mikrokontroller deb ataladi. Deyarli barcha electron tizimli qurilmalarda kontrollerlar talab qilinadi. Mikrokontrollerlar kompyuterlarga nisbatan dasturchilar xatolariga sezgirroq bo'ladi.

Mikrokontroller (inglizcha Micro Controller Unit, MCU) - elektron qurilmalarni boshqarish uchun mo'ljallangan microsxema. U tizimni yaratish uchun barcha boshqarish elementlari nazorat qilish: ma'lumotlar xotirasi, xotira programmasi, taktlar impuls generatori, vaqt o'lshagishlar, hisoblagichlar, parallel va ketma-ket portlarni o'z ichiga oladi. Mikrokontroller - nazorat ob'ektiga joylashtirish uchun mos mikrosxemali bitta plataga ega mini-kompyuter.

Mikrokontrollerlar uchun dasturlar maxsus integratsiyalangan muhitlar (ang. Integrated Development Environment, IDE) da yoziladi.

Arduino - bu o'z protsessoriga va xotirasiga ega bo'lgan kichik plata. Platada lampochkalar, datchiklar, motorlar, choynaklar, routerlar, eshikning magnit qulflari va umuman elektr energiyasi bilan ishlaydigan narsalar ulanadi.

Arduino protsessoriga ushbu barcha qurilmalarni ma'lum algoritmgga muvofiq boshqaradigan dasturni yuklash mumkin. Shunday qilib, cheksiz ko'p ajoyib gadjetlarni yaratish mumkin.

Arduino - bu elektronika, avtomatlashtirish jarayonlarni va robototexnika sohasida oddiy tizimlar, modellar va tajribalarni yaratish va prototiplar ishlash uchun dasturiy- apparatli qurilma.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida texnologiya fanida robototexnikani elektronika va oddiy mexanizmlarni o'rgatishdan boshlash kerak. Robototexnikani o'rganish uchun turli xil o'quv predmetleri orasida eng ko'p qo'llaniladigani Lego, Minirobot bilan birga Arduinodan boshlash har taraflama qo'lay, o'quvchilar uchun oson va minimal xarajatlar talab etadi.

Ushbu platformadan ta'lim muassasalari uchun foydalanish dasturlash ko'nikmalarini amalda rivojlantirish, shuningdek, sxemalar asoslarini o'rganish imkoniyatini qo'lga kiritish imkonini beradi. O'quvchilarga avtomatlashtirilgan komplekslarning apparat va dasturiy ta'minotini yaratishning asosiy usullarini o'zlashtirish imkonini beradgan dastur. O'ylaymanki, bunday ishlar natijasida o'quvchilarning aniq, muhandislik va texnologiya fanlarni o'rganishga bo'lgan qiziqishini oshirish mumkin, o'quvchilar ijodkorligini rivojlantirish uchun yangi imkoniyatlarga ega bo'ladi.

Shunday qilib, yuqorida aytilganlarga asoslanib, shunday xulosaga kelish mumkin Arduino dasturi texnologiya fanida o'quv jarayoni uchun juda ahamiyatga ega.

O'rganishning nisbatan qulayligi, xilma-xilligi va mavjudligi platformaning elementlari uni dizaynda keng qo'llash imkonini beradi o'quvchilarning faoliyati, shu jumladan texnologiya ta'limini o'rganishda turli texnik elektron qurilmalar, muhandislik, dizayn va ijodiy qobiliyatlarning rivojlantirishga hissa qo'shadi.

### **Adabiyotlar**

1. Рудаков Д. А. Применение arduino в проектной деятельности обучающихся МГПУ 2020 года. г. Москва
2. Серёгин М.С. Использование платформы Arduino в образовательной деятельности. Москва . 2019 г

## BO'LAJAK TEXNOLOGIYA FANI O'QITUVCHISINI INNOVATSION PEDAGOGIK FAOLIYATGA TAYYORLASH

**Nurmamatov Zuxriddin Shavkat o'g'li**  
**Termiz davlat universiteti o'qituvchisi.**  
**Termiz, O'ZBEKISTON**  
**E-mail: [zuxriddinbekjon@umail.uz](mailto:zuxriddinbekjon@umail.uz)**

***Annotatsiya:** Maqolada bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisining innovatsion faoliyati, uning faoliyatini o'quvchi faoliyati bilan o'zaro ta'siri va o'zaro bog'liqligi, ta'lim sifatini oshirishga intilish shakli sifatida qarash haqida so'z yuritilgan.*

***Kalit so'zlar va tushunchalar:** o'qituvchi, o'quvchi, dars, texnologiya, pedagogika, innovatsiya, faoliyat, tayyorlash.*

***Аннотация:** В статье рассматривается инновационная деятельность будущего учителя технологии, взаимодействие и взаимозависимость его деятельности с деятельностью учащихся, как форма стремления к повышению качества образования.*

***Ключевые слова и понятия:** учитель, ученик, урок, технология, педагогика, инновация, деятельность, обучение.*

***Annotation:** The article discusses the innovative activities of a future technology teacher, the interaction and interdependence of his activities with student activities, as a form of striving to improve the quality of education.*

***Keywords and concepts:** teacher, student, lesson, technology, pedagogy, innovation, activity, training.*


Hozirgi kunda ta'limning istalgan natijasining asosiy elementi - o'zgaruvchan muhitda o'quvchining muvaffaqiyatli hayotini ta'minlash - insonning voqelikka innovatsion, ijodiy yondashuvini rivojlantirishdir. Binobarin, ta'lim jarayonining samaradorligi uchun zamonaviy sharoitlar yaratiladigan va amalga oshiriladigan yaxlit innovatsion pedagogik faoliyat muhim ahamiyatga ega[1].

Shunday qilib, bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisining kasbiy va shaxsiy fazilatlarini ayniqsa muhim bo'lib, uning innovatsion faoliyatni amalga oshirishga tayyorligi va qobiliyatini ta'minlaydi.

Kasbiy faoliyat tizimini o'zgartirish zarurligini tushunadigan ijodkor modernizatsiya, ratsionalizatsiya yoki o'zgartirish asosida tubdan yangilik (ijodiy yangilikning eng yuqori darajasi) sifatida yangi narsalarni yaratishga intiladi. O'qituvchi bu holatda "yaratuvchi" pozitsiyasini egallaydi. Darhaqiqat, ustoz-ijodkorning bu intilishi qarshilik va qarshiliklarga duch keladi.

O'qituvchining ijodiy yetukligini yaratish jarayoni to'xtab qolmasligi uchun quyidagilar zarur:

- 1) uzoq muddatli maqsadli innovatsion rivojlanish dasturlarini yaratish;
- 2) maqsadni nafaqat moddiy, balki ma'naviy ustunlikka ham qo'yish;
- 3) g'oyani yoki tub innovatsiyani doimiy ravishda davom ettirish va takomillashtirishga qodir bo'lgan hamfikrlarning mavjudligi;
- 4) yaratish va amalga oshirish jarayonini birlashtirish; kasbiy amaliyotdagi yangiliklar;
- 5) "ijodkor" va uning jamoasini rag'batlantirish va ijtimoiy himoya qilish tizimini yaratish[3].



Bundan keyin yangi ijtimoiy sharoitlarda innovatsiyalarni qo'llash imkoniyatlarining tugashi tufayli inqiroz davri kelishi mumkin, bu esa yangi ixtiroga bo'lgan ehtiyojni keltirib chiqaradi. Shu bilan birga, innovatsion jarayon birinchi bosqichdan boshlab dialektik spiral bo'ylab, lekin boshqa sifat darajasida rivojlanadi.

Hozirgi kunga kelib, innovatsion jarayonda uchta tarkibiy komponent mavjud bo'lganda amalga oshiriladi: g'oya, uni ishlab chiqish jarayoni va yangi natija olish.

Ammo pedagogik amaliyotda bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisi har doim ham shu uch komponent asosida yangi narsalarni yaratish imkoniyatiga ega bo'lavermaydi. O'ziga xoslik, muammoning yangilikni tashkil etuvchi bir yoki ikkita noma'lum bilan hal qilinishidir. Bu ko'pincha mavjud me'yor va an'anaga yangi elementlarni kiritish paytida sodir bo'ladi. Shu bilan birga, innovatsion jarayon o'ziga xos xususiyatlarni o'zlashtirish va yangi g'oyani optimal tekshirish uchun shart - sharoit yaratish uchun moslashtirish, prognozlash va qidirish davrlarini ta'minlaydi.

Bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisining innovatsion faoliyati, uning faoliyatini o'quvchi faoliyati bilan o'zaro ta'siri va o'zaro bog'liqligi, ta'lim sifatini oshirishga intilish shakli sifatida qarash mumkin. Uning xarakterli xususiyatlariga immanentlik, protsessuallik, innovatsiya va ta'lim jarayonlari maqsadlarining bir xilligi kiradi. Innovatsion faoliyatning predmeti unda to'plangan inson tajribasini o'z ichiga oladi. Innovatsiya funktsiyalariga moslashish (muloqot, o'zaro tushunish, moslashish), professionallashtirish, sotsializatsiya (ijtimoiy etuklikka erishish) kiradi[3].

Kasbiy innovatsion faoliyatni yaxshi biladigan o'qituvchi tegishli motivatsiya, innovatsion jarayonlarni bilish, pedagogik ta'sirlarni loyihalash qobiliyati, nafaqat ma'lum texnologiyalarni qo'llash, balki ularni takomillashtirish qobiliyati bilan ajralib turadi[5].

Hozirga kelib, bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisining muhim fazilatlarini - bu chuqur kasbiy bilim va maxsus ko'nikmalarga ega bo'lish, ijodkorlikning namoyon bo'lishi, yuqori natijalarga erishishga qiziqishi, kasbiy mahoratda namoyon bo'ladigan yuqori darajadagi introspektsiya va o'zini o'zi nazorat qilishdir.

Yangicha (innovatsion) bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisining hozirgi vaqtda birinchi o'rinda turadigan va shuning uchun eng muhim rivojlanishni talab qiladigan xususiyatlariga yangilik, yangilikni his qilish, yangilikka ochiqlik, yangilikni idrok etishga tayyorlik, o'z-o'zini o'rganish, o'z-o'zini yangilash, shuningdek, professionallik, pedagogik fikrlashning innovatsion uslubi, ijodiy qarorlar qabul qilishga tayyorlik[6].

Ushbu yondashuv belgilangan bilim, ko'nikma va malakalarni o'rgatish yo'li bilan emas, balki har bir shaxsning qobiliyatini rivojlantirish va o'z - o'zini rivojlantirish o'zagi bo'lgan o'quv faoliyati jarayonida amalga oshiriladi.

Talabalarning o'quv faoliyati ilmiy va amaliy muammolarni hal qilish (loyihalarni amalga oshirish) jarayoni sifatida tashkil etilishi kerak, bu har kimga o'zini o'zi rivojlantirish, o'z-o'zini bilish, aks ettirish, o'zini o'zi anglash imkonini beradi[4].

Xulosa shuni ko'rsatadiki talabani kelajakdagi innovatsion faoliyatga tayyorlash eng yangi usul va texnologiyalar bilan doimiy tanishtirmasdan va o'rgatib turmasdan mumkin emas. Pedagogik loyihalash bo'yicha o'qitishni loyihalash faoliyatini simulyatsiya qilish usuli bilan amalga oshiriladigan o'qituvchi-innovatorlar tayyorlash mazmuniga kiritish maqsadga muvofiqdir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob halqimiz bilan birga quramiz. "O'zbekiston" 2017.
2. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. "O'zbekiston" 2016.
3. Shomirzayev M.X. Texnologiya fanini o'qitishda innovatsion pedagogik texnologiyalar. Darslik.. -T.: "TerDU nashr-matbaa markazi", 2020. - 226 b.
4. Shomirzayev M.X. Texnologiya fanini o'qitishning samaradorligini oshirish yo'llari. O'qituvchilar uchun uslubiy qo'llanma. -T.: 2019. - 72 b.
5. Ishmuhamedov R.J. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari. - T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2005.
6. A. Abduqodirov, R. Ishmuhammedov. "Ta'limda innovatsion texnologiyalar" T.: 2008. - 128 b.

# O'QITUVCHINING OG'ZAKI VA OG'ZAKI BO'LMAGAN XATTI-HARAKATLI MUNOSABATINI TALABANING INGLIZ TILI DARSLARIDA ERKIN MULOQOTGA KIRISHA O'LISHIGA TA'SIRINI BAHOLASH

Andijon Davlat Universiteti, Pedagogika Fakulteti, Umumtexnika va mehnat ta'limi yo'nalishi o'qituvchisi, M.O.Axmadaliyeva

***Anotatsiya:** Ushbu maqolada o'qituvchining og'zaki va og'zaki bo'lmagan hatti-harakatli munosabatini, talabaning ingliz tili darslarida erkin muloqot qilishiga ijobiy ta'sir o'tkazishini o'rganib chiqilgan. Shu mavzuga oid ilmiy ishlar taxlil qilinib, mohiyati aks ettirilgan.*

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются вербальные и невербальные поведенческие установки учителя, которые положительно влияют на способность учащегося свободно общаться на уроках английского языка. Научные работы по данной теме проанализированы и отражены по существу.*

***Annotation:** This article examines the teacher's verbal and non-verbal behavioral attitudes, which have a positive effect on a student's ability to communicate fluently in English classes. Scientific works on this topic are analyzed and reflected in the essence.*

***Kalit so'zlar:** o'qituvchining munosabati, og'zaki xatti-harakatli munosabat, og'zaki bo'lmagan xatti-harakatli munosabat, muloqotga erkin kirishish.*

***Ключевые слова:** отношение учителя, отношение к вербальному поведению, отношение к невербальному поведению, свободный доступ к общению.*

***Key words:** teacher attitude, verbal behavior attitude, non-verbal behavior attitude, free access to communication.*

**O'qituvchining munosabati :** bu og'zaki va og'zaki bo'lmagan xatti-harakatlar isobanib, o'qituvchilar va talabalar o'rtasidagi jismoniy va psixologik masofani qisqartirish bilan ifodalanadi.

**Og'zaki xatti-harakatli munosabat:** o'qituvchilarning o'quvchilarga ism-sharifi bilan murojaat qilishi, o'quvchilarning ishini maqtash va talabalar bilan suhbatni boshlash va o'quvchilarni savollar berishga undash, bazi vaqtlarda hazildan foydalanish kabi xatti-harakatlari (Gorham, 1988).

**Og'zaki bo'lmagan xatti-harakatli munosabat:** O'qitish jarayonida ovozli ifodalardan foydalanish, darslarni ochiq chexra bilan olib borish, talabaga murojaat qilishda ko'zlariga qarash, imo-ishoralardan foydalanish va dars davomida sinfxonaning o'qituvchi xududining turli joylarida arakatlanish. (Gorham va boshqalar, 1988).

**Muloqotga erkin kirishish:** Ikkinchi til yoki chet tili yordamida ma'lum bir vaqtda maxsus shaxs yoki shaxslar bilan nutq so'zlashga tayyorlik (MacIntyre va boshq., 1998). Ushbu tadqiqotda yuzma-yuz muloqot, aniqrog'i, ingliz tili darslarida savollar berish yoki ularga javob berish, sinf faoliyatida ishtirok etish tushuniladi.

(Rashidi, 2012) ta'kidlaganidek, dunyoda eng ko'p so'zlashuvchi tillar orasida ingliz tili odamlar foydalanadigan to'rtinchi tildir. Qolaversa, u ingliz tilini xalqaro miqyosda tilga olib, bugungi kunda o'zaro bog'langan dunyo uchun eng muhim til ekanligini ta'kidlaydi. Shu sababli, tilni mukammal o'rganuvchi bo'lish uchun muloqot qilish uchun maqsadli tilni tanlash kerak. Hozirgi kunda ingliz tili O'zbekistonda eng ko'p o'rganiladigan chet tiliga aylandi va ingliz tilining ta'lim va ijtimoiy sohalardagi roli va funktsiyalari tez sur'atlar bilan o'sib bormoqda (Hasanova, 2007). O'zbekiston Prezidentining 2012-yil 10-dekabrda "Chet tillarni o'qitish tizimini yanada rivojlantirish to'g'risida"gi PQ-1875-son qarori (Jonixonov, 2013-yil) to'g'risida bir qator qonunlar imzolandi. Chet tilini, xususan, ingliz tilini o'rgatishning muhimligini inobatga olgan holda, ushbu qonun o'zbekistonlik talabalarning zamonaviy bilimlarni o'zlashtirishi uchun juda

muhimdir. Qarorga ko'ra, chet tillarini o'qitish 2013/2014-o'quv yillaridan boshlab avvalgidek beshinchi sinfdan emas, balki boshlang'ich maktabning birinchi sinfidan boshlanadi. Bu muhimlikni anglagan holda, ota-onalar va jamoatchilik tomonidan iliq qabul qilinadi. Ushbu qaror qo'llanilgandan so'ng, elektron ta'lim, qiziqarli o'yinlar, adabiyotlar va boshqalar kabi o'quv loyihalari va materiallarini ishlab chiqarish uchun ko'plab foydali harakatlar va jarayonlar amalga oshirildi. Ko'pincha ingliz tili mutaxassisi, ingliz tili o'qituvchilarini tayyorlash tavsiya etiladi. Shu bois 2015 yildan boshlab barcha oliy ta'lim muassasalariga kirish imtihonlari bloklariga xorijiy tillar, xususan, ingliz tili ham qo'shilmoqda. Bu har bir mutaxassisdan ingliz tilini o'rganishni talab qiladi va bu o'qituvchilarga muhim vazifani qo'yadi.

Ingliz tili ikkinchi til kontekstida o'quvchilar muloqotni mashq qilish uchun haqiqiy til bilan tanishadilar. O'qituvchilar ta'lim jarayonining samarali bo'lishining muhim omili sifatida belgilanadi (Nasr, Booth & Gillett, 1996). Ular talabalarning ushbu tilni o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini bartaraf etish va agar o'qituvchi yordam beradigan bo'lsa, talabalarning motivatsiyasini saqlab qolish uchun ko'p harakat qilishlari mumkin. xususiyatlari yoki bevosita xatti-harakatlardan foydalanadi (Hsu, 2005). Men ushbu tadqiqotda umuman olganda, ingliz tili darslarida o'qituvchilarning bevosita xatti-harakati va o'zbek talabalarining erkin muloqot qilishga tayyorligi o'rtasidagi bog'liqlikni ko'rib chiqmoqchiman.

Agar o'qituvchi o'z shogirdi bilan yaqinroq munosabat o'rnatasa, talaba osongina savol berishi yoki mavzu bo'yicha muhokama qilishi mumkin. Bir qator mamlakatlarda xorijiy tillarni o'rganishda erkin muloqotga kirisha olish bo'yicha maqolalar o'rganilgan. Ular orasida Turkiya, Xitoy, Yaponiya, Koreya, Tayvan, Xitoy, Eron ham bor.

Tadqiqotchilarning ta'kidlashicha, talabaning erkin muloqotga kirisha olishi va o'qituvchilarning bevosita xatti-harakatlari bo'yicha tadqiqotlar bir madaniyatdan boshqasiga qaraganda sezilarli darajada farq qilishi mumkin. Menzel va Carrel (1999) o'qituvchining og'zaki va og'zaki bo'lmagan bevosita munosabati o'quvchilarning erkin muloqotga kirisha olishi ta'sirini o'rganish uchun Liberal san'at universitetining 256 bakalavr talabari bilan so'rovnoma o'tkazdilar. Ishtirokchilarning javoblari o'qituvchi va talaba tomonidan jinsi bo'yicha alohida yig'iladi. O'qituvchilarning og'zaki hatti-harakatli munosabati talabaning sinfdan erkin muloqotga kirisha olishiga ijobiy bog'liqligi aniqlandi, ammo gender farqlari bu natijaga ta'sir qilmadi. Hsu (2006) Markaziy Tayvan sinflarida o'qituvchining og'zaki / og'zaki bo'lmagan xatti-harakatli munosabatini, o'quvchilarning ingliz tilida erkin muloqotga kirisha olishi statistik jihatdan sezilarli darajada ijobiy korrelyatsiya aniqlangan.

Umuman olganda, ijobiy tezkor xatti-harakatlar orqali o'zaro ta'sir o'tkazgan holda, o'qituvchilar o'zlari va talabari o'rtasida ko'rinmas iliq va foydali muhit yaratadilar va har xil turdagi og'zaki va og'zaki bo'lmagan xatti-harakatlarni o'rganish muhimdir. Misol uchun, bugungi kunda sinfdan tashqarida o'qituvchilar internetga asoslangan yoki aniqrog'i ijtimoiy tarmoqlarda talabalar bilan hamkorlik qilish odatlarini qabul qilishlari kerak. Bunday muhitda talabalar o'qituvchilarning og'zaki va og'zaki bo'lmagan hatti-harakatlaridan foyda olishlari mumkin. Xulosa qilib aytganimizda turli xorijiy ilmiy maqolalarni talil qilish natijasida shunga amin buldimki, o'qituvchining og'zaki va og'zaki bo'lmagan hatti-harakatli munosabatini, talabaning ingliz tili darslarida erkin muloqot qilishiga ijobiy ta'sir o'tkazishini aytishimiz mumkin.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

Hsu, L. (2006). The impact of perceived teachers' nonverbal immediacy on students' motivation for learning English. *Asian EFL Journal*, 12, 23-40.

Kent E. Menzel & Lori J. Carrell (1999) The impact of gender and immediacy on willingness to talk and perceived learning, *Communication Education*, 48, 31-40. doi:10.1080/03634529909379150

Hsu, L.L. (2005). The relationship among teachers' verbal and nonverbal immediacy behaviors and students' willingness to speak in English in central Taiwanese college classrooms. *Unpublished doctoral dissertation, Oral Roberts University, Tulsa, Oklahoma, U.S.A.*

Hasanova, D. (2007), Teaching and learning English in Uzbekistan, *English Today* 89, 23, 3-9, doi: 10.1017/S0266078407001022

Nasr, A.R., Booth, E., & Gillett, M. (1996). Relationship between lecturers' language background and their teaching performance. Retrieved August 11, 2005, from University of Wollongong, Australia, Faculty of Education Website: [www.aare.edu.au/96pap/nasra96151.txt](http://www.aare.edu.au/96pap/nasra96151.txt)

Jonixonov, M. (2013), "Xalq so'zi" Newspaper, №236, Retrieved from <http://samdchti.uz/index.php/uz/yil/Ilgor-talim-texnologiyalari>.

Rashidi, N., Mahmoudi Kia, M. (2012). The effect of teachers' immediacy on Iranian students' willingness to communicate (WTC) in EFL classroom. International Symposium on Language and Communication: Research Trends and Challenges (ISLC), Ege University, İzmir, Turkey.

Tempus, (2009) Higher Education in Uzbekistan, Retrieved from [http://eacea.ec.europa.eu/tempus/participating\\_countries/higher/uzbekistan.pdf](http://eacea.ec.europa.eu/tempus/participating_countries/higher/uzbekistan.pdf)

Hasanova, D. (2010), English as a trademark of modernity and elitism, *English Today* 101, 26, 3-8, doi:10.1017/S0266078409990587

## SOME IMPORTANT STUDIES IN LEGAL TERMINOLOGY

To'rayeva Umida Shuxratovna

Termiz davlat universiteti doktoranti [umidahope943@gmail.com](mailto:umidahope943@gmail.com)

Tel: +998919115777

**Annotation:** *Annotation: During the period of political, economic and spiritual development of our country, the number of terms in our language, especially in the legal field, has increased significantly. Ultimately, these reforms, aimed at establishing the rule of law, set linguists the task of describing legal terms, interlinguistic analysis, and defining the features of translation. In this article, the development of law and language, the important role of society in the development of society are described in detail in the description of linguists and legal scholars with the help of examples.*

**Keywords:** *legal language, unification, terminology, linguistic analysis, standardization, legal vocabulary.*

**Аннотация:** *Аннотация: За период политического, экономического и духовного развития нашей страны количество терминов в нашем языке, особенно в правовом поле, значительно увеличилось. В конечном итоге эти реформы, направленные на установление правового государства, поставили перед лингвистами задачу описания юридических терминов, межъязыкового анализа, определения особенностей перевода. В данной статье развитие права и языка, важная роль общества в развитии общества подробно описаны в описании лингвистов и ученых-правоведов с помощью примеров.*

**Ключевые слова:** *юридический язык, унификация, терминология, лингвистический анализ, стандартизация, юридическая лексика.*

**Annotatsiya:** *Mamlakatimizning siyosiy, iqtisodiy va ma'naviy taraqqiyoti davrida tilimizda terminlar, hususan yuridik sohaga oid terminlar soni sezilarli darajada oshdi. Pirovardida huquqiy davlatni qaror toptirishga qaratilgan bu islohotlar tilshunos olimlar oldiga huquqiy*



*terminlarni tavsiflash, tillararo tahlil qilish, terminlarni tarjima qilish xususiyatlarini aniqlash vazifasini qo'ydi. Ushbu maqolada huquq va tilning taraqqiy topishi, jamiyat yuksalishidagi muhim o'rni tilshunos va huquqshunos olimlar ta'rifida misollar yordamida atroflicha yoritib berilgan.*

***Kalit so'zlar:*** qonun tili, unifikatsiya, termin, lingvistik tahlil, standartlash, yuridik leksika.

Our country is working to reform its legal system, relying mainly on the experience of developed democracies, as well as the rich heritage of our national statehood, which has a history of several thousand years. The study of the legal system of other countries, the creative assimilation of their rich experience poses to the science of linguistics a very important issue, such as the comparative study of the legal terms of Uzbek and foreign languages. In addition, after gaining independence, our country has entered into contractual and legal relations with many countries around the world, aimed at establishing and developing relations in various fields. Such a relationship is first of all reflected in the legal documents. Achieving their comprehensive elaboration depends in many respects on the study of the linguistic features of the legal terminology of foreign languages.

Attention to the legal language dates back to ancient times. The emergence of the doctrine of law in society, in turn, led to the emergence of views on the language of law. Abu Nasr al-Farabi, in his book "Tal-xisu navomisi Aflotun" (The Essence of the Laws of Plato), gives a detailed explanation of the essence of the laws in Plato's work. It focuses on Plato's commentary: "The owner of the law must be clear to each group of people. To do this, the legislature must take into account the perceptual capabilities of the people so that people can understand it. Because people may find it difficult to understand and apply them in practice. Misunderstandings can lead to the owner abandoning the law and overthrowing it". From this it is clear that the scholars of our country from the very beginning worked on the issues of legal language, the language of law [1.87].

In the works of the Western philosopher Aristotle, special attention was paid to the legal language and its specific nature. By the third century AD, a high example of the language of law can be observed in Roman private law, that is, during this period, along with the development of legal knowledge, Roman jurists have thoroughly studied the language of law, its peculiarities. They drafted the laws in full compliance with the requirements of clear and concise legislation, focusing on the clarity and clarity of the legal norms, which in turn led to the improvement of Roman legislation [2.9]. The created laws are still considered to be the highest example of the law, astonishing all mankind with their thoroughness and firmness.

In most European countries, the period of accumulation of industry terms coincides with the "Renaissance". By the eighth century, as a result of the formation of the bourgeoisie, the legal system, that is, the law was introduced, during which time the legal language began to be widely studied in Europe. Regarding the legal language and its essence, Charles Louis Montesquieu [3.651] said in his book "The Language of the Law": "The legislative style should be short and to the point." Montesquieu called for laws and government decisions to be written in a language that everyone could understand.

In his research, the French linguist J. Munen [4.156] studies the theoretical aspects of the relationship between the linguistic sciences and the legal sciences, and concludes that linguistic tools are an important tool in the formation of legal norms.

The undeniable relationship between language and law, as well as the clear dependence of law on language, cannot be denied. As Gerard-Rene de Grote [5.145] put it, "the law needs language." Therefore, legal terminology has an important official meaning for the field of law.

I.A.Gromova [6.] laid the foundation for the development of cognitive terminology through her work "Юридические термины в когнитивном аспекте: На материале английского языка" In particular, the cognitive substantiation of the systemic nature of the formation of English legal terms and the study of the composition of the category of person in the language of legal terminology was given.

According to A.V.Superanskaya, in order to understand them correctly, the terms require a special interpretation. One-word words and phrases that know the exact name of the concepts of science, technology, agriculture and art are called terms. The word has many meanings, ie additional meanings, but the term does not have such a feature. The term is also a word, but it differs from ordinary words in the accuracy of its meaning, its uniqueness.

In the research of A.V.Abregova [6.67] it is considered that abbreviations, which are an integral part of legal terms, work in specific legal texts (laws, court precedents, scientific texts). In her work, the scientist identified the external development factor of the abbreviation process in modern English, the place of abbreviated terms in the system of legal terminology, the definition of thematic groups of abbreviations in English legal terminology.

F.S.Abdullayeva [7.95] should be recognized as one of the researchers engaged in the study of legal terms. In his work "Improving the linguodidactical basis of teaching legal terms" he studied the forms, methods and means of teaching legal terms in English on the basis of teaching materials, as well as created a system of non-standard tests in teaching and translation of legal terms. This study is important because the criteria, levels and typology of the description of the terms are similar in general and court decisions, as well as different aspects in the legal context.

The question of the classification of terms used in the texts of the law has caused a great deal of controversy among scholars. L.M.Boyko [8.92] classifies legal terms as follows:

1. General terms. Such terms are a major part of legal terminology and are widely used, from simple colloquialisms to scientific literature. For example: *proof, victim, witness, complaint (isbotlash, jabrlanuvchi, guvoh, shikoyat* in Uzbek)

2. Special terms. Such terms are used only in lawmaking and serve to express specific legal concepts. The number of special legal terms is not so great; most of them are derived from Roman law. For example: *smuggling, acceptance, court, (kontrabanda, aksept, sud) etc.*

3. Technical terms. Such terms are derived from various fields such as science, art, technology.

According to L.M.Boyko, "legal terminology includes a special terminology that serves to express the system of concepts used in the legislation." The peculiarity of this terminology is that it is used in regulations aimed at regulating the life of society as a whole. According to a number of other scholars, legal terminology is the main, more informative lexical layer of the legal language, which serves to clearly and concisely express the norms of law, to ensure the maximum conciseness of the legal text. It should be noted that although legal terminology does not occupy a large part of the text of a normative document, it is its basis in terms of content.

After independence, the attention to the legal language has increased, as evidenced by the legal definition of the criteria of the legal language. In particular, Article 20 of the Law "On the preparation of laws of the Republic of Uzbekistan" states that "the provisions of the draft law

should be clear and concise, excluding the possibility of different interpretations of concepts and terms used in the draft, their meaning shall be used in a uniform manner”.

#### LIST OF REFERENCES:

1. O'.Asqarova, M. Nishonov, M. Xayitbaev “Pedagogika” T., “Talqin” 2008y
2. Люблинский П.И. Техника, толкование и казуистика уголовного кодекса.П.,1917. 9 с
3. Монтескье Ш. Избранные произведения. М., 1955. 651 с.
4. Mounin G. La linguistique comme science auxiliaire dans les disciplines juridiques. XIX, Sirey, 1974.
5. Гроте Г.-Р. де. Язык и право // Журнал российского права. 2002. № 7. 145 с.
6. Абрегова А.В. Мест английский юридически терминов-аббревиатур терминосистем. Саргггов: Изд: Латанов В.П., 2005.с 67.
7. Абдуллаева Ф. С. [Юридик терминларни ўқитишнинг лингводидактик асосларини такомиллаштириш \(инглиз тили мисолида\): афтореф 2018](#)
8. Бойко Л.М. Совершенствование законодательной техники социально-экономического развития. – Тошкент: Фан, 1988.92 с.

### KREATIVLIKNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK TEXNOLOGIYASI MAZMUNI O'SMIR TALABALAR UCHUN IMKONIYATLAR

**Xayitov Jonibek Xolboboyevich**  
**Termiz davlat universiteti**  
**Texnologik ta'lim kafedrası o'qituvchisi**  
**Termiz, O'ZBEKISTON**  
**E-mail: [xayitovjonibek77@gmail.com](mailto:xayitovjonibek77@gmail.com)**

***Annotatsiya:** Maqola bugungi kunda asosiy ta'lim jarayonining tarkibiy qismlari - maqsadni belgilash, tanlash talabalar faoliyatini tashkil etishning mazmuni va uslubi, erishish natijasi orqali amalga oshiriladigan ishlar to'g'risida so'z yuritilgan.*

***Kalit so'zlar va tushunchalar:** o'qituvchi, talaba, kreativ, tafakkur, rivojlantirish, texnologiya, hamkorlik, samaradorlik.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются составляющие основного образовательного процесса на сегодняшний день - целеполагание, отбор, содержание и способ организации деятельности учащихся, работа, выполняемая через достижение.*

***Ключевые слова и понятия:** учитель, ученик, креатив, мышление, развитие, технология, сотрудничество, эффективность.*

***Annotation:** The article deals with the components of the basic educational process today - goal setting, selection, the content and method of organizing student activities, the work done through the achievement.*

***Keywords and concepts:** teacher, student, creative, thinking, development, technology, collaboration, efficiency.*

Hozirgi kunda ta'lim tizimini tubdan isloh qilish va kelajak avlodni bilimli qilishga qaratilgan e'tibor juda kattadir. Shuning uchun talabalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirish ta'siri ostida yaxlit ta'lim jarayoni amalga oshiriladi. "Pedagogik texnologiya nazariy asoslangan tamoyillar va qoidalar tizimi, va shuningdek, samarali erishish uchun tegishli texnika va usullar o'qituvchi maktab o'quvchilarini o'qitish, tarbiyalash va rivojlantirish maqsadlarida".

"Texnologiya" so'zi ikkita yunoncha so'z birikmasidan kelib chiqqan: techne- san'at va logotiplar - mahorat, o'qitish va "pedagogik" atamasi texnologiyasi" tarjimada pedagogik san'at haqidagi ta'limotni anglatadi.

"Pedagogik texnologiya" tushunchasi ilmiy foydalanishga kirdi, zamonaviy ta'lim tizimi "izchil amalga oshirish" sifatida amaliyotda, oldindan ishlab chiqilgan", "ta'limning mazmunli texnologiyasi jarayon" va aks ettiruvchi "rejalashtirilgan erishilgan yutuqlar tavsifi (ijodiy) ta'lim natijalari"ni o'z ichiga oladi. Pedagogik texnologiya - "barcha tafsilotlari bilan o'ylangan dizayn faoliyati modeli, ta'lim jarayonini tashkil etish va o'tkazish", qaysi talabalarning imkoniyatlarini rivojlantirish muammolarini hal qilish imkonini beradi. O'xshash texnologiya moslashuvchan ta'lim modelidir, "algoritmli va elementlarining o'zgaruvchanligi bilan ajralib turadi, ularning kiritish, chiqarib tashlash, almashtirish tartibi bo'ysunadi pedagogik loyihaga"[1].

Olimlarning mashhur asarlari asosida, texnologik yondashuvni fan va amaliyotga tadbiiq etuvchi bir qanchalari mavjud.

### **Pedagogik texnologiyani loyihalash uchun zarur bo'lgan qoidalar:[2]**

**1. Loyihalashtirilgan texnologiyani nazariy asoslash (tahlil qiziqish sohasidagi mavjud zamonaviy ta'lim tizimi yo'nalishi), bu kontseptual asosni aniqlashga yordam beradi, uni amalga oshirish uchun gipotezani aniqlang, pedagogikangizni solishtiring ta'lim amaliyotida o'xshash texnologiyalar bilan.**

**2. Maqsadni belgilash.**

**3. Didaktik vositalarni tanlash.**

**4. Uslubiy vositalarni loyihalash.**


**5. Maqsadga erishishni nazorat qilish usullari.**

**6. Pedagogik tuzatish.**

Belgilangan qoidalarga asoslanib, biz pedagogikani ishlab chiqdik, o'smirlik o'quvchilarining ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish texnologiyasidan iborat.

Pedagogik rivojlanish texnologiyasining kontseptual belgisi o'smir o'quvchilarning ijodiy imkoniyatlari V.G tushunchalari. Ryndak va V.P. Tigrova, tayanishni nazarda tutadi ijodiy ta'lim muhitining imkoniyatlari va o'z jarayondagi talabaning ta'lim resurslari (imkoniyatlari) loyiha

ijodiy faoliyati. Ijodiy faoliyat shaxsning ichki resurslarini uning strategik aktiviga aylantiradi va o'quvchiga ta'lim jarayonining sub'ekti bo'lishiga imkon beradi salohiyatini rivojlantirishga foydali ta'sir ko'rsatadi talabalar. Ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish uchun biz tomonidan ishlab chiqilgan texnologiya o'smir talabalar alohida hisoblanadi o'qituvchi va talabalar o'rtasida tashkil etilgan o'zaro hamkorlik, qaratilgan asosiy maqsadga erishish - ijodiy imkoniyatlarni rivojlantirish talabalar[4].



Ta'lim jarayonida o'qituvchi rol o'ynaydi tashkilotchi va murabbiy, ijodkorlik orqali o'quvchilar faoliyati ta'limning faol ishtirokchisiga aylanadi jarayon. O'qituvchi bilan hamkorlikda ular ishtirok etadilar maqsadlarni belgilash, muammolarni hal qilish, faoliyatni tahlil qilish va tuzatish. Bunday faoliyat sizga mustaqillikni ko'rsatish va amalga oshirish imkonini beradi o'quv va kognitiv faoliyat jarayonida talabalar imkoniyatlari; bu ularni yangi narsa qilishni xohlaydi. Ma'lumki talabalar tomonidan mustaqil amaliy tajribani o'zlashtirish o'qituvchilar, ota-onalar va boshqalar tajribasini o'zlashtirish asosida amalga oshiriladi.

Loyihalashtirilgan pedagogik orqali texnologiya talabalari ijodiy to'plamini egallaydi. Tajribaning dastlabki rivojlanishi taqlid - ergashish orqali sodir bo'ladi ijodiy faoliyat namunalari, u kuzatish bilan tavsiflanadi. Asta-sekin o'quvchilar mustaqil darajaga o'tadilar ijodiy faoliyat, ta'lim jarayonining sub'ektiga aylanadi[8].

Ammo o'quvchilarning tajribasi hali ham cheklangan, shuning uchun o'qituvchi ishni to'g'rilaydi talabalarga kerakli masalalar bo'yicha maslahatlar beradi. Yuqori daraja talabaning ijodiy faoliyati hisobga olinadi: yangilik, o'ziga xoslik va amaliy ahamiyati ko'rib chiqiladi. Ijodiy faoliyat talabalarga imkoniyat yaratadi, avtonomiya va ularning salohiyatini ro'yobga chiqarish.

Asosiy ta'lim jarayonining tarkibiy qismlari - maqsadni belgilash, tanlash talabalar faoliyatini tashkil etishning mazmuni va uslubi, erishish natijasi orqali amalga oshiriladi. Rivojlangan texnologiya universal xususiyatga ega, u turli xil talabalar faoliyatiga taluqli bo'ladi. Uni amalga oshirishdan maqsad o'smir o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish hisoblanadi. Yoshi va natijasi bilimlarni shakllantirishda ijobiy dinamika, ko'nikmalar, o'quvchilarning motivatsiyasi va qobiliyatlarini rivojlantirish kerak.

Talabalarning qobiliyatlarini rivojlantirishning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Yuqori motivatsiya - talabalarning ehtiyojlari va qiziqishlari to'plami, ta'lim va kognitiv faoliyat uchun rag'batlantirish hisoblanadi. Kuzatishlar shuni ko'rsatdiki, ko'pincha o'quvchilar ko'rishlari mumkin, ta'lim va kognitiv rag'batlantiruvchi turli xil motivlarning kombinatsiyasi faoliyat bilan bog'liqdir. Ular imkoniyatlarni rivojlantirishda eng katta rol o'ynaydi, talabalar jarayonda talabalarning qiziqishi motivini o'ynaydi, global maqsadni shakllantirishni nazarda tutadigan faoliyat va shuningdek, talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish kerak bo'ladi[4].

Xulosa qilib aytganda bo'lajak texnologiya fani o'qituvchisi bilan hamkorlikda ish olib borish, ular ishtirokida maqsadlarni belgilash, muammolarni hal qilish, faoliyatni tahlil qilish va tuzatish mumkin bo'ladi. Shuning uchun o'qituvchi va o'quvchi-talaba o'rtasida doimiy homkorlik bo'lishi ta'lim samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Shomirzayev M. X. Developing educational technologies in school technology education //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 5. – C. 73-79.
2. Shomirzayev M.X. Education is personally focused technology //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – T. 8. – №. 8.
3. Shomirzayev M.X. et al. National handicrafts of Uzbekistan and its social-economic significance //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – T. 8. – №. 8. – C. 129-138.
4. Shomirzayev M.X., Yuldashov K. K. The Educational Importance of Teaching Knowledge to Secondary School Students //Current research journal of pedagogics. – 2021. – T. 2. – №. 08. – C. 132-142.
5. Shomirzayev M.X. Practical lessons in technology: Characteristics of organization and conduct //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 4. – C. 991-1001.
6. Shomirzayev M.X. The concept of pedagogical technology and basic principles //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 11. – C. 1551-1560.
7. Shomirzayev M.X. The Concept of Pedagogical Technology and Basic Principles. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. (Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra, India), Vol. 10, Issue 11, November 2020 Scientific Journal Impact Factor (Sjif 2020-7.13). Part 1554-1563.

## BOSHQARUVDA INNOVATSION FAOLIYATNING AHAMIYATI

F.M.Komilova – ADU, Umumiy pedagogika kafedrası  
p.f.b.f.d.(PhD)

*Annotatsiya:* ushbu maqolada ta'lim muassasasi boshqaruv tizimining vazifasi ta'lim-tarbiya jarayonida ta'lim muassasasining maqsadli va izchil rivojlanishini ta'minlashdan iborat ekanligi, ta'lim muassasalari boshqaruvni innovatsion loyihalash va baholash tizimlarini yo'lga qo'yilishini nazoratga olish o'ziga xos muhim ahamiyat kasb etishi, innovatsion boshqaruv tizimi zamonaviy ta'limning asosiy poydevori hisoblanishi haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** boshqaruv, innovator, rahbar, moderatsiyalash, baholash, loyihalash, innovatsion faoliyat.

*Annotatsiya:* в данной статье задачей системы управления образовательной организацией является обеспечение целенаправленного и последовательного развития образовательной организации в образовательном процессе, контроль за внедрением инновационных систем проектирования и оценки управления образовательной организацией. считали, что инновационная система управления является основной основой современного образования.

**Ключевые слова:** управление, инноватор, лидер, модерация, оценка, проектирование, инновационная деятельность

*Annotation:* in this article, the task of the management system of an educational organization is to ensure the targeted and consistent development of an educational organization in the educational process, control over the implementation of innovative systems for designing and evaluating the management of an educational organization. believed that the innovative management system is the main basis of modern education.

**Key words:** management, innovator, leader, moderation, assessment, design, innovation.

Innovatsion boshqaruv tizimi xalq ta'limi boshqaruvini tubdan isloh qilish, yetuk bilim, ko'nikma, malaka va mahotarga ega boshqaruvchi rahbarni shakllantirishni nazarda tutadi. Innovatsion maqsadli boshqaruv tizimi muayyan loyihaga qaratilgan bo'lib ta'lim tizimidagi bir qancha kamchiliklarni, xatolarni va muammolarni bartaraf etishga qaratiladi. Agar biz ta'lim tizimida muayyan maqsadni qo'ymasdan takomillashtirish vazifasini qo'ysak, unda biz keraksiz funktsiyalarni yoki bajarishning yaxshiroq usullarini yoki qoniqarsiz yakuniy natijalarga erishishning yaxshiroq usullarini taklif qilish xavfini tug'diramiz, bu esa moddiy zarar etkazishi mumkin. Pedagogik jihatdan kadrlarni bilimli, jismonan sog'lom va ma'naviy yetuk boshqacha qilib aytganda barkamol shaxsni shakllantirishning ustuvor yo'nalishlarini amalga oshirish ham muhim ahamiyatga egadir.

Har xil turdagi va turdagi ta'lim muassasalari direktorlari va o'rinbosarlari, rivojlanish dasturlarini ishlab chiqish bo'yicha ishchi guruhlar uchun o'quv seminarlari tashkil etilishi ham ta'lim muassasalarining maqsadli boshqaruvi tizimining maqsadi hisoblanadi. Zamonaviy ta'lim tizimini samardorligini oshirishda, "Innovator rahbar" loyihasi ishlab chiqish samarali usul

bo'lishi o'ziga xos ahamiyatga ega. Quyida ta'kidlab o'tilgan moderatsiyalash, loyihalash va baholash tizimlari bilan tanishib chiqamiz:

Moderatsiyalash–bu ta'lim tizimining boshqarilishi hisoblanadi. Bu tizmda boshqaruvchining xulq-atvor omillari hisobga olinadi. Tizimda yetuk biim, ko'nikma malakalarni o'zida mujassamlashtirgan moderatorlarni ishlab chiqish muhim vazifa hisoblanadi.

Loyihalash – mo'ljallangan ob'yektlarni qurish va yaratish uchun ularning loyihalarini tuzish va chizish jarayoni. Ta'lim muassasalarining maqsadli boshqaruv tizimini loyihalashda avtomatlashtirilgan loyihalash tizimidan foydalanish muhim vazifa hisoblanadi.

Baholash– bu biron bir mezon yoki me'yorlar to'plamini, qiymatini, ahamiyatini yoki ma'nosini hisobga olgan holda belgilashdan iborat bo'lgan hukmdir. Boshqaruvchining tashkiliy yoki institutsional darajada ishlashni baholashdir. Ta'lim muassasalarining boshqaruvi tizimining maqsadlari quyidagilardan iborat:

- har bir ijrochi uchun maqsadlarni belgilash;
- maqsadlarga erishish uchun zarur barcha resurslarning mavjudligini bilish, ish jadvalini tuzish;
- yuqoridan quyiga butun boshqaruv tizimida maqsadlarni amalga oshirilishini monitoring qilish;
- maqsadlarga erishishni hisobga olgan holda, avval tanlangan maqsadlarni tuzatish;
- ta'lim muassasasini rivojlantirishni dasturiy-maqsadli boshqarish konsepsiyasi, modeli va tashkiliy tuzilmasini ishlab chiqish.

“Insonparvarlik”–bu insonni dunyoda eng yuqori qadriyat sifatida qadrlashdan iborat kontsepsiya bo'lib, ushbu kontsepsiyaning eng asosiy qoidasi-insonni shaxs sifatida qadrlashni himoya qilish, uning erki, baxti, rivojlanishi, o'z qobiliyatini namoyon qilishi va bu qobiliyatni o'z hayotida, mehnatda, o'qishda va boshqa sohalarda namoyon etish hamda shart-sharoitlar yaratishdan iboratdir. Lekin ma'lum davrda o'qituvchi xukmron bo'lib, o'quvchilar faqat tayyor bilimlarni egallovchi, itoatkor ijrochi darajasiga tushib qoldi. Shuning uchun ham ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy tamoyillaridan biri sifatida “ta'lim va tarbiyaning insonparvar, demokratik xarakterda ekanligi” alohida ko'rsatib o'tilgan.

Boshqaruv jarayonida rahbarlar insonparvar bo'lishi, shaxslarga hurmat va izzatda bo'lishi zarurligi kasbiy va boshqaruv mahoratining asoslaridan biridir. Keng ma'noda insonparvarlik – insonni shaxs sifatida qadriyat deb belgilanadigan, erkinlik, baxtga bo'lgan huquqi, o'zining qobiliyatlarini namoyon etishi va rivojlantirishi, ijtimoiy institutlarning baholash mezonlarida inson ravnaqini hisobga oladigan qarashlarning tarixiy o'zgaruvchan tizimi, insoniylik – odamlar orasida kutiladigan me'yoriy munosabatdir.

Ta'limni insonparvarlashtirish jarayonida shaxsning ko'nikma va malakalar hosil qilishi bilan birga uning ruhiy, jismoniy, intellektual, axloqiy va hakazo jihatlariga ko'ra rivojlanishidagi birlik ustuvor xarakter kasb etadi; ikkinchidan, barcha diqqat-e'tibor o'quv jarayoni va barcha hayotiy



vaziyatlarda erkin, mustaqil fikrlaydigan va faoliyat ko'rsatadigan shaxs, insonparvar fuqaroni shakllantirishga qaratiladi; uchinchidan, barcha shart-sharoitlar o'quv-tarbiya jarayonini insonparvarlashtirish yo'nalishida tashkil etiladi. Demak, o'qituvchi kasbiy faoliyatini insonparvarlashtirish—bu shaxsning erkin, mustaqil fikrlashiga yo'l bermaydigan xukmron avtoritar tizim o'rniga o'quvchining qulay psixologik muhitda o'z imkoniyatlarini to'liq namoyon etishga yo'llashdan iborat pedagogik faoliyat jarayonidir.

“O'qituvchi kasbiy faoliyatini insonparvarlashtirish”ning mohiyati—shaxsni jamiyatning yangilanayotgan talabiga ko'ra yo'naltirish, ta'limni ana shu talablar asosida tashkil etish, o'qitish tamoyillari va metodlaridagi birxillikni bartaraf etish va ularning Vatanimiz milliy va madaniy an'analariga hamda ijtimoiy-iqsodiy rivojlanishi darajasiga mosligini ta'minlash; shaxsni hurmat qilish, uning qadr-qimmatini saqlash; ta'lim tamoyili va metodlari asosida turli yosh guruhlari, ularning qobiliyatini namoyon etishi va rivojlanishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratishdan iborat. Boshqaruvda innovatsion faoliyatning o'rni o'ziga xos ahamiyatga ega.

**Innovatsion faoliyat** - pedagogning ruhiy, aqliy, jismoniy kuchini ma'lum maqsadga yo'naltirish asosida nazariy bilim, amaliy ko'nikma va malakalarni egallash, amaliy faoliyatni nazariy bilimlar bilan to'ldirib borish, bilish, loyihalash, kommunikativ nutq va tashkilotchilik mahoratini rivojlantirishni talab etadi. Har qanday innovatsiyada “yangi”, “yangilik” tushunchalari muhim ahamiyatga ega. Turli munosabat va jarayonlarga kiritilayotgan yangilik mazmunan xususiy, sub'ektiv, mahalliy va shartli g'oyalarda namoyon bo'ladi. Bugungi kunda o'qituvchi hamda boshqaruvchilarni bajaradigan vazifalariga ko'ra quyidagicha nomlangan:

1. Moderator – ta'lim mazmunini yaratish, modullarini ishlab chiqish.
2. Tyutor—masofadan o'qitish dasturlarini yaratish va bajarilishini ta'minlash.
3. Mentor—ustoz, o'rgatuvchi (yakka va guruhli tartibda).
4. Innovator—yangiliklarni ta'lim mazmuni va mashg'ulotlar jarayoniga joriy qilish.
5. Kommunikator—o'zaro muloqotlarning sifati va samaradorligini oshirivchi.
6. O'qituvchi—mashg'ulot mavzusi bo'yicha mazmuni tushuntirish jarayoniga rahbarlik.

Zamonaviy ta'limga xos muhim jihatlardan biri-pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish sanaladi. Rivojlangan xorijiy mamlakatlarda pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish masalasi o'tgan asrning 60-yillaridan boshlab jiddiy o'rganila boshlagan. Xususan, D.Gamilton, R.Karlson, R.Edem, F.N.Gonobolin, N.V.Kuzmina hamda V.A.Slastenin kabi tadqiqotchilar tomonidan olib borilgan ishlarda innovatsion faoliyat, pedagogik faoliyatga innovatsion yondashish, innovatsion g'oyalarni asoslash va ularni amaliyotga samarali tadbqiq etish, xorijiy mamlakatlar hamda respublikada yaratilgan pedagogik innovatsiyalardan xabardor bo'lish orqali pedagog faoliyatida ulardan faol foydalanish borasidagi amaliy harakatlar mazmunini yoritilgan. O'z-o'zidan tizim sifatida

yangilik kiritirish munosabat yoki jarayonning, birinchidan, ichki mantig'ini, ikkinchidan, kiritilayotgan yangilikning muayyan vaqt oralig'ida izchil rivojlanishi va atrof-muhitga ko'rsatadigan o'zaro ta'sirini ifodalaydi. V.A.Slastenin innovatsiyani yangilik yaratish, keng yoyish va foydalanishga qaratilgan maqsadga muvofiq, yo'naltirilgan jarayoni majmui deb biladi. Mohiyatiga ko'ra innovatsiyalar munosabat yoki jarayonga yangilik kiritishning dinamik tizimi sanaladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Boshqaruv psixologiyasi. Hayitov O. E. Chirchiq–2020y.
2. Shvetsova, Galina Nikolaevna. Maqsadli boshqaruv tushunchasi. 2009 y.
3. [https:// uz. warbletoncouncil. org.](https://uz.warbletoncouncil.org)
4. <http://zivonet.uz>
5. <http://edu.uz>

## **BO'LAJAK TEXNOLOGIYA FANI O'QITUVCHISINING INNOVATSION MA'DANIYATINING DIDAKTIK HOLATI**

**Nurmamatov Zuxriddin Shavkat o'g'li**  
**Termiz davlat universiteti o'qituvchisi.**  
**Termiz, O'ZBEKISTON**  
**E-mail: [zuxriddinbekjon@umail.uz](mailto:zuxriddinbekjon@umail.uz)**

***Annotatsiya:** Maqolada innovatsion madaniyat didaktik yangiliklarning materiali va vositasi va o'qituvchining kasbiy va uslubiy taraqqiyotining manbai bo'lishi mumkin, shu bilan birga u didaktik yangilik chegaralarini belgilaydi va nazorat funksiyasini bajarishi haqida fikr yuritiladi.*

***Kalit so'zlar va tushunchalar:** tenologiya, pedagogika, innovatsiya, faoliyat, tayyorlash, inovator.*

***Аннотация:** В статье рассматривается, что инновационная культура может быть материалом и средством дидактического новаторства и источником профессионально-методического развития учителя, определяя при этом границы дидактического новаторства и выполняя свою контролирующую функцию.*

***Ключевые слова и понятия:** технология, педагогика, инновации, деятельность, обучение, инноватор.*

**Annotation:** *The article discusses that innovative culture can be a material and means of didactic innovation and a source of teacher professional and methodological development, while defining the boundaries of didactic innovation and fulfilling its supervisory function.*

**Keywords and concepts:** *technology, pedagogy, innovation, activity, training, innovator.*

Insoniyat duch kelayotgan muammolardan xabardorlik, bizni texnik yangiliklarni baholash mezonlarini o'zgartirishga majbur qiladi. Insoniyatning o'z kelajagini qurish haqidagi g'amxo'rlik birgalikda yashash, birovning nuqtai nazarini tushunish, muloqot qilish, hamkorlik qilish, birgalikda harakat qilish, shaxs huquqlarini hurmat qilish, tabiat va an'analarni hurmat qilish g'oyalarini ilgari suradi[3].

Bularning barchasi 1986 yilda Birlashgan Millatlar Tashkilotining Madaniyatni rivojlantirishning o'n yilligini ta'sis etish to'g'risidagi qarorida o'z ifodasini topdi[2]. Butunjahon madaniyatni rivojlantirish, o'n yilligi bo'yicha idoralararo qo'mita yakuniy ma'ruzasida ta'kidlanganidek, o'zgarishlar an'analar ma'nosini, jamiyatdagi davomiyligni, haqiqiy qadrd-qimmat va hayot mazmunini buzmasligi kerak.

“Kelajak ming yillikka insoniyat mavjudligining o'ziga xos belgilari bo'lgan madaniyat va bunyodkorlik eshigidan kirib borish, odamlarning ijodiy impulslarining ulkan kuchini yuzaga chiqarish”[4] - bu Jahon madaniyati o'n yilligining asosiy vazifasidir.

Madaniyatning semantik miqyosi kundalik ongda "madaniy shaxs" tushunchasi bilan mustahkamlangan shaxs madaniyatidan tortib, "tabiat (tabiat)" tushunchasiga qarama-qarshi hisoblangan umuminsoniy madaniyatga qadar davom etadi. Ushbu oraliqda madaniyatning yana ikkita semantik pozitsiyasi tez-tez uchraydi. Muayyan ijtimoiy guruh madaniyati (milliy madaniyat, kasbiy madaniyat va boshqalar) va muayyan jamiyat madaniyati (qadimgi madaniyat, o'rta asrlar madaniyati va boshqalar)[4].

“Madaniyat - bu turli madaniyat vakillari - o'tmish, hozirgi va kelajak o'rtasidagi muloqotda bir vaqtning o'zida mavjud bo'lish shakli, ushbu madaniyatlarning muloqoti va o'zaro avlodi.

Innovatsion madaniyat didaktik yangiliklarning materiali va vositasi va o'qituvchining kasbiy va uslubiy taraqqiyotining manbai bo'lishi mumkin, shu bilan birga u didaktik yangilik chegaralarini belgilaydi va nazorat funksiyasini bajaradi.

Texnologiya fani o'qituvchisining innovatsion madaniyati o'qitish va tarbiyalash kontekstida ko'rib chiqiladigan innovatsion madaniyatning quyi tizimidir. U boshqa madaniyat turlari, masalan, gnostik va loyiha madaniyatlari bilan o'zaro bog'liqdir. Biroq, asosiy e'tibor voqelik haqida yangi bilim olishga qaratilgan gnostik madaniyatdan farqli o'laroq, innovatsion madaniyat ilmiy bilimlarni amaliy qo'llash sohasini dolzarblashtiradi, mavjud bilimlarni va ularni o'qitish samaradorligini oshirish uchun o'zlashtirishni istisno qilmaydi. Loyiha madaniyati bilan ko'p jihatdan mos keladigan innovatsion madaniyat innovatsion va pedagogik faoliyatning barcha pozitsiyalarini birlashtirishni va innovatsion o'zaro ta'sir natijasida ularning mustahkamlanishini ta'minlaydi[6].

Innovatorning innovatsion madaniyati uning ideal innovatsion va pedagogik faoliyatining hosilasi bo'lib, uning sifatini ifodalaydi. Shu bilan birga, u an'analar va ijodkorlikni, teleologik intilishlarni amalga oshirishni va innovator tashabbusini anglatadi. Innovatsion madaniyat texnologiya fani o'qituvchisining kasbiy va uslubiy taraqqiyotini ham belgilaydi.

Agar bir butun sifatida olingan madaniyat inson faoliyatining yig'indisi va mahsuli ekanligidan kelib chiqadigan bo'lsak, innovatsion madaniyat innovatorning innovatsion-pedagogik faoliyatining yig'indisi va mahsuli, ya'ni novator nima yaratayotgani va uni o'z ongida

qanday yaratishi va amalga oshirish yig'indisi yo'naltirilgan, erkin va doimiy ravishda innovatsion va pedagogik faoliyatni takomillashtirish.

Innovatsion madaniyatni bunday tushunish uning bir qator o'ziga xos funksiyalarini shakllantirishga imkon berdi.

Innovatsion madaniyatning ratsional va prakseologik funksiyasi shundan iboratki, uning mazmuni amaliyot, o'zaro nazorat va pedagogik eksperiment orqali har tomonlama ko'rikdan o'tgan, maqsadga muvofiq tashkil etilgan, samarali o'quv qurollari bilan to'ldirilgan. Bu erda konsentrlangan shaklda innovatsion amaliyotning usullari va vositalari ham taqdim etiladi[1].

Innovatorni innovatsion va uslubiy faoliyatning belgilangan me'yoriy tasdiqlangan, stereotiplangan tartiblariga kiritish tashkiliy-tartibiy yoki didaktik funktsiya tufayli amalga oshiriladi.

Innovatsion madaniyatning tavsiflovchi va tushuntirish funksiyasi tushunchalar tizimi yordamida innovatsion muammoning mohiyatini etarli darajada ifodalash, shuningdek, o'rganishning davom etayotgan o'zgarishlarini tushuntirishdan iborat bo'lib, bu aniq ma'lumotlarda zarur va o'z vaqtida tuzatishlar kiritishga imkon beradi.

Innovatsion madaniyatning prognostik-boshqaruv funksiyasi innovatorga o'rganish jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan progressiv o'zgarishlarni bashorat qilish, bashorat qilish va ularni boshqarish, tegishli shart-sharoitlar va baholash mezonlarini yaratish imkoniyatini beradi[7].

Innovatsion madaniyat fondida innovatsion va uslubiy faoliyat namunalari va namunalarining mavjudligi innovatorga nafaqat dolzarb innovatsion muammolarga e'tibor qaratish, balki ushbu fondni aks ettirish va yangilash imkonini beradi. Bu innovatsion madaniyatning evristik-kognitiv funktsiyasidir.

Innovatsion madaniyatning kommunikativ-tarjimaviy funksiyasi tufayli innovatorlarning kollektiv innovatsion ongi uning asosida hamkorlik qiladi, doimiy monitoringni tashkil etish va mahsulotlar almashinuvi va innovatsion va uslubiy faoliyat tartiblari amalga oshiriladi[8].

Xulosa qilib aytganda texnologiya fani o'qituvchisining innovatsion madaniyati innovatsion faoliyat sohasidagi tarqoq bilimlarni mazmunli umumlashtirishdir. U innovatsion faoliyatning asosiy yo'nalishlarida amalga oshiriladigan innovator faoliyatining turli shakllari o'rtasidagi haqiqiy aloqalarni o'z ichiga oladi: uslubiy qidiruv, uslubiy yangilikni yaratish, uslubiy innovatsiyani amalga oshirish va didaktik innovatsiyani aks ettirishdan iborat.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

- 1.Jejko I.V. Innovatsion faoliyat samaradorligini ta'minlashda tashkilot xodimlarining roli // Tashkiliy tizimlarda innovatsiyalarning ijtimoiy shakllari. - M.: Vsesoyuz. ilmiy - tadqiqot. int-tizimlari, issled., 1980. - S. 47-57.
- 2.Juk A.I. Ijodiy o'qituvchining kasbiy tayyorgarligi nazariyasi haqida // O'qituvchining ijodiy shaxsini shakllantirish: Sat. ilmiy Art. / Milliy Ta'lim instituti, dots. tadqiqotchi o'qituvchilar. - Minsk, 1993. - S. 13-20.
- 3.Juravlev V.I. Pedagogika fani va amaliyotining aloqasi. - M.: Pedagogika, 1984. - 176 b.
- 4.Juravlev V.I. Insoniy fanlar tizimida pedagogika. - M.: Pedagogika, 1990. - 164 b.
- 5.Zavyalov V.V. O'qituvchining kasbiy va uslubiy mahoratini shakllantirish mezonlari to'g'risida // Novye issled. ped ichida. fanlar. - 1980. - No 2 (36). - S. 56-58.
- 6.Shomirzayev M. X. Developing educational technologies in school technology education // Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 5. – C. 73-79.
- 7.Shomirzayev M.X. Education is personally focused technology // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – T. 8. – №. 8.

- 8.Shomirzayev M.X. et al. National handicrafts of Uzbekistan and its social–economic significance //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – T. 8. – №. 8. – С. 129-138.

## O‘QUVCHILARNING KOGNITIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI

**L.R.Zaripov, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent  
A.E.Abdullayev, Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti**

**Anotation:** *In this article, students have been discussed on the tasks carried out in the development of cognitive skills. Students are given examples of the training tasks and assignments used in the organization of independent activities. This article focuses on the importance of cognitive education in shaping students' interest in their native language and literature.*

**Keywords:** *cognitive, interest, teacher, lesson, system, cognitive activity, The process of modern education, cognitive skills, "Knowing", carefully information, memory, thinking, speech, exercise and assignments.*

**Аннотация:** *В данной статье студенты обсудили задачи, выполняемые при развитии познавательных навыков. Студентам приводятся примеры учебных задач и заданий, используемых при организации самостоятельной деятельности. В данной статье акцентируется внимание на значении познавательного образования в формировании интереса учащихся к родному языку и литературе.*

**Ключевые слова:** *познавательный, интерес, учитель, урок, система, познавательная деятельность, Процесс современного обучения, познавательные умения, «Знание», внимательно информация, память, мышление, речь, упражнения и задания.*

**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada talabalar kognitiv qobiliyatlarni rivojlantirishda bajariladigan vazifalarni muhokama qildilar. O‘quvchilarga mustaqil faoliyatni tashkil etishda qo‘llaniladigan o‘quv topshiriqlari va topshiriqlariga misollar keltiriladi. Ushbu maqolada o‘quvchilarda ona tili va adabiyotiga bo‘lgan qiziqishni shakllantirishda kognitiv ta‘limning ahamiyati haqida so‘z boradi.*

**Klit so‘zlar:** *kognitiv, qiziqish, o‘qituvchi, dars, tizim, kognitiv faoliyat, zamonaviy ta‘lim jarayoni, kognitiv qobiliyatlar, "Bilim", diqqat bilan ma'lumot, xotira, fikrlash, nutq, mashqlar va vazifalar.*

Ta‘limdagi kognitivlik har qanday fanning turli jihatlarini o‘rganish ongli ravishda bilim jarayonlarini takomillashtirish, axborot kompetentsiyasi va tanqidiy fikrlashni shakllantirishga imkon beradi. Kognitiv qiziqish eng yuqori darajalardan biri sifatida ta‘lim jarayonini yengil va quvonchli muhitda o‘tishini ta‘minlab beradi.

Intellektual faoliyatning yana bir ko‘rsatkichi o‘quvchilarning jarayonda o‘zlari ishtirok etish istagi paydo bo‘lishidir. Bu narsa dars davomida ko‘tarilgan masalalarni muhokama qilishda o‘rtoqlarining javoblariga qo‘shimchalar kiritishda o‘z aksini topadi. Yuqorida aytilganlarning barchasi bevosita kognitiv ta‘lim bilan bog‘liqdir. Shunday qilib, kognitiv qiziqish ko‘rsatkichlari eng asosiy jihatlarni yetarlicha kuch sarflamagan holda aniqlash imkonini beradi. Ona tili darslarida ham bu faoliyatni zamonaviy yutuqlar asosida hamda o‘qitish usullari yordamida o‘quvchilarda uyg‘otishdan iboratdir. O‘qituvchi bajarishi mumkin bo‘lgan ko‘rsatkichlarning yana asosiy muhim jihatlardan biri o‘quvchilarning bilimi, qiziqishi qay darajada ekanligini

baholash hisoblanadi. Kognitiv faoliyatning hissiy jihatdan xavfsizligi shundaki har bir javob beradigan o'quvchini faolligidan kelib chiqqan holda ularni alohida rag'batlantirib borishdir.

Kognitiv qiziqish, muhim omillardan hisoblanadi ya'ni o'rganish shu bilan birga hayotiy ko'nikmalarda shaxsning shakllanishini ta'minlaydi. Kognitiv qiziqishlarni rivojlantirishning muhim manbai o'qitishda o'rganilayotgan materialning mazmuni hayotiy misollar orqali yoritib berish hisoblanadi. Bunda dars jarayonida o'quvchilarning hayotiy ko'nikma va tajribalari orqali fanning mohiyatini ochib berishga intilishadi.

Shu orqali o'quvchilarda kognitiv faoliyat quyidagicha shakllanadi:

1. bilim, ko'nikma, ko'nikmalar bilan qurollantirilladi;
2. o'quvchilarning dunyoqarashi, axloqiy, g'oyaviy, siyosiy, estetik fazilatlarini tarbiyalashga hissa qo'shadi;
3. ularning bilish qiziqishini rivojlantiradi;
4. talabalarning potentsial imkoniyatlarini aniqlaydi va amalga oshiradi;
5. izlash va ijodiy faoliyat bilan tanishtiradi.

Ta'lim qobiliyatlarini faoliyatning mohiyati bo'yicha tasniflash, ular quyidagi asosiy turlarni o'z ichiga oladi: *kognitiv, amaliy, tashkiliy, o'zini o'zi boshqarish va baholash*. Ta'limni muvaffaqiyatli o'rganish uchun muhim ahamiyatga ega kognitiv ko'nikmalar, ya'ni mustaqil ravishda qobiliyatlar asosida bilim olish asosiy bilim va qobiliyatlariga bog'liq:

6. o'quv va ilmiy-ommabop bilan ishlash qobiliyati adabiyot, shu asosda mustaqil ravishda va bilimlarni chuqurlashtirish;
7. kuzatishlar va ularning asosida o'tkazish qobiliyati xulosalarni shakllantirish;
8. mustaqil ravishda modellashtirish va qurish qobiliyati gipotezalar;
9. eksperimentni mustaqil ravishda o'rnatish qobiliyati va unga yangi bilimlarni olish uchun asos;
10. hodisalar va kuzatilgan faktlarni tushuntirish qobiliyati mavjud nazariy bilimlarga asoslanib, bashorat qiling nazariyalardan kelib chiqadigan natijalar.

Kognitiv qobiliyatlardan tashqari, muhim rol o'ynaydigan jihat bu - amaliy ko'nikmalar. Demak, adabiy asarlarni o'rganishda ularni tahlil qilish ona tilidagi mashqlarni bajarishda o'quvchilarda amaliy ko'nikmalarni shakllantirish zarur. Shuning uchun o'qituvchi o'quvchilar bilan ishlashda o'zlarini amaliy ishlashlariga ko'proq e'tibor berishlari kerak. O'z navbatida o'quvchilarga yordam berish bilan birga, o'quvchilarni o'ylantiradigan, so'z boyligini boyitishga qaratilgan qiziqarli savollar, topshiriqlar ishlab chiqishi kerak.

L.V.Axmetovanning ta'kidlashicha, kognitiv ta'lim "bu turli xil metodlar, o'qitish usullarining to'plami emas, balki shaxsni biopsixosial tashkil etish modeliga asoslangan dinamik tizimdir". Bunday tizim nafaqat "o'quvchilarning aks ettirish faoliyatini rivojlantirish va ta'lim muammolarini hal qilish uchun zarur bo'lgan intellektual ko'nikmalarni shakllantirishga", balki "turli xil modalliklarning hissiy-idrok kanallariga, shuningdek sezgir-intuitiv kanallarga" yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Kognitiv o'rganish bu o'quvning ongi va faoliyati tamoyillariga asoslangan va o'quvchilarning fikrlash qobiliyatini, aql- zakovatini rivojlantirishdan iborat ta'limdir. Kognitiv o'rganish eng oddiy ma'lumotlarni olishdan va eng murakkab, ijodiy muammolarga yechim topishdan iborat.

Kognitiv o'rganishning asosiy maqsadi, tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, o'rganish va yangi vaziyatlarga moslashishga imkon beradigan aqliy qobiliyat va strategiyalarning butun majmuasini rivojlantirishdir. Kognitiv mahorat sharoitida o'quv jarayonining asosiy yo'nalishi axborotni o'zlashtirishga emas, balki o'rganilayotgan predmetlarning ichki aloqalarini anglashga, o'quvchilarni suhbatga, izlanuvchan fikrlashga undaydi va aqliy faoliyatini oshirishga qaratilgan.

O‘qishga bunday yondashgan holda, ataylab va asosli fikrlash jiddiy va qiyin bilim ishlari bilan bog‘liq bo‘lib, fikrlash faoliyatining yuqori samarali o‘shiga yordam beradi. Axborot birinchisidan ikkinchisiga o‘tganda, ta’lim jarayonida o‘qituvchi va talabaning o‘zaro munosabatlarining o‘rnatilgan modelidan foydalanish zamonaviy oliy ta’lim muammolaridan biri hisoblanadi. Axborotning o‘qituvchidan o‘quvchiga o‘tishi va munozaralar, savollar, ishning dialog turlari ko‘rinishida qayta aloqa shaklida qaytib keladigan o‘zaro ta’sir shakllarini yanada zamonaviy va samarali deb hisoblash mumkin. O‘zaro hamkorlikning eng samarali va samarali modeli - bu interaktiv ish shakllari, bu erda ma’lumotlar o‘quvchilar o‘rtasida ham o‘tkaziladi. Shu nuqtai nazardan o‘qituvchining yangilik qilishga, ishning yangi shakllaridan, yangi ta’lim texnologiyalaridan foydalanishga tayyorligi katta ahamiyatga ega. Ushbu masalani ko‘rib chiqayotganda, bilimni o‘rganish, avvalambor, uni o‘quv jarayonida amalga oshirish shakliga bog‘liq degan taxminga tayanamiz. Ta’lim jarayoni sub’ektlarining samarali o‘zaro ta’siri kognitiv ta’limni samarali amalga oshirish shartidir.

Zamonaviy ta’lim har bir pedagogdan kasbiy kompetentlikka ega bo‘lishni, o‘qitishning eng ilg‘or texnologiyalarini o‘zlashtirishni, fanning so‘nggi yutuqlaridan xabardor bo‘lishni, ta’lim oluvchilarning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda ular bilan ta’lim-tarbiya ishlarini olib borish malakasiga ega bo‘lishni taqozo etmoqda.

O‘quv darslarida ta’lim oluvchilarga bir xil ta’lim-tarbiya (nazariy bilimlar, amaliy mashq va topshiriqlar) beriladi. Biroq ta’lim oluvchilarning o‘zlashtirishlari va o‘quv faoliyatini qabul qilishlarida har xillik ko‘zga tashlanadi. Ta’lim oluvchilarning bilimlarni muvaffaqiyatli o‘zlashtirishi fanga munosabati, o‘quv faoliyatiga diqqatini to‘g‘ri yo‘naltira olishi va to‘g‘ri taqsimlashi, idrok qilishning aniqligi, tafakkur qilishning tezligi, izchilligi, mazmundorligi, mustaqilligi, chuqurligi, esda saqlashning mustahkamligi, qayta esga tushirishning aniqligi va boshqa xususiyatlarga bog‘liq. Davr talabiga ko‘ra har bir o‘quvchining individual uslubini, kasbiy faoliyat samaradorligini ta’minlashga yordam beruvchi kognitiv ko‘nikmalarning shakllantirilishi va rivojlantirilishiga e’tibor qaratilmoqda. Shu bois ta’lim jarayonida o‘quvchilarda kognitiv ko‘nikmalarni rivojlantirish dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Xo‘sh, “kognitiv” tushunchasi o‘zi nimani anglatadi? “Kognitiv” lotin tilidan olingan so‘z bo‘lib, “bilaman” yoki “bilish” degan ma’noni anglatadi. Ya’ni, “bilish” jarayoni intellektual rivojlanish va tajribaning bir qismi bo‘lgan fikrlash, idrok etish, xotira – axborotni saqlash, diqqat, tashqi dunyoni talqin qilish, muammolarni hal qilish, qaror qabul qilish va qator shu kabi ko‘plab omillarni o‘z ichiga oladi. Psixologlarning ta’kidlashicha, insonning ta’im va kasbiy faoliyatdagi muvaffaqiyati kognitiv ko‘nikmalarning rivojlanganligiga bog‘liq. Ularning rivojlanish darajasi qancha yuqori bo‘lsa, mehnat unumdorligi shuncha oshadi.

Ta’im jarayonida o‘quvchilarda kognitiv ko‘nikmalarni shakllantirish va rivojlantirish uchun quyidagi vazifalar muntazam amalga oshirilishi muhim:

1. diqqat – tashqi ta’sirlardan xoli tarzda diqqatni axborot-ma’lumotlarga qaratish;
2. axborotni idrok etish;
3. fikrlash – axborotni qayta ishlash, tahlil qilish, taqqoslash, umumlashtirish va xulosalar chiqarish, mantiqiy masalalarni bajara olish;
4. xotira – axborotni yodda saqlashi, xotirlashi va qaytarishi;
5. nutq – og‘zaki va yozma tarzda axborot almashish;
6. amaliyotda nazariy bilimlarni qo‘llashi.

Ta'imdagi doimiy bir xildagi yondashuv o'quvchilar tafakkur rivojlanishiga salbiy ta'sir etadi. Aksincha, ijodkorlikka yo'naltirish, yangidan yangi bilimlar berish va amaliy ishlarni tatbiq etish orqali o'quvchilarning tafakkuri o'sadi, miya faoliyati rivojlantiriladi. Muhimi, qaysi fan yoki soha yo'nalishi bo'lmasin, to'xtab qolmaslik lozim. Ta'lim jarayonida muntazam ravishda trenajor-mashqlar, analitik va mantiqiy topshiriqlar hamda masalalarni bajartirib borish, o'quvchilar til boyligini oshirish maqsadida yangi so'zlarni, matnlarni yodlatish, qayta hikoyalash va munosabat bildirish orqali kognitiv ko'nikmalarni rivojlantirib borish lozim.

O'quvchilarni fikrlashga, axborotni qayta ishlash, tahlil qilish, taqqoslash, tasniflashga undaydigan topshiriqlar, boshqotirmalar orqali ham kognitiv ko'nikmalar rivojlantiriladi.

Umuman olganda, o'quvchilarning kognitiv ko'nikmalarni shakllantirish va rivojlantirish uchun, avvalo, o'quvchilarning bilish jarayonlari, xulq-atvori va o'zaro munosabatlaridagi individual xususiyatlarni inobatga olish muhim. Mashg'ulotlarda o'quvchilarning intellektual rivojlanishiga urg'u berish; ularning sezgi, idrok, xotira, tafakkur, xayol kabi bilish jarayonlariga xos individual xususiyatlari va kognitiv ko'nikmalarini rivojlantirishga imkoniyat beruvchi vaziyatlarni yaratish; mustaqil fikrlashga, kuzatuvchanlikka, atrof-muhitdagi har qanday yangiliklarga qiziqish bilan munosabatda bo'lishga, ijodkorlik va muloqotchanlikka o'rgatib borish orqali aqliy jihatdan yetuk, mustaqil fikrlovchi, barcha xususiyatlariga ko'ra boshqalardan ajralib turuvchi shaxsni tarbiyalashga erishish mumkin. Bu jarayonda o'quvchilar faoliyatidagi yutuqlarini vaqtida aniqlab va rag'batlantirib borish ham katta ahamiyat kasb etadi.

Xulosa qilib aytganda, o'quv mashg'ulotlari sifatini oshirish orqaligina o'quvchilarning kognitiv ko'nikmalarni shakllantirib, rivojlantira olamiz.

#### **Список использованной литературы:**

1. Холодная М.А. Когнитивные стили. О природе индивидуального ума. – М.: СПб: “Питер”, 2004. 384 с.
2. Фомин А.Е. Метакогнитивный мониторинг обнаружения учебных проблем // Известия Смоленского государственного университета. 2012. № 3 (19). С. 535–542.
3. Савин Е.Ю., Фомин А.Е. Когнитивные и личностные факторы уверенности в знании конкретной предметной области // Известия Тульского государственного университета. Гуманитарные науки. 2011. № 3. С. 396–403.
4. Табаченко Т.С. Проблемы познавательного обучения в педагогическом образовании Москва. 2007. 2-4.
5. Фади́на А.Г. Использование когнитивно-визуального подхода в обучении учащихся работе в команде. 2015. 207-210.
6. Ядровская М.В. Моделирование в когнитивном обучении / 2012. 602-618.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Xolodnaya M.A. kognitiv uslublar. Individual ongning tabiati haqida. - M.: Sankt-Peterburg: "Piter", 2004. 384 b.
2. Fomin A.E. O'quv muammolarini aniqlashning metakognitiv monitoringi. Smolensk davlat universiteti materiallari. 2012. No 3 (19). 535–542-betlar.
3. Savin E.Yu., Fomin A.E. Muayyan fan sohasidagi bilimga ishonchning kognitiv va shaxsiy omillari // Tula davlat universiteti axborotnomasi. Gumanitar fanlar. 2011. No 3. S.396–403.
4. Tabachenko T.S. Pedagogik ta'limda kognitiv o'rganish muammolari Moskva. 2007. 2-4.
5. Fadina A.G. Talabalarni jamoada ishlashga o'rgatish uchun kognitiv-vizual yondashuvni qo'llash. 2015. 207-210.
6. Yadrovskaya M.V. Kognitiv o'rganishni amalga oshirishda modellashtirish / 2012. 602-618.

#### **List of used literature:**

1. Kholodnaya M.A. Cognitive styles. About the nature of the individual mind. - M.: SPb: “Peter”, 2004. 384 p.



2. Fomin A.E. Metakognitivnyy monitoring obnarujeniya uchebnyx problem // Izvestiya Smolenskogo gosudarstvennogo universiteta. 2012. № 3 (19). S. 535–542.
3. Savin E.Yu., Fomin A.E. Cognitive and personal factors of confidence in the knowledge of a specific subject area // Izvestiya Tulskego gosudarstvennogo universiteta. Humanitarian sciences. 2011. № 3. S. 396–403.
4. Tabachenko T.S. Problems of poznavatelnoy obucheniya in pedagogicheskom obrazovanii Moscow. 2007. 2-4.
5. Fadina A.G. Ispolzovanie kognitivno-vizualnogo podkhoda v obuchenii uchashchixsya rabote v komande. 2015. 207-210.
6. Yadrovskaya M.V. Modeling in cognitive learning / 2012. 602-618.

## БАРЛОСЛАР

(Ўзбек қавмлари этник тарихидан)

Улуғбек Абдуллаев,

Андижон машинасозлик институти профессори,

тарих фанлари доктори

***Annotatsiya:** Мақолада Ўзбек халқининг этник шаклланишида фаол иштирок этган туркий этник қавмга мансуб барлослар ҳақидаги тарихий – этнографик маълумотлар берилган.*

***Калим сўзлар:** Ўзбек қавмлари, этник тарих, уруғ-қабилла, барлослар, тотем, Мовароуннаҳр, антропология*

***Аннотация:** В статье приведены историко-этнографические сведения о барлосах, принимавших активное участие в этническом формировании узбекского народа.*

***Ключевые слова:** узбекские народы, этническая история, племя, барлоса, тотем, Мовароуннахр, антропология.*

***Annotation:** The article provides historical and ethnographic information about the Barlos of the Turkic ethnic group, who took an active part in the ethnic formation of the Uzbek people.*

***Keywords:** Uzbek peoples, ethnic history, tribe, barlosa, totem, Movarounnahr, anthropology*

Ўтмишда энг йирик ўзбек қавмларидан бири бўлган барлосларнинг келиб чиқиши (этногенези) бўйича баъзи маълумотлар, Рашидуддиннинг “Жоме ут таворух” (“Тарихлар мажмуаси”). Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” З.М. Бобурнинг “Бобурнома” ҳамда XIX аср муаллифларидан А.Д. Гребенкин, А.П. Хорошхин, шарқшунослар В.В. Бартольд, А.Ю. Якубовский, этнографлардан В.Х. Кармышева, ҳамда К. Шониёзовларнинг асарларида учрайди. [3, 102-109]

Маълумотларга кўра “барлос” сўзи лашкарбоши, “йўлбошчи” ва “ботир жангчи” маъноларини англатади. Бундан ташқари “барлос” сўзи тарихий сўз бўлиб, қадимда йўлбарс, шер, бургутни англатган. Демак, айтиш мумкинки, қадимда ушбу қавмнинг тотеми йўлбарс, шер, бургут каби жонворлар ҳисобланган.

Ўтган асрлар мобайнида барлослар асоссиз равишда мўғул дейилган. [1, 178] Аслида Чингизхон қўшинларининг таркибида мўғуллардан ташқари жуда кўп туркий қабилаларнинг вакиллари, жумладан барлослар ҳам бўлган.

XIX аср рус шарқшуноси А.П. Хорошхин “Туркистон ўлкасига доир мақолалар тўплами” асарида Чингизхон билан Ўрта Осиёга келган қабилла ва уруғларнинг ҳаммасини

мўғуллар деб ҳисобловчиларга эътироз билдириб “агар уларнинг барчаси мўғул бўлганларида ҳеч бўлмаса тиллари сақланиб қолган бўларди эди” [4, 516] -деб ёзган эди.

Хитойшунос олим А.Ю. Зуев ёзма манбаларни ўрганиб барлослар келиб чиқиши жиҳатидан туркей халқ бўлган деган хулосага келган. [ 2, 178-185]

Манбаларнинг тасдиқлашича барлослар Мовароуннаҳрда азалдан яшаб келган туб (автохтон) туркий қавм экан. Антропологик жиҳатдан эса улар Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типига киради, европоид қарлуқлари билан мўғулий лакайлар оралиғида туради.

Тилшунослар барлослар шеvasини қадимги турк (ўзбек) тили хусусиятларини акс эттирувчи қарлуқ-чиғил лаҳжасига киритишади. Уларнинг шевалари қаерда яшаганларига қараб бир-бирларидан қисман фаркланади Барлослар доимо ўзбеклар, тожиклар билан аралаш ҳолда биргаликда яшаб, қуда-андачилик қилишган. Улар асосан чорвачилик (кўплаб ҳисори қўйлар урчитишган, от ва туячилик билан машғул бўлишган ва деҳқончилик сабзавотчилик, боғдорчилик) билан шуғулланганлар. XIX аср охирларида эса барлосларда хунармандчилик ҳам расм бўла бошлаган.

Барлослар XIV аср биринчи ярмида Қашқадарё воҳасига ( асосан Кеш вилоятига) жойлашадилар ва мазкур вилоят уларга мулк қилиб берилади. Амир Темур салтанатида барлослар давлатнинг асосий таянчи бўлган. Бу даврда барлослар жуда катта мавқе ва имтиёзларга эга бўлиб, тўй-маъракаларнинг энг тўрида ўтиришган ва ваъз айтиб тантанани очиб беришган. Улар Амир Темур уруғидан эканлиги билан доимо ғурурланиб юришган. Кейинчалик уларнинг кичик бир қисми З.М. Бобур билан Афғонистон ва Хиндистонга кетишиб, давлатни бошқаришган. XIX аср 80 йилларидаги маълумотларига кўра Деҳли атрофида ўн беш мингга яқин барлос истиқомат қилган.

XIX аср охири-XX аср бошларида барлослар маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетиши натижасида нисбатан озчиликни ташкил эта бошлаган. Уларнинг айримлари ўз қавмини ҳам унитишган.

Ўтмишда улар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. Мураккаб этник маданий жараёнлар қавмларнинг бир-бирлари билан қўшиливи ва уйғунлашуви натижасида барлослар ўзбек ва тожик миллатлар таркибига сингиб кетди.

Шундай қилиб, давр ўтиши билан барлосларнинг кўпчилиги ўтроқлашиб, уруғ-қабилла номларини унутиб юбордилар.

Барлосларнинг кейинги авлодлари ҳозиргача ҳам Зарафшон тоғ тизмаларининг ён бағирларида, Қашқадарёнинг юқори қисмида , Сурхондарё воҳасида ҳамда Тожикистоннинг жанубий томонларида яшаб келмоқдалар.

Фарғона водийсида ҳам турк элатига мансуб барлосларнинг авлодлари ҳозиргача истиқомат қиладилар. Бизнинг тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўш туманининг Аровон, Андижон вилоятининг, Асака, Мархамат, Хўжабод. Булоқбоши, Фарғона вилоятининг Кува, Қувасой каби туманларида Соҳибқирон Амир Темур уруғига мансуб барлосларнинг кейинги авлоди яшамоқдалар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бартольд В.В. Двенадцат лекции по истории турецких народов Средней Азии. Т. V
2. Зуев А.Ю. „ Джамии ат-таварих” Рашидиддина как источник по ранней истории жалайиrow. „Письменные памятники востока, историко- филологические исследования” Ежегодник. Москва, 1972.
3. Шониёров К. Маҳаллий турк ким? // Узбекистон адабиёт ва санъати” 1990 йил 11 февраль
4. Хорошхин А.П. Сборник стотей, касающих Туркистонского края. СПб, 1876

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланишга таъсир этувчи омиллар

И.ф.н., Нурматов Дилшадбек Набижанович  
Андижон давлат университети  
Иқтисодиёт кафедраси доценти

**Аннотация:** Ушбу мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилган. Хусусан, социал-экологик омилларнинг таъсири аниқланган ва уни яхшилаш юзасидан амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат ресурслари, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, социал-экологик омиллар, ички ва ташқи омиллар, экологик номуносиблик.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются факторы, влияющие на эффективное использование трудовых ресурсов на промышленных предприятиях в условиях модернизации экономики. В частности, определены основные социально-экологические факторы и даны практические рекомендации по его улучшению.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, эффективное использование трудовых ресурсов, социально-экологические факторы, внутренние и внешние факторы, экологический дисбаланс.

**Abstract:** In this country, the factors affecting the efficient use of labor resources at industrial enterprises in the context of economic modernization are considered. In particular, the main social and environmental factors are identified and practical recommendations for its improvement are.

**Key words:** labor resources, efficient use of labor resources, social and environmental factors, internal and external factors, environmental imbalance.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитларида иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Бу асосан меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқдир.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш нафақат иқтисодий, балки чуқур социал оқибатларга олиб келади: меҳнат мазмунининг бойитилиши ва унинг шароитларининг яхшиланиши, бўш вақтнинг кўпайиши ва ундан рационал фойдаланиш ва хоказо.

«Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш» тушунчаси икки йўналиш бўйича ўрганиб чиқилади [1, 21]. Биринчиси – бандлик турлари, жинси, ёши, маълумот даражаси, соғлиги ва хоказолар бўйича. Иккинчи йўналиш меҳнатдан фойдаланиш самарадорлиги билан характерланади. Корхоналар миқёсида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни баҳолашнинг асосий мезони меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан аниқланади [2, 43].

Олиб борилаган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат самарадорлигининг ўзгаришига моддий-техник, ташкилий-иқтисодий ва социал-психологик омиллар билан бир қаторда социал-экологик омиллар ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Социал-экологик омиллар ички ва ташқи омилларга ажратилган. Ички омилларга ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитлари, меҳнат ресурслари соғлигининг ҳолати, меҳнат

ресурсларининг касбий-малакавий таркиби, меҳнат ресурсларининг ёши, жинси бўйича структураси киради.

Ташқи омилларга ҳудуддаги экологик ҳолат ва тиббий хизмат кўрсатиш даражаси киради. Экологик ҳолат тупроққа, атмосферага ва сувга чиқиндиларни ташлаш билан белгиланади.

Ички ва ташқи омиллар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатади. Аммо ривожланишнинг ҳозирги шароитларида ташқи омилларнинг таъсири жуда катта.

Социал-экологик вазиятнинг ёмонлашуви оқибатида саноат корхоналарида ишчилар соғлигининг ёмонлашуви ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг вужудга келиши, бизнинг фикримизча, маълум иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- атроф-муҳитнинг ёмонлашуви туфайли касалланишнинг ортиши сабабли вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақаларга ижтимоий суғурта харажатларининг ортиши;

- ногиронликнинг ортиши сабабли нафақалар тўлашга ижтимоий суғурта харажатларининг ортиши;

- касалланиш ва ногиронликнинг ўсиши сабабли соғлиқни сақлаш харажатларининг ортиши;

- кадрлар қўнимсизлигининг ўсиши, ишчиларнинг ногиронлик туфайли ишдан кетиши ва уларнинг ўрнига ишчи тайёрлаш зарурлиги сабабли кадрлар тайёрлашга кетадиган харажатларнинг ортиши;

- вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик туфайли ишчиларнинг ишлаб чиқаришда қатнаша олмаслиги оқибатида маҳсулот сифатининг ёмонлашуви, кадрлар қўнимсизлигининг ортиши. Бу эса мамлакатдаги миллий даромадни ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот натижалари саноат корхоналарида ходимларни соғломлаштириш ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни камайтириш ҳисобига кадрлар потенциалдан самарали фойдаланишни ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади [3, 251]:

- ишчиларнинг касбий кўригини жорий қилиш лозим. Айниқса 41-45 ёшгача бўлган ишчилар (эркак ва аёллар) ва 46-50 ёшгача бўлган хизматчиларга (эркак ва аёллар) алоҳида эътибор қилиш зарур, чунки уларда касалланишнинг энг юқори даражаси қайд этилади;

- сурункали равишда касал бўлаётганлар диспансер кузатувида бўлишлари зарур;

- ходимларнинг касалланиш туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатини йўқотишини ёши, жинси, касби, меҳнат шароитлари ва ишчиларнинг касалланиш даражасига таъсир кўрсатадиган бошқа бир қанча социал-экологик омиллар бўйича ўрганиш зарур. Бунинг учун ушбу кўрсаткичлар бўйича доимий мониторинг ўтказиш лозим;

- вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик экспертизасининг ва касаллик варақалари асосли равишда берилишининг сифатини ошириш керак.

Шундай қилиб, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, социал-экологик омиллар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган. Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг умумий қонуниятлари, ҳудудда меҳнат ресурсларининг шаклланиш принциплари ва омилларини биргаликда тадқиқ қилиш

социал-экологик вазият кескинлашиб бораётган шароитда бир қатор ҳолатларни илмий асослашга ва саноат корхоналаридаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлашга имкон берди:

1. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитларида демографик ва социал-экологик ривожланишнинг мураккаб жараёнлари саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш зарурлигини тақозо этади.

2. Худуддаги демографик вазият табиий ўсиш кўрсаткичлари ва аҳоли зичлиги кўрсаткичлари билан белгиланади. Бу жараёнларни саноат корхоналари ходимлари ўртасида касалланишларнинг кўпайиши билан характерланадиган социал-экологик вазият мураккаблаштиради.

3. Меҳнат самарадорлиги кўп жиҳатдан ишчиларнинг меҳнатга лаёқатлилик даражасига боғлиқдир.

4. Социал-экологик вазият мураккаблашгани туфайли ишда банд бўлган меҳнат ресурсларининг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Бу кўплаб иш вақтини йўқотишларда ва шунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг камайишида ҳамда касаллик варақаларига кетган тўловлар ҳаражатларида ўз аксини топади. Бундан ташқари, саноат корхоналарида меҳнат ресурсларининг касалланиши билан боғлиқ бўлган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик поликлиника ва шифохоналарда беморларни даволаш учун давлат сарфлайдиган ҳаражатларга олиб келади.

5. Тадқиқотлар кўрсатишича, худудда экологик номутаносибликнинг ҳосил бўлиши куйидагилар билан боғлиқ:

- саноат корхоналарининг нораціонал, яъни экологик талабларга мос бўлмаган ҳолда жойлаштирилиши;

- атмосферага кўчма манбалардан чиқаётган чиқиндиларнинг кўпайиши (85% дан ортиқ) ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган хулосалар асосида мураккаблашиб бораётган экологик вазият шароитида саноат корхоналарида кадрлар потенциалидан самарали фойдаланиш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш зарур:

➤ атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурслардан фойдаланиш ва чиқиндиларни утилизация қилиш устидан инспекцион ва таҳлилий назоратни кучайтириш. Бу атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини экологик-гигиеник ва санитар нормаларга мувофиқ камайтиришга имкон беради. Шу мақсадларда фаннинг охириги ютуқларини ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларни самарали тозалаш ускуналари ва иншоотлари билан жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) тизимини ишлаб чиқиш;

➤ табиий ресурслардан фойдаланишнинг экологик йўл қўйилган чегарасини аниқлаш асосида табиатдан фойдаланиш жараёнларининг мувозанатига эришиш. Бу экосистемани нисбатан ўзгартирмасдан сақлашга имкон беради. Табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал хом ашё, биологик ресурслардан рационал ва комплекс фойдаланиш;

➤ экологик соф ва ресурсларни сақловчи технологияларни жорий қилиш. Бу йўналишда энергиянинг альтернатив турларини (куёш энергияси, шамол энергияси ва ҳ.к.) олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш, ишлаб чиқаришда, айниқса транспортда экологик зарарсиз бўлган ёкилғи турларини (бензинни газ билан

алмаштириш, темир йўллари электрлаштириш ва ҳ.к.) жорий қилиш устувор масала ҳисобланади. Бу ҳудуддаги саноат корхоналарини қайта инвестициялаштиришни ҳамда янги, экологик соф ва ресурсларни сақловчи технологияларга қўшимча инвестицияларни талаб қилади;

➤ тартибга солишнинг иқтисодий усулларида кенг ва самарали фойдаланиш асосида ҳудуддаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш;

➤ ҳудудда иқтисодий мониторинг, прогнозлаш ва ахборотнинг ягона тизимини яратиш;

➤ экологик таълим ва ишлаб чиқариш маданияти тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, яъни меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш-экологик маданиятини ва мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш;

➤ ҳудуддаги корхоналар рейтингини ва экологик хавфсизлик даражасини аниқлаш, халқаро стандартларни (ИСО: 9001:2000, 14001:2004, 18001:1991) жорий қилиш. Бу маҳсулот сифатини яхшилашга, корхоналар экологиясини, ишлаб чиқариш хавфсизлигини ва ходимларнинг саломатлигини яхшилашга имкон беради;

➤ корхоналарда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни камайтириш учун меҳнат шaroитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни, яъни ташкилий-услубий, санитар-гигиеник, жамоавий-индивидуал ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш зарур;

➤ корхоналарда тиббий хизмат фаолиятини яхшилаш. Ходимлар ўртасида касалланишларнинг олдини олиш ва аниқлаш учун замонавий тиббий техника, ускуна ва дори-дармон билан таъминлаш лозим;

➤ ҳудудда социал-экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш керак.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Абдурахмонов Қ., Зокирова Н. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси-Т.: Фан ва технология, 2013, 241 бет.

2. Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик.-Фан ва технология, 2012, 90 бет.

3. Нурматов Д. Влияние социально-экологических факторов на эффективное использование трудовых ресурсов. “SCIENCE AND EDUCATION” журналы №1, Тошкент, 2020., 260 бет.

### **ФАНЛАРАРО ЎЗARO БОҒЛАНИШ АСОСИДА ЯХЛИТ, ТИЗИМЛАШТИРИЛГАН БИЛИМЛАР БЕРИШНИНГ МОҲИЯТИ**

**М.Ходжамбердиев, Андижон давлат университети доценти**

*Аннотация:* Ушбу мақолада фанлараро ўзаро боғланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган бўлиб, ундан бошлангич синфлар табиат ва география дарсларида фойдаланиб, бизни ўраб олган табиат ҳақида яхлит, тизимлаштирилган, яқунланган билимлар бериш масалалари кўриб чиқилган.

*Калит сўзлар:* фанлараро ўзаро боғланиш, интеграция, дидактик шарт-шaroит, ўқув режа, дастур, дарслик, таълим мазмуни, яхлит, тизим.

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются вопросы межпредметных связей. Даны некоторые вопросы межпредметных связей при изучении природы для начальных классов.

**Ключевые слова:** межпредметный связь, интеграция, дидактическое условие, учебный план, программа, учебник, содержания, обучения, целостность, система.

**Annotation:** this article deals with the issues of intersubject communications. Some questions of interdisciplinary connections are given when studying nature studies for primary grades.

**Keywords:** interdisciplinary connection, integration, didactic condition, curriculum, program, textbook, content, learning, integrity, system.

Умумий ўрта мактаблар табиий-илмий предметларининг ўзаро боғланиш муаммоси хозирги кунда таълим тизимининг олдида турган бош масад- юқори интеллектуал салоҳиятли, юксак маънавий ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ижодкор, ишбилармон, тадбиркор, мустақил фикрга эга бўлган, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлашнинг фаол муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фанлараро ўзаро боғланишни тадқиқ қилиш бўйича қатор мақола ва диссертациялар химоя қилинган бўлиб, бу ишларда унинг мазмун моҳиятини очишга ҳаракат қилиб кўрилган. Масалан, фанлараро ўзаро боғланиш бу ўқувчиларда табиат ходисаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги материалистик тушунчани шакллантириш воситасидир (В.П.Шуман), фанлараро ўзаро боғланиш таълим мазмунининг ўзига хос конструкцияси, шунингдек, билимлар кўшилиши (интеграция)нинг дидактик воситаси ҳисобланади (Н.С.Антонов), “фанлараро ўзаро боғланиш дастур материални чуқур ўзлаштириш –ўқитувчи ва ўқувчи ишининг тизими бўлиб, бунда ўқувчиларнинг билим олиш жараёнида бир-бирига яқин предметларнинг мазмунидан фойдаланилади (П.Г. Кулагин).

Фанлараро ўзаро боғланиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради, фанларнинг турли соҳалари бўйича дунёқарашини кенгайтиради, энг асосийси табиат ва жамият ходисаларини тушунишда диалектик ёндошишини шакллантиради.

Фанлараро ўзаро боғланиш- таълим мазмунининг хусусиятларидан бири бўлиб, ўқув дастурларининг мувофиқлаштиради ва таълим жаранида тизимлилик тамойилида намоён бўлади.

Фанлараро ўзаро боғланишни дидактик шарт-шароит деб тушунилиб, фанлараро ўзаро боғланиш тўғри қўйилганда нафақат ўқув жараёнини тўғри тизимлашга ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлигини оширади, ўқувчиларни ўқишга қизиқишлари, назариялар, илмий тушунчалари билан муносабатда бўлишлигини таъминлайди. Натижада билимлар нафақат ойдинлашади, умумлашади ва уларни амалиётда қўллашга имкон яратади. Шунинг билан бирга фанлараро ўзаро боғланиш ўқув вақтидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Фанлараро ўзаро боғланишни дидактик нуктаи- назардан, яъни дидактиканинг асосий муаммоси –таълим мазмуни асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бошланғич 3-синф табиат ва география дарсларининг мазмун-моҳиятини келажакда ўтиладиган физика, биология, астрономия, география фанларининг тушунча, қоида, назариялари асосида тушунтира бориб, ўқувчиларга атрофлича яхлит тизимли билимлар бериш мумкинлигини кўриб ўтамыз.

1. Бошланғич синф табиат ва география дарсларининг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга экология фанининг тушунчалари асосида табиат билан эҳтиётлик билан муносабатда бўлишда инсоннинг роли кўрсатилиб, бизни ўраб олган атроф-муҳит табиат таркибига кирган тупроқни, ўсимликларни, ҳайвонларни, сув ва ҳавони асраш кераклигини тушунтириб берилади.

Чиқиндилар билан сувни ифлослантирмаслик, дарахт барглари ёқиб ҳавони ифлос қилмаслик, дарахтларни синдирмаслик, завод ва фабрикалар тутунлари таркибидаги

зарарли моддаларни ютиб қолувчи қурилмалардан фойдаланиш, автомобиллардан чиқаётган зарарли тутунларни миқдорини камайтириш. Дарахт ва барглари ёқмасдан чиқиндиларга кўмиш кераклигини айтиб ўтиш керак.

2. Фойдали қазилмалар мавзусини ўқувчиларга тушунтиришда кимё фанининг тушунчалари: кимёвий элементлар ва моддалар: ер юзиде ва остида олтин, қумуш, мис, алюминий, темир, гранит, мрамор каби қазилмалар борлиги тушунтириб ўтилади.

3. География билан боғлиқ равишда мамлакатимиз худудида жойлашган конлар, фойдали қазилмалар ва уларнинг қаерда жойлашганлигини кўрсатиш мумкин:

Навоийда - олтин, қумуш

Қорақолпоғистонда- ош тузи

Андижонда –оҳақтош

Сурхондарёда- тошкўмир

Самарқанда-мрамор

Бухорода- нефть, газ

Наманганда- нефть

Тошкент вилоятида-мис

4. Ботаника фани билан боғлинишда

А) ўсимликлар-ялпиз, қоқиўт, шувок, ажриқ, сачратки, айиқтовон.

Б) дарахт, бута, боғ, хиёбон, ўрмон ҳақида тушунчага бўлади

В) ғўза, пахта ва ундан қандай маҳсулотлар олиш мумкинлигини билиб оладилар.

Д) бегона ўтлар-зарпечак, ғумай, шўра, мачин

Ж) сабзавот экинлари: картошка, сабзи, қарам, помидор, қулпунай

З) полиз экинлари тарвуз, қовун, бодринг, қовок

К) мевали дарахтлар: олма, ўрик, шафтоли, нок, олхўри, олча, гилос, беҳи, хурмо,

бодом

Л) мевали бута ўсимликлари анор, анжир, тоқ, малина, хандон писта

М) манзарали ўсимликлар тоғ, чинор, оқ қайин, эман, қаштан ва бошқалар

Н) гуллар атиргул, чиннигул, гладиолис

О) доривор ўсимликлар ялпиз, жағ-жағ, исириқ, қашнич, наъматақ, маймунжон.

П) тут дарахти-ипақ қурти

5. Зоология билан-

а) зарарқунанда хашоратлар қоларада қўнғизи, қарам қапалаги

б) фойдали хашоратлар : асалари, хонқизи, қумоли, ўргимчак

в) қушлар: хашоратхўр қушлар: қиттақ, жиблажибон, сассиқпўпишак, қуғурчук, қакқликқуш, сўфитўрғай

г) уй парандалари: товуқ, ўрдақ, ғоз, қурка

д) уй ҳайвонлари: қорамол, қўй, от, эчки

е) балиқлар : қит, ақула, дельфин, пингвин

ж) бақа, қурбақа

6. Тиббиёт билан боғлиқлиги

А) одам танасининг тузилиш : юрак, ўпка, қандай нафас оламиз, тоза ҳаво- тоза ўпка

В) овқатланишнинг аҳамияти

Г) чекишнинг таъсири

Д) спиртли ичимликлар таъсири

Е) гиёҳванд моддалар таъсири

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, бошланғич синф ўқувчиларига табиат, география дарсларида келажакда ўтиладиган фанларнинг тушунча, қоида, назарияларидан фойдаланиб, таълим жараёнининг мазмунини бойитиш асосида дарс ўтилиб, уларда теварак атроф табиат ҳақида яхлит, тизимлаштириган, билимлар беришга имконият яратилади ва уларда қенг, атрофлича дунёқараш шаклланади.

### Адабиётлар

1. Система межпредметных связей по предметам естественно-



- математического цикла. Сборник научных трудов НИИСиМО. Москва, 1981г.
2. Умумий ўрта мактаб давлат таълим стандарти. Тошкент, 2020 й.
3. Умумий ўрта мактаблар бошланғич синфлари учун Табиат, География дарслиги. Тошкент, 2020 й.

## YOSHLARDA DEVIANT XULQNI OLDINI OLISHDA IJTIMOIYLAHVNING AHAMIYATI

**M. Z. Zulunov - Milliy gvardiya Andijon viloyati bo'yicha boshqarmasi "Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi" katta ofitseri, psixolog, kapitan.**

**Annotatsiya:** ushbu maqolada bola sotsializatsiyasi jarayoni, shaxs sifatida uning shakllanishi va rivojlanishi atrof-muhit bilan o'zaro ta'sirining uyg'unligi ko'rsatilgan. Shuningdek, deviant xatti-harakat-bu psixik sog'lom shaxslar tomonidan me'yoriy qoidalarni buzish hollari ekanligi va uni oldini olish yollari va profilaktikasi haqida fikrlar bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** sotsializatsiyasi, intizom, mikro, deviant, deviantsiya kriminal, korrektsiya.

**Annotatsiya:** в данной статье показан процесс социализации ребенка, гармония его становления и развития как личности и его взаимодействие с окружающей средой. Также указывается, что девиантное поведение – это нарушение правил психически здоровыми людьми и способы его предотвращения.

**Ключевые слова:** социализация, дисциплина, микро, девиант, девиантный преступник, коррекция.

**Annotatsiya:** this article shows the process of socialization of the child, the harmony of his formation and development as a person and his interaction with the environment. It is also indicated that deviant behavior is a violation of the rules by mentally healthy people and ways to prevent it.

**Key words:** socialization, discipline, micro, deviant, deviant criminal, correction.

Ijtimoiy makon va o'rinlar, ijtimoiy o'zini tutish me'yor va qoidalari haqida ko'pgina bilimlarni o'zlashtiradi. Bola avval jismoniy makonni o'zlashtiradi, unda o'z yo'lini topishga o'rganadi: emaklash, o'tirish, yurish, yugirish, ko'chani o'zlashtirildi. Bola yaqin kishilarini ajratadi otani, onani, aka-ukalarini o'z ismiga egaligiga o'rganadi. Bolada his tuyg'ular, ijtimoiy tajriba orqali shakllanadi. Ongli intizom tarbiyasi ijtimoiy-ahloqiy va ijtimoiy huquqiy me'yorlar talablariga ongli munosabatni shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik jarayondir 1.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'quvchilarni psixologik va pedagogik qo'llab quvvatlash ishlarini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi 577-sonli Qarori", belgilangan vazifalarning amalga oshirishga xizmat qiladi.

Sotsializatsiya – uzluksiz va ko'p qirrali jarayon. Bu jarayon ayniqsa, bolalik va o'smirlikda jadal rivojlanadi. Shaxs sotsializatsiyasining makro (grekcha macros "katta"), mezo – (mesos "o'rta") va mikro (micros "kichik") omillarini farqlaydilar.

Mikroomillar – inson yashaydigan mamlakat, jamiyat, davlat hamda dunyoviy planetar jarayonlar – ekologik, demografik, iqtisodiy, ijtimoiy-siyoiy va b.

Mezoomillar – etnik ko'rsatmalarni shakllantirish, shaxsning milliy hayot va etnik aro munosabatlarning u yoki bu hollarini qabul qilishi, insonlarning o'z eposi (xalqi) tarixi va hozirgi hayoti haqida qarashlari va fikrlari; bola yashaydigan va rivojlanadigan mintaqaviy hart-haroitlarning ta'siri; yashaydigan joy turi (shahar, tuman markazi, qishloq); ommaviy kommunikatsiya vositalari tushuniladi.

Mikroomillar -yaqingina makonni va ijtimoiy muhitni tashkil qiladigan oila, ta'lim muassasalari, tengdoshlar guruhi kabi mana shu yaqingina muhitni, ya'ni bola o'sadigan muhitni sotsium yoki mikrosotsium deb atashadi.

Bolaning ijtimoiy rivojlanishi ikki yo'nalish bo'yicha sodir bo'ladi: sotsializatsiya (ijtimoiy madaniy tajribani egallash) va individuallashtirish (mustaqil bo'lish). Agar bolani sotsiumga kiritishda sotsializatsiya va integratsiya jarayonlari orasida muvozanat belgilansa, ya'ni bola, bir tomondan, mazkur jamiyatda o'zlashtirilgan me'yor va qoidalarni o'zlashtirsa, boshqa tomondan unga o'z ahamiyatli "umumiy"ni individualligini qo'shsa, sotsiumda bolaning integratsiyasi sodir bo'ladi.

Agar bola moslashuv fazasidan o'ta olsa va atrofdagilarga o'z individual farqlarini ko'rsatishni boshlasa, atrofdagilar esa uning individualizmini jamiyat me'yorlariga to'g'ri kelmaydi deb hisoblasa, unda bolada negativlik, gumonsirashlik, agressivlik, o'ziga yuqori baho berish rivojlanadi. Jamiyat tomonidan qabul qilingan xatti-harakatlar, qoidalar va me'yorlardan chekingan o'smirlarni og'ir yoki tarbiyasi qiyin yoki tarbiyasi og'ir o'smirlar deb atashadi. Jamiyatda o'rnatilgan me'yor va qoidalarga rioya qilmaydigan shunday tarbiyasi og'ir o'smirlarni devyatsiya deb ataymiz.

**Deviant** xatti- harakat- bu psixik sog'lom shaxslar tomonidan me'yoriy qoidalarni buzish hollaridir. **Deviatsiya**-bu ijtimoiy pedagogik-psixologik muammo bo'lib, inson ruhiy olamidagi, uning atrofidagi muhitning o'zgarish hollari bilan borliq. Bu hol, ayniqsa, o'smir yoshdagi bolalarga xosdir. Chunki bu yosh eng qiyin va murakkab davr bo'lib, bu yoshdagi bolalarning anatomo - fiziologik, intellektual, axloqiy va boshqada jihatlarida o'zgarishlar ro'y beradi. Bu o'zgarishlar o'z navbatida ularning psixikasida o'zgarishlar ro'y berishiga zamin yaratadi. Ularning ijtimoiy statusida, jamoada o'zini titishida o'zgarishlar ro'y berib, ularni ko'proq; «Men kimman?» - degan savol qiynaydi.

**Deviatsiya** o'z ichiga deviant, delinkvent va kriminal xatti-harakatlarni birlashtiradi. Deviant xatti- harakat-bu kichik ijtimoiy munosabatlar (oilalar, maktab) hamda xarakter, jinsiy va yosh xususiyatlari jihatidan yaqin kichik ijtimoiy guruhlariga xos ijtimoiy me'yorlardan, xatti-harakatlar va qoidalardan o'tish, chekinishning bir turidir, yani bu turdagi harakatni imtizomsizlik deb ham atash mumkin. Agressiya, chaqiriq, ishda va mehnat faoliyatida o'z boshimchalikka yo'l qo'yish, bolalar va o'smirlarning ichkilikka berilishi, daydib yurishlari, oliftagarchilik qilishlari, assotsial harakatlarga berilish kabilar deviant harakatlarning asosiy ko'rinishlaridir. Ma'lum vaziyatlarda bolalar va o'smirlarning shu kabi xatti-harakatlarni namoyon etishi deviant harakatlarning tipik xususiyatidir.

**Delinkvent** hatti - harakat - deviant harakatlardan farqli o'laroq, ular vaziyat ta'sirida emas, balki yuqoridagi kabi assotsial harakatlarning doimiy xarakterga ega bo'lishdir.

Delinkvent harakatlarning quyidagi turlari mavjud:

-haqoratlash, xo'rlash, azoblash va undan huzurlanish kabi agressiv bosqinchilik harakatlar; - kichik o'g'riliklar, ta'magirlik, avtotransport va boshqada kerakli buyum va anjomlarni urirlash kabi moddiy fonda kirishga haratilgan o'z shaxsiy manfaati yo'lidagi harakatlar; -narkotiklar sotish va tarqatish.

**Kriminal** xatti- harakat -bu jinoiy javobgarchilikka tortilishga yoshi etgan shaxslarning zid harakatlari bo'lib, ular ustidan jinoiy ish qo'zgatilish jarayonidir. Kriminal harakatlarga deviant va delinkvent harakatlar asos yaratadi.

**Korreksiya**-bu hayotiy chekinishlarga uchragan bolalar va o'smirlar bilan olib boriladigan aniq faoliyat hisoblanadi.

Mamlakatimizning kechalar, bayramlar, rasm - rusmlar, urf - odatlar, jumladan «Navro'z», «Xotira va qadrlash kuni» va boshqa tadbirlar muhim ahamiyatga ega. Ommaviy ishlarda tarbiyaviy muvaffaqiyatlarga ijtimoiy-madaniy faoliyat yo'nalishini anglagan holdagina erishish mumkin. Tadbirlarni faqat g'oyaviy yo'nalishini hamda ijtimoiy-pedagogik, ijtimoiy-psihologik mohiyatini anglash, tashkiliy ishlarda uning mexanizmlariga tayanish zarur.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

- 1.Xodjamqulov U.N. Xudoyqulova F.B. O'qituvchi shaxsining fikr almashuv bilan bog'liq xususiyatlari// Fan ta'lim va amaliyot integratsiyasi.<http://bilig.akademiascience.org>. 2021-108 b.
- 2.Galagozova M.A. i dr «Sotsialnaya pedagogika» M-1994.

3.Egamberdiyeva N. Ijtimoiy pedagogika. T.2012 yil.

4.Mamajonova Z.M. Ijtimoiy pedagogika“Ishonchli hamkor” 2021yil.

## TARBIYA TURLARINING O‘SIB BORAYOTGAN YOSH AVLOD HAYOTIDAGI AHAMIYATI

**Abdullayeva Xavoxon Yakubjonovna**  
ADU, Umumiy pedagogika kafedrası o‘qituvchisi

**Annotatsiya:** *Tarbiya nazariyasi pedagogika fanining tarkibiy qismi bo‘lib, yoshlarni barkamol insonlar qilib tarbiyalashning mazmuni, metod va usullari hamda tashkil etish masalalarini o‘rganadi. Maqolada tarbiyaning har bir turiga to‘xtalib o‘tiladi va ularning ahamiyati yoritib beriladi.*

**Kalit so‘zlar:** *pedagogika, tarbiya vazifalari, aqliy tarbiya, jismoniy tarbiya, mehnat tarbiyasi, estetik tarbiya, bilimlar tizimi.*

**Аннотация:** *Теория воспитания является составной частью педагогической науки, изучающей содержание, методы и приемы организации молодежи как гармонично развитой личности. В статье рассматривается каждый вид воспитания и его значение.*

**Ключевые слова:** *педагогика, воспитательные задачи, умственное воспитание, физическое воспитание, трудовое воспитание, эстетическое воспитание, система знаний.*

**Annotation:** *The theory of behaviour is an integral part of pedagogical science that studies the content, methods and techniques of organizing youth as a harmoniously developed personality. The article discusses each type of education and its significance.*

**Key words:** *pedagogy, educational tasks, mental education, physical education, labor education, aesthetic education, knowledge system.*

Yosh avlodni tarbiyalashda nimalarga e‘tibor qaratmoq lozim? Bunday masalalarni hal etishda avvalo mamlakatimizda siyosiy-ijtimoiy sohalarida yuz berayotgan islohatlar mohiyatini chuqur va atroflicha mushohada qilib olishga to‘g‘ri keladi. Chunki davr ham, inson tarbiyasi ham o‘zgarib bormoqda. Ayniqsa, XXI asr insoniyat tarixida kompyuter davri bo‘lib kirib keldi. Biroq, fan-texnika qanchalik jadal rivojlanib, jamiyat hayotida muhim joy olib, ishlab chiqarish jarayonlarini tezlashuviga qanchalik samarali ta‘sir etmasin, tarbiya nazariyasida shaxsni komil etib tarbiyalash, bu borada Markaziy Osiyo mutafakkirlari, xalq pedagogikasi hamda jahon pedagogikasining ilg‘or fikrlariga tayanib ish ko‘rish zarur bo‘ladi. Yoshlarni barkamol inson qilib tarbiyalashda birinchi navbatda Sharq mutafakkirlarining qimmatli ma‘naviy meroslari muhim dasturil amal ahamiyatiga ega bo‘ladi. Muhammad al-Xorazmiy, Abu Nasr Farobiy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Ahmad al-Farg‘oniy, Imom Ismoil al-Buxoriy, Ahmad Yassaviy, Bahovuddin Nahshband, Amir Temur, Muhammad Tarag‘ay Ulug‘bek, Alisher Navoy va Zahiriddin Muhammad Bobur singari olamga mashhur allomalarining ijtimoiy, siyosiy va falsafiy qarashlari barcha zamonlar uchun muhim ahamiyat kasb etadi. O‘z o‘tmish madaniy merosini chuqur o‘rganmagan va e‘zozlamagan, ajdod-avlodlari bosib o‘tgan tarixiy yo‘lni idrok etmagan, milliy mustaqillik yo‘lida jon fido qilgan buyuk ajdodlar faoliyatidan xabardor bo‘lmagan inson o‘zligini hych hachon anglab yetolmaydi.

O‘sib kelayotgan yosh avlodning zamon talablariga mos, barkamol inson bo‘lib shakllanishlari uchun ijtimoiy tarbiyaning muhim tarkibiy qismlari – aqliy, ma‘naviy-axloqiy, jismoniy, mehnat, estetik, huquqiy, ekologik, iqtisodiy tarbiyani tashkil etishga nisbatan yangicha

nuqtayi nazardan yondashish, ularning samarali yo'llarini ishlab chiqish alohida dolzarblik kasb etadi. Bu esa tarbiyadagi eng muhim vazifalardir.

Aqliy tarbiya – ta'lim oluvchilarni fan asoslariga oid bilimlar tizimi bilan qurollantiradi. Aqliy tarbiya barkamol inson tarbiyalashning yetakchi tarkibiy qismi bo'lib, o'quvchilarni tabiat va jamiyat, kishi tafakkuri haqidagi bilimlarni o'zlashtirib olishlari, ularda ilmiy dunyoqarash, yuqori onglilik xislatlarini tarbiyalash, fan asoslaridan xabardor qilish, tafakkur va nutq qobiliyatlarini o'stirishni maqsad qilib qo'yadi.

Bilimlar tizimini ongli ravishda o'zlashtirish mantiqiy fikrlash, xotira, diqqat, idrok etish, aqliy qobiliyat, mayillik va iqtidorni rivojlantirishga ko'maklashadi.

Aqliy tarbiyaning vazifalari quyidagilar sanaladi:

1. ilmiy bilimlarning muayyan hajmini o'zlashtirish;
2. ilmiy dunyoqarashni shakllantirish;
3. aqliy kuch, qobiliyat va iqtidorni rivojlantirish;
4. bilishga bo'lgan qiziqishlarni rivojlantirish;
5. bilishga bo'lgan faollikni kuchaytirish;
6. o'z bilimlarni muntazam ravishda to'ldirib borish, umumiy o'rta ta'lim va maxsus kasbiy tayyorgarlik darajasini oshirishga bo'lgan ehtiyojni rivojlantirish.

Jismoniy tarbiya - deyarli butun tarbiya tizimining ajralmas tarkibiy qismi. Yuqori darajada rivojlangan ishlab chiqarishga asoslangan mavjud ijtimoiy sharoit jismonan baquvvat, korxonalarda yuqori unum bilan ishlashga qodir, har qanday qiyinchiliklardan cho'chimaydigan, shuningdek, vatan himoyasiga doimo tayyor bo'lgan yosh avlodni tarbiyalash zarurligini ko'rsatmoqda.

Jismoniy tarbiyaning vazifalari quyidagilardan iborat:

1. o'quvchilarning sog'lig'ini mustahkamlash, ularni to'g'ri jismoniy rivojlantirish;
2. o'quvchilarning aqliy va jismoniy ish qobiliyatlarini oshirish;
3. ularning tabiiy harakatchanligini rivojlantirish va mukammallashtirish;
4. o'quvchilarni harakatning yangi turlariga o'rgatish;
5. ularning irodaviy sifatleri (kuch, chaqqonlik, uquvlilik va boshqalar)ni rivojlantirish;
6. o'quvchilarning gigienik ko'nikmalarni rivojlantirish;
7. ularda ma'naviy-axlohiy sifatlar (dadillik, qat'iyatlik, intizomlilik, mas'uliyatlik, jamoa bilan bo'lish)ni tarbiyalash;
8. o'quvchilarda jismoniy tarbiya va sport bilan doimiy va muntazam shug'ullanishga bo'lgan ehtiyojni shakllantirish;
9. o'quvchilarning sog'lom va baquvvat bo'lishlariga erishish.

Jismoniy tarbiyani bolalarning maktabgacha yoshidan boshlab muntazam tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Jismoniy tarbiya ta'lim muassasalarida o'qitilishi yo'lga qo'yilgan fanlardan biri sanaladi. Sinfdan va maktabdan tashqari sharoitlarda tashkil etiluvchi jismoniy mashg'ulotlar jismoniy tarbiya darslarining samaradorligini ta'minlovchi qo'shimcha tadbir hisoblanadi. Jismoniy tarbiya tarbiyaning boshqa tarkibiy qismlari bilan mustahkam bog'langan hamda ular bilan birgalikda har tomonlama rivojlangan shaxsni shakllantirish vazifalarini hal etadi.

Mehnat tarbiyasi inson kamolotining asosi, hayot manbai, umr mazmuni hisoblanadi. Mehnat tarbiyasidan ko'zlangan maqsad, avvalo, o'quvchilarga mehnatning mohiyati, mazmunini chuqur anglatishdan iboratdir. Mehnat qilayotgan kishi o'zi bajarayotgan ishning natijalarini

ko'rsa, his qilsa, o'sha natijalardan qoniqsa, rohatlansagina mehnat tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. halol mehnat – kishi hayotining mazmunini tashkil qiladi.

Xalqimizning “Mehnat – mehnatning tagi rohat”, “Bugungi ishni ertaga qoldirma”, “Daryo suvini bahor toshirar, inson qadrini mehnat oshirar”, “Ishlagan tishlaydi, ishlamagan kishnaydi” “Mehnatdan qo'rqma, minnatdan qo'rq”, “Odamning husni mehnat” kabi maqollar bejiz yaratilmagan. Buyuk alloma Bahouddin Nahshbandning “Dil ba yoru, dast ba kor” degan hikmati bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Allomaning fikricha, “Agar kishi hunarli bo'lsa, u bilimni haqiqatga bag'ishlaydi, o'z mehnati bilan kun kechiradi, bordi-yu kasbi bo'lmasa, bilimni kun kechirishga sarflaydi, halollikni unutadi”.

Ta'kidlash lozimki, mehnatsiz kelgan boylik inson ruhiyatini buzadi, har qanday muqaddas narsani qadrsizlantiradi. Mehnat jarayonida kishilarda do'stlik, birodarlik, jamoa bo'lib ishlash kabi barcha tarbiyaviy sifatlar shakllanadi. Eng muhimi, mehnat muhtojlik, bekorchilik, axloqiy jihatdan buzilishdan saqlaydi. Mehnat orqali inson o'zining va o'zgalarning qadrini biladi.

Estetik tarbiya. Estetika lotincha “estezio – go'zallikni his etaman” ma'nosini bildiradi. Aqliy, axloqiy, mehnat tarbiyasini estetikasiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Estetik tarbiyaning maqsad va vazifasi quyidagilardan iborat: o'quvchilarni tabiat va jamiyatdagi go'zallikni idrok qilish, uni to'g'ri tushunish va fahmlash, qadriga yetish, shu asnoda o'z shaxsiy hayotining go'zal tomonini ko'ra bilishga, go'zal bo'lish uchun kurashishga o'rgatishdan iborat. Estetik tarbiya axloqiy qiyofa, ijobiy xulq-atvor me'yorlarini tarkib toptirish, ularning ijodiy qobiliyatlarini taraqqiy ettirishga katta ta'sir ko'rsatadi. Ta'lim muassasalarida musiqa, rasm, ashula darslari, adabiyot va boshqa fanlarning o'qitilishi estetik tarbiyani samarali yo'lga qo'yish vositasi hisoblanadi.

Estetik tarbiya bola tug'ilgandan boshlab umrining oxirigacha amalga oshiriladi. Shu sababli, u nafaqat maktabda, balki sinfdan va maktabdan tashqari sharoitlarda uyushtiriluvchi tadbirlarda, turli anjumalarda yosh avlodni go'zallik va nafosatni his etishga undovchi vositadir.

Xalqimizda, “Oq bo'lmasin, pok bo'lsin”, “Pokliging – sog'lig'ing”, “Sog' yuray desang, ozoda bo'l”, “Yaxshi libos tanga oroyish” kabi maqollari bilan yoshlarimizni tabiat va jamiyatdagi go'zalliklarini ko'ra bilishga, ularni qadrlashga o'rgatib kelishgan.

Estetik tarbiya faqat narsa va hodisalarning mohiyatini anglash, go'zal jihatlarini ko'ra bilishnigina emas, balki ichki go'zallikni his qilish xislatini ham tarbiyalaydi. Insondagi xulqiy go'zallikni qadriga yetishga undaydi.

Ijtimiy tarbiya maqsadi va vazifalarini amalga oshirish uchun tarbiya jarayonining xususiyatlarini anglab olish muhim ahamiyatga ega.

Zamonaviy talqinda tarbiya jarayoni o'qituvchi va o'quvchi (tarbiyachi va tarbiyalanuvchi)lar o'rtasida muayyan maqsadga erishishga qaratilgan samarali hamkorlik demakdir. Zero, tarbiya jarayonida o'qituvchi va o'quvchilarning faoliyalari tashkil etiladi, boshqariladi va nazorat qilinadi.

#### **Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasining “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuni. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – Toshkent, Sharq nashriyot-matbaa konserni, 1997.

2. Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999.

3. Usanova O.N. Psixik rivojlanishida muammolari bo'lgan bolalar. –Moskva, Pedagogika, 1995.

4. Raxmonova V.S. Defektologiya va logopediya asoslari. –Toshkent, O'qituvchi, 1990.

## LEARNING FRENCH AS A FOREIGN LANGUAGE BY SHORING

**Mamatqulov Abdulxapiz Latipovich, filologiya fanlari nomzodi, dotsent**  
**Normatov Azamatbek Abduxalilovich, katta o'qituvchi**  
**Andijon Davlat Universiteti**

***Аннотация:** В статье анализируются проблемы исследования в области дидактики, изучение понятия укрепления время освоения французского языка в выпускном классе.*

***Ключевые слова:** укрепление, дидактика, взаимодействие, изучение французского языка, языки.*

***Annotation:** The article analyzes the research in didactics proposes the study of the notion of shoring at the time of the acquisition of FLF in final class.*

***Key words:** shoring, didactic, interactions, learning French, languages*

***Annotatsiya:** Maqolada didaktika bo'yicha olib borilgan turli tadqiqotlar tahlil qilinadi, yuqori sinflarda Fransuz tilini o'zlashtirish vaqtida mustaxkamlash tushunchasini o'rganish taklif etiladi.*

***Kalit so'zlar:** mustaxkamlash, didaktika, interfaollik, fransuz tilini o'rganish, tillar*

The issue of launching students into learning French as a foreign language and ensuring both the teaching of comprehension and interpretation strategies remains central. This is hardly possible unless this learning takes the form of learning by shoring. For this, the use of Bruner's term and what he means by this is that the teaching where the learner is launched in the realization of an activity while being assured of benefiting from the support and the guidance of his classmates and the teacher. The concept of shoring was first defined by the psycholinguist Jérôme Bruner in an article published in *Savoir faire, savoir dire* (PUF, 1983). Starting from an experimental dualistic situation during which an adult tutor (expert) helps children of pre-school age to solve a three-dimensional puzzle, Bruner analyzes the components of the shoring activities deployed by the 'expert. : "The effective tutor must be attentive to at least two theoretical models. One is the theory of the task or problem and how it can be carried out. The other is a theory of performance characteristics Without these two theories at the same time, he can neither create feedback nor invent situations in which his feedback adapts more to this pupil for this task at this point where he is in the mastery of the task. The actual pattern of effective instruction is therefore both task-dependent and student-dependent, the demands of tutelage being engendered by the interaction".[1.79] It should be added that the notion of shoring is, as we know, largely inspired by the thought of Vygotsky, for whom any learning of a social intellectual competence takes place on the interpsychic level before becoming intrapsychic. The main Vygotskian principle is the following: "What the child already knows how to do today in collaboration, he will be able to do it autonomously tomorrow". [6.97] It goes without saying that this help given to the learner obviously cannot consist in doing everything for him, but in gradually teaching him how to do them, until the skills are internalized and the shoring ( shoring) is no longer needed and can be

removed. Our didactic and pedagogical problem therefore amounts, in this case, to imagining a device that can allow the realization of this learning by shoring within the framework of shared readings of fiction books - in other words within the framework of what linguists will call book clubs. shoring or support is an acquisition support procedure that Bruner and his team have studied in the context of child acquisitions. [2.123] He adds that it is a support process that requires accompaniment and cognitive support to help with learning (e.g.: guiding questions, tutoring, etc.). We can therefore construct an analogous procedure for student acquisition in foreign language teaching. It is a guided practice leading to independent practice. The concept of shoring proposed by Bruner allows us to better understand it. He describes shoring as being the set of interventions by which the adult helps the child achieve what he could not do alone, controls his frustration, revives his interest, encourages him to take his responsibilities in the construction of meaning as he becomes capable of it. The term shoring has imposed itself, among neo-cognitive researchers, to designate the support interactions implemented by an adult or by a peer in order to support a subject in solving a problem that he could not solve. only. Considered in this way, the notion of shoring is also perfectly suited to characterize the type of pedagogical intervention implemented within the zone of proximal development in order to help the subject to approach his level of potential development. The shoring of learning refers to a definition of the guardianship process: "It is the means by which an adult (or a specialist) comes to the aid of a person who is less adult or less specialist than him." [5.215] (J. Bruner). So, the process of shoring consists in making the apprentice able to solve a problem, to carry out a task, to reach a goal which would have been, without assistance, beyond his possibilities. This means that the support of the adult consists in taking in hand the elements of the task which initially exceed the capacities of the beginner, allowing him to concentrate on the elements which remain in his field of competence and to complete them. Consequently, the support offered to a student must be withdrawn gradually in order to make him as independent as possible. We can guide the student's thought process by asking him questions about the strategies he uses and by asking him to clarify his thinking.

By offering students support that will gradually lead them to greater autonomy, we are giving them more responsibilities and confronting them with new challenges. As a result, students will gain a sense of competence and increased self-confidence. It is primarily the adults who will help the child to master the understanding and production of the various speech acts, but also to understand the communication functions of the utterance produced. The teacher (the adult) will set up a "support" through which he will restrict the complexity of the task and build "formats" which frame the action of the student (the child). Within these formats, it will change just enough to take the child from their current level to a potential level which takes into account the new know-

how to be mastered. The (often unconscious) processes used by the adult to support the communication situation in the child and which can also be applied to the pupil are the following:

- pitch higher with the toddler;
- slower speaking rate;
- strong use of very frequent words in the language or with concrete references;
- length of utterances which increases with the age of the child, always slightly greater than the average length of the latter's utterances;
- redundant speech, a lot of self-repetition, many identical repetitions or with the addition of information;
- simplification, attempt to clarify the discourse;
- establishment of joint attention largely under the control of the mother: cues in the mother's language that indicate she is interested in something to watch."

To conclude, it should be remembered that from a more didactic point of view, the goal of the pedagogical interaction aimed at by all teachers is that all learners present learn. We can also postulate that it is shared by all the pupils, having concluded a priori the same "didactic contract". Whether the students are questioned or not questioned, they are always present and in a situation of joint action if not co-action. Finally, according to Bouchard, the solution that seems best and objective to us lies in effectively taking into account the number of participants because it is both the most respectful of the data and ultimately the most reliable and credible in the pragmatic processing. didactics of these data.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Bruner Jérôme (1983). « Savoir faire, savoir dire ». Paris, Presses Universitaires de France.
2. Bruner Jérôme, (1983 PUF), « Le développement de l'enfant. Savoir faire savoir dire ».
3. Bouchard, R (à paraître) dans M.-C. Guernier, V. Durand-Guerrier & J.-P. Sautot (Ed.). « Interactions verbales, didactiques et apprentissages », Presses universitaires de Franche-Comté
4. Bouchard. R, (2005, PUG) « Les interactions pédagogiques comme polylogues ». Lidil 31, Grenoble.
5. Bérard .E . (1991) « L'Approche communicative – Théories et pratiques ». Clé international. ISBN.
6. Cuq J.P. (2003) « Dictionnaire de didactique du français langue étrangère et seconde », Paris, Edition CLE international, S.E.J.E.R.



## **РУС ХАЛҚ ПОЭТИК ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР СЎЗ САНЪАТИ СИФАТИДА**

*Тиллабаева Феруза Абдулазизовна*

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Ўзбек тили педагогика  
ва жисмоний маданият кафедраси катта ўқитувчиси.*

*Абдувоҳидов Холидбек Мухаммадзокир ўғли,*

*Бурибоева Хувайдо, Козимова Гулжаҳон*

*Агробизнес ва рақамли иқтисодиёт факультети,*

*АИФ йўналиши 3-босқич талабалари*

**Аннотация:** *Машҳур олимларнинг асарлари асосида яратилган ушбу мақолада халқ оғзаки ижоди сўз санъати сифатида кўриб чиқилади. Унинг бошланғич синфларда саводли китобхонни шакллантиришдаги ўрни ойдинлаштирилиб, унинг ўзига хос имконияти белгиланди, бу эса кичик ёшдаги ўқувчиларга адабий ўқиш дарсларида ва дарсдан кейинги соатларда ўз халқи тарихи, урф-одатлари, урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради. фольклорни адабиётнинг жанри ва тури сифатида ўрганиш тавсия этилади.*

**Калит сўзлар:** *фольклор сўз санъати сифатида, фольклорнинг бадиий олами, фольклор белгилари, фольклор жанр сифатида, фольклорни кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан идрок этиши.*

**Аннотация:** *В данной статье, с опорой на труды известных ученых, фольклор рассматривается как искусство слова. Выясняется его роль в формировании грамотного читателя в начальной школе и определяется его уникальная возможность, позволяющая младшим школьникам познакомиться с историей своего народа, его традициями, обычаями на уроках литературного чтения и во внеурочное время в процессе освоения фольклора как жанра рода литературы.*

**Ключевые слова:** *фольклор как искусство слова, художественный мир фольклора, признаки фольклора, фольклор как жанр, восприятие фольклора младшими школьниками*

**Annotation:** *In this article, based on the works of famous scientists, folklore is considered as the art of the word. Its role in the formation of a literate reader in elementary school is clarified and its unique opportunity is determined, allowing younger students to get acquainted with the history of their people, their traditions, customs in literary reading lessons and after school hours in the process of mastering folklore as a genre of literature.*

**Keywords:** *folklore as the art of the word, literary world of folklore, signs of folklore, folklore as a genre, the perception of folklore by younger students*

Халқ оғзаки ижоди аждодларимизда қадим замонларда ҳам фан, ҳам мактаб ўрнини босган санъатнинг энг қадимий ва ўзига хос туридир. Ф.И. Буслаев таъкидлаганидек : "Унинг самарали таъсири остида инсоннинг бутун ҳаёти бешиқдан қабргача давом этди" [4, с. 44]. Тарихан фольклор адабиётнинг асосий принципи бўлиб хизмат қилади ва жаҳон адабиётининг кўплаб ёзувчилари (масалан, А.С.Пушкин, Н.В. Гоголь) унга ўзларининг бадиий асарларини яратиш учун образлар, ғоялар манбаи сифатида мурожаат қилишган. Машҳур тилшунос ва методистлар (Н.А.Гвоздев, К.Д.Ушинский ва бошқалар) "сўз санъаткори" нинг ривожланишида фольклорнинг асосий ролини қайд этганлар. Бундан ташқари, фольклорнинг махсус бадиий дунёсини ривожлантириш Н.Н. Светловская ва унинг издошлари. томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ўқиш фаолиятининг замонавий назариясида кичик ўқувчининг ўқиш саводхонлигини шакллантиришнинг зарур

босқичидир. Халқ оғзаки ижоди асарлари билан танишиш жараёнида бошланғич синф ўқувчилари ўз халқининг тарихи, урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишишда беқиёс имкониятга эга бўладилар. Бу "... кичик ёшдаги ўқувчиларда аналитик қобилиятларнинг бундай ривожланиши орқали уларнинг ҳаракатларидан хабардорлик ва шахснинг шаклланиши; адабиётни маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналарни сақлаш ва етказиш воситаси ва ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги ғояларни шакллантириш воситаси сифатида тушуниш демакдир" [5, п. 58].

XIX асрнинг энг йирик фольклоршуноси А.Н. Афанасьев қисқа умрида ўзининг илмий асарлари билан рус фольклорини ўзгартиришга муваффақ бўлган ва ўз хотираларида шундай ёзган эди: "Боболар кутубхонасига йўл, бахтимга, менда эстетик дидга асос солган рус фольклоридан ўтган" [1]. п. 6].

Таникли танқидчи ва ўқитувчи В.Г. Белинский халқ шеъриятини ўрганар экан: болаларда "адабий дид"нинг шаклланишига алоҳида эътибор берган: "Халқ ёки табиий шеъриятда, яъни халқ оғзаки ижодида, шундай нарса борки, унинг ўрнини адабиёт боса олмайди." [3, б. 168].

Ўқиш ва ёзишни ўрганиши керак бўлганларга мурожаат қилганда, одамлар: "Алифбо - доноликка қадамдир", дейдилар. Халқ оғзаки ижодида ҳам шундай "алифбо" борки, уни ўзлаштирмасдан туриб халқимизнинг шеърий маданиятини билиб бўлмайди. Халқ оғзаки ижодига берилган бундай юксак баҳолар рўйхати уни, энг аввало, сўз санъати ҳақида гапиришга имкон беради. Яна шуни айтишимиз мумкинки, у кенг халқ оммаси ижоди натижасида, уларнинг жамоавий меҳнати жараёнида яратилган ва шунинг учун барча ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этган, ўзига хос кўринишда тақдим этилган оғзаки санъат асарлари "одамлар ҳаёти кодекси"нинг тўпламидир.

Халқ оғзаки ижоди сўз санъати сифатида бадиий ижодга мансублиги билан адабиёт билан боғланган. Машҳур совет фольклоршуноси Ю.М. Соколов таъкидлаганидек, "...агар "адабиёт" атамаси нафақат ёзма санъатни, балки умуман оғзаки сўз санъатини англатса, фольклор адабиётнинг махсус бўлими, демак, фольклор адабиётшуносликнинг бир қисмидир" [6, б. 6].

Халқ оғзаки ижодини адабиётдан ажратиб турувчи белгилар яққол ва ёш ўқувчига ҳам кўриниб туради: непрофессионал ижод, унинг оммавийлиги, анъаналарга асосланган ижод оғзакилиги. Шу билан бирга, фольклор билан ишлайдиган ўқитувчилар ушбу жанрни китобга ёзиб олиш ва сақлашнинг иккинчи даражали хусусиятини, баъзан эса асрлар давомида яратилган пайтдан узокда бўлишини эсга олишлари керак. Агар бу ҳолат ҳисобга олинмаса, фольклорни сўз санъати сифатида эмас, балки адабиётнинг эпик тури жанрларидан бири сифатида қабул қиладиган янги ўқувчи адашиб қолиши мумкин. У дастлаб матн орқали идрок этиш учун яратилган, фольклор эса жонли, халқ, ранг-баранг сўз орқали идрок этиш учун яратилган муаллиф адабиёти билан беихтиёр қиёслашлар билан боғлиқ ҳолда нотўғри тушунчага келади. Халқ оғзаки ижоди санъатнинг турли турлари билан чамбарчас боғлиқ, ажралмас, масалан: театр ва мусиқа санъатидан (маросимлар, думалоқ рақслар ва бошқа кўшиқлар, топишмоқлар, эртақ айтиш ўйинлари;). Оғзаки сўз санъати сифатида фольклорнинг ўзига хос хусусиятлари, тўғридан-тўғри таъсирнинг чуқурлигини ва шунинг учун фольклор матнларининг тингловчиларга таъсирини белгилайди. айниқса талабалар учун. Фольклор матнларининг "таъсир - идрок этиш" муаммосини машҳур фольклор тўпловчиси ва тадқиқотчиси Э.В. Померанцев

ўрганиб келган аммо, афсуски, бу йўналишда кўшимча тадқиқотлар ҳали ҳам талаб қилинади.

Санъат ҳодисаси сифатида фольклор - бу бадиий тизимни ташкил этувчи, барча жанрлар санъат асари шаклининг қатъий белгиланиши билан ажралиб турадиган ва жуда мураккаб ва ўзига хос муносабатлар ва ўзаро таъсирларда бўлган тарихан шаклланган оғзаки ижод тўпламидир. Шу билан бирга, улар деярли ҳеч қачон қаршилиқ кўрсатмайди). Маҳаллий адабий танқидда ХОИларнинг жуда кўп турли хил таснифлари мавжуд. Машҳур фольклоршунос Н.И. Кравцовнинг тизимига алоҳида эътибор қаратсак. Кравцов, фольклор асарларининг турларини аниқлашда (бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ) жанрларнинг маросимларга муносабати ва оғзаки матннинг кўшиқ ва ҳаракатга муносабати каби ҳолатларни ҳисобга олишни таклиф қилади. Унинг фикрича, асар ҳар доим ҳам маросим ва кўшиқчилик билан боғлиқ эмас. Шу муносабат билан у маросим шеърияти (тақвим, оила ва маиший ва фитна) ва маросимсиз шеъриятни ажратиб кўрсатади. Бошланғич мактаб ёшининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бошланғич мактабда адабий ўқиш курсига маросим бўлмаган шеърият киритилади. Болалар ўқиш ва ёзишни ўрганиш давридаёқ халқ эртаклари, мақоллари, ва топишмоқларини таҳлил қиладилар. Келажакда боланинг ўқиш тўғарагида дostonлар, лирик шеърлар пайдо бўлади.

Халқ оғзаки ижодининг санъат тури сифатидаги муҳим хусусиятларидан бири ўзаро таъсир бўлиб, бу турли тадқиқотчилар томонидан тасдиқланган. Масалан, Ф.И. Буслаев қуйидагиларни таъкидлади: "Эртақдаги афсонанинг (халқ шеърияти маъносида) бир-бирига ўхшамайдиган аъзоларининг ҳеч бири халқ орасида алоҳида, ўз-ўзидан яшамайди: уларнинг барчаси бир-бирига ўтади, мустақкам эътиқод, ўзаро боғланган, одамларнинг ўйноқи тасаввурига бўйсуниб, ихтирочи ва бадиий. Топишмоқ қандай қилиб бутун бир шеърга, шеър эса топишмоққа айланганини кўрамиз; мақол ривоятдан туғилиб, шеърнинг зарурий қисмига айланади" [4, б. 33]. Жанрларнинг ўзаро таъсирини халқ эртаклари намуналарида, халқ асари матнига мақол ва маталлар киритилганда кузатиш мумкин. Масалан, *Тез орада эртақ айтилади, лекин иш тез орада амалга оширилмайди. Ёки у қандай салом берсанг, шундай алик олинади (Тулки ва Турна), Ақл билан яшасанг роҳат, ақлсиз азоб (Тулки ва бўри). Кўтинча эртақга айтилган гап ҳазилга айланади: ўрмон тик тоғларидан Егор бобо келмоқда. Ўзи отда, хотини сигирда, болалари бузоқда, неваралари кучукчада. Биз тоғлардан пастга тушдик, олов ёқдик, бўтқа едик, эртақ тингладик.* Бундай мисоллар кичик ёшдаги ўқувчиларга фольклорда ўзаро таъсирнинг мавжудлигини сўз санъати сифатида кўришга ва шунинг учун унинг барча чуқурлиги ва яширин ички маъносини тушунишга имкон беради. Айнан ХОИ асарларида "...бадиий ўқиш дарсларида ҳам, синфдан ташқари машғулотларда ҳам бадиий асарнинг шакл ва мазмун бирлигини кузатиш имкониятини беради, чунки уларда мукамал йўллар ва дунёни мажозий кўриш усуллари, одамларнинг шахсга бадиий таъсир кўрсатиш соҳасидаги тажрибаси ёритилади" [2, б. 48].

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Афанасьев А.Н. Народ - художник / Миф, фольклор, литература. М.: Советская Россия, 1986. - 367 б.
2. Ахтырская Е.Н. Изучение фольклора в начальной школе // Начальная школа. - 2014. - № 11. - Б. 47-50.
3. Белинский В.Г. Общий взгляд на народную поэзию и ее значение. Русская народная поэзия. М.: ОГИЗ, - 1974. - Т. 2. - 168 б.
4. Буслаев Ф.И. Исторические очерки русской народной словесности

и искусства // Русская народная поэзия. СПб.: Издание

Д.Е. Кожанчикова, - 1861. - Т. 1. - 643 б.

5. Курмелева Н.А. Духовно-нравственное развитие и воспитание школьников во внеурочной деятельности по литературному чтению / Н.А. Курмелева, Е.Н. Ахтырская, М.А. Мазалова // Начальная школа. -2014. - № 11. - б. 55-59.

6. Соколов Ю.М. Русский фольклор. М.: Учпедгиз, 1941 - 558 б.

## ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВНИНГ ИЛМИЙ АХАМИЯТИ

**Мамадалиев Музаффар Умарович**  
**АДУ Фалсафа кафедраси ўқитувчиси**

*Мақолада юртимиздаги маънавий соҳасида олиб борилаётган ислохатлар, аждодлар мероси, маънавий баркамол инсон, фалсафий билим ва илм фан ҳақида фикрлар айтилган. Инсон маънавий камолоти борасида бугунги кун ва тарихий фикрлар таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** маънавият, фалсафа, фалсафий билим, дунёқараш, мерос, тарих.

*В статье рассматриваются проводимые реформы в области духовности в нашей стране, наследие предков, духовно зрелый человек, философское знание и наука. Анализируются современные и исторические взгляды на духовную зрелость человека.*

**Ключевые слова:** духовность, философия, философское знание, мировоззрение, наследие, история.

*The article discusses the ongoing reforms in the field of spirituality in our country, the heritage of ancestors, a spiritually mature person, philosophical knowledge and science. Current and historical views on human spiritual maturity are analyzed.*

**Key words:** spirituality, philosophy, philosophical knowledge, worldview, heritage, history.

Дунё илм-фани таракқиёти ёшлар маънавиятини шакллантириш, таълим сифати ошириш ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш уларда интеллектуал фаоллигини шакллантиришда фалсафий билим ва илмий дунёқарашга таяниш масаласи нафақат ижтимоий-гуманитар фанларнинг, балки барча фанларнинг муҳим ва керакли муаммо сифатида тадқиқ этилмоқда. Фалсафа, фалсафий билим илмий дунёқараш муаммоси ўзига хос инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари эпистимологик тамойиллар билан бир қаторда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида фаол тадқиқ этилиб, уни ҳозирги замон илмий билиш методлари асосида ўрганиш объекти ва предмети доирасини янада кенг ривожлантириш заруриятини изоҳлайди.

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.<sup>1</sup>

Тарих бугун ва келажак биздан келажакимиз таянчи бўлган ёш авлод унинг маънавий камолоти ҳақида қайғурмаслик мумкин эмаслигини доимо англашиб келмоқда. Ёшлар маънавий камолотида аждодлар илмий меросидан фойдаланиш ҳамда бугунги

---

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020

куннинг таълим ва тарбия жараёнларининг бевосита самарали фаолият билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида ҳар бир инсонга ёшлар маънавий камолоти учун барчамиз бирдек масъулигимизни билдиради. Баркамол авлод тарбияси борасида ҳар бир йўналишига жиддий эътибор бериш кераклиги, ёш авлод онгу тафаккури унинг дунёқарашини шакллантириш муҳим рўл ўйнайшини англатади. Маънавий баркамоллик ўз навбатида, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, инсонпарварлик, меҳр-оқибатли, интизомли, миллат ғурурини эъзозловчи, улуғ аждодларимиз анъаналари ва илмий меросларини кўз қорачиғидай асраш, ахлоқий пок инсон бўлиб етишиш борасидаги асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда, дунё миқёсида илмий ижобий ҳолатлар билан бир қаторда айрим салбий муаммолар ҳам йиғилиб келмоқда. Дунёнинг аксарият давлатларида илм-фан маърифат тараққий этиб ривожланиб бориши билан бирга бази давлатларида уруш ва зидиятлар тобора авж олиши, маънавий қашошлик, экологик муаммолар, очлик ва сувсизлик ҳамда турли хил касалликларнинг кўпайиши каби муаммолар таъсирига тушиб қолиш нафақат ўзининг мамлакати тараққиётига балки ўзга мамлакатлар тараққиётига ҳам хавф солмоқда. Дунё ҳамжамиятида бўлаётган бундай ҳолатлар харқандай соғлом фикирга эга бўлган инсонлар орасида тажубланиш ва хайрат ҳисси уйғонади. Юртимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохотлар эса бу муаммоларнинг олдини олиш нақадар муҳим эканлигини англатмоқда. Айниқса глобаллашув жараёнлари унда инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳаётий тажрибалари давомида шаклланадиган маънавий баркамоллик бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётгани барчамизга бирдек аён дир. Бу бизга инсон ўз маънавиятини ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб, то умрининг охиригача шакллантириб ва ривожлантириб боришини англатади.

Мамлакатимиз тараққиётининг эртанги куни бўлган ёшларни ҳар тамонлама етук ва маънавий баркамол инсон этиб тарбиялаш масаласи давлатимизнинг стратегик масала сифатида диққат марказида туриб келмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг қариб аксариятини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ёш авлодни ҳар тамонлама баркамол маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, ривожланган давлатлар ёшлари билан ҳар тамонлама беллаша оладиган этиб ўқитиш ва тарбиялаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Негаки ёшлар улардаги фалсафий билим ва илмий дунёқараш, маънавий баркамоллик, азму шижоатни ҳар қачонгидан ҳам юксак бўлиб келмоқда.

“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.<sup>2</sup> “

Бу борада ёшлар азму шижоатни кўриб юксак баҳо бераётган чет эл мутахассисларининг фикрларига баҳо берган биринчи Президентимиз Ислом Каримов

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

қуйидаги фикрларни илгари суради. “... бизнинг ёшларимиз билан суҳбатлашиб, қани энди, ўз касбини пухта эгаллаган, хорижий тилларда бемалол гаплаша оладиган бундай ёшларни бошқа мамлакатларда ҳам кўрсак ва улар билан ишласак, деб орзу қилади. Бир сўз билан айтганда, улар Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини юксак баҳолайди. Ҳақиқатдан ҳам, бу бирон-бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмаган, янгича фикирлайдиган янги авлоднинг майдонга чиқаётганлигидан далолат беради. Бундай минг-минглаб, соф ният билан олдинга интилишга, ўзининг Оллоҳ берган имконият ва салоҳиятини Ўзбекистонимиз равнақи учун сафарбар қилишга, шунинг ҳисобидан, авваламбор, унинг ўзи рози бўлиб, ҳаётда ўрнини топиб яшашга бел боғлаган йигитлар-қизларимизга нисбатан ана шу иборани ишлатиш ҳар тамонлама ўринли...<sup>3</sup>.

Ғарб оламида одамларнинг ҳаёт тарзида жамоавийликдан кўра индивидуализм, шахсий манфаат тамойиллари устунлик қилишини кузатиш мумкин<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам Давлатимиз ушбу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида асрлар давомида шаклланган бағрикенглик, адолат, фидойилик, меҳр-оқибатлилиқ, юксак маданий мерос, бой урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида муайян чоралар кўрмоқда.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш биринчи муҳим масала эканлиги таъкидланади. Давлат ўзини эркинлаштирмаса, маънавий ҳаётни эркинлаштира олмайди. Бу борада юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 5-йўналишининг қатор мақсадларида ҳам “соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, китобхонликни кенг оммалаштириш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш, буюк аждодларимиз бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенгтарғиб қилиш” каби масалаларни ҳам илгари сурилгани бунга мисол бўла олади.

Аждодларимиздан қолган моддий ва маънавий меросларимиз бугунги кун ва келажак ёш авлодни маънавий ақлоқий тарбиясини ривожлантиришга доир шаклланган урф-одатларимиз, боқий анъаналаримиз жуда кўп. Бу меросимиздан бугунги кунда ҳам ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Негаки биз давлатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай камол топиши ва қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етиши, уларни фаол муносабатда бўлиши ҳамда қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар худди мана шу мақсадга йўналтирилган. Зеро, ушбу масала ғоявий нуктаи назардан янги таҳрирдаги Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Қонуни тамойилларига сўзсиз мувофиқ келади. Замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги ғоявий уйғунлик – таълим-тарбия жараёнида миллий мероснинг маънавий-маърифий заминларига таяниш зарурлигини ҳам англатади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда буюк аждодларимиз, аллома-ю мутафаккирларнинг асрлар давомида яратган бой маънавий мероси ёш авлодни комиллик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти бугунги кунда ҳам ўз ўрнини йўқотмаган. Бугунги кунда ота-она,

---

<sup>3</sup> Каримов.И.А., Она юртимиз бахту иқболи ва буюк кележаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон” 2015 245-б

<sup>4</sup> Каримов.И.А., Юксак маънавият енгилмас куч, Т.: Маънавият, 2008 10-б

оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услуглар орқали сингдириш жуда муҳим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020
2. Каримов.И.А., Она юртимиз бахту иқболи ва буюк кележаги йўлида хизмат қилиш – энг оилӣ саодатдир. Т.: “Ўзбекистон” 2015 245-б
3. Каримов.И.А., Юксак маънавият енгилмас куч, Т.: Маънавият, 2008 10-б

### ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мамадалиев Музаффар Умарович  
АДУ Фалсафа кафедраси ўқитувчиси

*Мақолада ёшлар маънавиятини шакллантириши масалалари, ажодлар илмий мероси, маънавий баркамоллик, фалсафий билим ва тафаккур ҳақида фикрлар айтилган. Инсон маънавий камолоти борасида бугунги кун ва тарихий фикрлар таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** маънавият, фалсафа, фалсафий билим, дунёқараиш, мерос, тарих.

*В статье рассматриваются вопросы формирования духовности молодежи, научного наследия предков, духовного совершенствования, философских знаний и мышления. Анализируются современные и исторические взгляды на духовную зрелость человека.*

**Ключевые слова:** духовность, философия, философское знание, мировоззрение, наследие, история.

*The article discusses the issues of formation of youth spirituality, the scientific heritage of ancestors, spiritual perfection, philosophical knowledge and thinking. Current and historical views on human spiritual maturity are analyzed.*

**Key words:** spirituality, philosophy, philosophical knowledge, worldview, heritage, history.

“Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.”<sup>5</sup>

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукамал, иродали, соф виждон билан камолга етиши учун, энг аввал, маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёс улуғдир. Ёшларнинг маънавиятини шакллантириш баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг асосий мақсадимиздир. Унга эришиш йўлидаги асосий мақсадларимиздан бири ёш авлодни таълим ва тарбия олиши жараёнида уларнинг онгида маънавий етукликни шакллантиришда барча таълим фаолиятини янада кучайтирган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>5</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 27-б.



Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк сивилизатсия пайдо бўлмайди<sup>6</sup>. Ҳар бир инсон ўз аجدодлари ва замондошлари яратган кадриятларни авайлаб, ардоқлаб, эъзозлаб, пухта ўрганиб, улардан ижодий, танқидий фойдаланиб, уларни мазмунан бойитиши, шаклан сайқал бериши қатий талаб этилади.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Шундай экан биз бугунги кунда халқимизнинг миллий қиёфаси, миллий руҳи ва миллий ғурурини тиклаш учун халқнинг қадимдан шаклланган урф-одатларини, тарихини, маданиятини, санъатини, муомала маданияти ва ахлоқий қарашларини ўрганишимиз ҳамда ёш авлодга сингдириб бормоғимиз даркор. Миллий ғурур, миллий ифтихор, инсон қадрияти буларнинг барчаси таълим ва тарбия жараёни билан боғлиқ.

“Шу ўринда президентимизнинг куйидаги фикрларини айтиб ўтишимиз нақадар ўринлидир “ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз”<sup>7</sup>.

Зеро, ҳеч бир халқ, ўзлигини англамасдан, миллий маданияти, миллий кадриятларини асраб-авайламасдан туриб бошқа халқларнинг кадриятларига хурмат-иззат билан қарай олмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқдигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келажак авлодга этказиб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиши учун зарур шарт-шароит яратишдир. Ёшларнинг умуминсоний ва миллий кадриятларни ўрганиши ва уни эъзозлашга ўргатиш келажакда кадриятларимизнинг кадрланиши, қандай ҳолатда бўлишини белгилайди.

Ҳозирги энг муҳим, долзарб вазифамиз “... жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир”<sup>8</sup>. Бугунги кун ёшлари

---

<sup>6</sup> Каримов.И.А., Она юртимиз бахту иқболи ва буюк кележаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон” 2015 314-б

<sup>7</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

<sup>8</sup> Каримов.И.А. Хушёрликка даъват Т.: “Ўзбекистон” 1999 16-б



келгусида маънавий баркамол билимли мутахассис, ўз халқининг жонкуяри бўлиши, миллий кадриятларимизни чуқур билишида намоён бўлиши лозим. Инсоният тарих тажрибаси ва аждодлари меросига таяниб яшайди ва ривожланади, янгидан-янги ғоялар ҳеч вақт ўз-ўзидан юзага келмаган, улар ўтмишдаги базалар юзасидан вужудга келади. Инсоният жамият тараққиётининг ҳозирги босқичига ўтмишнинг бой мероси туфайли эришди. Ота-боболаримиз томонидан яратилган тенгсиз тарбия сирлари, ахлоқ-одоб тўғрисидаги панд-насихатлари ҳаёт тажрибасидан синалиб, умуминсоний мохият касб этган.

Мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараён халқимиз маънавий ва маърифий мероси, кадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш илмий, тарихий ва ижтимоий долзарб мавзулардан эканлиги, бу борада халқимизнинг маънавий, фалсафий меросини ҳрр томонлама ўрганишни тақозо қилади.

Жаҳон халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида мамлакатимиз алоҳида ўрин тугади. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча йўналиш ва соҳалари, жумладан ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётида ўзининг сезиларли изини қолдирган.

Зеро, жамиятнинг бир тараққиёт босқичидан ва муайян кадриятлар тизимидан иккинчи тараққиёт босқичи ва янги кадриятлар тизимига ўтиши, прогрессив ғояларнинг кишилар онги ва тафаккуридан жой олиши, ислохотларнинг позитив ўзгаришларга, цивилизация талабларига мос ижтимоий ҳодисаларга айланиши замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар етиштиришга боғлиқдир. Чунки, тафаккур ҳар қандай «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга, эл-юрт равнақига ва миллий маданиятни яратишга ва уни асрашга ўз ҳиссасини қўшишга қодирдир. Зотан ёшлар маънавий етуқлигини, ахлоқий баркамоллигини таъминлаш, унинг онгидаги зарарли майлларига барҳам яъни тараққиёт занжирининг асосий, етакчи халқаларидандир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 27-б.
- Каримов.И.А., Она юртимиз бахту иқболи ва буюк кележаги йўлида хизмат қилиш – энг оий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон” 2015 314-б
- <https://president.uz/lists/view/4057>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020
- Каримов.И.А. Хушёрликка даъват Т.: “Ўзбекистон” 1999 16-б

## ОСОБЕННОСТИ СЛОВЕСНОГО ИСКУССТВА ТЮРКСКИХ НАРОДОВ

**Яркинова Барчиной Баргиевна**  
к.ф.н., заведующая кафедрой «Узбекского языка, педагогика и физической культуры» Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии  
**Илёсова Гулбахор , Ашурова Хуринсо Имяминова Муаттархон 1-курса**

***Аннотация:** Мақолада туркий халқлар сўз санъатининг генезиси, муштарак жиҳатлари ва ўзига хосликлари, бу борадаги илк тадиқотлар, хусусан туркишунос олим П.А.Фалёвнинг илмий қарашлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, қадимги туркий халқлар адабиётидаги айрим жанрлар ҳақида маълумот берилган..*

***Калит сўз ва иборалар:** туркий элатлар, эпик ижод, маросим қўшиқлари, тотемистик дунёқараиш, туркишунослик, нўғай афсоналари.*

***Аннотация.** В статье анализируются генезис, общность и особенности словесного искусства тюркских народов, первые исследования в этой области, в частности, научные взгляды тюрколога П.А.Фалева. Также есть сведения о некоторых жанрах в древней литературе тюркских народов.*

***Ключевые слова.** тюркские народы, эпические творения, обрядовые песни, тотемистическое мировоззрение, тюркология, ногайские легенды.*

***Annotation.** The article analyzes the genesis, generality and features of the verbal art of the Turkic peoples, the first studies in this field, in particular, the scientific views of the Turkologist P.A. Falev. There is also information about some genres in the ancient literature of the Turkic peoples.*

***Keywords.** Turkic peoples, epic creations, ritual songs, totemic worldview, turkology, nogai legends.*

Учебный процесс двоякий, и его эффективность во многом зависит от взаимодействия учителя и ученика, они тесно взаимосвязаны и относительно независимы, потому что их цель одна, то есть они работают вместе. Если единство между ними утрачивается, отношения становятся напряженными или связь [6.26]

Нет всесторонне-подробных сравнительных научных работ о тюркских народах и их словесном искусстве. Мир науки все еще нуждается в такой работе, которая требует дальнейших исследований в области тюркологии. Произведение известного тюрколога Петра Александровича Фалева «Введение в изучение тюркских литератур и наречий», являющееся текстом его лекций прочитанным в Ташкентском Туркестанском университете на рубеже прошлого века, можно разумно считать первоначальным исследованием в изучении литературу тюркских народов, их общности и особенности. Ученый пишет: «Осенью 1921 года из-за отсутствия не одного учебника по тюркологии и ее изучению мне пришлось согласоваться многотиражно опубликовать рукописи прочитанным мной лекций курса “Введение в тюркскую филологию” в Туркестанском институте Востоковедения» [1].

Ученый подробно останавливается на географическом распространении тюркских народов, подчеркивая, что тюркские народы Алтая и соседние тюркские народы при Алтае были отделены от остальной части турок, как неверующими ислама, оставившемся древними шаманскими мировоззрениями и приводит примеры легенд, которые в сущности подчеркнута шаманское мировоззрение. Однако, он говорит, что термин «шаман» есть турецкое слово «кам», то есть, глагол камламак (шаманство) происходит от этого слова.

Литературовед З. Исомиддинов поясняет: “Слово «кам» в настоящее время в узбекском языке не используется. Но «кам» - это слово, означающее *бить*; Это источник

хлыста. Основное занятие шамана - наносить удары шаманскую доиру руками или палками” [1]. На основе этого шаманского суеверия тюрколог П.А. Фалев приводит примеры из легенд о подземным царствованием героя и его путешествии на небеса. Ссылаясь на образ кузнеца, распространенный в тюркском фольклоре, ученый сказал: «... делая оружие для героя, кузнец способствует его победе. Кузнец, судя по всему, занимал привилегированное положение. Например, монгольское слово “дархон” (кузнец) на турецком языке часто означает человека, который стал тарханом и освобожденного от налогов».

П.А.Фалев продолжает свои ценные размышления о тюркских народах: “Тюрки, переселившиеся на запад с Алтая, земли своих предков, издавна жили в казахских степях. Современные жители этих пустынь называют себя казахами ... Казахи - относительно новый народ на исторической арене. Во время правления Золотой Орды и ее падения узбеки переселились в казахские степи. В XV веке часть узбекской племени отделилась от Узбекской орды и направились на восток. В те времена таких беглецов называли казахами. Таким образом, племена, отделившиеся от узбеков, стали «казахами», и это прозвище постепенно стало их нынешним названием. Эта история казачества также сохранилась в их древних легендах, в которых говорится, что казаки произошли от группы беглецов или от группы, заблудившаяся от своих племён” [1]. Ученый, исследуя развитие быта казахов, считает важным источником легенды об Асан-Куйди в произведении Г.Н. Потанина “Легенды, предания и сказки казак- киргизов” [3] для отражения духа эпохи.

Он основываясь на взглядах академика Радлова о казахской словестности делает выводы, что у киргизов эпическое творчество развито, а у казаков в основном из-за большого количества лирических произведений эпическое - медленнее. Он объясняет: “Среди тюркских племен именно киргизы и ногаи продолжают эпос. У обоих этих народов богатая история. Национальная история казахов не так богата, что привело к медленному формированию эпоса в их устном творчестве” [3].

Учёный-тюрколог комментируя сведения академика Радлова об устном творчестве казахов в III томе произведении “Образцы народной литературы северных тюркских племён” [2] пишет: “В этой книге, в основном, встречаются песни, которые вспеваются в свадебном церемонии. Невесту провожают из деревни, где она родилась с вспеваниями песни. Строфа стихов, заканчивающихся припевом “Жар-жар” соответствует строфу сказанного:

*Бир толарсак, бир тобук санда болор,  
Жар-жар!  
Қырқ кисининг ақылы қанда болор,  
Жар-жар!*

Содержание этих песен юмористическое, а строфа – интенсивный и игривый. Что касается невесты, то ей напоминают дальнейшие обязанности в будущей семье. Её обязанности и ответственность уточняются поочередно. Единственное её утешение - дети.

*Айт келин, айт келин!  
Аттинг басин тарт келин!  
Саусқанан сақ келин!  
Жумуртқадан ақ келин!*

В мелодии этих песен есть элементы драматического движения: они исполнены антифонично, то есть в два припева, а мелодия обогащена движением» [2].

Помимо обрядовых песен, ученый предоставляет ценную информацию о пении джигитов и девочек, а также о дебатах отдельных певцов. «Последнее особенно интересно: в словах двух певцов хвала и сатира сочетаются одновременно - певец возносит свое семья к небу и загрязняет семья своего конкурента» [2]. В сборнике Г. Н. Потанина [3] есть рассказ об одном из таких высказываний. Один из певцов - киргиз, другой - казах. Следует отметить, что в древних легендах киргизов присутствуют элементы тотемистического мировоззрения, по сути, они были характерны для всех древних тюрков. Источники в китайской письменности содержат легенды о том, что некоторые тюркские племена произошли от различных животных, в том числе от волков.

У казахов распространены траурные песни - *жилау* по смерти человека, в них элементы фольклора сочетаются с духом ислама. Траур начинается с традиционного Бисмиллаха. Описание, чем покойный занимался в разные годы жизни (в десять лет и т. д.), приближает таких траурных песен к другим типам фольклора. Те части траурных песен, которые прославляют поступки и привычки умершего (независимо от возраста), напоминают песни того же содержания и формы в различных легендах ногайского эпоса.

Учёный-тюрколог даёт уникальные сведения о десятках древних тюркских народов, проживших на обширных территориях от Дальнего Востока до Европы, от Финляндии до Аравийского полуострова. Представляет сопоставительно-сравнительные сведения историю, языка, этнографию и словесного искусство этих народов. Изучение этого труда не только с исторической, но и с научной точки зрения служит основой для проведения обширных исследований тюркологии.

### Использованная литература

1. Фалёв П.А. "Введение в изучение тюркских литератур и наречий". Из издания 1922 года, издательство Восточного Туркестана, перевод Исомиддинова З. Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени А.Навои - Т., 2017.
2. Радлов В.В., Образцы народной литературы северных тюркских племён. М.1918, том III.
3. Оскоцкий В. Связь времени // Новый мир. -1972. -№ 4. -С. 238.
- 4 Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.1, ч.1. -М.: Изд. вост. лит., 1963. XVIII с. 968 стлб
5. Исомиддинов З.И. Тюркский эпос и проблемы перевода. - Т.: Университет,1995.- 113 б
6. Отабоева З.Г. Взаимодействие преподавателей и студентов в учебном процессе // universum: психология и образование : электрон. научн. журн. 2021. 12(90).

## ҲОЗИРГИ ИЖТИМОЙ ШАРТ-ШАРОИТДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МАСОФАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Азизбек Эгамбердиев, Андижон давлат университети докторанти, фалсафа фанлари  
бўйича PhD, доцент

**Аннотация:** Тезисда глобал трансформация шароитида олий таълимда масофавий таълимни ташкил этиши билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий муаммолар таҳлил қилинади. Муаллиф муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзининг таклифларини баён қилади.

**Калим сўзлар:** глобал трансформацияси, олий таълим, масофавий таълим, виртуал борлиқ, интернет

*Some issues of distance organization of higher education in modern social conditions*

**Annotation:** The thesis analyzes the socio-philosophical problems associated with the organization of mass education in higher education in the context of global transformation. The author makes suggestions on how to solve the problem.

**Keywords:** global transformation, higher education, distance learning, virtual existence, internet

*Некоторые вопросы дистанционной организации высшего образования в современных социальных условиях*

**Аннотация:** В диссертации анализируются социально-философские проблемы, связанные с организацией массового образования в высшей школе в условиях глобальной трансформации. Автор предлагает пути решения проблемы.

**Ключевые слова:** глобальная трансформация, высшее образование, дистанционное обучение, виртуальное существование, интернет.

Глобал трансформация – инсоният ҳаётида пандемия шароитида, карантин қоидаларидан келиб чиқиб ҳаёт тарзининг ўзгаришидир. Инсоннинг ҳаракатланиши глобал ва локал миқёсда ҳам чекланиб бормоқда. Шу вақтга қадар инсон ҳуқуқларининг фундаментал асоси бўлган жойдан жойга кўчиш ҳуқуқи табиий равишда чекланиб қолди. Туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш мақсадларида инсонларнинг дунё бўйлаб ҳаракатланиши ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий соҳада глобал интеграцияни келтириб чиқарар эди. Шу сабабли пандемиягача бўлган даврда кўшни давлат ёки узок хориждаги давлатларда жойлашган олий таълим муассасаларида ўқиш одатий ҳолга айланган ва Ўзбекистонда инсон капитали ривожининг муҳим ресурси эди.

2020 йилнинг март ойида бошланган пандемия глобал таълим тизими олдида мураккаб вазифаларни қўйди. Жуда ривожланган инфраструктура ва ўзига ҳос университет муҳитини ташкил қилган йирик университетларнинг бу каби афзалликлари эндиликда муҳим аҳамиятга эга бўлмади қолди. Чунки дунё миқёсида таълим масофавий шаклда давом этиши аниқ бўлиб қолган эди.

Масофавий ёки (электрон) онлайн таълим ўқитувчининг талабалардан жисмоний жиҳатдан ажралган ҳолда таълим беришига асосланган таълим туридир. Бунда ўқитувчи-талаба, талаба-талаба муносабатларини йўлга қўйиш учун инсормацион ахборот технологиялари қўлланилади. Дунё миқёсида пандемиягача ҳам масофавий таълим олий таълимнинг ажралмас бўлгига айланиб улгурган эди. Мисол учун, Хиндистондаги Индира Ганди номидаги Миллий очик университетида 1,5 млн нафар талаба, Хитойдаги Радио ва телевидения марказий университетида 500 минг нафар талаба онлайн тарзда таҳсил олган[1].

Олий таълим тизимида дастлабки маофавий таълим шаклидаги олий ўқув юрти 1969 йилда Буюк Британия очик университетидир[2].

Масофавий таълим фалсафий нуқтаи назардан жуда кенг қамровли тушунча ва ўзида бир қатор жараёнларни қамраб олади. Мисол учун, қадимги қўлёзмалар ва кейинчалик китоб босиш ихтиро қилингандан кейинги илмий ёки бадий характерга эга адабиётларни ўқиган шахс маълум бир билим ҳосил бўлган. Асар муаллифи билан жисмоний жиҳатдан яқин бўлмасдан туриб ундан билим олиш мантикий жиҳатдан масофавий таълимни ташкил этиши мумкин. Иккинчидан, Шарқ халқларидаги маънавий устоз тушунчаси ҳам аслида мулоқотда бўлмаган мутафаккирларнинг асарлари асосида билим олган ва ўз дунёқарабини шакллантирган шахслар томонидан ишлатилган. Бундан ташқари ўрта асрларда урф бўлган ўзаро мактуб юбориш анънависини олайлик. Алишер Навоийнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга юборган мактуби ёш подшоҳ томонидан ғоят ҳаяжон билан кутиб олингани ва кейинчалик мактуб муаллифи ҳақида “Алишербек назари йўқ киши эрди” тарзида эслангани маълум.

Шу билан биргаликда тадқиқот объекти ва мавжуд ижтимоий шарт-шароит ҳамда тартиб таомиллардан келиб чиққан ҳолда масофавий таълимни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этишда маълум бир чегараларни қўйиб олиш ва улар доирасида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълимда масофавий таълимнинг қуйидаги асосий шартлари мавжуд.

Биринчидан, олий таълим тизимида масофавий таълим фақат таълим муассасаси орқали амалга оширилади. У мустақил таълимдан фарқ қилиб, маълум бир шаклланган ўқув режа асосида профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган контентга таянган ҳолда амалга оширилади. Содда қилиб айтадиган бўлсак профессор-ўқитувчи томонидан ташкил қилинган масофавий ўқитиш ва талабанинг масофавий ўқиши яқунда масофавий таълимни ташкил қилади.

Иккинчидан олий таълимда масофавий таълим маълум бир фанлар мажмуасини ўргатишга қаратилган бўлади. Ҳозирги кунда интернет тармоғида ўн минглаб онлайн платформалар мавжуд бўлиб, улар аудиториянинг қизиқшларидан келиб чиқиб, турли масалаларда контент тайёрлайди. Ўзбекистонда ҳам пандемия даврида мотивацион курслар ва маърузалар урфга кирган бўлиб, юзлаб мотиваторлар ҳар қил ижтимоий масалалар бўйича ўзларининг чиқишларини тайёрламоқда. Айрим ҳолда илмий, айрим ҳолда диний ва аксарият ҳолда аралаш тарздаги видеомаърузалар масофавий таълим шаклига даъвогарлик қила олмайди. Чунки уларда маълум бир фан ёки фанлар мажмуаси ўргатилмайди.

Учинчидан, ҳуқуқий жиҳатда аттестация ва акредитация жараёнларидан ўтиб маълум бир регуляторнинг талабларини бажарган ва миллий даражада дипломлари тан олинishi керак. Бу глобал миқёсдаги муаммо бўлиб ўн минглаб масофавий университетлар дипломларини миллий миқёсда тан олиш муаммосини келтириб чиқаради. Мисол учун, интернет тармоғидаги маркетинг бўйича онлайн университетни танлаган талаба унинг дипломи Ўзбекистонда тан олинishi муаммоси билан тўқнаш келиш мумкин. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун миллий регулятор – Таълим сифати инспекцияси томонидан миллий таълим олувчилар талабига кўра масофавий университетлар ва уларнинг йўналишларини тан олиш амалиётини жорий қилиш зарур.

Тўртинчидан, масофавий таълим интернет тармоғида ишлайдиган маълум бир платформага таянishi керак. Таълим платформаси – масофавий таълимнинг энг муҳим

элементи бўлиб, у профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқотни таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, масофавий таълим анънавий таълимдаги каби профессор-ўқитувчилар ва талабалар ҳамжамияти учун шарт-шароит яратиб бериши керак. Университетлар нафақат билим маскани, балки ижтимоий ташаббуслар ва инсон капиталини ривожлантириши зарур бўлган энг муҳим ижтимоий объектлардир. Масофавий таълим университетларнинг ана шу қирраларини йўқотмаслиги ва уни замонавий коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда янада ривожлантириши зарур. Бунда йирик ижтимоий тармоқлардаги университетлар ҳамжамиятларининг ўрни беқиёсдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <http://colstonuniversity.co.uk/d-education-> Distance learning education. Мурожаат этилган сана: 06.08.2021 й.

2. [https://synergy.ru/about/education\\_articles/distanczionnoe\\_obrazovanie/distanczionnaya\\_forma\\_obucheniya](https://synergy.ru/about/education_articles/distanczionnoe_obrazovanie/distanczionnaya_forma_obucheniya) - Дистанционная форма обучения/ Мурожаат этилган сана: 06.08.2021 й.

### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ**

**Азизбек Эгамбердиев, Андижон давлат университети докторанти, фалсафа фанлари бўйича PhD, доцент**

#### **Олий таълим тизимида масофавий таълимнинг замонавий моделлари**

***Аннотация:** Тезисда олий таълимни масофавий ташкил этиши бўйича энг замонавий моделар ҳақида сўз боради. Масофавий таълимни ташкил этишидаги ижтимоий қулайликлар классификация қилинади.*

***Калим сўзлар:** Олий таълим, масофавий таълим, интернет, таълим моделлари  
Modern models of distance learning in the system of higher education*

***Annotation:** The thesis deals with the most modern models of distance learning in higher education. Social conveniences in the organization of distance learning are classified.*

***Keywords:** Higher education, distance learning, Internet, educational models*

*Современные модели дистанционного обучения в системе высшего образования*

***Аннотация:** В диссертации рассматриваются наиболее современные модели дистанционного обучения в высшей школе. Классифицируются социальные удобства при организации дистанционного обучения.*

***Ключевые слова:** Высшее образование, дистанционное обучение, Интернет, образовательные модели.*

Ҳозиргу кунда олий таълим тизимидаги масофавий таълим моделларини қуйидагича кваллификация қилиш мумкин.

Анънавий университетлар. Ушбу университетлар одатда тўлиқ анънавий таълим модели асосида билим бералди. Фақат пандемия шароитидагина ўқишни қисқа муддатга масофавий таълим шаклига ўзгартирди. Ушбу университетлар учун узок йиллар давомида шаклланган имидж ва унинг асосий атрибути бўлган – ўқув бинолари, лабораториялар, кутубхона ва кампуслар муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам анънавий университетлар тезроқ ўқишнинг одатий тартибига қайтиш тарафдоридирлар.

Рақамли ёки очик университетлар. Ушбу университетлар ўтган асрданоқ масофавий таълим беришни бошлаган ва асосий приоритет онлайн модел ҳисобланади. Пандемия шароитида рақамли университетларга бўлган талаб кескин орти ва уларнинг ҳаётий зарурат ва экани исботланди.

Эндиликда ҳар икки моделдаги университетлар олдидаги муҳим вазифа онлайн тарзда билим бериб бўлмайдиган йўналишларда таълимни ташкил этиш муаммосини ҳал қилишдир. Ушбу масала бўйича куйироқда тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги кунда масофавий таълим беришда технологияларни қўллашнинг қуйидаги методлари шаклланди.

Чат-машғулоти. Бунда профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот ижтимоий тармоқлардаги чет технологияларига таянади. 2020 йилда пандемиянинг датслабки кунларида олий таълим тизимида ўқитиш масофавий бошланган вақтда moodle платформаси фаолият кўрсатаётганига қарамадан аксарият профессор-ўқитувчилар ва талабалар телеграм чатларида мулоқот қилишни маъқул кўрди. Чунки бу технология ўзининг соддалиги ва қулайлиги ҳамда интернет тезлигига қарам эмаслиги билан ажралиб турар эди. Шуларга қарамадан чет технологияларида зарур файлларни излаш ва қайта ишлаш муаммоси мавжуд.

Веб-технологиялари. Ушбу метод асосида таълим муассасасининг веб-доменига ўқув машғулотирига доир маълумотлар жойлаб қўйилади ва талаба ана шу жойдан керакли контентни юклаб олиши мумкин. Бу технологиянинг авфзаллиги талаба ҳар доим керакли маълумотни топа олиши мумкин. Камчилик томони эса профессор-ўқитувчи билан онлайн мулоқот қилиш имконияти мавжуд эмас. Бу эса талаба томонидан керакли мавзу доирасидаги тушунчаларни нотўғри талқин қилинишига олиб келиши мумкин.

Телеконференция машғулоти. Пандемия шароитида Хитойнинг Zoom платформаси бизнес, бошқарув ва таълим соҳасидаги тўғридан тўғри мулоқотни таъминлаган энг қулай ва арзон мулоқот воситасига айланди. Видеомулоқот ва чат, файлларни юбориш имконияти ва бошқа бир қанча атрибутлар ушбу дастурий таъминот воситасини қулайлигини исботлаб берди. Шу билан биргаликда ушбу дастурий таъминот воситасида махфийликни таъминлаш ва бошқа бир қатор масалаларда камчиликлари мавжуд.

Ҳозирги кунда олий таълим тизими олдида турган мураккаб вазифа бу – юқоридаги барча технологияларни қўллаган ҳолда фойдаланувчилар учун қулай бўлган платформани ишлаб чиқишдир. Чунки. Фақат миллий платформагина Ўзбекистондаги интернет тезлиги ва фойдаланувчилар имкониятини эътиборга олиши мумкин. Чунки масофавий таълимни бошлаш ва унинг виртуал оламига кириш ҳам ўзи бир қанча билим, малака ва тажрибани талаб қилади.

Россиялик файласуф А.А.Малышконинг фикрича масофавий таълим ўзида аҳамиятга молик парадокни мужассам этган бўлиб, у маълум бир илмий асосга эга бўлмай туриб мавжудлиги шартлигини тасдиқлади<sup>9</sup>. Олимнинг ушбу фикрлари баҳсли бўлиб, ўтган асрнинг ўрталарида АҚШдаги йирик олимлар Жон.Б.Уотсон, Б.Ф.Скиннер ва Ж.Пиаженинг бихевиоризм ҳамда конструктизм ҳақидаги таълимотларида ўқувчилар фактларни ёдлаганда эмас, балки вазифаларни бажарганда ақлий, жисмоний ва эмоционал

---

<sup>9</sup> Малышко, А. А. (2007). Философские аспекты процессов дистанционного образования. Вестник Мурманского государственного технического университета, 10 (3), 394-398.



жиҳатдан ўсиши таъкидланган. Шунингдек, олимларнинг асарларида таълим оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш афзалликлари асослаб берилган<sup>10</sup>. Бу эса масофавий таълим амалиётга киргунга қадар унинг асосий элементлари илмий жиҳатдан асослаб келингани ва интернет тармоғининг вужудга келиши ва глобал ўзгаришлар унинг ижтимоий аҳамиятини ошириб юборганини кўрсатиб беради.

Масофавий таълим пандемия шароитидаги мажбурий таълим шакли эмас. Балки ўзининг тарихий ва илмий асосларига эга бўлган таълим беришнинг қулай ва арзон шаклига айланиб бормоқда.

Масофавий таълимни ташкил этишнинг қуйидаги авфзалликлари мавжуд.

Масофавий таълим таълим харажатларини бир неча бор қисқартиради. Маълумки таълим харажатлари иккига бўлинади. Университетнинг ўқишни ташкил қилиш учун сарфлайдиган харажатлари ва талабанинг ўқиш жараёнида университетга тўлайдиган маблағдан ташқари (бориб-келиш, ётоқхона, ўқув қуроллари ва ҳ.к.) харажатлари. Масофавий таълим шароитида ҳар икки томон учун ҳам харажатлар бир неча баробарга қисқаради. Бу эса аҳолининг кенг қатламлари, жумладан кам таъмиланганларни ҳам олий таълим олиш имкониятини вужудга келтиради.

Профессор-ўқитувчи ва талаба иш таълим жараёнини ўзига қулай вақтда ташкил қила олади. Ҳозирги кунда таълим парадигмалари ўзгараётган бир вақтда энг аълочи талаба ҳам, энг жонқуяр билимли профессор-ўқитувчи ҳам битирувчининг ўқиган йўналиши бўйича иш билан таъминланишига кафолат бера олмайди. Бозор конъюктурасининг кескин ўзгариши, олий маълумотли мутахассислар сонининг ошиб бориши натижасида битирувчиларни иш билан таъминлаш мураккаб вазифага айланиб бормоқда. Шундай экан талаба ўқиш жараёнида қўшимча касб-ҳунарни эгаллаши ёки меҳнат фаолияти билан шуғалланиши зарур. Бунда масофавий таълимнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларни турар жой билан таъминлаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Тошкент шаҳрида 2021 йилнинг 27 февраль куни содир бўлган фожеада ижарада истиқомат қилаётган беш нафар талаба ис газидан заҳарланиб бевақт вафот этди<sup>11</sup>. Ушбу воқеа жамоатчилик орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Ҳаттоки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ялпи йиғилишга чақиртирилиб, ҳукумат соатида ҳисоботи эшитилди. Таъкидланганидек, сўнги йилларда олий таълим билан қамров 8 фоиздан 25 фоизга қадар кенгайтирилганига қарамасдан талабалар турар жойларини қуриш ишлари юқоридаги рақамларга мувофиқ эмаслиги маълум бўлди<sup>12</sup>.

Талабалар турар жойлари шу билан биргаликда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш тизимига ҳам маълум бир таъсир кўрсатиб турадиган объектлардан биридир. Турли дунёқарашга эга бўлган, маълум бир ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшлардан иборат масканларда ўзаро тотувликни таъминлаш маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

Масофавий таълимнинг яна бир авфзаллиги унда талабалар сони чекланмаган бўлади. Одатда давлат олий таълим муассасаларида энг мураккаб муаммо бу –

---

<sup>10</sup> <https://www.britannica.com/topic/distance-learning>

<sup>11</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/29/poisoning/> - Тошкентда ижарада яшаган 5 нафар талабанинг ўлимига ис газидан сабаб бўлган

<sup>12</sup> <https://parliament.gov.uz/uz/events/other/33835/>

аудиториялари бандлиги масаласидир. Аксарият вилоят ОТМлари икки сменда ўқийди ва бу икки сменада таҳсил оладиган талабалар учун қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Айниқса, куз-қиш мавсумида ўқишдан кейин талабаларнинг уйига етиб олишида жиддий муаммолар кузатилган ва бу давоматга ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Масофавий таълимда эса талабалар ўзлари учун қулай бўлган жойда бемалол таҳсил олиши мумкин бўлади.

Бир неча йўналишда олий маълумотли бўлиш имконияти. Миллий қонунчилигимизда бир неча йўналишда олий маълумот олиш имконияти ҳақида батафсил тартиблар мавжуд бўлмасада, келгусида Ўзбекистонда ҳам бир неча неча олий маълумот учун бир вақтнинг ўзида ўқиш имконияти яратилиши мумкин. Чунки масофавий таълим моделларининг барча таабалардан вақтини оқилонга тақсимлашга имкон яратаиб беради.

Ўқув адабиётлар билан таъминлашдаги қулайликликлар. Маълумки, глобаллашув ва жадал иқтисодий тараққиёт таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги масофани узоқлаштириб юбормоқда. Эндиликда университетлар иқтисодиёт тармоқларининг энг замонавий тенденцияларини талабаларга фан сифатида ўқитиш имкониятлари тобора чекланмоқда. Чунки инновацияларнинг аксарияти бевосита ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келаётгани кузатилмоқда. Шу боисдан ҳам ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш, уларни талабалар қўлига етиб боришини таъминлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Масофавий таълимда эса ўқув адабиётларини тарқатишга деярли маблағ сарфланмайди, бу эса талабалар учун қўшимча қулайликлар яратиб бера олади.

Профессор-ўқитувчилар учун қулай меҳнат шароитларининг яратилганлиги. Замонавий университетлар бир биридан узоқдаги кўплаб бинолардан таркиб топган. Шу сабабли ҳам профессор-ўқитувчиларнинг уларга етиб бориши ва ўқув машғулотларини ўтказишида қатор қийинчиликлар мавжуд эди. Масофавий таълим эса ана шу муаммоларни ҳал қилади ва ўқитувчиларга қулай шароит яратиб бера олади.

Ногиронлар учун қулай таълим муҳити. Маълумки, жисмоний имконияти чекланган талабаларнинг таълим олиши учун бир қатор шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Масофавий таълимда эса замонавий ахборот технолгияларини қўллагна ҳолда ногирон талабаларнинг сифатли таълим олишни ташкил этиш мумкин бўлади.

Умуман олиб қарагандан масофавий таълимнинг қатор ижобий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар таълим сифатини ошиши хизмат қилади.

## ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

С. Акбарова,  
УТФ ва меҳнат таълими кафедраси ўқитувчиси.  
Андижон давлат университети

*Ушбу мақолада креативликни шахсий фазилат сифатида аниқлашга турли ёндошувлар кўриб чиқилган. Креатив-қадриятли таълим технологияларини олий касбий таълим тизимида амалга ошириш зарурияти таъкидланган, олий ўқув юртлари талабалари креативлигини ривожлантиришининг асосий усул ва техникалари аниқлаб берилган.*

*В данной статье рассматриваются различные подходы к определению креативности как личностного качества. Подчеркивается необходимость реализации креативно-ценностных образовательных технологий в системе высшего профессионального образования, определены основные способы развития и техника креативности студентов высших учебных заведений.*

*In given article are considered different approaches to determination креативности as larval quality. It is emphasized need to realization креативно-ценностных educational technology in system of the high vocational training, are determined main ways of the development and technology креативности student of the institute.*

**Калим сўзлар:** креативлик, креативлик сифатлари, креатив фиклаш, шахс креативлиги, креативлик зехни

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётининг муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Э.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгаллигини аниқловчи тестдан ўтади [1]. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оргинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади.

Таълимдаги ҳозирги шароит Технологик таълим йўналиши бакалаврларни тайёрлаш жараёнига ўзининг янги талабларини қўйиши билан тавсифланади. Бу талаблар олинган махсус билимларнинг ўзи, битирувчини рақобардош кадр сифатида шаклланиши учун етарли бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шахснинг индивидуаллигини ёрқин кўрсатиб бера оладиган ва ижодий қобилиятларини намоён қила оладиган салоҳиятларини ривожлантириш талаб этилмоқда. Булар ҳозирги вақтда, техника олий ўқув юртларида бакалаврларни ўқитишда асос қилиб оладиган, ўқув жараёнини янгилашни бошқарувини таъминловчи бир неча асосий меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмоқда.

Технологик таълим йўналиши бўлажак бакалаврларни тайёрлаш жараёнида ўқитиладиган “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани (турли йўналишларда турлича номлангани билан, асосан чизма геометри ва муҳандислик графикаси асосларини ўзида бирлаштирган бу фан) доирасида юқорида келтирилган муаммолар ўзига хос аҳамият этади. Энг аввало бу фан биринчи курсда ўқитилиши ва бўлажак муҳандисарни шакллантириш жараёнининг дебочасида эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши ҳар бир техник фанга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни: янги ўқув-услубий адабиётлар авлодини яратишни ва уларда талабаларнинг ижодий фаолиятига катта эътибор беришни талаб этади. Бўлажак бакалаврларни ўқитиш жараёни, ижодий салоҳиятга эга ва креативлиги шаклланган шахсни тарбиялашга йўналтирилган бўлиши керак.

Биз мақола доирасида креативлик техникаси ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

**Креативлик учун тўғриқ бўлиши мумкин бўлган омиллар.** Биз кўп ҳолларда, ижодий фикрлашдан қочишга уринамиз, пировардида эса, боши берк кўчага кириб қолади. Бундай омилларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Мантиқий фикрлаш.
2. Қоидалар.
3. Амалийлик.
4. Ўйин-бу иш эмас (ақлий ўйин ижодни рағбатлантиради).
5. Мен “жиддий” инсонман.
6. Хилма- хилликдан қочиш.
7. “Хато қилиш ёмон!”.
8. “Мен ижодий шахс эмасман”.

**Жамоа бўлиб ишлашдаги креативлик.** Масалалар ечимини олишда жамоа бўлиб ишлаш кўпроқ қўлланилади. Жамоа бўлиб ишлашда креативлик қандай кўринишда намоён бўлади? Жамоавий ижодий муҳитни шакллантиришда. Турли ёш, жинс ва соҳа вакилларини ўзига қараб олган, унча катта бўлмаган, гуруҳлар самаралироқ саналади. Бироқ, маълумки, жамоа бўлиб ишлашнинг ўзига хос ютуқлари ва камчиликлари мавжуд бўлиб, ютуқларига қуйидагилар қиради[1,2]:

1. Кўпчилик кўп миқдордаги билим захираларига эга бўлиши;
2. Ғояларни амалга оширувчиларнинг ўзлари, уни ишлаб чиқаришда иштирок этса, ғояларни тушуниш, қабул қилиш осон бўлиши;
3. Изланувчанлик майдонининг кенглиги;
4. Таваккал қилишларни жиддий баҳолай олиш имконияти;
5. Ғояни яна ривожлантиришнинг гуруҳ учун енгил кечиши.

Жамоа бўлиб ишлашнинг ўзига хос камчиликларига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

6. Гуруҳнинг ижодий натижага келиши учун кўп вақт сарфланиши;
7. Иштирокчилар кўпчилик олдида ўз ғояларини баён қилишга тортинишлари;
8. Гуруҳ томонидан бўлган “босимнинг” ғайри оддий ғояларни ўртага ташланишига ҳалақит бериши;
9. Гуруҳ етакчилигини қўлга киритган шахснинг ўз фикрини ўтказишга бўлган интилиши;
10. Ҳақиқатан инновацион ғояларнинг муросасозлик туфайли кадрсизланиши ёки умуман рад этилиши.

Юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш учун турли-туман усул ва техникалар ўйлаб топилган.

**Ғояларни топиш жараёни.** Одатда, янги ғояларни мақсадли йўналтирилган ҳолда излаш қуйидаги босқичларни қамраб олиши керак (қавс ичида қўлланиши кўзда тутилган усул ёки техника келтирилган):

**1. Мавзунинг изланиш йўналишини аниқлаш.**

а. Таҳлил ( материал тўплаш, изланиш кўлами, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ташқи муҳит таҳлил, вазиятларни таққослаш)

б. Қўйилган масалани шакллантириш (асосий тушунчаларни алмаштириш, истиқболни кенгайтириш, сўзлар ўрнига образларни танлаш, “Нимага?” деган саволга жавоб топишга уриниш, мавзуга бўлган талаблар)

**2. Ғоялар оқимини очиш.**

а. Ҳалақит берувчи тўсиқларни енгиб ўтиш (“Ҳа, бироқ” нинг ўрнига “Ҳа, ва”, қўллаш мақсадлари);

б. Ғоялар тўпламини топиш (образли фикрлаш, морфологик яшиқ, калит шакллар таҳлили, семантик интуиция, ғояни ривожлантириш, ақлий ҳужум, мижоз фойдасига матрица, тескари фикрлашдан келиб чиқадиган саволлар);

с. Ғояларни такомиллаштириш ёки ўзгартириш (мавзунинг таркибий қисмларини алмаштириш, ғояларни муштарақлаштириш, қайта тузилмалаштириш).

**3. Энг яхши ғояларни идентификациялаш.**

а. Танлов (янгилик даражаси бўйича тартибга солиш, даслабки русумлаш);

б. Аниқлаштирилган ғояларни қайта ишлаш (ғоянинг афзалликлари ва камчиликлари, абстарктлаштириш, ғояларни қайта такомиллаштириш ёки ўзгартириш);

с. Баҳолаш (ғоянинг фойдалилигини таҳлил қилиш, ғоянинг ўзига хос қирраларини аниқлаш, ғояни қарор қабул қилиш учун қулай бўлган шаклда тақдим этиш);

д. Ҳужжатлаштириш (ғоянинг хомаки варианты, ғоя паспорти);

е. Афзал йўналишларни белгилаб олиш (олти шляпа ғояси, иккинчи русумлаш);

**4. Ғояни амалга татбиқ этиш** (тадбир режаси, ғоялар коммуникацияси, ғоялар цикли).

Кўплаб усул ва техникаларнинг маъноси номидан билиниб турибди. Шундай бўлса-да айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

*Изланишлар кўлами.* Йиғилган маълумотларга асосланиб, мавзунинг энг тўла шарҳини тайёрлаш керак. Координаталар системасини чизинг, квадрантларни Муаммо, Мақсад, Ечимлар, Тўсиқлар деб белгиланг. Квадрантлар ичига мавзунинг барча қирралари ва фактларини киритинг.

*Ўз-ўзини таҳлил қилиш.* Кучли ва кучсиз томонлар таҳлили. Учта устунли жадвал чизинг. Булар Мезонлар (сиз баҳоламоқчи бўлган), Кучли томонлар, Кучсиз томонлар устунлари бўлади.

*Ташқи муҳит таҳлили.* Мавжуд вазият, Имкониятлар, таваккал қилишлар устунлари бўлган учта устунли жадвал. Биринчи устунда ташқи муҳитнинг долзарб муаммоларини, кузатилаётган анъаналарни санаб ўтинг.

*Сўз алмаштириш.* “Сиз қандай қилиб, ... эришишингиз мумкин эди” шаклидаги савол тарзида мавзунинг ёзинг. Асосий тушунчаларни маъно жиҳатидан ўхшаш бўлганлари билан алмаштиринг ва масаланинг қўйилиши қандай ўзгаришини кузатинг. Мос келадиган иборани танланг.

*Истиқболни кенгайтириш.* Саволни турли нуктаи назардан олиб қараган ҳолда ифодаланг. Сиз ўзингизни мулк эгаси, ишчи, мижоз деб тасаввур қилинг. Барча ифодалашларнинг барча шакллари битта шаклга келтиришга уриниб кўринг.

*Кутиш ва талаблар.* Жадвал: Мажбурий, Ихтиёрий, Жуда аъло. Талаблар, жиҳатлар, тасаввурлар билан тўлдириг. Таҳлил қилиб кўринг: “Нимага эришмоқчисиз?”.

*Ғоялар тенниси.* Ғояни ривожлантиришни ўрганиб олиш керак. “Биз қандай қилиб, қилишимиз мумкин эди?” кўринишидаги савол тарзида мавзуни шакллантириг. Биринчи иштирокчи ўзининг ғоясини таклиф этади. Иккинчиси, ҳамкорининг ғоясига асосланган ҳолда, ўзининг ғоясини таклиф этиши керак, яъни у урилган зарбни, тўпни қайтаради ва х.к..

*Биринчи русумлаш.* Ғояларни таҳлил қилиш ва энг яхшиларини танлаб олиш керак. Сиз қанча ғояни ривожлантириш ниятингиз борлигини аниқлаб олинг (6 тадан 12 тагача тавсия этилади). Ҳар бир иштирокчи, ўзининг нуктаи назаридан, энг қадрли ғояларга очко беради. Тўпланган очколарига боғлиқ равишда, гуруҳларга (энг яхши, яхши, ноль савияли) ғояларни тақсимланг. Сиз кейинчалик ишламоқчи бўлган ғояларни танланг.

*Иккинчи русумлаш.* Энг яхши ғояни танлаб олиш керак. Ҳар бир иштирокчида дастлабдан, 3 дан 6 гача баллар мавжуд бўлади. Жамоанинг барча иштирокчилари ғояни баллар кўйиш орқали баҳолайдилар. Битта ғояга 2 баллдан ортиқ берилмайди. Тўпланган балларга қараб ғоялар (татбиқ этиш, камчиликларини тугатиш, қайтадан ишлаб чиқиш) гуруҳларига тақсимланади.

**Олти қалпоқ усули.** Муҳокамага сизнинг мавзуингиз олиб чиқилиши керак ва у турли нуктаи назарлар томонидан муҳокама қилиниши керак. Олтита рангли карточка тайёрлаб кўйилади. Улар турли рангдаги олтита қалпоқни биллиради. Ҳар бир қалпоқ маълум бир нуктаи назарни ифода этади.

1. Оқ қалпоқ-бетарафлик ва объективликни билдиради. Ҳеч қандай шахсий фикрлар ва ҳиссиётларга берилмай, эътиборга фақат фактлар қабул қилинади.

2. Қизил қалпоқ- шахсий фикрлар ва ҳиссиётлар. Ғоя тўғрисидаги ҳар қандай фикр, танқидий мулоҳазалардан кўрқмаган ҳолда, ҳеч иккиланмай айтилади.

3. Қора қалпоқ- барча салбий қирралар. Лойихага қарши билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар қабул қилинади.

4. Сарик-лойихани қўллаб-қувватлашга қаратилган барча ижобий қирралар инобатга олинади (ечимлар, ғоялар).

1. Яшил-креативлик. Бу пайтга қадар сўз ҳам бўлиши мумкин бўлмаган барча нарсага рухсат этилади.

2. Кўк-хулоса қилиш ва қарор қабул қилиш.

Муҳокама даврида қалпоқлар алишинади. Кетма-қуйидагича бўлади. Бошловчи кўк қалпоқ билан бошлайди ва у билан якунлайди.

Кўйилган мумаммонинг долзарблиги унинг ижтимоий-педагогик, илмий-педагогик нуктаи назардан муҳимлиги ва уни техника йўналишлари бакалаврлари учун етарли даражада ўрганилмаганлиги билан исботланади.

## АДАБИЁТ

1. Рындак В. Г. Педагогика креативности : монография / В. Г. Рындак. - М. : Издательский дом «Университетская книга», 2012. - 284 с.
2. Zaporov A.A. Oliy o‘quv yurtlari talabalarida kreativ fikrlashni rivojlantirishga innovatsion yondashuv. “XALQ TA’LIMI” ilmiy-metodik jurnali. 2021. № 2. 22-26 bb. www.xtjurnali.zn.uz

## ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ – ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ

Адизова Севара Юсуповна  
Бухоро муҳандислик - технология институти

**Аннотация:** Ушбу мақолада техника олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятдаги муваффақияти учун зарур шартлар - ишлаб чиқариш - технологик компетенцияларни шакллантириш ҳақида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** технологик фаолият, касбий малака, когнитив, мотивация, ишлаб чиқариш.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается формирование технологических компетенций - производственных - необходимых условий успешности будущего специалиста в профессиональной деятельности в технических вузах.

**Ключевые слова:** технологическая деятельность, профессиональные умения, познавательная, мотивация, производство.

**Abstract:** This article discusses the formation of technological competencies - production - the necessary conditions for the success of a future specialist in professional activities in technical universities.

**Key words:** technological activity, professional skills, cognitive, motivation, production.

Бўлажак муҳандис - техникнинг келгусида касбий фаолиятини амалга ошириши учун касбий маҳорати ҳамда назарий - амалий тайёргарлиги юқори бўлиши керак, яъни умумкасбий, ихтисослик, хусусан, техника фанлари бўйича билим олиш жараёнида талабалар тасаввурга эга бўлиши, ишлаб чиқариш - технологик курслари ва мутахассислик фанлари бўйича мавзулар юзасидан керакли маълумотларни билиши, касбий малакага эга бўлиши ва улардан амалда фойдалана олиши лозим [1].

Олий таълимнинг ДТС да 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврлар тайёрланадиган қуйидаги касбий фаолият турлари кўрсатиб ўтилган: ишлаб чиқариш - технологик; ташкилий - бошқарув; илмий - тадқиқот; лойиҳалаш - муҳандислик.

Бизнинг тадқиқот ишимизда олий таълим муассасаларининг 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврларнинг келгусида амалга ошириш мумкин бўлган ташкилий - бошқарув, илмий - тадқиқот фаолияти жиҳатларига эътиборни қаратмасдан асосан касбий фаолиятга тайёрланиш жиҳатларига кенгрок эътиборни қаратамиз. Биз учун уларнинг ишлаб чиқариш - технологик фаолияти кўпроқ муҳим ҳисобланади.

Ҳар қандай муҳандис ўзининг касбий фаолиятини юқори технологияли саноат корхоналарида амалга оширади, у ерда техника ихтисослиги бўйича мутахассислар фаолият кўрсатадиган цехларда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этади, бошқарилади, ишлаб чиқариш билан боғлиқ технологик жараён ва маҳсулотнинг юқори сифати таъминланади [2].

Машинасозлик ихтисослиги талабаларини ишлаб чиқариш - технологик фаолиятига тайёрлаш учун уларнинг техник қобилиятларини ривожлантиришда энг биринчи навбатда

ишлаб чиқариш - технологик фаолият учун зарур бўладиган касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга катта эътибор бериш керак [3].

Шундай қилиб, бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятдаги муваффақияти учун зарур шартлардан бири - уларда ишлаб чиқариш - технологик компетенцияларни шакллантиришдир. Бу рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг инновацион юқори технологик усулларини, шу жумладан, амалий касбий дастурларни ўзлаштиришни, маҳсулот ишлаб чиқариш учун технологик жараёнларни лойиҳалашни, технологик жараённинг индивидуал операцияларини ишлаб чиқишни, дастурларни тузишни, операцияларни бажариш учун ускуналарни созлаш ва мослаштиришни, технологик жараён учун мўлжалланган вариантларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш ва бошқаларни ўзлаштирганликни англатади.

Бўлажак муҳандисга қўйиладиган талаблар олий касбий таълимнинг янги авлоддаги ДТС ларида компетенциялар шаклида ифодаланган бўлиб, 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак мутахассиснинг ишлаб чиқариш - технологик компетентлиги ташкил этувчилари (компонентлари) нинг мазмуни куйидагича:

Ишлаб чиқариш - технологик компетентлик:

Мотивацион баҳолаш - (Деталларни тайёрлашнинг ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларини лойиҳалашга ижобий муносабатни намойиш этади; Ишлаб чиқариш ва технологик фаолиятга доимий қизиқади),

Когнитив баҳолаш - (Ишлаб чиқариш - технологик фаолият билимлари асосида қўйилган ишлаб чиқариш вазифасини таҳлил қилиш; Деталларни тайёрлашнинг технологик жараёнларини лойиҳалашнинг мақбул ечими учун вазифани белгилаш; Деталларни тайёрлашнинг мақбул усулларини аниқлаш; Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ишлаб чиқариш муаммоларига оптимал ечимларни қабул қилиш),

Фаолиятли баҳолаш - (Деталларни тайёрлашда АКТдан фойдаланиш қобилияти; Технологик ҳужжатларни яратиш қобилияти; Керакли буюмларни минимал нархларда сифатли чиқариш учун технологик жараёнларни лойиҳалаш қобилияти; Жиҳозлаш ва автоматлаштириш воситалардан бирини танлаш қобилияти; Деталларни тайёрлашнинг юқори технологик усулларини қўллаш қобилияти; Технологик жараёнларни модернизация қилишда иштирок этиш қобилияти),

Рефлексли баҳолаш - (Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятни таҳлил қилиш; Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятни баҳолаш).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ишлаб чиқариш - технологик компетенциясини куйидагича таърифладик: техника олий таълим муассасаларининг бўлажак мутахассисларнинг ишлаб чиқариш - технологик компетенцияси битирувчининг қобилияти ва тайёргарлиги интегратив хусусияти бўлиб, у талабаларнинг деталларни тайёрлашнинг технологик жараёнларини лойиҳалашда, машинасозлик соҳасидаги касбий амалий дастурлари, ахборот технологиялари ва лойиҳалаш воситаларидан фойдаланишда намоён бўлади.

Шундай қилиб, техника олий таълими тизимида муҳандислар, техник мутахассисларни тайёрлаш сифати, аввало, шаклланган касбий компетенцияларга ва бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал ривожланишига боғлиқдир.



### Адабиётлар

1. Ахмеджанов М.М., Ўринов У.А., Саидова Х.Х., Адизова С.Ю. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Олий таълим муассасалари магистратура талабалари учун дарслик -Т.: “Фан ва технология”, 2022. - 444 бет.
2. Ўринов У.А. Ишлаб чиқариш таълимида амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш усуллари //“Касб – ҳунар таълими” журнали. -Тошкент, 2020.
3. Адизова С.Ю. Техника олий таълим муассасалари талабаларини юқори технологияли корхоналардаги касбий фаолиятга тайёрлаш муаммоси ҳолати таҳлили // Касб – ҳунар таълими. Илмий – услубий, амалий, маърифий журнал.-Тошкент, 2021.
4. Адизова С.Ю. Машинасозлик йўналиши талабаларида касбий компетенциялар ва техник қобилиятини ривожлантириш имкониятлари //“Таълим ва инновацион тадқиқотлар” халқаро илмий методик журнал. (2021 йил №3) ISSN 2181-1709 (P).

## ТЕХНИК МУТАХАССИСЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИГА МУВОФИҚ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Адизова Севара Юсуповна

Бухоро муҳандислик - технология институти

**Аннотация:** Ушбу мақолада касбий компетенцияларни тадқиқ этишида маълум гуруҳларини муҳандис - техникнинг ривожланиши учун зарур бўлган омиллари ҳақида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** касбий фаолият, лойиҳалаш, конструкторлик, технологик фаолият, ташиқлотчилик, техник қобилият.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются факторы, необходимые для развития отдельных групп инженерно-технических работников при изучении профессиональных компетенций.

**Ключевые слова:** профессиональная деятельность, проектирование, строительство, технологическая деятельность, организация, технические возможности.

**Abstract:** This article discusses the factors necessary for the development of certain groups of engineers - technicians in the study of professional competencies.

**Key words:** professional activity, design, construction, technological activity, organization, technical capabilities.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига еришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хорижий шерикларни жалб этиш, “Ўзбек машинасозлик саноати” акциядорлик жамиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Буларнинг барчаси мамлакатимиз машинасозлик саноатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Бўлажак муҳандис - техник мутахассис ўзининг касбий фаолиятини юқори технологияли саноат корхоналарида амалга оширишни хоҳлайди, у ерда техника ихтисослиги бўйича мутахассислар фаолият кўрсатадиган цехларда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этади, бошқарилади, ишлаб чиқариш билан боғлиқ технологик жараён ва маҳсулотнинг юқори сифати таъминланади [1]. Машинасозлик ихтисослиги

талабаларини ишлаб чиқариш - технологик фаолиятга тайёрлаш учун уларнинг техник қобилиятларини ривожлантиришда энг биринчи навбатда ишлаб чиқариш - технологик фаолият учун зарур бўладиган касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга катта эътибор бериш керак.

Касбий компетенцияларни тадқиқ этишда касбий компетенцияларнинг қуйидаги гуруҳларини муҳандис - техникнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш учун зарур деб ҳисоблаймиз:

- билиш – техника, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришга оид янги билимларни эгаллай олиш, ўз шахсий тажрибасини ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари тажрибасини умумлаштириш ва тизимлаштира олиш;

- лойиҳалаш – техник ва технологик тизимларни, машина деталлари, буюмлар ва бошқа объектларни яратиш, касбий фаолиятни жорий ва истиқболли режалаштириш, замонавий ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни бошқариш ва назорат қилиш тизимини лойиҳалаш;

- ташкилотчилик – муҳандислик ғояларини ва замонавий бошқариш методларини, маркетинг тамойилларини амалиётга жорий эта билиш, жамоага етакчилик қила олиш;

- технологик – технологик жараёнларни ташкил этиш, техник чизмалар ва ишлаб чиқариш жараёнларининг технологик хариталарни ўқий олиш, қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур бўладиган имкониятлар ва шароитларни, асбоб - ускуна ва жиҳозларнинг техник тавсифларини аниқлай билиш;

- конструкторлик – буюмларни тайёрлаш бўйича ҳисоблаш - график ишларни бажара олиш, эскизлар ва чизмаларни бажара олиш, техник шартларга мос равишда технологик жараённи йўлга қўя билиш, носозликларни бартараф этиш учун тадбирлар тизимини аниқлай олиш [2].

Умуман, юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, техника олий таълим муассасаларининг 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак мутахассислар, яъни муҳандис - техникларнинг касбий компетенцияларига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: техника олий таълим муассасалари таълимининг мақсади ва натижаси сифатида касбий компетенциялар техника фанлари ва ишлаб чиқариш - технологик жараёнларга оид билимлар, индивидуал сифатлар ҳамда амалий тажриба асосида ривожлантирилган ҳамда талабаларнинг амалий касбий фаолиятга ва амалий муаммоларни ҳал этишга қодирлиги ва тайёрлигида намоён бўладиган яхлит сифатини билдиради.

Шундай қилиб бўлажак муҳандис - техник мутахассисларда касбий компетенциялар фаолият турларига мувофиқ шакллантирилиши ва ривожлантирилиши керак бўлади, бундан ташқари техника олий таълим тизимида муҳандислар, техник мутахассисларни тайёрлаш сифати, аввало, шаклланган касбий компетенцияларга ва бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал ривожланишига боғлиқ ҳисобланади.

#### **Адабиётлар**

1. Ўринов У.А. Ишлаб чиқариш таълимида амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш усуллари //“Касб – хунар таълими” журнали. -Тошкент, 2020.

2. Urinov U., Adizova S. Pedagogical conditions for the development of students in industrial practice. E3S Web of Conferences 284, 09017 (2021).

3. Адизова С.Ю. Техника олий таълим муассасалари талабаларини юқори технологияли корхоналардаги касбий фаолиятга тайёрлаш муаммоси ҳолати таҳлили // Касб – ҳунар таълими. Илмий – услубий, амалий, маърифий журнал.-Тошкент, 2021.

4. Адизова С.Ю. Машинасозлик йўналиши талабаларида касбий компетенциялар ва техник қобилиятини ривожлантириш имкониятлари //“Таълим ва инновацион тадқиқотлар” халқаро илмий методик журнал. (2021 йил №3) ISSN 2181-1709 (P).

## ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАСИ УЧУН РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҚОБИЛ СТРАТЕГИК ВАРИАНТИНИ ТАНЛАШ

Акрамов Набижон Шоражабович

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мазкур мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида тўқимачилик корхоналарининг истиқболда ривожланиш стратегия вариантларидан муқобилини танлаш масалалари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** иқтисодиёт, бошқариш, стратегик бошқариш, стратегия, бошқариш технологияси.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается выбор альтернативы будущей стратегии развития текстильных предприятий в условиях инновационной экономики.

**Ключевые слова:** экономика, управление, стратегическое управление, стратегия, технология управления.

**Annotation:** This article examines the choice of alternatives for future development strategies of textile enterprises in an innovative economy.

**Keywords:** economics, management, strategic management, strategy, management technology.

Тўқимачилик саноати республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим ўрин тутиб, мустақиллик йилларида тўқимачилик саноати бошқарув тизими шакллантирилди ва унинг ривожланишига етарлича инвестициялар жалб қилинди. Тармоқни бошқаришдаги мавжуд тизим эса бозор иқтисодиёти ўзгаришларига етарлича мосланувчанликни таъминлаб олмаяпти. Шунинг учун тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқаришда стратегия вариантларини танлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, “стратегия” атамаси бизнес назарияси ва амалиётга ҳарбий сўзлардан кириб келган бўлиб, у қуйидаги маънони англатади: “барча мумкин бўлган мавжуд воситалардан фойдаланиб мамлакат ёки мамлакатлар ҳарбий-сиёсий иттифоқи сиёсатини режалаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш” [1, 147-б].

“Стратегия” атамаси қадимги юнон сўзидан олинган бўлиб, “stratos” (армия) ва “agein” (олиб бориш) сўзидан келиб чиққан. Улар биргаликда “strategia” сўзини ёки “strategos” сўзини келтириб чиқариб, мос равишда “полк бошлиғи” ва “армия қўмондони” каби маъноларни англатади.

Ф. Котлер «мақсадлар – ривожланиш йўналишлари бўлиб, улар маркетинг режасини ишлаб чиқиш жараёнида ифодаланади, стратегия эса уларга эришиш режасидир», деб ҳисоблайди [2]. Д.Ж.Скалли «маркетинг стратегияси - барқарор рақобатли устунликларни эгаллашга қаратилган ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлардир» деб ҳисоблайди [3].

Стратегик менежментнинг мақсади ташқи муҳитдаги ўзгаришларга ва уни бошқариш мумкин бўлган ўзгаришларга ўз вақтида ва етарли даражада жавоб беришдир. Корхонанинг ташқи муҳитга муносабатига қараб фаол ва реактив стратегик бошқарув фарқланади [4]. Реактив бошқариш атроф-муҳитни таҳлил қилиш ва унга мослашишни ўз ичига олади. Бошқарувнинг бу турида корхона ҳақиқатдан кейин, яъни корхонанинг ишлаш кўрсаткичларининг ёмонлашуви натижасида самарадорликнинг йўқотилишини сезади. Етарлича узоқ башоратли манзил корхонага мумкин бўлган таҳдидга жиддий зарар етказишга вақт топгунга қадар жавоб беришга имкон беради. Бу бошқарув тури актив (фаол) дейилади.

Стратегик танлов тўқимачилик корхонасининг мақсадлари, афзалликлари ва камчиликлари ҳамда стратегик таҳлил натижасида аниқланган ташқи имкониятлар ва таҳдидларга асосланган қатор стратегик муқобилларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Ҳар бир муқобил стратегия варианты корхона ҳаракатининг мумкин бўлган йўналишини ифодалайди. Бу босқичда стратегик ривожланишнинг қайси соҳалари бу шароитда энг мақбул кўринишини аниқлаш лозим. Стратегияларни ишлаб чиқишда бир неча муқобил вариантларни кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга [5].

Стратегик муқобилларни шакллантириш ва баҳолаш жараёнининг асосий босқичлари ва уларни тўқимачилик корхоналари учун амалга ошириш қуйидаги кетма-кетликда олиб борилиши мумкин:

1. Тўқимачилик саноати ва корхонасининг стратегик таҳлили, стратегик мақсадларни шакллантириш ва мақсадларни белгилаш.
2. Муқобил стратегик вариантларни шакллантиришнинг асосий тамойилларини танлаш.
3. Тўқимачилик корхонаси учун ривожланишнинг муқобил стратегик вариантларини шакллантириш.
4. Ривожланишнинг муқобил стратегик вариантлари самарадорлигини баҳолаш мезонларини асослаш.
5. Мезонларнинг муҳимлик коэффициентларини аниқлаш.
6. Муқобил стратегик вариантларни дастлабки баҳолаш.
7. Энг яхши муқобил стратегик вариантни танлаш.
8. Танланган муқобил стратегик вариантни амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш механизминини шакллантириш.

Диссертация тадқиқотлари доирасида соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайян стратегик муқобиллик аҳамиятини умумлаштирилган баҳолашни ифодаловчи гуруҳ мезонларидан ва гуруҳ мезонининг таркибий қисмлари бўлган алоҳида мезонлардан иборат баҳолаш мезонлари тизимидан фойдаланиш таклиф этилади.

Тўқимачилик саноатининг ўзига хос хусусиятларига ва мавжуд тавсияларга мувофиқ, тўқимачилик корхоналари учун ривожланишнинг муқобил стратегик вариантларини танлаш мезонларини шакллантириш ва тасдиқлаш жараёни амалга оширилди, уларнинг асосийлари қуйидагилар саналади:

- атроф-муҳит талабларига мувофиқлик. Тўқимачилик корхонасининг стратегияси биринчи навбатда ташқи муҳитга ва унда содир бўлаётган ўзгаришларга мос келиши керак. Корхонанинг атроф-муҳитга алоқаси икки нарса билан тавсифланади: корхона унга мос келиши ва мослашиши ва айни пайтда мослашишга ҳаракат қилаётган бошқалар билан рақобатлашиши керак;

- стратегиянинг техник-иқтисодий асосланиши. Стратегия мавжуд ресурсларни ортиқча баҳоламаслиги ёки келажакда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларни яратмаслиги керак. У корхонанинг муайян иштирокчиларининг кутишларига жавоб бериши керак;
- манфаатдор томонлар учун мақбуллик. Стратегия аниқ қўллаб-қувватлаш гуруҳлари тахминларига жавоб бериши керак. Бундан ташқари, стратегия ҳисобига тармоқда рақобатни яратиш ёки қўллаб-қувватланиш таъминланиши лозим;
- стратегик рискларнинг мақбуллиги. Ҳар қандай стратегияни амалга ошириш маълум рискларнинг юзага келишига олиб келади, шунинг учун минимал рискли стратегияни танлаш керак;
- стратегиянинг иқтисодий самарадорлиги. Ҳар қандай стратегиянинг мақсади корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат.
- тўқимачилик корхонаси ривожланишининг стратегик режаларини шакллантириш ташқи ва ички омиллар ўзгаришларини башоратлашга асосланганлиги боис, биз стратегик бошқариш учинчи босқичи (тузатишнинг қайтма алоқаси) сифатида «стратегик режа асосланлигини баҳолаш» босқичини таклиф этамиз. Ушбу босқичда башорат қилинган ва жорий ҳолатларнинг тўқимачилик корхонаси ташқи ва ички муҳити омилларига мослигини таҳлил қилиш, кейинчалик стратегик режага ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш амалга оширилиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2001. -239 с.
2. Основы маркетинга / Филип Котлер и др.; Гл. ред. С.Н. Тригуб; Пер. с англ. 4-е европ. изд. – М.[и др.]: "Вильямс", 2007. – 332 с.
3. Инновационный менеджмент: учебник / Под ред. Проф. А.И.Чулока. – М.: УРАО, 2000. – 534 с.
4. Ансофф И. Стратегическое управление / И. Ансофф. - М.: Экономика, 1989. - 303 с.
5. Гурков, И.Б. Стратегический менеджмент организации. / И.Б. Гурков. - 2-е изд., исправленное и дополненное. - М.: ТЕИС, 2004. - 239 с.

## **THEORY, PURPOSE AND OBJECTIVES OF THE DIRECTION OF PSYCHOLOGICAL EDUCATION**

**Applicant Abdullayeva Camila Tursunovna <sup>1</sup>  
Karshi State University**

*This article examines a complex consideration of the problems of a person in the light of the data of all sciences that study him and the conditions of his existence, the opportunity to lay the foundations of pedagogical anthropology, which was for him the science of the upbringing of a developing person. The study of these fundamental problems is the basis for a seriously grounded theory of education and training, on the basis of which the best textbooks for the popular school were created and methods of teaching and educational work were developed.*

**Keywords:** *Antiquity, ancient Greek, views, European, orator, religious, ideology, social, political, concept, German philanthropy, bourgeoisie, scholastic education, purposeful, organized, process, terminology.*

*В этой статье рассматриваются комплексное рассмотрение проблем человека в свете данных всех наук, изучающих его самого и условия его существования, возможность*

заложить основы педагогической антропологии, которая была для него наукой о воспитании развивающегося человека. Исследование этих фундаментальных проблем является базой для серьезно обоснованной теории образования и обучения, на основе которой были созданы лучшие учебников для народной школы и разрабатывались методы учебно-воспитательной работы.

**Ключевые слова:** Античность, древнегреческих, воззрения, европейский, оратор, религиозный, идеология, социальный, политический, концепция, немецких филантрописть, буржуазия, схоластическую образованность, целенаправленный, организованный, процесс, полонизации, терминология.

**Introduction.** First attempts understanding practices education with taking into account needs of society belong to the era of Antiquity. goal statements, tasks content and means education occupied prominent place in writings of the Democrat, Plato, Aristotle and other ancient Greek authors. These statements were not independent pedagogical theories, but were components philosophical systems or projects organizations society. For subsequent development pedagogical thoughts big meaning had ideas ancient Greek philosophers about support education on the principles ethics and psychology, about unity mental, moral and physical education, about age periodization development human and others

AT ancient Rome arose special interest to problems organizations, content and teaching methods in rhetorical schools. Quintilian 's book "On educating a speaker" was essentially the first special labor, where was summarized experience learning, formulated requirements to teacher and the educator, contained instructions on the need to take into account individual features children.

Pedagogical views of European peoples in the Middle Ages strongly influenced by Christianity, which became the dominant religion feudal societies in Europe; all views on the upbringing developed exclusively within the framework of Christian theology. Similar provision it was in other regions where other religious ideologies dominated (Islam, Buddhism).

Ideas and concepts such figures reformist pedagogy as J. Dewey , G. Kershensteiner , L. Gurlitt , G. Sharrelman ,O. Decroly , M. Montessori , A. Ferrier and others, dominated until the middle of the twentieth in., but kept in toy or different measure his influence and before present time. [ L.1;2;].

AT Russia and Belarus in XVI–XVII centuries, in counterweight Christian- feudal concept of education as overcoming original sinfulness a person and developing in him a sense of humility, humility and religiosity, start spread humanistic views on the human (figures fraternal schools, F. Skaryna, WITH. Budny , Simeon Polotsk, Epiphanius Slavinsky and others). At the same time, the formation and development of school education on the Belarusian lands carried out in framework processes Polonization and catholicization , and later - Russification and the dominance of the ideology expressed in wording "Autocracy. Orthodoxy. Nationality". [L.1; 3;]

**The object of the study.** Scientific pedagogy is "pedagogical fact (phenomenon)". At this child, Human not excluded from attention researcher. On the contrary, being one of the sciences about man, pedagogy studies purposeful activity for the development and formation of his personality. Consequently, pedagogy has as its object not the individual, psyche (This an object psychology), a system pedagogical phenomena, related with his development. So **object pedagogy act those phenomena of reality that determine the development of human individual**

*in the process of purposeful activity of society.* These phenomena got title education. It and there is that part objective peace, which studying pedagogy.

**The subject** of pedagogy is education as a real holistic pedagogical process, purposefully organized in special social institutions (family, educational and cultural institutions). Pedagogy in this case is a science that studies essence, patterns, trends and prospects for the development of pedagogical process (education) as a factor and means of human development for a long time zheniya his whole life.

**Thing pedagogy** - system relations, emerging in progress education, as well as education itself as a consciously organized process, ongoing in family, society, in certain natural, social, economic, spiritual and moral conditions.

**Upbringing** - purposeful and organized process personality formation.

**The main goals and objectives of the training:**

- prompt improvement of the professional competence of teachers by acquiring new knowledge and skills and their practical development;
- development of attitudes among participants that determine the rapid intensive development of new knowledge and skills, as well as readiness to perceive new innovative ways and means of training, communication, information and management;
- implementation of changes in teaching practice, organization and management of the educational process, etc.

**The training approach** differs significantly from the traditional advanced training of teaching staff in terms of its targets, methodological foundations, forms of organization and teaching methods, methods and means of information, communication and management. The speed of learning, the efficiency of developing the proposed training programs and the practical applicability of the acquired skills determine the specifics of the training.

**Project approach.** The attitude to the training as a project allows to ensure its integrity, completeness and manufacturability:

- a) first, a goal is set, tasks are defined, results are formulated;
- b) then the ways and means of achieving them are chosen;
- c) the process of achieving the expected results in a limited space and at a specified time is managed;
- d) and finally, the results are evaluated.

**Learning is a two-way process:** each participant of the training is considered in itself as a goal in the context of subject-subject communication (trainer and trainees).

**Reflective self-awareness.** During the training, participants get the opportunity to clearly see the models of effective and ineffective pedagogical activity and correlate them with those patterns of their own activity that they are used to demonstrating in their work.

**Learning by doing.** Participants learn from their own experience, the coach only facilitates the learning process and creates conditions - physical, social, psychological, that are conducive to learning.

**The use of active learning methods** facilitates the perception of new material. As a rule, it is not the coach who proves to the participants the “correctness” of certain approaches, actions, but, on the contrary, trainees in the course of group discussions must independently justify what is given to them in traditional training in finished form.

**and methodological support.** Study Information in the traditional advanced training it is the subject of presentation (study, development, note-taking) directly during the training courses, in

the training approach it is *“packed” into educational handouts, which the participants get acquainted with in the course of preliminary training*, which ensures self-learning, self-organization, self-awareness of the participants. [ L.3;, 4;].

### *findings*

Having considered the history and essence of problem-based learning, classification and types of problem situations, we can proceed to the study of methodological methods of problematization of educational material.

With problem learning at the initial stage, the teacher:

- 1) develops an educational problem task;
- 2) creates a problem situation for students;
- 3) shows the resolution of the problem that has arisen, during which students master generalized ways of acquiring new knowledge;
- 4) promotes the use by students of these methods for solving specific systems of problems.

**1. Education** is the result of learning. Literally, it means the formation of images, complete ideas about the subjects being studied. Education - This volume systematized knowledge, skills skills ways of thinking that the learner has mastered.

**2. Shaping** - Shaping means some completeness human personality, achievement level maturity sustainability. concept "formation" used for designations process impact on personality.

**3. Development** - This process and result quantitative and quality changes in body person. In the humandevlopment appears action universal philosophical law mutual transition quantitative changes in quality and vice versa.

**4. Self-education** – necessary conditions for further development his "I", his perfection.

**5. Self-education** - independent education, acquisition systematic knowledge in any areas Sciences, technology, culture, political life and etc. AT wide sense under self-education understand all kinds acquisitions knowledge, related with independent work engaged in above studied material.

### *Used literature*

1. Podlasy V.A. Pedagogy -M: "Vlados", 2004
2. Smolkin A.M. Active learning methods - M; 1991
3. Sushkov I.R. Psychology relationship - M; "Academic project", 1999
- 4.A.E. Ruziev "Pedagogy and psychology" of the educational methodological manual I - part; Karshi ed. Nasaf .2019



## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

“Корпоратив бошқарув” кафедра к.ўқ. Д.М. Махмудова  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

**Аннотация.** Ушбу мақола енгил саноатнинг рақобатбардош маркетинг стратегиясини шакллантириш самарадорлиғни баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятини оширишнинг инновацион механизмларини асослаш билан боғлиқ илмий муаммоларини хал қилишида асосланган назарий ёндашувларни муҳокама қилинган.

**Калим сўзлар:** тўқимачилик, пахта толаси, экспорт салоҳияти, тайёр маҳсулот, иқтисодий салоҳият, кредиторлар, акциядорлар, инвесторлар

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены теоретические подходы к формированию конкурентной маркетинговой стратегии в легкой промышленности на основе совершенствование методических основ оценки ее эффективности и решения научных проблем, связанных с обоснованием инновационных механизмов повышения экономического потенциала предприятия.

**Ключевые слова:** текстиль, хлопок-волокно, экспортный потенциал, готовая продукция, экономический потенциал, кредиторы, акционеры, инвесторы.

**Annotation.** This article discusses theoretical approaches to the formation of a competitive marketing strategy in light industry based on improving the methodological foundations for assessing its effectiveness and solving scientific problems associated with substantiating innovative mechanisms for increasing the economic potential of an enterprise.

**Key words:** textiles, cotton fiber, export potential, finished products, economic potential, creditors, shareholders, investors.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, жадал суръатларда ривожланаётган тармоқлар сирасига киради. Хусусан, бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 72 фоиздан юқориси ўзимизда қайта ишланаётган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йилда атиги 7 физни ташкил этган холос. Истиқболда тўқимачилик саноати имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишида ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади[1].

Шу билан биргаликда тўқимачилик тармоғидаги акциядорлик жамиятларини бошқариш механизми самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар қуйидагилар саналади: тўқимачилик саноатининг бошқарув тизими тармоқнинг ривожланиш суръатларига жавоб бермайди; тўқимачилик корхоналари бошқариш тизимида бошқариш самарадорлигини ошириш, корхона молиявий барқарорлигини баҳолашда ягона мазмундаги (молиявий, меҳнат, моддий кабилар) кўрсаткичлардан фойдаланиш; бошқарув ходимлари малакасини янги ўзгаришларга мос эмаслиги; юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда уйғунлашган технологик занжирнинг мавжуд эмаслиги; сифат менежменти замонавий тизимларини жорий этишнинг паст даражада эканлиги; корхоналарда молиявий сиёсатни талаб даражасида юритилмаётганлиги ва бошқалар.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашиб бориши, давом этаётган жаҳон иқтисодиётдаги инқироз ва жаҳон бозорлардаги беқарор конъюнктура шароитида тўқимачилик саноати корхоналари ўз

салоҳиятидан, хусусан ишлаб чиқариш, молиявий ва технологик имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда оқилона бошқариш тизимини яратиши долзарб аҳамиятга эга.

Самарали фаолият юритишни таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ишлаб чиқиш айнан корхоналар салоҳияти бўйича объектив ва аниқ маълумотларга асосланмоғи лозим. Зеро, тўқимачилик саноати корхоналари салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда бизнесни режалаштириш ва ривожлантириш ушбу корхоналарни барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади.

Бундай жараёнда тўқимачилик саноати корхоналари молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан ҳақиқатда фойдаланганлик тўғрисидаги маълумотларга асосланган ҳолда корхоналар иқтисодий салоҳияти даражасини баҳолаш ва унга асосан устувор йўналишларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади.

Лекин, бугунги кунда тўқимачилик саноати корхоналарида муаммо ва салбий тенденциялар сақланиб қолмоқда ва умумлаштирган ҳолда улар қуйидагилардан иборат:

- асосий ишлаб чиқариш фаолиятни амалга оширишдаги йўқотишлар ва зарар кўриш;
- муддати ўтган кредиторлик қарзларининг меъёрий даражасидан ошиб кетиши;
- қисқа муддатли кредитлардан узоқ муддатли қўйилмаларни молиялаштириш манбаи сафтида ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш;
- айланма маблағларнинг сурункали етишмаслиги;
- корхоналарнинг қайта молиялаш сиёсатини олиб боришдаги саводсизлиги;
- инвесторлар, кредиторлар ва акциядорлар (олинган қарзларни ўз вақтида қайтармаслик, фойз ва дивидендларни тўламаслик) олдидаги мажбуриятни бажарилмаслиги;
- муддати ўтган дебиторлик қарзлар улушининг юқорилиги;
- сотилмай турган тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш захиралар ҳажмининг меъёрдан ортиқлиги;
- янги молиявий ресурслардан фойдасиз шартларда фойдаланишга мажбур бўлиши;
- ишлаб чиқариш жараёнларида маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналардан фойдаланиш;
- узоқ муддатли шартномалар, харидорлар билан алоқларнинг йўқолиши ва бошқалар[2].

Таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, тадқиқот объекти ҳисобланган тўқимачилик саноати корхоналарида юқорида келтирилган муаммоларга сабаб бўлаётган асосий омил бу маблағ етишмаслиги ва маҳсулот сотиш рентабеллигининг пастлигидир. Бу эса приовардида корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини пасайишига олиб келмоқда.

Маълумки, ҳар қандай корхона ўз фаолиятини юритишда яқин ва келажак учун режалар ва ривожланиш дастурлари ишлаб чиқади. Тўқимачилик саноати корхоналари режа ва дастурларни ишлаб чиқишда асосий эътиборни иқтисодий муаммоларни бартараф этишнинг кам чиқимли усулларига қаратиши лозим[3].

Шу нуқтаи назардан, қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;
- тўқимачилик саноати корхоналарнинг ҳар бир бўғинини хатловдан ўтказиш;

- бошқаришнинг замонавий шакл ва усулларини жорий қилиш;
- ишчилар сонининг оптимал таркибини шакллантириш;
- ортиқча тайёр маҳсулотлар ва маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарни сотиш;
- дебитор қарзларни оптималлаштириш.

Бирок, бу ўринда шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, корхоналарнинг самарали кўлами аксарият ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларини бир корхонада тўплаш имконини бермайди[4].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кўриниб турибдики, тўқимачилик саноати корхоналарининг асосий муаммоси бу маблағлар етишмаслиги ва унинг сабаблари эса, асосан даромаднинг пастлиги, харажаталарнинг юқорилиги ва маблағлардан самарасиз фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун корхоналар қуйидаги асосий йўналишларда чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, зудлик билан амалга оширишлари лозим.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони
6. Тилляходжаев А.А. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада маркетинг фаолияти самарали ташкил этиш йўллари. / Электрон илмий журнал “BIZNES-ЭКСПЕРТ” – Т.: 27.02.2017. №1(109)-2017.
3. Давранов О.А. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўллари.// -Т.: Biznes – Эксперт. №10-11, 2013 й.
4. Муминова Н.М. Strategy of Developing Competitive Foreign Trade Activity of the Light Industry Enterprises.// - Eastern European Scientific Journal. Август № 4 2014 й.

### **МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ**

**Доцент С.Н.Юлдашев., талаба М.И.Турсунова  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**Аннотация:** Ушбу мақола мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлашни макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб, иқтисодий ислохотларни жадаллаштириши ва ривожлантириши дастурларини муваффақиятли амалга оширилиши хусусида баён этилган.

**Калит сўзлар:** пул, кредит, банк, сиёсат, макроиқтисодий барқарорлик, инфляция, нарх, миллий валюта.

**Аннотация:** Данная статья посвящена обеспечению стабильности внутренних цен в стране как гарантии макроэкономической и социальной стабильности, а также успешной реализации программ по ускорению и развитию экономических реформ.

**Ключевые слова:** деньги, кредит, банковское дело, политика, макроэкономическая стабильность, инфляция, цена, национальная валюта.

**Abstract:** this article is devoted to ensuring the stability of domestic prices in the country as a guarantee of macroeconomic and social stability, as well as the successful implementation of programs to accelerate and develop economic reforms.

**Keywords:** *money, credit, banking, politics, macroeconomic stability, inflation, price, national currency.*

Марказий банклар иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Улар паст ва барқарор инфляцияга эришиш учун пул-кредит сиёсатини олиб борадилар. Глобал молиявий инқироздан сўнг, марказий банклар молиявий барқарорлик учун хавфларни бартараф этиш ва ўзгарувчан валюта курсларини бошқариш операциялар тўпламини кенгайтирган бўлса, СОВИД-19 пандемиясига жавобан марказий банклар пул-кредит сиёсатини юмшатиш, асосий молия бозорларида ликвидликни қўллаб-қувватлаш ва кредит оқимини сақлаб қолиш учун бир қатор анъанавий ва ноанъанавий воситалардан фойдаланиб келмоқда. Мамлакатда ички нархлар барқарорлиги таъминланиши макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб, иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишда зарурий шароит ҳисобланади.

Бунда инфляциянинг паст ва барқарор кўрсаткичлари мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва аҳолини яшаш даражасини оширишнинг муҳим омили саналади. Шу нуқтаи назардан, нархлар ўсиш суръатларининг пасайиши ва барқарорлашиши давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиши керак. [1]

Инфляциянинг паст ва барқарор даражаси аҳоли ҳамда юридик шахслар омонатларини узоқ муддатли инвестицияларга айланиши учун керакли шароит яратади ҳамда ички бозордаги нархлар номутаносиблигини камайтириб мавжуд иқтисодий ресурсларнинг самарали тақсимланишига хизмат қилади. Марказий банкларнинг асосий роли нарх барқарорлигига яъни паст ва барқарор инфляцияга эришиш ва иқтисодий тебранишларни бошқаришга ёрдам бериш учун пул-кредит сиёсатини олиб боришдан иборат.

Марказий банклар пул-кредит сиёсатини пул таклифини тўғрилаш орқали, одатда, очиқ бозор операциялари орқали амалга оширадилар. Масалан, марказий банк давлат облигацияларини "сотиш ва қайта сотиб олиш" шартномаси бўйича сотиш орқали пул миқдорини камайтириши ва шу билан тижорат банкларидан пул олиши мумкин. Бундай очиқ бозор операцияларининг мақсади қисқа муддатли фоиз ставкаларини бошқаришдир, бу эса ўз навбатида узоқ муддатли ставкаларга ва умумий иқтисодий фаолиятга таъсир қилади. Кўпгина мамлакатларда, айниқса, паст даромадли мамлакатларда пул ўтказиш механизми ривожланган мамлакатлардаги каби самарали эмас. Монетар-кредитдан инфляцияни мақсадли белгилашга ўтишдан олдин, мамлакатлар марказий банкка қисқа муддатли фоиз ставкаларини (қоғоз) мақсад қилиб қўйиш имконини берадиган асосни ишлаб чиқишлари керак.[2]

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг марказий банклари тажрибалари ҳамда халқаро молия институтлари изланишлари натижалари пул-кредит сиёсатини амалга оширишда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадининг шак-шубҳасиз устуворлигини кўрсатмоқда.[3]

Шу билан бирга, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш тартиби ва кетма-кетлиги турли мамлакатларда иқтисодиётнинг хусусиятлари ҳамда таркибий тузилишига қараб фаркланади. Амалдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига кўра, Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунда “миллий валюта барқарорлиги” тушунчасини икки хил,

яъни алмашув курсининг хорижий валюталарга нисбатан барқарорлиги ёки унинг ички харид қобилияти барқарорлиги деб талқин қилиш мумкин.[4]

Шундан алмашув курсининг эркин шаклланиши шароитида миллий валютанинг барқарорлиги унинг ички харид қобилиятини сақлаш орқали эришилади.[5]

Бунда, эркин сузиб юривчи алмашув курси иқтисодий ички барқарорлаштирувчи функциясини бажаради. Бошқача қилиб айтганда, тўлов баланси билан боғлиқ ташқи шок ва қийинчиликлар кузатилганда алмашув курсининг мос равишда ўзгариши экспортёрлар ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, нархлар барқарорлиги дейилганда ноль даражадаги ёки салбий инфляция кўрсаткичлари назарда тутилмайди. Нархлар барқарорлиги дейилганда нархларнинг турғун ҳолатда туриши эмас, балки уларнинг паст даражада ўсиши тушунилади. Бир қарашда нархларнинг турғун туриши мақбул кўринса-да, нархларнинг паст ва барқарор ўзгариши иқтисодийнинг самарали фаолияти учун энг қулай шароит ҳисобланади.[6]

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2013.
2. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси (дарслик). Т., 1995.
2. [хтп://www.имф.орг](http://www.имф.орг)
3. [хтп://lex.uz/ru/doss/-4590452](http://lex.uz/ru/doss/-4590452) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни
4. [хтп://www.имф.орг/en/Абоут/Фастшеец/Шеец/2016/08/01/16/20/Монетарй-Полисий-анд-Сентрал-Банкинг](http://www.имф.орг/en/Абоут/Фастшеец/Шеец/2016/08/01/16/20/Монетарй-Полисий-анд-Сентрал-Банкинг)
5. [хтп://сбу.уз/уз/монетарй-полисий/сонсепт/](http://сбу.уз/уз/монетарй-полисий/сонсепт/)
6. [хтп://www.тфи.уз](http://www.тфи.уз)

### **ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МЕЪРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА**

**Доцент С.Н.Юлдашев, бакалавр С.Махаммадғиёсов,  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

**Аннотация:** Ушбу мақолада бугунги кунда мамлакатимиз енгил саноат тармогини жадал суръатлар билан ривожланиб боришида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бир нечта фармонлари ва қарорлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** тўқимачилик, экспорт, импорт, енгил саноат, тайёр маҳсулот, пахта толаси, тикув-трикотаж

**Аннотация:** В данной статье освещается значение ряда указов и постановлений, принятых Президентом Республики Узбекистан, в стремительном развитии легкой промышленности нашей страны на сегодняшний день.

**Ключевые слова:** текстиль, экспорт, импорт, легкая промышленность, готовая продукция, хлопковое волокно, швейно-трикотажные изделия.

**Annotation:** This article highlights the significance of a number of decrees and resolutions adopted by the President of the Republic of Uzbekistan in the rapid development of light industry in our country today.

**Keywords:** textiles, exports, imports, light industry, finished products, cotton fiber, garments and knitwear.

Тўқимачилик санноати қадимги даврларда пайдо бўлган. Пахта экиш, кўлда йигириш ва тўқиш кўп асрлар илгари Ҳиндистон, Хитой, Миср ва Ўрта Осиёда маълум бўлган. Тўқимачилик санноати биринчи бўлиб механизациялашган ишлаб чиқаришга ўтди.

Ўзбекистонда тўқимачилик санноати узоқ тарихга эга. Ўрта асрларда маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган атлас, беқасам, бахмал, банор, занданач, олача каби маҳсулотлар узоқ мамлакатларда машҳур бўлиб, Буюк ипак йўли бўйлаб Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига экспорт қилинарди. Ўн сақизинчи асрнинг иккинчи ярмида Европада санноат инқилоби айнан шу саннатдан бошланди Аммо майда турли хил хунармандчилик ва мато ишлаб чиқаришни бирлаштириб ишлаб чиқариш базасини яратиш фақат собиқ Совет даврида, 1920-йилларда бошланган.

90-йилларда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик санноати янги сифат ўзгаришлар босқичига қадам қўйди. Республиканинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги кенгаймоқда, хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўшма корхоналар сони кўпаймоқда.

Ўзбекистонда тўқимачилик саннатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири пахта толасини жаҳон бозорига экспорт қилиш эмас, балки жаҳон бозорида рақобатбардош пахта матолари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. 2019-йил ҳолатига кўра, 1 миллиард долларлик пахта толаси экспорт қилинарди. Бу тола мамлакатимизда 100 фоиз чуқур қайта ишланса, қарийб 5 миллиард долларлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, камида 2 миллиард доллар ёки тола экспортдан икки баробар кўп экспорт қилиш мумкин бўлади. Тайёр маҳсулотлар жаҳонга машҳур брендлар остида ишлаб чиқарилса, кўшилган қиймат 5 баробар эмас, 10-15 баробар ортади.

Бугунги кунда мамлакатимизда енгил санноат тармоғини жадал суръатлар билан ривожланиб боришида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бир нечта фармонлари ва қарорлари муҳим аҳамиятга эга ва долзарбдир. Жумладан яқинда қабул қилинган, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-53-сонли Фармонида** Республикада мавжуд хомашё базасидан самарали фойдаланган ҳолда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспортини янада рағбатлантириш механизмларини жорий этиш мақсадида бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга хорижий валютада 1 йил муддатгача 9 ойгача имтиёзли давр билан мазкур Фармоннинг 4-банди бўйича белгиланадиган депозит ставкасига банкнинг 1 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган миқдорда "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ томонидан экспортолди молиялаштириш, шу жумладан айланма маблағларни тўлдириш учун кредит ажратилиши белгиланган.[1]

Бугунги кунда мамлакатимизда енгил санноат тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Чунки тикув-трикотаж маҳсулотлари инсонларнинг кундалик турмуш-фаолияти учун энг зарур компонентлар қаторидан муҳим ўрин эгаллаган.

Енгил саноат маҳсулотларига талаб доимо ортиб бориши ва кўшимча қиймат яратишда энг самарали соҳалардан бири бўлганлиги сабабли, бу соҳа хозирги пайтда жаҳон бозорида кескин рақобатнинг асосий майдонига айланган. Шу сабабдан бу соҳага жудда катта эътибор қаратилмоқда ва давлат томонидан қўллаб қувватланмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2020 йилда «2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони** қабул қилинди. Лойиҳада мутлақо янги ёндашув қўлланилиб, режалаштирилган ислохотлар натижадорлигини тараққиётнинг мақсадларига эришганлик даражаси асосида баҳолаш тизими жорий этилмоқда.[2]

Тараққиёт стратегиясининг учунчи йўналишида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 1,6 баравар ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баравар кўпайтириш бўйича чора тадбирлар белгиланган.

2019 йил 12 февралдаги «**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сонли Қарорида** Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илғор “кластер модели”ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши таъкидланган. Бундан ташқари 2019- 2021 йилларда **ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган** тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши айтиб ўтилган.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президентинг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарор билан хомашёни қайта ишлаш асосида бозор талабларига мос тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020–2025 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрлари тасдиқланди. Шунингдек, қарорга кўра, 2021 йил 1 январдан божхона чегараси орқали ярим тайёр чармни олиб чиқишда экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг 10 фоизи миқдорида, экспорт қилинадиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилиши белгиланган ва 2020 йил 1 январдан ялпи тушумнинг умумий ҳажмида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти 60 фоиздан кам бўлмаган экспорт улушига эга бўлган корхоналар 2023 йил 1 январгача мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилиши айтилган.[4]

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2022 йил 21 январдаги ПФ-53-сонли Фармони

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги 28.01.2020 йилда ПФ-60-сон Фармони
7. Ўзбекистон Республикаси Президентинг «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентинг «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сонли қарори.

## СТРАТЕГИЧЕСКОЕ НАПРАВЛЕНИЕ МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

**“Корпоратив бошқарув” кафедра к.ўк. Д.М. Махмудова, асс. Н.Д. Раупова**  
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

***Аннотация.** В данной статье рассмотрены теоретические подходы к формированию конкурентной маркетинговой стратегии в легкой промышленности на основе совершенствование методических основ оценки ее эффективности и решения научных проблем, связанных с обоснованием инновационных механизмов повышения экономического потенциала предприятия.*

***Аннотация.** Ушбу мақола енгил саноатнинг рақобатбардош маркетинг стратегиясини шакллантириши самарадорлиғни баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириши ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятини оширишнинг инновацион механизларини асослаш билан боғлиқ илмий муаммоларини хал қилишида асосланган назарий ёндашувларни муҳокама қилинган.*

***Annotation.** This article discusses theoretical approaches to the formation of a competitive marketing strategy in light industry based on improving the methodological foundations for assessing its effectiveness and solving scientific problems associated with substantiating innovative mechanisms for increasing the economic potential of an enterprise.*

***Ключевые слова:** конъюнктура рынка, сегментация рынка, экспорт, конкурентоспособность, качество, экспортный потенциал эффективность, инвестиции, инновации, техника и технология, стратегия предприятия, маркетинг.*

***Калит сўзлари:** bozor kon'yunkturasi, bozor segmentatsiyasi, eksport, raqobatbardoshlik, sifat, eksport salohiyati samaradorligi, sarmoya, innovatsiya, texnika va texnologiya, korxonona strategiyasi, marketing.*

***Key words:** market conditions, market segmentation, export, competitiveness, quality, export potential, efficiency, investment, innovation, technique and technology, enterprise strategy, marketing.*

Стратегия маркетинга – это процесс анализа возможностей предприятия, выбор целей, разработки и формулировки планов, осуществление маркетинговых мероприятий и контроль за их реализацией.

Стратегические направления деятельности предприятия определяются, прежде всего, теми целями, которые оно перед собой ставит. Основными целями могут быть: завоевание, удержание и расширение доли рынка для своего товара; повышение его качества и конкурентоспособности; технического уровня; достижение лидерства в области технологии; максимальное использование имеющихся ресурсов; повышение прибыльности операций; решение социальных и экономических проблем и т.п.



В связи с этим маркетинговая организация «Бостон консалтинг групп» разработала матричную методику оценки конкурентоспособности различных товаров, которая впоследствии применялась не только для анализа характеристик товаров, но и при изучении конкурентоспособности «стратегических единиц бизнеса» - товаров, сбытовой деятельности, отдельных предприятий отраслей. Главным инструментом исследования служит матрица, построенная с использованием двух показателей, один из которых является временным. По вертикали отмечаются темпы роста емкости рынка в линейном масштабе, а по горизонтали – относительная доля продуцента на рынке в логарифмическом масштабе. Все стратегические единицы бизнеса могут быть расположены на этой матрице в зависимости от своих характеристик и условий рынка. Наиболее конкурентоспособными будут те, которые занимают долю на быстрорастущем конкурентном рынке.[1]

Пользуясь данным методом, можно оценить конкурентные позиции «стратегических единиц бизнеса», выработать стратегию поведения на рынке. Матричные методы широко применяются американскими консультационными фирмами и являются удобным практическим инструментом, с помощью которого экспортеры могут оценить уровень конкурентоспособности продукта не только своих конкурентов, но и своего собственного.

Оценка конкурентоспособности продукта по его качеству осуществляется «методом профилей». Он базируется на положениях маркетинга. Выявляются различные критерии удовлетворения запросов потребителей применительно к какому-либо продукту, устанавливается их иерархия и сравнительная важность в пределах того спектра характеристик, которые в состоянии заменить и оценить потребитель, проводится сравнение технико-экономических данных продукта с другими конкурирующими продуктами. Эта процедура осуществляется в три этапа.

На первом этапе устанавливается, какой рынок (или рынки) существуют для данного продукта и каковы требования рынков. Для каждого рынка необходимо установить, насколько удовлетворяются его требования конкурирующими на нем товарами в сравнении с идеальным продуктом, который хотел бы иметь потребитель. Информация на данном этапе собирается на основе опроса достаточно представительных групп потребителей. Затем решается вопрос: каким должен быть созданный продукт, чтобы его можно было сбывать с обеспечением максимальной рентабельности? На последнем этапе анализируется работа сбытового подразделения предприятия и всей товаропроводящей сети в сопоставлении с аналогичными подразделениями конкурентов. [2]

Все методы этой группы не содержат простых и однозначных критериев, которые позволяли бы дать оценку конкурентоспособности продукта. При использовании методов оценки конкурентоспособности продукта на основе характеристик его качества применяются косвенные, обобщенные показатели или система показателей. Разумеется, о практической полезности обработки такого рода информации можно спорить, но важно не поспешить с однозначным признанием или отрицанием, а определить оптимальную сферу применения, подобрать методы в соответствии с целями анализа.

В значительной мере объективность анализа зависит от способа получения экспертных оценок. Конечно, чем больше к оценке привлечено независимых экспертов, тем она в итоге будет объективнее. При серьезном разбросе экспертных оценок гораздо полезнее провести дискуссию между экспертами, что, как правило, и делается перед

окончательной оценкой, результатов серьезных соревнований даже самое квалифицированное жюри.

Завершающим этапом проведения маркетингового исследования является разработка необходимых рекомендаций. Сообщение о результатах исследования представляет собой обратную связь с руководством маркетинга, которое отвечает за использование результатов.

Результат анализа методом экспертных оценок субъективен и не обеспечивает необходимой точности и достоверности. Поэтому лучше принять метод переводных коэффициентов. Этот метод легко формализуем, прост и не зависит от субъективных моментов. Для примера, определим удельные веса затрат ( $D_i$ ) на производство продукции по всей номенклатуре оставляющих для производимого товара и товара-образца.

$$D_i = \frac{a_i}{z} \text{ для затрат производителя товара (i=1;n)}$$

$$D_j = \frac{b_j}{z} \text{ для затрат на товар образец (j=1;m)}$$

где:  $Z$  – затраты на продукцию.

Логико – информационная сопоставимость составляющих всех затрат позволяет составить матрицу переводных коэффициентов, которые имеют следующий вид:

$$K = \begin{bmatrix} K_{11} & K_{12} & K_{13} & \dots & K_{1j} & \dots & K_{1m} \\ K_{21} & K_{22} & K_{23} & \dots & K_{2j} & \dots & K_{2m} \\ K_{i1} & K_{i2} & K_{i3} & \dots & K_{ij} & \dots & K_{im} \\ K_{n1} & K_{n2} & K_{n3} & \dots & K_{nj} & \dots & K_{nm} \end{bmatrix}$$

где  $K_{ij}$  – переводной коэффициент  $j$  – й статьи затрат товара образца в  $i$  – ом элементе товара производителя.

Этот коэффициент вычисляется по формуле:

$$K_{ij} = \frac{b_j}{a_i}$$

следовательно:

$$b_j = K_{ij} * a_i \quad a_i = \frac{b_j}{K_{ij}}$$

Матрицу конкурентоспособности можно представить в виде:

$$K = \begin{bmatrix} b_1/a_1 & b_2/a_2 & b_3/a_3 & \dots & b_m/a_1 \\ b_1/a_2 & b_2/a_2 & b_3/a_2 & \dots & b_m/a_2 \\ b_1/a_n & b_2/a_n & b_3/a_n & \dots & b_m/a_n \end{bmatrix}$$

На основе удельных весов, соответствующих полным затратам, можно рассчитать таблицу величин их разложения. Основой таблицы являются коэффициенты распределения этих составляющих, вычисляемые как отношения уровня одного элемента ко всей величине затрат, т.е. удельные веса:

$$K_j = \frac{b_j}{z}, \text{ где}$$

$b_j$  – уровень каждого составляющего затрат товара-образца ( $j=1;m$ )

$z$  – общие затраты товара – изготовителя ( $a_i$ ), который можно предоставить в виде матрицы столбца следующим образом:[3]

$$A_i = a_i K_1 + a_i K_2 + \dots + a_i K_m$$

Аналогичным образом можно предложить методику анализа других сторон маркетинговой деятельности, осуществляя их поэтапно, определяя более низкие цены для непосредственных потребителей данной продукции, что создает предпосылки для установления длительных связей и гарантии реализации. В отношении же к посредническим фирмам необходимо проводить политику, выгодную с точки зрения предприятия. Поэтому целесообразно создавать собственную сеть торговых представительств на различных рынках.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

4. Тилляходжаев А.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада маркетинг фаолияти самарали ташкил этиш йўллари. / Электрон илмий журнал “BIZNES-ЭКСПЕРТ” – Т.: 27.02.2017. №1(109)-2017.
5. Давранов О.А. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўллари.// -Т.: Biznes – Эксперт. №10-11, 2013 й.
6. Муминова Н.М. Strategy of Developing Competitive Fcforeign Trade Activity of the Light industry Enterprises.// - Eastern European Scientific Journal. Август № 4 2014 й.

### **ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ СОЛИҚЛАРИ ХУСУСИДА**

**Катта ўқитувчи Ф.П.Азимова, бакалавр С.А.Кўзиев,  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
тел: (91) 441 67 71  
[azimova-f@bk.ru](mailto:azimova-f@bk.ru)**

**Аннотация:** Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқлари, солиқ тўловчилари ҳамда солиқ даври баён этилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, солиқ хизмати, сув ресурслари, тадбиркор, солиқ тўловчи, солиқ объекти, солиқ даври

**Аннотация:** В статье описаны налоги, налогоплательщики и налоговый период индивидуальных предпринимателей, использующих воду для бизнеса в условиях цифровой экономики.

**Ключевые слова:** налог, налоговая служба, водные ресурсы, предприниматель, налогоплательщик, налоговый объект, налоговый период.

**Abstract:** The article describes the taxes, individual taxpayers and the tax period of individual entrepreneurs who use water for business in the digital economy.

**Keywords:** tax, tax service, water resources, entrepreneur, taxpayer, tax object, tax period

Бугун давлат солиқ хизмати органларини тадбиркорлик субъектларининг энг якин кўмакчисига айлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борадаги чора-тадбирлар “Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” тамойили асосида йўлга қўйилмоқда. Ҳамда айнан шу тамойил асосида изчил ишлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Жумладан, давлат солиқ идораларида тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, тадбиркорларга қулай жиҳозланган махсус заллар ташкил қилинмоқда. Бу ерда тадбиркорлик субъектларига йўналишлар бўйича хизматлар кўрсатилмоқда.

Ушбу махсус залларда тадбиркорлик субъектларига сифатли хизматлар кўрсатилиб, уларнинг солиқ соҳасига доир саволларига малакали мутахассислар томонидан апрофлича жавоб берилади. Тадбиркорларнинг ҳар бир йўналиш бўйича муурожаатларига тўлақонли жавоб олиш имконияти яратилган. Илгари тадбиркорлар маълум бир масалада бошқарманинг тегишли бўлимларига муурожаат қилинарди. Эндиликда уларга шу ернинг ўзида ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислар тегишли маслаҳат ва ёрдам беради.

Келинг Ўзбекистон Республикасининг амалда бўлган солиқларидан бири сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўланиши ва ушбу солиқ бўйича ҳисобот топширилиши тўғрисида маълумотга эга бўлсак.

Масалан: корхона жисмоний шахсдан бинони ижарага олади, у ерда сувдан фойдаланади. Сув учун солиқ тўланиши ва ушбу солиқ бўйича ҳисобот топширилиши лозимми? деган саволга аниқлик киритиб олсак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан бирламчи фойдаланишни ёки сувни истеъмол қилишни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, фаолиятини республикада доимий муассасалари орқали амалга ошираётган норезидент юридик шахслар, шунингдек сувдан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар ҳисобланади. [1]

Жисмоний шахслар мазкур солиқни тўламайдилар, шу боисдан сувни етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузиш ва тўловни мустақил амалга ошириши лозим. [2]

Календарь йил мобайнида норезидент юридик шахслар ушбу солиқ бўйича бўнак тўловларини тўлайдилар (қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари бундан мустасно). Ҳисоб-китоб қилиш учун сувдан фойдаланиш жойи бўйича бўнак маълумотномаси қуйидаги муддатларда тақдим этилиши лозим. [3]

### **Бўнак тўловларини тўловчилари ва муддати**

Жадвал №1

<b>Солиқ тўловчилар</b>	<b>Маълумотномани тақдим этиш муддати</b>
Янги ташкил этилганлари	Давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай
Солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври давомида юзага келган солиқ тўловчилар	Солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай
Қолган солиқ тўловчилар	Жорий йилнинг 20 январига қадар

Эътибор беринг Солиқ даври давомида мўлжалланаётган солиқ базаси ўзгарганда, солиқ тўловчи солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга

ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларга солиқнинг ўзгарган суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлашлари шарт. [4]

Бўнак тўловларини тўлаш даврийлиги, муддатлари ва миқдорлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

**Бўнак тўловларини тўлаш даврийлиги, муддатлари ва миқдорлари**

Жадвал №2

Солиқ тўловчилар	Бўнак тўловларини тўлаш даврийлиги	Бўнак тўловларини тўлаш муддатлари	Бўнак тўловлари миқдори
ККалендарь йил мобайнида солиқ суммаси 200 БҲМдан (200 х 270 000* = 54 000 000 сўм) кўпроқни ташкил этадиган, фойда солиғи ва ҚҚС тўловчилари бўлган юридик шахслар	ҲҲар ойда	ҲҲар ойнинг 20-санасидан кечиктирмай	ЙЙиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида
ББошқа юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	ҲҲар чоракда	ҲҲар чорак учинчи ойнинг 20-санасидан кечиктирмай	ЙЙиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида

\* 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб БҲМ 270 000 сўм этиб белгиланган. [5]

**Қисқача хулосалар**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи бўлиб, ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Ер ости ва ер усти манбаъларидан фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажми солиқ объекти ҳисобланади. Солиқ ставкалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органлари ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгалар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Таклифлар:

- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан маъсулияти кучайтирилса;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги

тадбиркорларнинг солиқлари бўйича имтиёзлар берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Тошкент “НОРМА” 30.12 2019й 441-модда.
2. buxgalter.uz ДСҚ Ресурслар бўйича солиқ маъмуриятчилиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нодир ҚОДИРОВни маърузаси
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Тошкент “НОРМА” 30.12 2019й 448-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Тошкент “НОРМА” 30.12 2019й 444-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги фармони 17.08.2021 й. ПФ-6279-сонли Фармонининг 2-б.

### ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИНИНГ ХАЛҚЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ: ИНТЕГРАЦИЯ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Р.С.Атаханов

Андижон машинасозлик институти

“Гуманитар фанлар” кафедраси

к.ў. т.ф.ф.д (PhD)

**Аннотация:** Мақолада Фарғона водийси қорақалпоқлари анъанавий моддий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари тарихий-этнологик аспектда таҳлил қилинган. Шунингдек иноэтник муҳитда қорақалпоқ этник гуруҳлари хўжалигидаги интеграция ва трансформация жараёнлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Фарғона водийси, этник гуруҳлар, ўтроқ, моддий маданият, уй-жойлар, ассимиляция, интеграция, трансформация.

**Аннотация:** В статье проанализированы особенности традиционной материальной культуры каракалпаков Ферганской долины на историко-этнологическом аспекте. Также, освещены интеграционные и трансформационные процессы хозяйство каракалпаков проживающих в иноэтнической среде.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, Ферганская долина, этнические группы, материальная культура, жилище, ассимиляция, интеграция, трансформация.

**Annotation:** The article analyzes the features of the traditional material culture of the Karakalpaks of the Fergana Valley on the historical and ethnological aspect. Also, the integration and transformation processes of the economy of Karakalpaks living in a non-ethnic environment are highlighted.

**Keywords:** Central Asia, Ferghana Valley, ethnic groups, material culture, housing, assimilation, integration, transformation.

Фарғона водийси Марказий Осиёнинг қадимги тарихий-маданий ўчоқларидан бири бўлиб, ўзининг бир қатор хусусиятлари, хусусан, табиий-географик ўрни, аҳолининг хўжалик юритиш усули ва ўзига хос этномулоқот худуди эканлиги билан Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий минтақаларидан фарқланиб туради.

Қорақалпоқлар – Қорақалпоғистон Республикасининг туб аҳолиси сифатида асосан Амударёнинг дельта қисми ҳамда Орол денгизи атрофида яшайдилар[1]. Айрим қорақалпоқ этник гуруҳлари турли тарихий-сиёсий воқеликлар шунингдек, миграцион жараёнлар натижасида ўз ватанларидан ташқарида хусусан, Фарғона водийси ҳудудида ҳам истиқомат қиладилар.

Маълумки, Ўзбекистон этномаданий муҳитида турли тарихий даврлар мобайнида халқларнинг ўзаро интеграцияси жадал кечган. Бу жараёнда Фарғона водийси қорақалпоқлари ҳам иштирок этганлар[2]. Қорақалпоқ этник гуруҳларининг водий аҳолиси этномаданий муҳитидаги интеграция ва трансформация жараёнлари хусусан, уларнинг анъанавий моддий маданиятидаги ўзига хос хусусиятлари ҳамда маҳаллий халқлар маданияти билан уйғунлашуви кўп миллатли Ўзбекистон халқи маданий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фарғона водийсига кўчиб келиб жойлашган қорақалпоқлар асосан водийнинг Сирдарё ва Қорадарё бўйларида истиқомат қилишиб, хўжалик юритишда чорвачилик, балиқчилик ва қисман дехқончилик билан шуғулланиб келганлар. Қорақалпоқларнинг мазкур тартибда жойлашуви, уларнинг хўжалик юритишлари учун қулай географик имкониятни берар эди. Ваҳоланки, бундай турмуш тарзи қорақалпоқларнинг асрлар давомида Она-Ватанларида таркиб топган хўжалик юритиш анъаналарига боғлиқ эди.

Водий қорақалпоқлари дастлаб чорвачилик ва балиқчилик билан кўпроқ шуғулланган бўлсалар, кейинчалик маҳаллий ўзбеклар таъсири остида дехқончиликка ҳам мослашиб бордилар. Айтиб ўтиш жоизки, хўжалик юритишнинг айрим турларининг у ёки бу ҳудудда турли даражада ривожланиши қорақалпоқларнинг жойлашувидаги номуносиблик билан боғлиқ бўлган[3.] Чунончи, Кўкон атрофи қорақалпоқлари, нисбатан зич ҳамда табиий ноқулайроқ шароитда яшаганлиги боис, уларда ўзига хос хўжалик юритиш яъни чорвачилик, балиқчилик устунлиги сақланиб қолган эди. Маҳаллий аҳоли билан яқин жойлашган Андижон ва Наманган ҳудудларида эса дехқончилик устувор хўжалик юритиш усулига айланган.

XX аср бошлари келиб, Фарғона қорақалпоқлари дехқончиликда асосан пахтачиликка ихтисослаша бордилар, аҳолининг аста-секин ўтроқ турмуш тарзига ўтиши ўз навбатида чорвачилик ва балиқчиликни иккинчи даражали хўжалик юритиш усулига айланишига сабаб бўлди. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра Фарғона қорақалпоқларининг 92% дехқончилик хисобидан яшаганлар.[4]

Бирок, бошқа турдаги озиқ-овқат - жухори, буғдой, гуруч, макка, қовун-тарвуз, ошқовоқ, мош, ловия каби маҳсулотлар ҳар бир хўжаликда анъанавий экин тури сифатида етиштириб келинган.

Фарғона водийси ва унга туташ ҳудудларда яшовчи чорвадор, ярим ўтроқ қорақалпоқ этносининг ўтроқлашуви XIX аср охири XX аср бошларида сезиларли даражада жадаллашди. Бу жараён уларнинг моддий маданиятида хусусан, турар жойларда ҳам кескин ўзгаришларнинг юз бериши билан боғлиқ ҳолда кечди [5]. Фарғона водийси қорақалпоқларининг истиқомат турар-жойлари маҳаллий туб аҳолидан фарқли ўларок қапа ва “қора уй” (ўтов)лардан иборат бўлиб, улар қамишдан тўқилган. Ваҳоланки, қамишдан тўқилган хўжалик ва уй-рузғор буюмларини тўқиш қорақалпоқларнинг асосий машғулотларидан бири эди.

Фарғона қорақалпоқлари ўз турар жойларини қамишдан тўқир эканлар, бу истиқомат объектини улар қуриш учун қулай, кўчиб юриш учун енгил материаллардан

тайёрлаганлар. Уй вазифасини бажарган ушбу бошпаналар кейинчалик туб маҳаллий аҳоли билан ассимиляциялашув жараёнида ўз ўрнини ёғоч ва лойдан ясалган уйларга бўшатиб берди. Асосан, бир хонали уйда яшаган қорақалпоқлар эндиликда айвонли бир неча хонали уйларда яшашни афзал билдилар. Фарғона водийсидаги турли этник гуруҳлар хусусан, қорақалпоқлар билан маҳаллий ўзбеклар ўртасидаги этномаданий алоқаларнинг ривожланиши уларнинг турар-жой объектларига ҳам таъсир этиб интеграция жараёнларини жадаллашувига сабаб бўлди [6].

Этнослараро хўжалик маданий алоқаларнинг ривожланиши қорақалпоқларнинг миллий кийим, уст-бошларида ҳам ўз аксини топди. Асосан ўзбек ва тожик кийим-кечаклари қорақалпоқларнинг кийиниш маданиятига ҳам кириб келди. Баъзи бир бош кийимларини ҳисобга олмаганда қорақалпоқларнинг кийимлари ўтроқ ўзбек ва тожик халқлари билан бир хил эди. Бунга сабаб ўзбек, қирғиз, тожик, туркман, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа ўрта Осиё халқларининг бир ҳудудда, бир-бирига туташ, ягона иқтисодий ва сиёсий маконда яшаганлигидир. Тил, урф-одат, анъана, диний эътиқод ва умумий тараққиётнинг бир-бирига яқинлиги юқорида таъкидланганидек нафақат хўжалик маданиятида балки кийим-кечакларда ҳам деярли умумийликка олиб келган. Тадқиқотчиларнинг фикрича “Ўрта Осиё халқларининг миллий кийимлари шу даражада бир-бирига қоришиб кетганки, айрим кийимлар ва кийимлар элементларини кимдан-кимга ўтганлигини аниқлаш жуда мушкул” [7].

Қорақалпоқлар кийим-кечаклари асосан уй шароитида жун, тери, ипак, пахта толаларидан тайёрланган. Уй шароитида ип-газлама ишлаб чиқариш чарх, урчиқ каби қўл асбоблари ёрдамида тайёрланган. Фарғона қорақалпоқлари аввалига жун ва теридан тайёрланган кийим-кечак, уст-бошлар ишлаб чиқарган бўлсалар вақтлар ўтиши билан ип-газламалардан тайёрланган матолардан фойдаланишга ўтдилар.

Қорақалпоқларнинг анъанавий кийимлари маҳаллий этник жиҳатдан кўпчиликни ташкил этувчи ўзбек ва тожик халқларидан фарқли ўлароқ баъзи бир миллий ва этник хусусиятларини сақлаб қолган эди.[8] Бу этник хусусиятлар асосан уларнинг бош кийимларида, кийимларидаги безакларида, мато тўқишдаги хом-ашёга ишлаб чиқариш қуролларига, усталарнинг маҳоратига ва қайсидир маънода у ёки бу кийимларини афзал кўришларида кўпроқ намоён бўлган. Ўрта Осиё хусусан, Фарғона водийси халқлари анъанавий кийимларини ўрганиш шуни кўрсатадики, XIX аср охири XX аср бошларига келиб, бир неча анъанавий кийим нусхалари халқ истеъмолидан аста-секин чиқа бошлади, унинг ўрнини ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва маданий талабларига мос келувчи янги кийим нусхалари эгаллади [9].

Узоқ йиллар мобайнида қорақалпоқларнинг Фарғона водийсида яшаб ўрнашиб қолишлари уларнинг маҳаллий аҳоли билан хўжалик маданий алоқалари умумий жиҳатларини мустаҳкамлашига олиб келди. Этносларнинг хўжалик турмуш, маданий ва маънавий алоқалари уларнинг ўзаро яқинлашувини тезлаштирди ва қорақалпоқ этносининг айрим этник спецификасини маҳаллий аҳоли билан уйғунлашувига олиб келди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Всеобщая перепись население Российской империи. – СПб. 1905. Т.89. табл. XXII. – С. 122-123.
2. У.Абдуллаев Фарғона водийси этнослараро жараёнлар. Тошкент 2005 йил. 85-бет.
3. .С.Губаева Этнический состав населения Ферганской долины в конце XIX - в начале XX в. Ташкент 1983 стр.82
4. У.Абдуллаев Фарғона водийси этнослараро жараёнлар. Тошкент 2005 йил. 100-бет.



5. У.Абдуллаев Фарғона водийси этнослараро жараёнлар. Тошкент 2005 йил. 115-бет.
6. Ataxanov Rafikjon Sotvoldiyevich (2021). FAMILY CEREMONIES IN CONNECTION WITH FUNERAL (ON THE EXAMPLE OF THE KARAKALPAKS OF THE FERGANA VALLEY) *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).
7. Kurbanova, N. N. (2022). SUBORDINATION OF LAND AND WATER RELATIONS TO THE COLONIAL INTERESTS OF THE FERGANA REGION. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(1), 170-175.
8. Saidovna, R. D. (2021). Systematic approach to the development of students' creative abilities. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).
9. Khamidovna, P. O. (2021). The importance of the culture of communication in the pedagogical community. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 703-708.

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**Ахунов Муҳаммадамин Абдуваситович,  
иктисод фанлари номзоди, доцент  
Андижон машинасозлик институти  
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти**

*Аннотация:* Мақолада Янги Ўзбекистонда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича фикр мулоҳазалар юритилди.

*Калит сўзлар:* тадбиркорлик, аҳоли бандлиги, ёшлар дафтари, аёллар дафтари, темир дафтар.

*Аннотация:* В статье рассматриваются вопросы развития предпринимательства и занятости населения в махаллях в Новом Узбекистане

*Ключевые слова:* предпринимательство, занятость населения, тетрадь молодёжи, тетрадь женщины, железная тетрадь

Янги Ўзбекистон иқтисодийгини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида худудларда, айниқса, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчиликни ривожлантириш куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида “маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчиларифаолияти самарали йўлга қўйилсин” деб белгилаб берилган[1].

Аҳоли даромадини оширишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин- қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш, маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни самарали ҳал этиш маҳаллабай ишлаш тизимининг асосий йўналишларидар[2]. Ҳар ким

ўзини ва оиласини даромадлиқ бандлиқ билан таъминлаш, муайян йўналиш бўйича режа тузиш, бизнес, тадбиркорлик, хунармандчилик, деҳқончилик ва шу каби йўналишлардан бирини йўлга қўйишдан иборат. Шу мақсадда давлат, ҳокимият аҳолига молиявий ва ҳуқуқий ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди.

1. Шаҳар (туман) Кенгаши депутатлари, фаоллари ва МФЙ ходимлари иштирокида уйма-уй юриб ўтказиладиган хатлов натижасида аниқланган ижтимоий – иқтисодий аҳволи ночор, эҳтиёжманд оилалар “Темир дафтар”га киритилади. Кўрсатилган-белгиланган-меъёрдаги ёрдам кўрсатилиб, ижтимоий-иқтисодий ҳолати яхшиланган оилалар ушбу рўйхатдан чиқарилади.

2. “Ёшлар дафтари” ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган махсус дафтар. Ушбу дафтарга ҳудудлардан ёшлар МФЙ маъсуллари билан ҳамкорликда танланади ва дафтарга киритилади. Булар асосан хатлов асосида аниқланган ишсиз ёшлардир. Бу борада иккита йўналиш бўйича иш ташкил этилган. Биринчи йўналиш- уюшмаган ёшлар билан ишлаш. Бу йўналиш бўйича ишсиз ёшлар ишга жойлаштирилади, кредитлар ажратилади[3]. Ишлаш истаги бор уюшмаган ёшлар ўз истак ва хоҳишларига кўра бандлиги таъминланди. Кредит [С:кредит](#) маблағлари ажратилиб, тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилади, янги иш ўринлари яратилади, ёшлар тадбиркорларга бириктирилади ва шундан кейин дафтардан чиқарилади.

Иккинчи йўналиш – “Беш ташаббус” йўналиши бўйича иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади. Масалан, иқтидорли ижодкорларнинг маҳсулотларини чоп этиш ва намоён, реклама қилиш, спорт анжомлари, майдонлари билан таъминлаш.

Ёшларга белгиланган ёрдам кўрсатилганидан сўнг, улар “Ёшлар дафтари”дан чиқарилади.

3. “Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади: ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз, ишлаш истагида бўлган, даромад манбаига эга бўлмаган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, қармоғида ногиронлиги бўлган хотин-қизлардир[4]. Хотин-қизларнинг ўз аризаларига асосан рўйхат тузилиб, бириктирилган секторлар ишчи гуруҳлари томонидан уйма-уй юриб ўрганилади. Ҳаққоний деб топилгандагина уларнинг рўйхати Халқ депутатлари шаҳар (туман) Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Бандлиги таъминланиб, доимий даромад манбаига эга бўлганида, бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилган тақдирда, малакали тиббий хизмат кўрсатилганда[5], тўлиқ давлат таъминотида олинганда ўз аризасига кўра, икки ва ундан ортиқ муаммоси тўлиқ ҳал этилганда, бошқа давлатга доимий яшаш учун чиқиб кетиш ҳолати кузатилганда, шахс вафот этганда ва ҳоказо. Бошқа шунга ўхшаш бир қанча талаблар асосида.”Аёллар дафтари” рўйхатидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз... ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда таашаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз” - деб таъкидлаган эди [6].

Демак, мақсад ёшларни ва аҳолининг ишсиз қисмини боқимандалик кайфиятидан айириб, уларни иш билан таъминлашдир. Бунда оилавий тадбиркорликни ва касаначиликни ривожлантириш, томорқалардан тўғри фойдаланиш қўл келади.

Юқорида қайд қилинган ҳар уччала дафтар турига киритилган фуқаролар маълум шартлар бажарилгач, ундан чиқарилади. Яъни, бу каби дафтарларга фуқаролар умрбодга рўйхатга олинмайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон, “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 1 февраль, 2-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мизиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил. <https://president.uz>. 29.12.2020
3. Kurbanova, N. N. (2022). SUBORDINATION OF LAND AND WATER RELATIONS TO THE COLONIAL INTERESTS OF THE FERGANA REGION. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(1), 170-175.
4. Saidovna, R. D. (2021). Systematic approach to the development of students' creative abilities. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).
5. Khamidovna, P. O. (2021). The importance of the culture of communication in the pedagogical community. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 703-708.
6. Ataxanov Rafikjon Sotvoldiyevich (2021). FAMILY CEREMONIES IN CONNECTION WITH FUNERAL (ON THE EXAMPLE OF THE KARAKALPAKS OF THE FERGANA VALLEY) *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).

## PROFESSIONAL COMPETENCE OF THE EDUCATOR – THE MAIN FACTOR ENSURING THE QUALITY OF EDUCATION

**Rakhmonova Dilnura Saidovna**  
**Teacher of the Department "Humanities" of**  
**Andijan Machine-Building Institute**  
**Axliddinova Maftuna,**  
**master of automotive and tractor-building specialty 1 course**  
**of Andijan Machine-Building Institute**

*Аннотация:* Ҳар томонлама ривожланган шахс тарбиясида педагогларнинг компетентлик даражаси муҳим аҳамиятга эгалиги, педагогика фанида психологик-педагогик компетентлик тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, педагогнинг таълим-тарбия жараёнида энг юқори даражада натижага эришиши, юқори касбий салоҳият, шунингдек, мулоқотчанлик ва ижобий фазилатларга эга бўлиши кераклиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

*Калит сўзлар:* компетентлик, компетентлик сифатлари, креатив қобилият, конвергент тафаккур, дивергент тафаккур, креатив қобилият.

*Аннотация:* Подчеркивается важность компетентности педагогов в развитии всесторонней личности, содержание и значение концепции психолого-педагогической компетентности в педагогике, а также то, что учитель должен иметь максимально-возможные результаты в образовательном процессе, с высоким профессионализмом и хорошими коммуникативными навыками.

**Ключевые слова:** компетентность, компетентностные качества, творческие способности, конвергентное мышление, дивергентное мышление, творческие способности.

**Abstract:** This article emphasizes the importance of teachers' competencies in developing a comprehensive personality, the content and importance of the concept of psychological and pedagogical competence in pedagogy, as well as the fact that a teacher should have the highest possible results in the educational process, with high professionalism and good communication skills provided feedback

**Key words:** competence, competency, creativity, convergent thinking, divergent thinking, creativity.

The main purpose of modern education is to prepare a person who is comprehensively developed for society and the state, socially adaptable to society, labor activity, able to work on himself. Therefore, in the education of a comprehensively developed personality, the level of competency of pedagogues is important. The competence is an individual quality, and the ability, knowledge, skills and qualifications expressed in pedagogical activity and social life in different situations [1]. In the process of education and training, the youth plays an important role in the development of knowledge, manners, traditions, culture and labor skills accumulated by ancestors, occupies a worthy place in society on the basis of life experience, in the formation of its potential and world outlook, the pedagogical personality, its professional skills.

And this created the necessary basis for the establishment of personality-oriented education in our republic. Psychologist scientists give a different definition to the concept of professional competence. Russian psychologist T.M. Sorokina believes that professional competence is understood as the willingness of teachers to carry out professional activities theoretically and practically, as well as the ability to solve pedagogical tasks at a different level. [2]. The essence of the concept of "competency" is that in conditions of market relations it is necessary to withstand a strong competition, which occupies a dominant place in the labor market, to have professional competency from each Specialist, to consistently increase it. So what is competence? What adjectives are reflected on the basis of professional competence? What kind of competency qualities should the Educator be able to distinguish in himself. And the content serves to illuminate the "effective use of theoretical knowledge in activities, the manifestation of a high level of professional skill, skill and talent". Therefore, competence means "possession of a plan of action in unconventional situations, how a specialist behaves in unexpected situations, access to communication, a new way of interacting with competitors, performing ambiguous tasks, using information full of contradictions, consistently developing and complex processes." [3]

Professional competence means the acquisition by a specialist of the knowledge, skills and skills necessary for the implementation of professional activities and their application in practice at a high level. Also, the competence is required to constantly enrich the knowledge of the specialty, to learn new information, to understand important social requirements, to look for new information, to be able to process them and apply them in their activities. Professional competence is manifested in the following cases: - in complex processes; - in the performance of unclear tasks; - in the use of contradictory information; - in the event of an unexpected event having a plan of action. On the basis of professional competence, the following adjectives are reflected:

1. Social competence is the ability to show activity in social relations, possess skills, be able to communicate with subjects in professional activity.

2. Special competence is the preparation for the organization of professional and pedagogical activity, rational solution of professional and pedagogical tasks, Real evaluation of the results of the activity, consistent development of knowledge, skills, skills, psychological, methodological, information, creative, innovative and communicative competence on the basis of this competence.

They represent in themselves the following content:

- psychological competence – the ability to create a healthy psychological environment in the pedagogical process, to establish positive communication with students and other participants of the educational process, to timely understand and eliminate various negative psychological contradictions;

- creative competence – the critical, creative approach to pedagogical activity, demonstrate the competence of its creativity; - innovative competence – the improvement of the pedagogical process, the improvement of the quality of education, the promotion of new ideas on improving the efficiency of the;

- communicative competence is the ability to sincerely communicate with all participants of the educational process, including students, listen to them, have a positive impact on them.[4]

3. Personal competence is the ability to consistently achieve professional growth, increase the level of qualification, demonstrate their internal capabilities in professional activity.

4. Technological competence-the development of advanced technologies that enrich professional and pedagogical BKM, the use of modern tools, techniques and technologies.

Creativeness is derived from the word (in English "create" – creativity, creativity), which characterizes the willingness of a person to create new ideas, which are far from the individual's thinking scheme, which is characterized by creativity, the level of creativity talent, the individual's unconventional or habitual way of thinking, printsiplial, as well as the ability to overcome problems in an unusual way, the creative American scientist D. "Creativeness is such a kind of thought that it dictates to a person that suddenly several solutions appear to a problem or issue, and it helps to understand the qualities of originality, uniqueness in the essence of things and phenomena, different from template - based, boring thinking." [3] being a creative person, in our example, being a creative student means having an advantage in today's world, for example, being separated from other students, being more interesting interlocutor than others, getting out of life's difficulties in an unusual way. [5]

Divergent thinking- (Latin *divergere* - "division") is one of the techniques of creative thinking, which is to find several solutions to a given problem, so that in addition, divergent thinking " simultaneously serves to search for different directions, that is, there are several correct answers to one problem and the birth of original creative ideas.[6] on the basis of divergent thinking lies creativeness. At present, more than a hundred studies have been conducted, for their diagnosis, separate tests have been selected. Gilford's concept in this regard is widely used by educators in the United States in working with iqtidor children and adolescents..

Pedagogical creativity-the ability of a teacher to create new ideas that serve to ensure the effectiveness of the educational and educational process, in contrast to traditional pedagogical thinking, as well as characterize his preparation for a positive solution to existing pedagogical problems, "creative pedagogy" should be able to guarantee the following two situations:

1) low self-esteem of educational disciplines by teachers and;

2) to create an opportunity for teachers to make effective use of them in the audience by recommending strategies and tools that will serve to stimulate creative thinking and the results of creative activities in the students.

#### REFERENCES

1. Dolgorukov A. Method case-study kak Sovremennaya technology professionalno orientirovannogo obucheniya: [http://www.vshu.ru/lections.php.tab\\_id](http://www.vshu.ru/lections.php.tab_id)
2. Drapeau Patti. Sparkling student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem saving).- Alexandria-Virginia, USA: ASCD, 2014.
- *Средний уровень* - студент частично владеет навыками самостоятельной работы с материалом для самостоятельного образования, т.е. Не знаком с электронной литературой, имеющейся в центре информации и ресурсов образовательного учреждения, аудио, видеоматериалами, материалами, частично владеет знаниями и умениями выполнения самостоятельной работы [6. С.127].

Материал для самостоятельного образования – основное звено самостоятельного образования. Их полнота и практичность во многом определяет эффективность учебного процесса. В этих условиях важно на постоянной основе обогащать материал для самостоятельного образования.

Первым звеном в цепи познания всякого предмета или явления, в том числе и учебного материала – это восприятие изучаемого материала. Материал по начертательной геометрии студент воспринимает в основном через зрительные и слуховые анализаторы, так как студент одновременно с пояснением теоретического состояния, демонстрирует его пространственную схему, и графические действия по практическому внедрению в проекциях, т.е. В условно плоских изображениях. При этом в сознании студентов отражаются в основном нынешние свойства и признаки объясняемых явлений. С развитием темы содержание и связанные с ним графические изображения взаимно заменяются [7. С. 335].


Теперь в сознании студента остаются следы воспринятого явления, т.е. Отдельные представления о свойствах и признаках объясняемого материала. Например, положение точки в пространстве объясняется в связи с характером расположения её на октантах. Но в сознании студентов остается представление проекций точки в отношении оси проекции, и студент пытается их запомнить. Это одновременно восприятие материала изучаемой темы

и первичное осознание, в нем научное понимание истинной сущности, причин и следствий осуществляется с помощью мышления, так как достичь этого только чувствами невозможно. Чем больше представлений в сознании студента образовалось с помощью восприятия, чем они точны и прозрачны, тем больше материала для мышления. Он воспринимается слуховыми анализаторами, так как преподаватель, объясняя теоретическое положение, одновременно связывает его с пространственной схемой, пониманием материала в проекциях, пространственным его воображением. Студент должен обладать раздражаемым воображением, обеспечивающим полное представление геометрических образований, происходящих в пространстве, не упускать из внимания какую-либо их часть [8. С.18;31].

Путем повторных действий студента применением знаний в практике его знания углубляются, формируются навыки и умения, развиваются творческие способности и талант. В каждом очередном упражнении студент открывает новые грани изучаемого материала и осознает его более глубоко. Важно значение самостоятельного образования при решении этих задач, правильная его организация и правильный выбор материала [9. С.17;23].

Уровень сложности и трудности самостоятельных работ должен иметь характер роста и развития, обеспечивать тем самым различное мышление и умственную самостоятельность студента. В самостоятельных работах должны сочетаться постановка творческих заданий и творческая деятельность путем анализа в упражнениях (1-рисунок). Например, требуется по заданной горизонтальной и фронтальной проекции точки  $a$  определить в какой четверти пространства она расположена [10. С.319].

1-рис.



Задача решается следующим логическим путем:

1. Точка может располагаться в любой четверти пространства, т.е.  $A(1,2,3,4)$ .
2. Фронтальная проекция точки  $a$  может находиться ниже оси проекции  $x$ , т.е.  $A(3,4)$ .
3. Горизонтальная проекция точки  $a^1$  расположена выше оси  $x$ , значит, согласно движения плоскости горизонтальных проекций  $n$  вокруг оси  $x$  она расположена в 3 четверти, т.е.  $A(3)$ .

Следуя подобному размышлению, студент легко может решать подобные задачи. Теперь фронтальную проекцию  $a^2$  поместим в оси  $x$ . В последующем примере  $a^1$  помести в оси  $x$ . Такое положение дел требует от студента творческого подхода. В предыдущих примерах отдаленность точки от плоскости проекций не имела особого значения, о ней даже не вспоминали. В новых примерах (задачах) на первый план выходит, становится актуальным вопрос отдаленности точки от плоскостей проекции. Путем решения новых задач студент определяет положение точки в части плоскости проекций. Общее количество таких положений равно 26, студент получает широкие возможности для формирования навыков и умений. С учетом задач, поставленных перед самостоятельным образованием, темы следует выбрать так:

1. Задачи похожие на доказанные во время практических занятий проблемы, или такие задачи, способ решения которых похож на ранее показанные.
2. Внедрение отдельных теоретических знаний в практику.
3. Объявление основных сведений по теме, обобщение их и формулировка выводов.
4. Дополнительные темы, являющиеся продолжением пройденного, но легкие для понимания.
5. Темы, предназначенные для расширения пройденного.
6. Задачи, требующие творческий подход.

Ниже приводится схема модульной системы подготовки материала самостоятельного образования.

Модуль – сравнительно не большая часть материала самостоятельного образования, которая состоит из изложения каких-то взаимосвязанных идей, доказательств, явлений. Чаще всего это учебно-методическая и управленческая информация. Их обучаемый может изучить за короткое время. Это объясняется возможностью концентрации внимания в интенсивном процессе познания.

Модули связаны с рядом факторов предназначенный учебный материал, количественные характеристики контингента, цель обучения, форма, метод и содержание. Они могут быть умножены или уменьшены в связи с этими факторами. Обычно, модули объединяются в соответствии с отдельными разделами учебного курса.

Структурные компоненты (составляющие) модуля:

1. указания, пути самостоятельного образования, цели и задачи учебного материала.
2. содержание учебного материала, подлежащего усвоению обучаемым.
3. самостоятельные задания, практические задачи на закрепление усвоенных знаний, навыков и умений.
4. критерии самооценки обучаемыми в целях проверки результатов самостоятельного образования.
5. методический материал, обеспечивающий качество самостоятельного учения (пособия, указания, рекомендации).
6. источники учебной и методической информации, применяемые в процессе самостоятельного учения.

основные характеристики модуля:

- *самостоятельность* – модуль как структурная единица имеет частное содержание образования, отличающееся от других;
- *ограниченность времени* на реализацию целей и задач модуля;
- *динамизм* – возможность оперативного изменения компонента модуля в соответствии с целями и задачами самостоятельного образования;
- составляющие модуля – *дифференциация и интеграция* структурных компонентов. Выполнение ими своеобразной практической задачи;
- взаимозависимость и взаимосвязь составляющих компонентов модуля: каждый из которых взаимосвязан по месту расположения в структуре модуля;
- эффективность изучения самостоятельного учебного материала ввиду его сравнительно меньшего объема;
- возможность оценки обучаемым своей познавательной деятельности;
- целостность, необходимость пользования комплексом структурных компонентов, отражающих функции модуля;



- модуль может быть представлен в любой форме: печатной, аудиозаписи, компьютерной программы и др.[11. С. 93].

#### Выводы

Материал самостоятельного образования, разработанный на основе модульной системы, отличается от традиционного учебного материала, прежде всего, наличием дидактических и методических компонентов, указывающих управляющим учебным процессом и обучаемым методические способы и эффективные формы самостоятельного познания. Таким образом, модулированный материал для самостоятельного образования рассматривается как важный фактор процесса управления, контроля и коррекции самостоятельного образования обучаемого.

#### Список использованных источников

- [1] пиримжаров м.х., автореферат диссертации «совершенствование графической подготовке будущих архитекторов в системе высшего образования» (на ученой степени к.п.н.), -т.: 2009., [1, с. 5].
- [2] зойиров к.а., теоретические основы интенсификации графической подготовки будущего инженера-педагога в системе высшего профессионального образования. / ж. Таълим муаммолари, - т.: 2003., №2-4., [2. С. 117;119].
- [3] сластёнин в.а., о моделировании образовательных технологий., / ж. Наука и школа, - 2000.,-№4, [ 3, с. 1;56].
- [4] деражне ю., система образовательных технологий, / ж. Наука и школа, 2001., №3, [4. С. 5]
- [5] архангельский с.и., некоторые новые задачи высшей школы и требования к педагогическому мастерству,-м.: знание., 1986., [5. С. 30].
- [6] фарберман б.л., новая педагогическая технологии,-т.: узан «фан», 2000., [6. С.127].
- [7] беспалько в.п., педагогика и прогрессивные технологии обучения, -м.: просвещение, 1997., [7. С. 335].
- [8] боголюбов в.и., методы и средства реализации педагогических технологий. / ж. Школьные технологии, -м.: 2004., №4., [8. С.18;31].
- [9] бушля а.к., о самообразование / ж. Педагогика. 1989., №2, [9. С.17;23].
- 10.короев ю.и., начертательная геометрия, специальность «архитектура».-м.: стройиздат, 1987., [10. С.319].
- [11] гилфорд дж. Структурные компоненты модуля. 2004. [11. С. 93]

## ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “ГУНОХ” ЛЕКСЕМАСИГА ЁНДАШУВ.

Умурзақов Доробжон Баходирович,  
АДУ мустақил тадқиқотчиси

**Калит сўзлар:** майдон, семантик майдон, гуноҳ, лексема, аффикслар, ядро, периферия, структура, концепт, назарий, мулоқот.

**Аннотация:** Мазкур мақолада «семантик майдон» тушунчаси қўлланилар экан, моҳияти бўйича бир-бири билан бевосита семантик жиҳатдан боғлиқ бўлган маълум бир тилдаги сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар майдони назарда тутилади. Шунингдек, таҳлилга тортилган “гуноҳ” лексемаси ушбу жараёнда турли жиҳатдан кўриб чиқилади.

**Ключевые слова:** поле, семантическое поле, грех, лексема, аффиксы, ядро, периферия, структура, концепт, теория, связь.

**Аннотация:** В данной статье термин «семантическое поле» используется для обозначения поля слов, словосочетаний и фразеологических единиц в том или ином языке, семантически непосредственно связанных друг с другом. Также по-разному рассматривается в данном процессе анализируемая лексема «грех».

**Key words:** field, semantic field, sin, lexeme, affixes, core, periphery, structure, concept, theory, communication.

**Annotation:** In this article, the term "semantic field" is used to refer to a field of words, phrases, and phraseological units in a particular language that are semantically directly related to each other. Also, the analyzed lexeme "sin" is considered in different ways in this process.

“Семантик майдон” термини биринчи бўлиб Г.Ипсен томонидан қўлланилган. Тилларни қиёсий ўрганишда майдон нуқтаи назаридан, назарий жиҳатдан ёндашиш жуда ҳам муҳимдир.<sup>13</sup>

Профессор А.Нурмонов гап семантикаси объектив ва субъектив маънолар муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик эканини эътироф этган ҳолда, гапнинг объектив мазмуни инсон онгида акс этган объектив воқелик эканини таъкидлаб, гап семантикаси таҳлилида ушбу ҳолат эътиборга олиншини айтиб ўтади. Олим мураккаблашган гаплар хусусида тўхталиб, мураккаблашувни икки гуруҳга а) ҳам шаклий, ҳам мазмуний мураккаблашувга ва б) мазмуний мураккаблашувга ажратишни тавсия этади ва бунинг натижасида мураккаблашган гаплардаги мураккаблаштирувчи унсурлар мақомини белгилаб беради. Бу эса ўзбек тилшунослигида шу пайтгача ушбу синтактик ходисага бўлган муносабатга ойдинлик киритиб беради.<sup>14</sup>

В. И. Кондаковнинг таъкидлашича, “хар бир маъно... бир неча семантик хусусиятига (сема) ега”. У ёки бу лексик маънонинг ийғиндиси семема дейилади.

"Маъно" хаёидаги умумий кундалик тушунча, масалан, қуйидагича таърифланади: "маъно – бу баълум бир объектнинг кундалик, эстетик, илмий, ишлаб чиқарилган, ижтимоий-сиёсий ва бошқа фаолият жараёнида болган одамлар учун нимани англатишидир"<sup>15</sup>.

А.Бондарковнинг фикрича, функционал-семантик майдон бир гуруҳга кирувчи умумий семантик функция (ядро) асосида бирлашувчи лексик, грамматик, лексик-синтактик каби воситаларни ўз ичига олади. функционал-семантик майдон қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

9. Муайян функционал-семантик майдонга кирувчи тил бирликлари умумий семантик функцияга эгадир;

10. Уларнинг таркибида фақат лексик эмас, балки грамматик бирликлар ҳам мавжуд бўлади. Структураси жиҳатидан эса ядро ва перифериялардан ташкил топади.<sup>16</sup>

Биз қуйида гуноҳ концепти ва унинг тадрижга тўхталиб ўтмоқчимиз. Гуноҳ концепти таҳлилида бу лексема на фақат турли тил тизимида мансуб (ўзбек ва инглиз тилларида) балки турли хил диний эътиқод, турли халқ маданиятида ифодаланиши, англатган маъноларини тасвирлашга ҳаракат қиламиз.

<sup>13</sup> Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, АН РУз, 2007. – С. 39-48.

<sup>14</sup> Қаранг: А.Нурмонов танланган асарлар 1-жилд 5-б

<sup>15</sup> Кондаков.Н.И., Логический словарь Москва 1971 56 б

<sup>16</sup> Бондарко А.В. Функциональная грамматика. – Л.: Наука, 1984. – С. 99-103.

Гуноҳ концептининг турли луғатлардаги изоҳлари унинг семантикасини аниқлашга ёрдам берадию биз куйида тилшунослар тан олган изоҳли луғатлардан иқтибос келтирмоқчимиз

Гуноҳ лексемаси тиллар аро универсал тушунчалар билан бир каторда хусусий, яъни ўзгача, турли, ўзига хос тушунчаларга ҳам эга бўла бошлади.

Катор изоҳли луғатларда берилган таснифлар фикримизни исботидир. Зеро гуноҳ концепти ислом динида гуноҳ

1. Диний тасаввуфларга кўра, ёвуз кучлар ва ёвуз ният таъсирида инсоннинг илохий кўрсатмаларини бажармаслиги, дин ва диний маросимларни бузишга қаратилган ҳаракат.

2. Жиноят, айб, шариат қоидаларига ёки диний акидаларга хилоф амаллар.<sup>17</sup> Гунаҳ//гуноҳ-айб, гуноҳ: Оз саҳвха кўп итоб қилур эрди, жузвий гунаҳға номақдур сиёсат кўзгузур эрди <sup>18</sup>

Ислом динида гуноҳ тушунчасига кенг ўрин ажратилган. Гуноҳ оллохнинг ҳаққининг ва банданинг ҳаққини поймол қилиш деб изоҳланган.<sup>19</sup>

Инглиз луғатлар берилган таснифига The word derives from old English syn(n), for original \*sunjō. The stem may be related to that of Latin 'sons, sontis' (guilty). In Old English there are examples of the original general sense, 'offence, wrong-doing, misdeed'

ГУНОҲ-айб. 1. дин. Шариат қонунига, диний акидаларга хилоф иш, хаттиғҳаракат. Домла ғулдураган овоз билан пўписа қилди: -Худонинг қудратига шак келтирманг. Гуноҳингизни орттирасиз. Сизнинг ҳамма қилмишингиз гуноҳ. П.Турсун, Ўқитувчи. Каломи шарифда ёзилишича, йиғи-сиҳи олло таолонинг иродасига қарши бориш билан баробар гуноҳдир. К.Яшин, Хамза.

2. Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган иш, ножўя хатти-харакат; жиноят; айб. – Нима гуноҳ қилибди шу гудак?- деб ўйлади Нормат И.Раҳим, Чин мухаббат. Бир бечорага тухмат қилишса-ю, била туриб, кўра туриб, жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайдими? М.Исмоилий, Фаргона т.о. отабеклар нега қамалдилар, қандай гуноҳлари бор экан? А.Қодирий, Ўтган кунлар. –Шошманг, дада, - гулнор унинг сўзини кесиб қичқирди. – нега йўлчига жазо берасиз, унда ҳеч гуноҳ йўқ. <sup>20</sup>

ГРЕХ м, р. –а 1.рел. гуноҳ ёзиқ; впасть в □ гуноҳқор бўлмоқ; 2. перен. Айб; айб иш, айбона, гуноҳ; □и молодости ёшлик (болалик) даврида қилинган гуноҳлар; нельзя все □сваливать на одного ҳамма айбни бир кишига кўйиб бўлмайдими; 3. В знач. Сказ. Айиб бўлади, уят, яхши эмас; над старостью смеяться □қариликдан қулиш яхши эмас; □ дурён (дурна, дурно) как смертный □ ўлгудай хунук, таъвия, тасқара; как на □ разг. Атайлаб қилингандай; аксига; не □ кому разг. Гуноҳ эмас айби ўчакишгандай; аксига; не □ кому разг. гуноҳ эмас, айби йўқ, мумкин; от □а подальше разг. бало- офатдан узоқроқ бўлиш учун,

<sup>17</sup> Мухторхон Эшон Умархўжа. Диний атамалар ва иборалар, оммабоп қисқача изоҳли луғат. Тошкент 2016

<sup>18</sup> [тарихи мулки аҷам, 517 А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати 423 б Узбекистон ССР Фан нашриёти 1983й].

<sup>19</sup> [Хадис ва Хаёт 2 топ Хилол нашриёти 2013й ]

<sup>20</sup> Ойбек, Танланган асарлар. [Ўзбек тилини изоҳли луғати. 525 б Ўзбекистон республикаси фанлар академияси. ]

нохушликдан қочиш учун; с□ом пополам разг. Зўрға, бир амаллаб; что (или нечего) □ а таит разг. Айибни бўйнига олиш керак, (айбга) иқроор бўлмоқ керак.<sup>21</sup>

Таҳлилларимиздан маълум бўлишича, турли тизимли тиллар, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида *гуноҳ* концептига алоқадор бир неча маъноларни кўриш билан бирга унинг турли контекстдаги кўринишларини ҳам эътиборга олиш лозим. Унинг функционал-прагматик ва коммуникатив-прагматик ҳолатларини берилган мисолларда аниқ кўриб чиқдик.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

2. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, АН РУз, 2007. – С. 39-48.
3. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010. – 69 б.
4. Бондарко А.В. Функциональная грамматика. – Л.: Наука, 1984. – С. 99-103.
5. Ҳожиев А., Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. Т.: “Шарқ” 2001, 159 б.
6. Britannica World Language Dictionary. Volume I, II. Funk and Wagnalls Company, New York, 1954, 1955, 1956, 1958, 1958. p.830
7. Webster’s New Dictionary of Synonyms. G. and C. Merriam company Publishers Springfield, Massachusetts, USA. 1968
8. Collins Discovery Encyclopedia, 1st edition © HarperCollins Publishers 2005
9. Britannica World Language Dictionary. Volume I, II. Funk and Wagnalls Company, New York, 1954, 1955, 1956, 1958, 1958. p.830, Webster’s New Dictionary of Synonyms. G. and C. Merriam company Publishers Springfield, Massachusetts, USA. 1968

### ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БИЗНЕС БЎЛИНМАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРИШГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Хужамуратов Аббос Мардонович

*Тошкент давлат иқтисодий университетининг “Банк иши” кафедраси илмий  
тадқиқотчиси*

*Аннотация:* Мазкур мақолада трансформациялаш жараёнида тижорат банклари бизнес бўлинмаларининг молиявий жавобгарлиги масалалари ёритилган ва зарур тавсиялар берилган.

*Калит сўзлар:* банklar трансформацияси, бизнес бўлинмалар, молиявий жавобгарлик марказлари, даромад, харажат, соф фойда, банк стратегияси, банк рисклари.

*Аннотация:* В данной статье приведены вопросы финансовой ответственности бизнес-подразделений коммерческих банков в процессе трансформации и даны необходимые рекомендации.

*Ключевые слова:* трансформация банков, бизнес-подразделения, центры финансовой ответственности, доходы, расходы, чистая прибыль, банковская стратегия, банковские риски.

<sup>21</sup> [ Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Русча-Ўзбекча луғат. Ўзбекистон совет энциклопедияси Т 1983].

**Annotation.** *This article presents the issues of financial responsibility of business units of commercial banks during the transformation process and provides the necessary recommendations.*

**Keywords:** *bank transformation, business units, financial responsibility centers, revenues, expenses, net income, banking strategy, banking risks.*

Ҳозирги кунда миллий банк тизимини трансформация қилиш жараёнлари изчиллик билан давом этмоқда. Трансформация тадбирлари банклар фаолиятини самарали бошқаришнинг халқаро банк амалиётида бир неча бор синовдан ўтган, янги молиявий механизмларини миллий банк тизимига жорий этиш имкониятларини юзага чиқармоқда.

Фикримизча, банк бизнес жараёнларини молиявий жавобгарлик марказлари асосида ташкил этиш концепцияси миллий банк амалиётига энди кириб келаётган замонавий молиявий технологиялардан бири ҳисобланади. Молиявий жавобгарлик марказлари банк бизнес бўлинмаларининг молиявий жавобгарлигини оширишни назарда тутди.

Тадқиқотларимизга кўра, банк бизнесини молиявий жавобгарлик марказларига ажратган ҳолда ташкил этишнинг муҳим ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, айрим мунозарали жиҳатлари ҳам мавжуд.

**Биринчидан,** *банк стратегиясидаги оғишишлар эҳтимолнинг ошиши.* Шахсий мотивация тадбирлари натижасида ҳар бир жавобгарлик марказининг бюджет кўрсаткичларини ошириб бажаришга қатъий интилиши банк ресурсларини муаяйн йўналишга кўпроқ сарфланишига, яъни даромад манбаларини диверсификацияси тамойилларини бузилиши эҳтимолини юзага келтиради. Бунда банк даромад олиш имконияти юқори соҳага ҳаддан ортиқча маблағ киритади, натижа банк стратегиясининг айрим кўрсаткичлари бажарилмай қолади, ўз навбатида ушбу йўналишларда мутахассислар етишмовчилиги юзага келади.

**Иккинчидан,** *банк рискларини ошиши.* Таҳлиллар шуни кўрсатадики, банкларда молиявий кўрсаткичлар диверсификациясида сақланиб қолаётган номутаносибликнинг юқори даражаси банк рискларини бошқаришни мураккаблаштиради. Жумладан, республикамиз банк тизимида жами даромадлар таркибида фоизли даромадларнинг улуши 2017 йилда 53,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда – 69 фоиз, 2019 йилда – 73 фоиз, 2020 йилда – 76 фоиз, 2021 йилда – 73 фоизни ташкил этган [1]. Бу ҳолат банклар молиявий ҳолатини ҳозирга қадар юқори рискли фоизли даромадларга боғланиб қолаётганлигидан далолат беради.

**Учинчидан,** *бошқарув ҳисоботининг шаклланиш тизимига “юк”ни ортиши.* Банк бизнесини жавобгарлик марказлари бўйича ажратилиши натижасида таркибий бўлинмалар ўз фаолияти кўрсаткичлари юзасидан турли хил ҳисобот шаклларини яратишга киришади, бу ҳолат эса, раҳбариятга тақдим этиладиган ўхшаш ёки ностандарт ҳисоботларни ҳаддан ортиқча кўпайишига замин яратади.

**Тўртинчидан,** *банк тижорат маълумотлари хавфсизлигини мураккаблашиши.* Молиявий жавобгарлик марказларининг аналитик кўрсаткичлар шаффофлигига асосланган бошқарув ҳисоботлари тизими самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш имконини берсада, иккинчи тарафдан банк таркибий бўлинмалари ўртасида банкнинг рақобат устунлигига эришиш борасидаги тадбирларини тарқалиб кетиш эҳтимолини юзага келтиради.

Биз тижорат банкларидаги ушбу муаммоларни ҳал этиш учун молиявий жавобгарлик марказларини шакллантириш омилларини ташқи ва ички тоифаларга гуруҳлаш ҳамда улар

салбий таъсирини мувофиқлаштириши ва рискларни мақбуллаштириши тадбирлари бўйича камайтиришни таклиф этамиз.

Ушбу механизмда омилларнинг таъсирини “*наст*”, “*ўрта*” ва “*юқори*” даражаларга ажратиш таклиф этилди.

Ташқи омиллар таъсирининг асосан “*юқори*” даражаси бошқариш объекти ҳисобланиб, бунда рискларни мақбуллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

Биз тадқиқот мазмунини батафсилроқ ёритиш мақсадида жавобгарлик марказларини шакллантиришнинг ташқи омилларига тўхталамиз.

#### *Банк фаолиятини ихтисослашув даражаси*

Банк фаолиятини ихтисослашуви банк балансида муайян банк амалиётлари бўйича суммаларни коцентрациялашуви (концентрация - [лот.сop (sum) – бирга ва centrum – марказ] — бирор нарсанинг муайян жойда тўпланиши [2]) орқали юзага келади.

Банкларда коцентрациялашув жараёни асосан: активлар таркиби (*хорижий ва миллий валютадаги активлар*); миждозлар таркиби (*корпоратив, стратегик корхоналар, чакана миждозлар*); кредитлар тузилмаси (*хорижий ва миллий валютадаги, имтиёзли кредитлар, стратегик корхоналарга ажратилган кредитлар*); даромадлар таркиби (*фоизли ва фоизсиз даромадлар, хорижий ва миллий валютадаги даромадлар*)да юзага келиши кузатилади.

#### *Ташқи молиявий ҳамкорлик даражаси*

Сўнгги йилларда миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётига интеграллашув жараёнларини жадаллашиши банкларда ташқи молиявий ҳамкорлик даражаси омилини молиявий жавобгарлик марказлари шаклланишидаги ўрнини оширмоқда. Банкларнинг *хорижий валютадаги актив ва пассив амалиётлари ҳажмини ўсиб бориши, халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни кенгайтириши, шунингдек банк фаолиятини халқаро молиявий стандартлар талабларига мувофиқлаштириши* борасидаги талаблар молиявий жавобгарлик марказларини шакллантиришга нисбатан янги ёндашувларни тақозо этади.

#### *Амалдаги қонунчилик талаблари*

Ўзбекистонда икки поғонали банк тизими шаклланган 1991 йилдан бошлаб банк амалиётини таҳлил қиладиган бўлсак, иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантириш, аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳукумат қарорлари ижросида банк соҳасининг иштироки банкда заруратдан келиб чиқиб, янги масъул таркибий тузилмаларни шаклланишига кучли таъсирни намоён қилди. Шу билан бирга, босқичма-босқич мазкур омилнинг таъсир даражасини пасайтириш чоралари кўрилаётганлигини қайд этиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш Стратегияси тўғрисидаги” Фармонида миллий банк секторини ислох қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш белгиланганлиги муҳим қадам ҳисобланади [3].

Тижорат банкларида ички омиллар асосий драйвер сифатида молиявий жавобгарлик марказларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Биз томонимиздан таклиф этилган механизмда ички омилларнинг “*наст*” тоифадаги таъсир даражаси бошқариш объекти ҳисобланиб, бунда мувофиқлаштириш тадбирлари назарда тутилади.

#### *Банк стратегиясидаги мақсадли кўрсаткичлар*

Банкларнинг ривожланиш стратегияси банк фаолиятини манзилли мувофиқлаштиришнинг комплекс инструменти вазифасини бажариши сабабли, унда белгиланган мақсадли кўрсаткичларни бажариш мажбурияти молиявий жавобгарлик марказларини шакллантиради. Агар банк стратегиясида қайси кўрсаткич бўйича позиция танланса, молиявий тузилмада ўша йўналиш бўйича зарур таркибий бўлинма ташкил этилади.

*Бизнес жараёнлар ва банк маҳсулотларини бошқариш талаблари*

Таdqикотларнинг кўрсатишича, республикамиздаги банклар мулкчилик шакли (хусусий, хорижий, давлат), ихтисослашуви (саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва ҳ.к.) ҳудудий салоҳияти (саноат ҳудудлари, бозорлар, супермаркетлар ҳудуди ва ҳ.к.) каби хос жиҳатлар молиявий жавобгарлик марказларини банк хизматлари кўрсатиш стандартлари талаблари асосида шакллантиришни тақозо этади. Шу билан бирга, бугунги кескин рақобат шароитида бозор учун янги банк маҳсулотини яратиш ва уни сотиш занжирини қўллаб-қувватлаш молиявий жавобгарлик марказлари таркиби ҳамда малака сифатига ноанъанавий ёндашувларни тақозо этади.

*Мижозлар сегментацияси даражаси*

Рақамлаштирилган банк хизматлари тармоғини кенгайтириш банклардан мазкур йўналишга масъул бўлинмаларни рақамлаштириш талаблари бўйича шаклланишини талаб қилмоқда. Шунингдек, корпоратив мижозларни жалб этишнинг агрессив сиёсати бу тоифадаги мижозлар учун “премиум хизматлар пакети” тизимига асосланган бир нечта жавобгарлик марказларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини йўлга қўйиш заруриятини юзага келтиради.

Хулоса қилганимизда, трансформация шароитида тижорат банклари бизнес бўлинмаларининг молиявий жавобгарлигини оширишга омиллар таъсирини баҳолаш долзарб масалалардан ҳисобланади ва банкларнинг молиявий натижаларини самарали шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2016-2021 йиллар бўйича Статистик бюллетенлари.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. – 2002.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.-Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-Т.: 2020 йил 25 май, 19-20-сонлар.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Джасанова Сайёра Янгибоевна ЖДПИ 3-курс докторанти.  
Джасанова Ешода Маъруфжон қизи ҚДУ 1-курс магистранти.

**Аннотация:** Ушбу мақолада хотин-қизларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари, ижтимоий талаблар, бу талабларнинг даражалари, ишсизлик энг катта ижтимоий муаммо эканлиги кўрсатиб берилган. Хотин-қизларнинг жамиятда фаол иштирок этишларида уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашда ижтимоий хизматларнинг зарурияти илмий таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** Ижтимоий сиёсат, ижтимоий муаммолар, ижтимоий талаб, ижтимоий эҳтиёж, аёллар ҳуқуқларининг бузилиши сабаблари, хотин-қизлар бандлиги, ижтимоий хизматлар, ижтимоий хизматларнинг шаклланиши босқичлари, ижтимоий хизмат кўрсатишининг зарурияти.

**Аннотация:** В данной статье показано, что потребности и интересы женщин, социальные запросы, уровни этих запросов, безработица являются самой большой социальной проблемой. Научно проанализирована необходимость социальных услуг в удовлетворении потребностей и интересов женщин в их активном участии в жизни общества.

**Ключевые слова:** Социальная политика, социальные проблемы, социальный запрос, социальная потребность, причины нарушения прав женщин, женская занятость, социальные услуги, этапы формирования социальных услуг, потребность в социальных услугах.

**Annotation:** This article shows that the needs and interests of women, social demands, the levels of these demands, unemployment is the biggest social problem. The need for social services in meeting the needs and interests of women in their active participation in society has been scientifically analyzed.

**Keywords:** Social policy, social problems, social demand, social need, causes of violation of women's rights, women's employment, social services, stages of formation of social services, the need for social services.

Жамиятда яшовчи кишиларнинг ижтимоий фаровонлик даражасидан ижтимоий эҳтиёжлар келиб чиқади. Ижтимоий эҳтиёжлар жамиятда истиқомат қилаётган барча аҳоли қатламларининг яшаши учун зарур бўлган ҳаётий эҳтиёжлар сифатида товар ва хизматлар таркибини ўз ичига олади. Ижтимоий эҳтиёжларни белгилаш талаблардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Яъни бунда ижтимоий талабни ажратиш олиш зарурати вужудга келади. “Ижтимоий талаб касаллик билан оғриган кишилар ёки турли кам таъминланган аҳоли қатламларининг ҳаётий, зарурий товар ва хизматларга бўлган талабини ўзида ифодалайди.”[1] Ижтимоий муаммони ҳал қилиш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун ижтимоий таъминот муассасалари керак бўлади. С. Р. Миллснинг фикрига кўра “бир кишининг ишсиз бўлиши унинг иш жойига бўлган эҳтиёжини билдиради.”[2] Ишсизлик энг катта ижтимоий муаммолардан бири бўлиб, у индивидуал муаммодан фарқ қилади. Индивидуал муаммолар микро даражага эга бўлса, ижтимоий муаммолар макро даражага чиқиб кетиш хавфи мавжуд бўлади. Эҳтиёжлар мавжуд эканлиги ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Ижтимоий муаммоларни ҳам бирламчи ва иккиламчи турларга ажратиш ўрганиш зарур. Бирламчи муаммолар ҳал қилиниши зарур ва шарт бўлган муаммолар бўлиб, уларга: оиланинг озик - овқатга бўлган эҳтиёжи, озик-овқат топиш учун иш ўрнига эга бўлиш эҳтиёжи, турар жойга бўлган эҳтиёж ва бошқалар. Иккиламчи эҳтиёжларга эса



кийим-кечак, интернет, телевизор ва бошқалар киради. Ижтимоий эҳтиёжлар ижтимоий хизматлар орқали қондирилади. Ижтимоий муаммоларга ўз вақтида ечим топмаслик, жамиятда яшовчи фуқороларнинг давлатга, давлат олиб бораётган ижтимоий сиёсатга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун жамиятда мавжуд ижтимоий хизматларни профессионал даражада ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ижтимоий хизматнинг аксиологик кўриниши ислом маданиятида меҳроқибат намуналарида, Христиан маданиятида ҳамдарлик кўринишида кечган бўлса[3.14.], умуммаданий босқичда инсоннинг жисмоний, маънавий ва психологик соғлиғида аниқ нуқсонлар намоён бўлганда ёрдам кўрсатиш тарзида амал қилган. Институционал босқичга келиб[4.14.], ижтимоий хизматнинг меҳнат объекти ва предмети аниқланди, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди, мутахассислар, уларнинг касбий даражаси шаклланди. Тижорий босқичда эса (бугунги кунда), муҳтожларнинг талаб ва эҳтиёжи асосида тармоқларга, соҳаларга ажратилди, хизмат кўрсатишнинг сифатига эътибор кучайди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва уни ечимини топиш учун жамиятда кучли механизм яратилди. Маҳалла ва Оилани қўллаб-қувватлаш Вазирлиги, Хотин-Қизлар Қўмитаси бошчилигида Президент фармон ва қарорларини ижросини таъминлаш учун барча маъсуллар биргаликда ижтимоий хизматларни амалга оширмоқдалар. Аёллар муаммоларини аниқлаш учун маҳалла маъсуллари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Шарофат Сафарова шундай жонкуярлардан бири бўлиб унинг фикрлари билан қизиқдик:

“Ҳар бир аёлнинг муаммоси алоҳида ўрганилмоқда. Оиладаги муаммонинг асосий юки уй бекаси зиммасига тушади. Эр ишсиз, оилада етишмовчилик бўлса биринчи навбатда аёл қийналади. Ота ишда, болаларнинг тарбияси билан она шуғулланади. Боғча бўлмаса, мактабда таълим яхши йўлга қўйилмаган бўлса, яна онага муаммо туғилади. Сув, газ, электр таъминоти яхши бўлмаса энг кўп қийналадиган ҳам аёл. Маиший турмушдаги ҳамма қулайликни ҳам, ноқулайликни ҳам биринчи бўлиб ўз ҳаётида ҳис этадиган зот бу - аёл. Аёл ишдан, болалардан, уйнинг супир-сидирдан, ошхонадаги куйдир-пиширдан бироз вақт топиб ўзига ҳам қараши керак. Маҳаллада, қишлоқда тикувчи, салон деган хизматлар бўлмаса бу ҳам муаммо. Аёлнинг ишлаши – оиланинг фаровонлигига хизмат қилади. Аёлларбоп иш жойи топиш эса яна бир муаммо. Хуллас, турмушнинг майда ташвишлари кўринган бу ишларнинг ҳаммасини бугун умумлаштириб “ижтимоий муаммолар” деб атаيمиз. Ижтимоий соҳани ривожлантириш эса энг катта вазифа.” [5] Шундай фикрлайдиган фаол жонкуяр аёлларимиз миллатимизнинг таянчи бўла олади. Республика аёллари улкан ижтимоий потенциалига – кучга воситаларига ва имкониятларига эгалар, аниқ шароитлар яратилганда улар жамият томонидан ишга солиниши ва фойдаланилиши мумкин. Аёлнинг бандлиги, унинг касб фаолиятидаги иштироки нафақат моддий зарурат юзасидан, балки ўз имкониятлари, қизиқишлари, маҳорати, жамоада бўлишга, жамиятга керакли ва фойдали бўлишга интилиши билан ҳам белгиланади. Аёлларнинг ишламаслигига: ёш болани парваришлаш учун таътилда бўлиши, ихтисослиги буйича ишининг йўқлиги, турмуш ўртоғи ва бошқа қариндошлари салбий муносабати туфайли ишлашга имкони йўқлиги, соғлиғи тўғри келмаслиги асос бўлади. Аёлларнинг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш, улар ўртасида ишсизликни олдини олиш, аёлларнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун мувофиқ ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратиш учун аёлларни ишсизликдан ҳимоя қилишнинг илмий асосланган концепциясини

ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, бу концепция аёлларнинг меҳнатда банд-лиги соҳасидаги аҳволини очиб берибгина қолмасдан, балки аёлларнинг меҳнатда бандлигини таъминлашнинг республика ва ҳудудий дастурларига асос бўлувчи тавсияларидан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади аёлларнинг оила мажбуриятларини фаол меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб боришлари учун шароитлар яратишдан, шу жумладан аёллар учун меҳнатнинг уй меҳнатини ҳам ўз ичига олган турли шакллари ривожлантиришдан иборат.

Аёлларнинг билим даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи сабаб - оиласининг (турмуш ўртоғининг, қайнонасининг) салбий муносабатлари ва болалар тарбияси ҳамда уй юмушлари билан бандлиги туфайли вақт етишмаслигидир. Ёш болали бўлган ОУЮ ва бошқа ўқув юртларининг талабалари ҳам оилада, ҳам ўқув юртида зарурий таянч йўқлигидан жиддий қийинчиликларни бошидан ўтказадилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, оилали талабаларнинг кўпчилиги ўқишни ташлашга, ўқишларин сиртки бўлимларга ўтказишга мажбур бўлганлар ёки ўқиш деб оиласи барбод бўлган. Олий ўқув юртларида ёш болали талбалар учун махсус имтиёзлар яратиш, эмизикли оналарни алоҳида графиклар бўйича ўқитиш, чет эл тажрибасига биноан ОЎЮ ҳузурида бепул ясли ва боғчалар очиш, талабалар учун болалар нафақасини ошириш, ўқишга ҳақ тўлаш учун ссуда ажратиш, аёллар учун махсус телевизион маърифий кўрсатувларни вужудга келтириш зарурияти етилди.

Хотин-қизларга ижтимоий хизмат кўрсатишдан кўзланган мақсад муҳтож хотин-қизлар иқтидори ва кўникмаларини рағбатлантириб, улар ижтимоийлашуви мувозанатини таъминлаш учун маиший, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий, психологик, жисмоний масалаларда амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Аёл ҳаётининг бошидан охиригача эътибор, меҳрга эҳтиёж сезиб яшайди. А.Маслоунинг эҳтиёжлар назариясида “ўртамиёна инсон ҳаётида муҳаббат (меҳр)га бўлган эҳтиёжнинг 50% қондириши тахмин қилинади”[6] Демак, ҳар қандай инсонда меҳрга муҳтожлик энг катта эҳтиёж бўлиб қолаверади.

Манбаларнинг қиёсий таҳлили натижаси сифатида ижтимоий хизматнинг шаклланиши ва ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

*ибтидоий босқич:* фақат яқин кишиларига ғамхўрлик кўрсатиш тарзида амал қилган;

*маданий босқич:* жисмоний ва руҳий муҳтожларга ёрдам кўрсатиш тарзида амал қилган;

*институционал босқич:* касбий, тизимли ва тузилмали ёрдам кўрсатиш тарзида амал қилган;

*тижорат босқичи:* ёрдам кўрсатиш орқали фойда кўриш қаратилган меҳнат тури сифатида амал қилиши.

Бу хусусда М.Ғаниева “Ижтимоий иш ривожланишида уч босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич ижтимоий хизматнинг касб сифатида қарор топиши билан ифодаланади. Иккинчи босқич XX асрда Шимолий Америка ва Европада ижтимоий хизмат касбининг ижтимоий институтга айланиши билан ифодаланади. Учинчи босқич ижтимоий хизматнинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши билан ифодаланади”[7], деб ёзади. Бизнингча, ҳар бир минтақада ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос кўриниши ҳам инobatга олинганда, бу босқичларни янада такомиллаштириш мумкин.

Ижтимоий хизмат (иш) касб сифатида хоҳ Ғарб, хоҳ Шарқ тажрибаси бўлишидан қатъий назар, унинг мазмун-моҳияти замирида “*инсон олий қадрият*” ғояси мужассамлашган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] “Social Policy”. -P. 21-22.
- [2] “Social Policy”. -P. 22.
- [3] Нутова С.С., Айтбаева П.М. Институционализация социальной работы в Кыргызстане. -arch.kyrlibnet.kg
- [4] Филантропия и благотворительность на различных этапах развития общества. - yourlib.net/content/view/71/12/.
- [5] <https://jizzax.uz/2512-hotin-izlar-muammolari-achon-kamayadi.html>
- [6] Maslow A. Self-actualizing and Beyond // Challenges of Humanistic Psychology. - N.Y., 1967.– P. 51
- [7] Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлланма – Тошкент: CHASHMA PRINT, 2010. – 92

## ИЛМІЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

**М.Мўйдинова** АндДУПИ кафедра мудири PhD.

**О. Маматхонова** АндДУПИ магистри

***Аннотация:** Мақолада Информатика фанидан ўқувчиларда шакллантириладиган компетенциялар ҳамда компетенция ва компетентлик тушунчаларининг тадқиқотлардаги талқини келтирилган.*

***Калим сўзлар:** компетенция, умумқасбий компетенциялар, махсус компетенциялар, компетентлик, компетенциявий талаб.*

***Аннотация:** В статье представлены компетенции, сформированные у студентов информатики, и трактовка понятий компетентность и компетентность в исследовательской деятельности.*

***Ключевые слова:** компетентность, общепрофессиональные компетенции, специальные компетенции, компетентность, компетентностное требование.*

***Annotation:** The article presents the competencies formed in students of computer science and the interpretation of the concepts of competence and competency in research.*

***Keywords:** competence, general professional competencies, special competencies, competence, competency requirement.*

Хозирги даврда таълимнинг вазифаларидан бири ўқувчи талабаларга билим бериш ҳамда олган билимлари асосида малака ва кўникмалар ҳосил қилиш билангина чегараланмасдан, уларни амалиётда қўллай билишга ўргатишдан иборат.

Хар бир фан асосларини таълим босқичларида ўқитиш тамойилларини белгилаб берувчи Давлат таълим стандарти бўлиб, унда фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, таълим олувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билимлар мазмуни, улар асосида эгаллашлари керак бўлган кўникма ва амалий малакаларининг компетенциявий талаблари ҳам белгилаб берилади. Компетенция сўзи латинча *competentia* сўзидан келиб чиқиб, эришаман, мос келаман, лойиқ маъноларини билдиради.

Информатика фанидан ўқувчиларда шакллантириладиган компетенциялар:

АКТ компетентлилик-ўқувчиларнинг ахборотли жамиятда ўз ўрнини муносиб эгаллаш ва мувоффақиятли меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун ахборотга эга бўлиш, уни излаш, қайта ишлаш, баҳолаш, яратиш ва узатишни амалга оширишда

ахбороткоммуникация технологияларидан самарали фойдалана олиш қобилияти ва лаёқати.

Ўқувчиларда АКТ компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш – информатика фанига оид компетенцияларни ҳамда фойдаланувчилик компетенцияларни, яъни ҳамкорлик қилиш ва мулоқотни амалга ошириш, билимларни мустақил равишда эгаллашни ва уларни АКТ дан фойдаланган ҳолда амалиётда қўллашни шакллантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади.

Информатикадан компетенциялар икки гуруҳдан иборат: умумий ва махсус компетенциялар.

Умумий компетенциялар (хаётий кўникмалардан иборат): ижодий ёндашув ва новаторлик, коммуникабельлик ва ҳамкорлик, мослашувчанлик, самарадорлилик.

Махсус компетенциялар (фанга оид компетенциялар): ахборотларни йиғиш, ахборот манбаларини билиш, кераклисини танлай олиш, қайта ишлаш, тахрирлаш, форматлаш, график элементларни ясаш, жадваллар ҳосил қилиш, формулалар киритиш, ранглар билан ишлаш, файлларни архивлаш, ахборотларни узатиш, электрон почта билан ишлай олиш, муаллифлик ҳуқуқларини билиш ва ҳ.к.

Педагогик компетенциянинг фан тармоқлари бўйича ривожланиши, назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари, ҳозирги ҳолати, дидактик тамойиллари, муаммолари ва уларнинг ечимларига оид олиб борилган илмий тадқиқотларга кўра касбий компетенциялар асосида таълим сифатини кафолатлаш усуллари таснифланган ҳамда қуйидаги илмий натижалар олинган.

Жумладан М.С.Бердибаев ўзининг “Бўлажак математика ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўқитувчининг касбий фаолияти асосий турларини ҳисобга олиб, бўлажак математика ўқитувчисининг методик компетентлиги таркибида бешта: мотивацияли-қадриятли, когнитив, амалий йўналтирилган, коммуникатив ва рефлексив ўзаро боғлиқ компонентни ажратиб кўрсатиб ўтган. Булар мос равишда умуман педагогик фаолиятга, хусусан таълимда математикани ўқитишга психологик, назарий, амалий ва ижтимоий-шахсий тайёрликни тавсифлайди.

Н.А. Муслимов тадқиқотларида компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, шу кун ва давр талабларини ҳис этишни, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, уларни қайта ишлаш ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади. Компетенция эгаси бўлган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос метод ва йўллардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб олиб қўллаши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танқидий кўз билан қараши каби кўникмаларга эга бўлади.

Моҳияти жихатидан, компетенциялар бу – ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчи муайян соҳада муайян даражада амалга ошира оладиган фаолият турлари тўпламини билдиради, компетентлик эса фаолият субъектининг компетенцияларини қўллай олиш қобилиятларини билдириб, бу қобилият даражаси шахсий сифатлар ва ҳислатларга боғлиқ бўлади дейди. О.А.Кўйсиров.

Демак, бугунги кун ўқитувчиси учун ўз соҳаси бўйича чуқур назарий билимга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, у замонавий таълим шакллари, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдалана оладиган, муаммоларни аниқлашга, ғояларни регенерация қилишга, қарорларни қабул қилишга қодир, педагогик бошқариш услублари ва воситаларини яхши биладиган мутахассис бўлиши ҳам керак.

## Фойдаланилган адабиётлар

4. Педагогик атамалар луғати. -Тошкент:Меърос, 2014.-15-бет
5. Толковый словарь русского языка: В 4 т. Т. 1 / Под ред. Д.И. Ушакова. -Москва: Мысль, 2009. С.34.
6. Абдуллаева Ш.А, Ахатова Д, Собиров Б.Б, “Педагогика. Маълумотнома.-Т: “Фан ва технологиялар” 2011, 276-б
7. Джон Равен Развитие способностей личности.- Москва: Торговый дом Гранд, 2009.- С.132

## МАРКЕТИНГОВЫЕ УСЛУГИ – ОТРАСЛЬ СОВРЕМЕННОГО МАРКЕТИНГА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Город Ташкент ТАТУ. Магистр кафедры «Экономика в сфере ИКТ» Хайитова  
Машхура Суюн қизи

***Аннотация:** Вся человеческая деятельность, происходящая как в коммерческой, так и в некоммерческой сферах, в конечном счёте нацелена на обеспечение выживаемости общества в конкретных сложившихся условиях. Очень значительная, а зачастую и решающая роль при этом принадлежит маркетингу услуг*

***Аннотация:** Tijorat sohalarida ham, notijorat sohalarida ham sodir bo'ladigan barcha inson faoliyati, pirovardida, muayyan hukmron sharoitlarda jamiyatning omon qolishini ta'minlashga qaratilgan. Bunda juda muhim va ko'pincha hal qiluvchi rol xizmatlar marketingiga tegishli.*

***Annotation:** All human activity, taking place both in commercial and non-commercial areas, is ultimately aimed at ensuring the survival of society in specific prevailing conditions. A very significant, and often decisive role in this belongs to the marketing of services.*

***Глоссарий:** Маркетинг, бизнес, рынок, товар, продажа, услуги, сфера деятельности, классификация услуг.*

Что такое маркетинг? Сегодня многие считают, что маркетинг это лишь реклама и продажи, ведь ежедневно на всех нас обрушиваются множество рекламных роликов, объявлений в СМИ и сообщений о распродажах. Но следует полагать, что реклама и продажи — это лишь составная часть маркетинга. Они существуют как два неотъемлемых компонента маркетинга.

Маркетинг- это процесс, заключающийся в прогнозировании потребностей потенциальных покупателей и в удовлетворении этих потребностей путем предложения соответствующих товаров -изделий, технологий, услуг и т.д.

Основной целью современного маркетинга является не продажа товара или услуги любым способом, а именно удовлетворение потребностей клиентов.

Главная задача маркетинга - понять нужды и потребности каждого рынка и выбрать те из них, которые их компания может обслуживать лучше других. Сегодня можно говорить о том, что сектор услуг заполняет рынок. И именно для его изучения, регулирования, а также эффективного управления процессами, происходящим на данном рынке, появился маркетинг услуг.

Услуги слово, с которым мы сталкиваемся ежедневно. Объяснить это явление довольно просто: ведь сфера услуг включает в себя услуги

Услуга - любая деятельность, которую одна сторона может предложить другой; неосязаемое действие, не приводящее к владению чем-либо. Производство услуг может быть, а может и не быть связано с товаром в его материальном виде. Исторически каждый вид услуг рассматривался отдельно, как особая сфера деятельности с присущими только ей особенностями. Сама же сфера услуг представлялась как совокупность этих многих видов деятельности и фактически сводилась к их перечислению. Обычное перечисление отраслей услуг может только показать их разнообразие. Специфику же услуг, их экономическую сущность, а следовательно, и специфику методов управления в маркетинге услуг простое перечисление раскрыть не в состоянии. Всю совокупность услуг можно подразделить на однородные группы, подгруппы, виды и разновидности по достаточно большому количеству независимых и взаимосвязанных классификационных признаков. Это требует применения различных методов классификации. Классификация услуг и совершенствование их учёта – важная проблема во всех странах мира.

<b>Основные классы услуг</b>	<b>Сферы услуг</b>
Осязаемые действия, направленные на тело человека	Здоровоохранения салон красоты, спортивные заведения, рестораны
Неосязаемые действия направленные на сознание человека	Образование, радио и телевидения, информационные услуги

Приведённая классификация является основной классификацией услуг в сфере нематериального производства. Её вполне можно дополнять новыми видами услуг и развивать в дальнейшем. Услуги, к примеру, можно классифицировать по степени контакта с потребителем, степени регулирования законодательными и нормативными актами, трудоёмкости, сегментам потребителей, подразделять на деловые услуги и услуги личного характера, по другим характеристикам. Классификация услуг может осуществляться по степени их неосязаемости. Чем меньше выражен признак материальности у услуг, тем меньше их маркетинг похож на маркетинг товаров. Нематериальные услуги можно оценить только после их получения, при этом в силу различных факторов, оказывающих влияние на сам процесс оказания услуг, поддерживать постоянный уровень обслуживания довольно сложно.

Классификация услуг позволяет улучшить понимание изучаемого явления, выделив отличительные черты каждого вида услуг, определить специфику методов управления организацией и специфику применения маркетинга. Разнообразные подходы к сегментации услуг могут оказаться полезными при позиционировании услуг на рынке и побудить к поиску новых видов услуг, не представленных на рынке. Услуги при всём их разнообразии можно объединить в несколько групп.

Кроме этого, постоянно появляются и новые виды услуг, в которых возникает потребность у общества. Услугам присущи четыре специфики, которые всегда необходимо учитывать при разработке маркетинговых программ.

### Типы услуг

Типы услуг	Сфера услуг
Производственные	Инжиниринг, лизинг, обслуживание (ремонт) оборудования и др.
распределительные	Торговля, транспорт, связь
профессиональные	Банки, страховые, финансовые, консультационные, рекламные и другие фирмы
потребительские	Услуги, связанные с домашним хозяйством и время
общественные	Тв, радио, образование, культура

### Новые виды слуг

услуги	характеристика
Новые виды деловых (профессиональных) услуг	Торговля недвижимостью, размещение временно свободных средств, информационные, маркетинговые и рекламные услуги, составление бухгалтерских балансов и отчетов, электронный секретарь
Услуги по воспитанию и обучению детей	Гувернантки, частные сады и школы
Услуги по уходу за животными	Лечение, кормление, прогулки и временное содержание

Кроме этого, постоянно появляются и новые виды услуг, в которых возникает потребность у общества. Услугам присущи четыре специфики, которые всегда необходимо учитывать при разработке маркетинговых программ.

1. Услуги неосызаемы. Их невозможно увидеть, попробовать на вкус, услышать или понюхать до момента приобретения. Пример - консультация врача, ведь ее нельзя потрогать.
2. Услуги невозможно хранить: жилищно-коммунальные услуги невозможно хранить упакованными на складах до периода повышения спроса на них.
3. Совмещение процесса производства и потребления. Услуга неотделима от своего источника, будь то человек или машина, тогда как товар в материальном виде существует независимо от присутствия или отсутствия его источника.
4. Непостоянность качества: сломанный каблук, отремонтированный одним мастером, будет еще долго держаться, а другой мастер может отремонтировать так, что он вновь сломается на следующий день.

Для того чтобы решить проблему качества услуг, необходимо выделять средства на привлечение и обучение по-настоящему хороших специалистов, например как сейчас это делают многие авиакомпании, банки и отели. Также поставщик услуг должен постоянно следить за степенью удовлетворенности клиентуры. Делать это можно с помощью системы жалоб и предложений, опросов и проведения сравнительных покупок

для выявления случаев неудовлетворительного обслуживания и исправления ситуации. Названные специфики услуг - это дополнительные проблемы для маркетолога - специалиста по изучению рынка, потребностей и предпочтений потребителей (товара, имиджа, деятельности компании

в целом и т. д.). Чем меньше выражена неосвязаемость, нематериальность предоставляемых услуг, тем все меньше их маркетинг похож на маркетинг товара. Соответственно, приобретение и потребление услуг для потребителей связано с большим риском. С большим риском, чем потребление товара.

Все это означает, что убеждение, объяснение, информирование, а также стимулирование потребителей является задачей именно маркетолога.

Анализ международных концепций маркетинга услуг показывает, что, несмотря на то, что они были разработаны исследователями из различных стран и построены по разнообразным принципам, в целом их характеризуют общие структурные и концептуальные элементы.

**Во-первых**, каждая модель отталкивается от специфики услуги как товара, которые были рассмотрены выше.

**Во-вторых**, все модели указывают на необходимость внимания к таким стратегическим факторам маркетинга услуг, как персонал, процесс обслуживания и материальное доказательство обслуживания.

**В-третьих**, почти все концепции признают необходимость использования некоторых дополнительных стратегий для управления маркетингом услуг.

На сегодняшний день можно утверждать, что маркетингу услуг уделяется всё больше внимания, что, в свою очередь, должно привести к повышению качества самих услуг.

### Использованная литература

1. Багиев, Г.Л. Основы современного маркетинга : учебное пособие / Г.Л. Багиев, И.А. Аренков // ЛФИ им. М.А. Вознесенского. – СПб. : СПбЛФИ, 1995. – 116 с.
2. Данько, Т.П. Управление маркетингом (методологический аспект) : учебное пособие / Т.П. Данько. – М. : «Инфра-М», 1997. – 289 с.
3. Котлер, Ф. Основы маркетинга / Ф. Котлер ; пер. с англ. ; общ. ред. и вступ. ст. Е.М. Пеньковой. – М. : Прогресс, 1990. – 736 с.
4. Котлер, Ф. Стратегический маркетинг некоммерческих организаций / Ф. Котлер, А.Р. Андреасен. – 6-е. изд. – Ростов н/Д : Феникс, 2007. – 854 с.



**АКАДЕМИЧЕСКИЙ ЛИЦЕЙ-ВЫСШЕЕ УЧЕБНОЕ ЗАВЕДЕНИЕ:  
ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ МЕТОДИКИ**

**Меденцева Наталья Петровна, старший преподаватель, Ташкентский университет  
информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий**

*Annotatsiya: Maqolada ta'lim bosqichlari o'rtasidagi o'zaro ta'sirning muhimligi ta'kidlangan.*

*Kalit so'zlar: Akademik litsey, ta'lim bosqichlari, universitet.*

*Аннотация: В статье подчеркивается важность взаимодействия между этапами образования.*

*Ключевые слова: L Академический лицей, методика, этапы образования, вуз.*

*Annotation: The article emphasizes the importance of interaction between the stages of education.*

*Keywords: Academic lyceum, methodology, stages of education, university.*

Под влиянием изменений, которые произошли в общественно — политическом устройстве Республики Узбекистан в конце XX века, образовательная система претерпела существенные изменения. Традиционные формы обучения исчерпали свои возможности. Они перестали соответствовать новым потребностям человека и общества. Учитывая это, в новых условиях начался поиск новых типов, средств и технологий обучения, которые соответствовали бы стремительно изменяющимся условиям. Инновационные изменения в сфере образования привели к возникновению и становлению образовательных учреждений нового типа, стала происходить модернизация и индивидуализация образовательных систем, предполагающих тесное переплетение традиционно классического и инновационного образования. Колледжи, лицеи, реформированные вузы, в которых происходит постоянный поиск новых методик и технологий обучения, позволяют Узбекистану сохранять достойные позиции в сфере образования. Чтобы реализовать концепцию непрерывного образования, обеспечить преемственность среднего специального и высшего образования, надо создать условия для внедрения форм и методов работы. Ориентация на гуманизацию современного процесса образования и разностороннее развитие личности предполагает, в частности, необходимость гармоничного сочетания собственно учебной деятельности, в рамках которой формируются базовые знания, умения и навыки, с деятельностью вне учебного учреждения, связанной с развитием индивидуальных задатков учащихся, их познавательной активности. [1,198] Проблема современного обучения прежде всего состоит в том, что сама по себе учебная деятельность, направленная в традиционном ее понимании на усвоение коллективом учащихся требований базовой программы, не сопряженная в должной степени с творческой деятельностью, не способствует целостному развитию личности. Привыкая к выполнению стандартных заданий, направленных на закрепление базовых навыков, которые имеют единственное решение и, как правило, единственный заранее predetermined путь его достижения на основе некоторого алгоритма, учащиеся практически не имеют возможности действовать самостоятельно, эффективно использовать и развивать собственный интеллектуальный потенциал. Решением этой проблемы является проведение нетрадиционных занятий.

Изучение организации познавательной деятельности учащихся при переходе с одного образовательного этапа на другой является одним из наиболее важных вопросов. Этой проблеме в методике преподавания гуманитарных дисциплин, таких, например, как родной и иностранный языки, литература, история, в настоящее время уделяется серьезное внимание. Ведь именно социально-гуманитарные дисциплины имеют все возможности для того, чтобы стать мостом, который позволит учащимся академических лицеев чувствовать себя уверенно при дальнейшем обучении в вузе.

Преимственность методики обучения должна предполагать внедрение элементов научной деятельности и критического анализа уже на среднем этапе образования, то есть в лицеях, так как в дальнейшем именно их выпускники планируют заняться наукой в той или иной сфере.

#### Список использованной литературы

2. Меденцева, Н. П. Осуществление преемственности образовательных этапов посредством музейного образования // Проблемы и перспективы развития образования : материалы VIII Междунар. науч. конф. — Краснодар : Новация, 2016.
3. Федорова Л.И. К вопросу о проведении внеаудиторной работы по русскому языку в техническом вузе. Сборник материалов X Международной научно-практической конференции. – Махачкала, "Апробация" , 2016.

## МЕДИАТЕХНОЛОГИИ И ДРУГИЕ ИКТ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ

Меденцева Наталья Петровна, старший преподаватель, Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий

*Annotatsiya:* Maqolada darsda media-texnologiyalardan foydalanishning afzalliklari muhokama qilinadi.

*Kalit so'zlar:* Media resurslari, axborot, texnologiya, metodologiya.

*Аннотация:* В статье рассматриваются преимущества использования медиатехнологий на занятиях.

*Ключевые слова:* Медиаресурсы, информация, технология, методика.

*Annotation:* The article discusses the benefits of using media technologies in the classroom.

*Keywords:* Media resources, information, technology, methodology.

В последнее десятилетие информационно-коммуникационные технологии стали одним из важнейших факторов, влияющих на развитие общества и людей. Сегодня в Узбекистане, как и в других странах мира, провозгласивших одним из основных направлений своей политики развитие информатизации, растет осознание тех преимуществ, которые дает развитие и распространение ИКТ. [2,17]

Способность быстро находить нужную информацию, своевременно ее обрабатывать и незамедлительно находить пути для ее применения — неотъемлемый признак успешного человека XXI века. В связи с этими требованиями современности и строится образовательная система в Узбекистане. Все высшие учебные заведения оснащены компьютерами, лабораторным оборудованием, мультимедийными проекторами и демонстрационными экранами. Все эти средства позволяют преподавателю максимально эффективно использовать время занятия. У учителя появляется возможность регулировать темп занятия. Изучение материала можно построить не по традиционной схеме, а по

интерактивной. Студенты могут самостоятельно вернуться к какому-то этапу объяснения, воспроизвести его в форме, удобной для восприятия именно в данной аудитории. Особенно это касается всевозможных графиков и грамматических таблиц. В качестве еще одного плюса применения информационно-коммуникационных технологий можно назвать преимущества возможностей компьютера как наглядного пособия. В течение занятия при помощи одного компьютера и мультимедийного проектора возможно применение нескольких десятков схем, таблиц, осуществление демонстрации портретов и фотографий писателей, иллюстраций к произведениям, прослушивание отрывков и музыкальных композиций, просмотр художественных, документальных или научно-познавательных фильмов. Значительно повысить познавательную деятельность учащихся позволяет и психологический фактор. Ни для кого не секрет, что современной молодежи интереснее воспринимать информацию именно посредством мультимедийных устройств. На наш взгляд, современная образовательная система должна поддерживать стремление учащихся хорошо ориентироваться в медиaprостранстве. Учитель не должен запрещать использование медиаресурсов учениками, потому что не разбирается в них сам, а быть примером для обучаемых в умении рационально и грамотно пользоваться Интернет-ресурсами.

Но развитие ИКТ ставит перед преподавателями новые задачи. Доступность информации и даже агрессивность некоторых медиа делает возможным ее бездумного применения учащимися академических лицеев, у которых еще только укрепляется критическое мышление или даже формируется. Преподаватель должен стать изобретательней компьютеров и формулировать темы для самостоятельных работ учащихся таким образом, чтобы они научились правильно работать с медиаисточниками: подбирать, подвергать критическому анализу, сравнивать информацию и применять только достоверную.

За информационно-коммуникационными технологиями — будущее, которое начинается уже сегодня. Важная педагогическая задача преподавателей — помочь ученикам в реализации их творческих планов, научить их грамотно работать с информацией, объяснить, как на протяжении всей жизни применять способности, воспитать нравственные ценности.[1,41] Использование информационно — коммуникационных технологий призвано многократно увеличить продуктивность образовательного процесса.

### **Список использованной литературы**

- 1.Меденцева, Н. П. Практико-методические функции применения ИКТ и технических средств обучения в вузах Узбекистана / Н. П. Меденцева. — Текст : непосредственный // Педагогика высшей школы. — 2015.
- 2.Мурадова, Н. Т. Интерактивные средства обучения иностранному языку / Н. Т. Мурадова, С. А. Эрданова.

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА АЖДОДЛАР МЕРОСИ

Андижон машинасозлик институти Гуманитар фанлар кафедраси доценти  
Курбанова Наргиза Насирдинбековна

**Аннотация:** Мақолада Ўзбек тарихида аждодларимизнинг таълим-тарбия масаласи ҳамма даврда, айнан ёшларни тарбиялашда билимли бўлиши муҳим эканлиги таъкидланган.

**Калим сўзлар:** Таълим-тарбия, ёшлар, билим, донишмандлик, тараққийпарвар, тасаввуф, фалсафа, зиёли, ватан, миллат.

**Аннотация:**

В статье подчеркивается, что в истории Узбекистана нашим предкам во все времена была важна образованность, особенно в воспитании молодежи.

**Ключевые слова:**

Образование, молодежь, знание, мудрость, прогресс, мистика, философия, просвещение, родина, нация.

**Annotation:** The article emphasizes that in the history of Uzbekistan, it is important for our ancestors to be educated at all times, especially in the upbringing of young people.

**Keywords:** Education, youth, knowledge, wisdom, progress, mysticism, philosophy, enlightenment, homeland, nation.

Табиатнинг олий маҳсули, сиймоси инсон ўз ақл-заковати билан ўзини ҳимоя қиладиган ва боқадиган мустақил, эркин қилиб яратилган.[1] Шунинг учун табиат ходисалари, жараёнларини ўрганиш, улардан яшаш учун оқилона фойдаланиш асосида инсонлар секин-аста маданийлашуви, ижтимоийлашуви асосида маънавий қадриятлар шакллана бошлаган, ривожлана бошлаган.

Илк даврларда таълим ёшларга ота-оналарнинг яшаш учун табиатдан фойдаланиши, уй-рўзғор юритиш, ўзаро ва табиатга муносабат ахлоқи, одоби сифатида шакллана бошлаган бўлса, билимлар ҳажми кенгая бошлагач, махсус тарбиячиларга эҳтиёж туғила бошлаган. Маълум қабила, элат, миллат миқёсидаги таълим-тарбия қоидалари мажмуаси концепциялар кўп ҳолларда алоҳида кишилар томонидан такомиллаштирилмаган. Шунинг учун ҳам таълим концепциялари кўп ҳолларда маълум муаллифнинг номи билан боғланмайди.

Антик таълим-тарбияда табиатга, атроф-муҳитга, ўзаро инсоний муносабатларда онгли, ахлоқий муносабатлар мажмуаси бўлган донишмандлик шаклланган. Бу вақтларда тарбиянинг бош мақсади ҳам ёшларда донишмандлик сифатларини шакллантириш бўлган. [2]. Донишмандлик тарбияда ёшларда меҳнатсеварлик, маънавий-ахлоқий сифатлар билан уйғун ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ эканлиги илгари сурилган. Эрамиздан аввалги II асрларга келиб Ўрта Осиё, Қадимги Ҳиндистонда бола тарбиясида сахийлик, софдиллик, инсон қалби тушунчалари илгари сурилди.

610 йилларга келиб, илоҳий асар улуғ Қуръони Каримда инсон моҳияти тўла очиб берилиб, комил инсон тарбияси бош мақсад қилиб қўйилган.

Қуръони Каримдаги таълим-тарбияга оид улуғ хазина Ал-Бухорий ҳазратларининг ҳадисларида берилади. Таълим-тарбия инсоний муносабатларнинг фалсафий асослари тасаввуф илмида очиб берилган.

Ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино асарларида онг ва фан узвийлиги илгари сурилди. Ал-Хоразмий, Умар Ҳайём, Аҳмад Фарғоний таълимда амалий фаолият

устуворлиги ғоясини илгари суришди. XIII, XIV асрларда Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратларининг улуғ тариқатларида меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, поклик, софликнинг асоси эканлигини назарий ва амалий исботлаб: “Қўлинг меҳнатда бўлиб, Оллоҳ қалбингда бўлсин” шиорини илгари сурдилар ва унга ўзлари ҳаётларида ибратона амал қилдилар.[3]

XV-XVI асрларда Алишер Навоий бошчилигидаги мутафаккирлар инсонпарварлик ғояси назарияси ва амалиёти бўйича улуғ ишлар қилдилар. Европада Гелвеций, Дидро, Р. Оуэнлар тарбияни устуворлиги ғоясини илгари суришди. Рус олимлари К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой таълим ва тарбияни уйғунлиги ғоясини илгари суришди. С. Г. Шацкий, Л. В. Занков, Сухомлинскийлар таълимда амалиётни тадбиқи, онгли ўзлаштириш аҳамиятига эга эканлигини ишлаб чиқишди.[4]

Шарқ файласуфлари инсон ақлини юксакка кўтарди ва унинг қобилиятига ишонди. Баркамол авлод тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бироқ дунё халқларининг барчаси ҳам бу ҳақда ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари — энг мўътабар зиёлилари, ҳукмдорлари ҳисобланганлар.[5] Уларнинг орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган бобокалонларимизнинг ўз ўрни, ҳурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусига ўз тарихимиздан жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ал-Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридир. Унга кўра “Жамиятнинг ҳар бир фуқароси мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар фозил киши. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбининг устаси, вақти келганда Ватани учун жон фидо қилади. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади” [6]. Ота-она ва фарзанд, устоз-у шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Аввало бундай фикр юритишимизнинг ўз аждодларининг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини ва албатта бундай фикр айтиш бу борада кўп асрлик меросларни ўрганиш натижасида вужудга келишини таъкидлаш жоиз. Демак, бизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ҳақидаги ниятимиз учун маънавий асос бор. Миллатимиз урф-одатларидаги, қонидаги маърифат тушунчаси, илм ва билимга интилиш хислати бир неча минг йиллар давомида шаклланган.

“Калила ва Димна”, “Қобуснома”, Низомул-мулкнинг “Сиёсатнома”, “Рўшноинома”, М.Қошғарийнинг “Девони луғоти турк”, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”, А.Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб”, Ҳ.В. Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарларида илғор таълим-тарбия қарашлар ҳам ифодаланган.

Ҳозирги замон таълим-тарбия юксак умуминсоний кадриятлар асосида тараққий топиб бормоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2022-2026 йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида “Ёшларни билимли қилишда олий ўқув юртларини камраб олиш 50 фоизга ошиши” белгилаб олинди. Бундан кўринадики Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига қўшилишда интеллектуал билимларга эга ёшлар келажагимиз тараққиёти учун кафолатдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т... - Янги аср авлоди, 2016
2. Kurbanova, N. N. (2020). Subordination of land and water relations to the colonial interests of the Fergana region. *Экономика и социум*, (7), 36-39.
3. Kurbanova, N. N. (2022). SUBORDINATION OF LAND AND WATER RELATIONS TO THE COLONIAL INTERESTS OF THE FERGANA REGION. *Central Asian Research*

Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(1), 170-175.

4. Saidovna, R. D. (2021). Systematic approach to the development of students'creative abilities. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).

5. Khamidovna, P. O. (2021). The importance of the culture of communication in the pedagogical community. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 703-708.

6. Ataxanov Rafikjon Sotvoldiyevich (2021). FAMILY CEREMONIES IN CONNECTION WITH FUNERAL (ON THE EXAMPLE OF THEKARAKALPAKS OF THE FERGANA VALLEY) *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).

## ЯНГИ ЎЗБЕКСТОН ВА ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

**Қ. Одилов – Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” кафедраси  
доценти, фалсафа фанлари номзоди.**

**Аннотация:** Янги Ўзбекистон шароитида халқимизнинг миллий онги ва маънавиятидаги ўзгаришларнинг ўрни ва унинг ёшлар дунёқарашини шакллантиришидаги таъсири ҳамда ёшлар камолоти учун яратилган шарт-шароитлар масалалари баён этилган.

**Аннотация:** Описана роль изменений в национальном сознании и духовности нашего народа и его влияние в формировании мировоззрения молодежи в условиях нового Узбекистана и вопросы условий созданных для развития молодежи.

**Abstract:** The role of changes in the national consciousness and spirituality of our people and its influence in the formation of the worldview of youth in the conditions of the new Uzbekistan and the issues of conditions created for the development of youth are described.

Янги Ўзбекистон шароитида халқимиз миллий онги ва маънавиятида юз бериши муқаррар бўлган ўзгаришлар, ижтимоий жараёнлар ҳамда муносабатлар ёшларнинг дунёқарашида ҳам чуқур илдиз ота бориши билан изоҳланади. Умум аҳамиятга эга бўлган ижтимоий идеаллар ва мўлжалларнинг реал заминига таяниши, истиқбол режаларининг аниқлиги янги жамиятнинг миллий асосланган жараёнлари ўзагида тараққий эттириш имкониятларини кенгайтиради ва бу жароёнда ёшларнинг иштирокини кенгайтириди.

Янги давлат ва жамият қуриш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши, халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан шижоатли меҳнатлари билан катта марраларнинг давомчилари бўлган ёшларга алоҳида эътибор ҳам кучайди[1]. Шу билан бирга юртимизда эрка интиланган, ўзининг ёш авлодини билимли ва ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялашни ва уларни энг замонавий билимларни эгаллашини истаган улуғ аждодларимизнинг орзу-умидлари рўйобга чиқарилмоқда. Бинобарин бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олиб, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ҳам ана шундай улуғ аждодларимизнинг миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам ушланмоқда.

Бугун мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг боис “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда. “Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирга даврнинг тақозоси,

унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир”[2].

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар йилдан йилга халқаро ҳамжамият томонидан тан олиниб жаҳон миқёсида мамлакатимиз ҳақида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда халқимизнинг тараққиётни мутлақо янги босқичига қадам қўйгани, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Шу билан бирга мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Юртимизда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилингани бунинг яна бир амалий ифодасидир. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва асосий вазибалари устивор йўналишга айланмоқда[3].

Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугуннинг ёшларининг Ватан олдидаги, тарих олдидаги хизматлари энг аввало, мамлакатимизда қурилаётган “Янги Ўзбекистон”нинг янада ривожлантиришга қай даражада хисса қўша олиши билан ўлчанади. Шу боис ёшларнинг билим олиши ва тарбияси ҳақида қайғуриш–эртанги кун, ёрқин келажак ҳақида қайғуриш демакдир.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳномолигиа ёшларнинг ўқиш ва ижодий меҳнатда, жамият ҳаётида фаол қатнашишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Дарҳақиқат, ёшлар манфаатлари давлат сиёсатининг энг устувор мақсадларига айланган ҳолда, мамлакатда тез фурсатлар ичида ёшлар масалаларида катта ислохотлар амалга оширилди. Ёшларни билимли, олий маълумотли қилиш мақсадида ҳозирги кунда олийгоҳлар сони 141 тага етказилган бўлса-да, юртимизда нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ҳам кўпайиб бормоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш долзарб вазифа. Шу мақсадда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус ҳам ёшлар сиёсатидаги муҳим ислохотлардан. У ўзининг кенг қамровлиги билан аҳамиятлидир. Президентнинг ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бу ташаббуслари юртимиз ёшлари томонидан қизғин кутиб олиниб ижролари таъминланмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш устувор йўналишлар сифатида белгиланган[4]. Айниқса, таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-хунарлар, ИТ технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ёшларнинг маънавий соҳадаги фаоллиги уларнинг ўз актив ҳаётий позициясини онгли ва ижодий равишда амалга оширишидан иборатдир. Бундай позиция- юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриши сиёсатининг моҳиятини билишни, ижтимоий ҳодисаларга теран муносабатни, жамият тараққиётининг устувор вазифаларини чуқур ўрганишни, яъни назария билан амалиётни моҳирона кўшиб олиб боришни, меҳнатга фаол муносабатни, юксак эътиқод ва ахлоқий фазилатларни намоён этишни англатади. Бу борада ёшларда, айниқса, талабаларда янги дунёқарашни, юксак маънавиятни шакллантириш, уларни Ватанга садоқат, сиёсий ҳушёрлик, бузғунчи ғояларга муросасизлик руҳида тарбиялашда ижтимоий фанларнинг роли бекиёсдир. Жамиятнинг ижтимоий фаол гуруҳи бўлган талаба ёшларнинг жамиятимиз аъзоларига хос фаолликнинг ҳамма хусусиятларини ижтимоий фанларни чуқур ўрганиш орқали мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди. Ҳолбуки, 2016 йилда республикамиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди. Қисқа муддатда бу борада қарийб икки баробар ўсишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ёшларимиз, бутун жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий билим, касб-хунарларга янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимиз натижасидир[5].

Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий қамров 28 фоизга етди, деганидир. Қиёслаб кўрсак 4 йил аввал бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этарди. Бу борада давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга олийгоҳларга кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани, мамлакатимизда 2030 йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказишни режа қилганлиги ёшлар келажагини таъминлашга, уларнинг дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган амалий эътиборнинг намунаси дир.

Тошкент шаҳрида энг юксак халқаро талабаларга жавоб берадиган “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилиши, ушбу университетнинг мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари учун намуна бўлишини белгиланиши, бу ерда ўқиган энг билимли ва истеъдодли ёшларимиз дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади деб хисоблайиз.

Зеро бугунги ёшлар қанчалик билимли, тарбияли, дунёқарашли кенг, фаол фуқаролик позициясига эга ватанпарвар бўлиб камолга етса, янги Ўзбекистонни куришга шу қадар камарбаста бўлади

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Gaziev E. Xulq-atvor psixologiyasi. Toshkent, 2001 yil.
2. Kurbanova, N. N. (2022). SUBORDINATION OF LAND AND WATER RELATIONS TO THE COLONIAL INTERESTS OF THE FERGANA REGION. *Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(1), 170-175.
3. Saidovna, R. D. (2021). Systematic approach to the development of students' creative abilities. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).
4. Khamidovna, P. O. (2021). The importance of the culture of communication in the pedagogical community. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 703-708.
5. Ataxanov Rafikjon Sotvoldiyevich (2021). FAMILY CEREMONIES IN CONNECTION WITH FUNERAL (ON THE EXAMPLE OF THE KARAKALPAKS OF THE FERGANA VALLEY) *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.5 Pedagogical sciences).



## **ФАРҒОНАНИНГ ҚАДИМГИ АҲОЛИСИ** (қадимги ёзма манбалар ва археологик материаллар таҳлили)

**Нодирбек Олимов- Андижон Давлат Университети таянч докторанти**

**Annotatsiya:** Мақолада қадимги ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида Фарғона водийси қадимги аҳолисининг этник таркиби, хўжалиги ва шаҳарсозлик маданияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Париканлар, Даван давлати, ўтроқ аҳоли, этноним, қабила, юнон-рим, халқ

**Аннотация:** В статье представлены сведения об этническом составе, хозяйстве, культуре и городах древних жителей Ферганской долины на основе древних письменных источников и археологических материалов.

**Ключевые слова:** париканы, Даванское государство, оседлое население, этноним, племя, греко-римляне, народ

**Annotation:** The article provides information about the ethnic composition, economy, culture and cities of the ancient inhabitants of the Fergana Valley on the basis of ancient written sources and archeological materials.

**Keywords:** Parikans, Davan state, sedentary population, ethnonim, tribe, greco-roman, people

Ўрта Осиёнинг, хусусан, Фарғона водийси қадимги халқлари ҳақидаги маълумотлар асосан «Авесто», Юнон-Рим, Эрон ва Хитой ёзма манбаларида сақланиб қолган. Ушбу ёзма манбаларда водий аҳолиси, хўжалиги, моддий маданияти, лингвистик тузулиши ҳақида маълумотлар кам. Чунки Фарғона водийси ҳудудлари форс Аҳамонийлари ва юнон-македон истилоси даврида мустақиллигича қолган эди. [8- Б.29]

Қадимги Фарғона водийси аҳолисининг этник таркибини париканлар, саклар, эгилар, обийлар, усунлар каби этник бирикмалар ташкил қилган. [8- Б.32]

Бу гуруҳлар ичида париканлар Фарғона водийсининг текислик қисмида ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Қадимги юнон тарихчиси Геродот Аҳмонийлар салтанатида истикомат қилган «париканлар» деган халқни ўз асарида эслаб ўтади. Геродот айтиб ўтган „париканлар” Қадимги Фарғона аҳолисининг келиб чиқишига қанчалик боғлиқлиги ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. [8- Б.29] Н.Г. Маллицкий ва М.С. Андреевлар «Фарғона» сўзининг келиб чиқиш тарихини ўрганиб, маҳаллий халқ Фарғона сўзини «Парғона» деб талаффуз қилишини аниқладилар. Тожикистоннинг Рўшон лаҳжасида «Парғона» – «текислик жой ёки фақат бир томони очик, қолган томони тоғ билан ўралган водий» деган маънони, Язгулом лаҳжасидаги «барғона» сўзи ҳам худди шундай – «атрофи ўралган водий» маъносини беришини кўрсатиб ўтган [5- Б.283]. Бу масала тўла аниқланмаган бўлсада, илмий адабиётларда кўпроқ қадимги Фарғона аҳолисига нисбатан париканлар атамаси ишлатилади. Довон давлатининг асосчилари ҳам айнан шу париканлар ташкил қилган. [8- Б.30]

Эгли халқи эса милoddан аввалги I мингйиликнинг ўрталарида Сирдарёнинг чап соҳилида яшаган. Улар сўғд қабилаларидан бўлиб, катта қисми ҳозирги Хўжанд худудида яшаган. [9- Б.68]

*Обий скифлари* ёки *апасиаклар* («сув скифлари») эса Сирдарё бўйлаб, Фарғона водийсининг ғарбий қисмлари атрофида ва Тошкент худудида истикомат қилган. [3- Б.7]

Усун этнонимли халқ милоддан аввалги II-асрнинг II-ярмида Жунғорияни, Тяньшан тоғларининг ғарбий қисмини ва Шарқий Туркистонни эгаллаб, ушбу қабилаларнинг айрим қисмлари аста-секин Фарғонанинг тоғли ҳудудларига келиб ўрнашган. Н.А.Аристов, С.Е.Малов, Ю.А.Зуевларнинг маълумотларига кўра усунлар туркий тилда сўзлашувчи халқ бўлганлар. [1- Б.291-300]

Туркийгўй этник бирикмалар Фарғона водийси қадимги аҳолисининг этник таркибини йирик қисмини ташкил қилган. А.А. Асқаровнинг тадқиқотларига кўра, Ўрта Осиё ҳудудида яшаган туркий этнослар бронза даврига оид ёдгорликларда кўпроқ учрайди [2- Б.69-80]. Сўғдшунос олим М.Исҳоқов ва хитойшунос А.Хўжаевларнинг илмий тадқиқотларида қадимий туб жой аҳолиси туркий этнослар еканлиги исботланганлар [6- Б.7-12].

Фарғона водийси қадимий аҳолиси тўғрисида Хитой ёзма манбаларида кўп ва қизиқарли маълумотлар бизгача етиб келган. Масалан, Қадимги хитой тарихчиси Си Ма Сяннинг (милоддан аввалги .II-I аср.) "Тарихий хотиралар" ва Бан Гу нинг (милоддан аввалги I аср .) "Биринчи Хан сулоласининг тарихи" асарлари жуда муҳим ўрин тутаяди.

Бан Гунинг маълумотларига кўра қадимги даврда Фарғона водийси ҳудудида Довон давлати бўлган. Илк манбаларда Даван – Хитойчада «Даюан (Да-Ван -катта Ван) ҳақида маълумотлар учрайди. Унинг чегараси шимолда Қанғуй, ғарбда - юечжилар, жануби-ғарбда Бактрия. Аҳолиси 300000 кишидан иборат бўлиб, 60000 оилани ташкил қилган, армияси эса 60000 аскардан ташкил топган. Даван аҳолисининг юз кўриниши қовоқлари киртайган - чуқур кўзли, қалин соқолли бўлган. Жуда уста, савдогар бўлишган. Аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланиб ўтроқ ҳаёт кечирган: шоли ва буғдой етиштирганлар. [4- Б.]. Довон давлатида катта-кичик 70 дан ортиқ шаҳарлар бор эди, улардан Эрши, Ючен, Гуйшан номларини тилга оладилар

Ючен- Даваннинг шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб олимлар уни ҳозирга Ўзган шаҳри ўрнида бўлган деб ҳисоблаганлар. Лекин, Ю.А.Заднепровский Ючен шаҳрини Ўзгандан шарқроқда жойлашган 70 гектарли Шўрабашат харобаси билан боғлайди. Ўзининг бир неча мудофаа деворлари мавжудлиги ва қадимги давр маданий қатламлари кўплиги билан Шўрабашат Ючен шаҳри қолдиғи бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. [7- Б.]

Иккинчи катта шаҳар ва пойтахт Эрши шаҳридир. Қадимги ёзма манбаларда Эршида учқур тулпорлар борлиги, у икки қисмдан ички ва ташқи шаҳардан иборатлигини айтиб ўтилган. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Хитойлар мактаб таъриф берган «самовий отлар» тасвири Аравон - Ўш йўли яқинидаги қоя тошларга чизилган. Бу тасвирлар Эрши гуллаб яшаган, яъни, милоддан аввалги II-I асрлар ҳамда милоднинг бошларига тўғри келади ва Мингтепага жуда яқин. Илмий хулосаларнинг аксарида Мингтепани қадимги Эрши деб тан олади.

Бундан ташқари, Фарғона водийси қадимий аҳолиси ҳақида маълумотларни ўрганишда археологик материаллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу манбалар орқали водий аҳолисининг турмуш-тарзи ва маданияти ҳақида билишимиз мумкин. Ҳозиргача Даван даврига тааллуқли бир неча юз археологик ёдгорликлар аниқланган. Шубҳасиз уларнинг кўплари ўша 70 та шаҳар саноғига киради. Булар Шўрабашот майдони 70 га, Ўш вилояти, Ўзган шаҳри яқинида, Қўрғошинтепа, (Ўш яқинида), Янгибозортепа (майдони 10 га, Новқат туманида), Мингтепа (майдони 38 га, Андижон вилояти), Қува (майдони 12 га, Фарғона вилояти), Баландтепа ( майдони 9 га, Наманган вилояти), Тўрткўлттепа (13 га),

Кўрғонтепа (майдони 8 га, Андижон вилояти). Учкўрғон (24 га), Оқтепа (12 га) ва Қайноват (15 га, Наманган вилояти) кабилардир.

Фарғона водийси - милоддан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёни кўплаб ҳудудларини эгаллаган Эрон аҳамонийларига ҳам бўйсунмаган. Сўнгра Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) кўшинлари ҳам ҳозирги Хўжандгача бостириб келганлар холос. Салавкийларни ҳам водийда бўлгани ҳақида бирор маълумот йўқ. Фарғона давлати тарихи давомида ўз эркинлигини сақлаб қолган.

II – IV асрларда Ўрта Осиёга хионийлар, кидарийлар ва эфталитлар каби қабилалар Жанубий Сибир, Жунгория, Шарқий Туркистон ҳудудларидан келиб ўрнаша бошлаганлар ва улар IV – VI асрларда юртимиз аҳолининг катта қисмини ташкил қилган [10- Б.81].

Хуллас, юқорида келтирилган материаллар маълум бўладики, Фарғона водийсида қадимдан турли этник жамоаларга мансуб халқлар яшаганлар. Уларнинг турмуш-тарзи, маданияти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда ўз аксини топган. Водий ҳудудида олиб борилган археологик текширувлар ҳам юқоридаги фикрни тўла тасдиқлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. // Живая старина. Вып. III-IV.-С.-Петербург, 1896.; Малов Е.Е. Древние и новые тюркские языки. // Изв. АН СССР отд. лит-ры и языка Т.ХI вып. 2., 1952; Зуев Ю.А. К вопросу о языке древних усуней // Вестник АН Каз. ССР. 1957. №5.

2. Асқаров А.А. Ориилар муаммоси: Янгича қарашлар ва ёндашувлар // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда – Т., 2005. –

3. Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Науч.популяр.очерк.)- Т.: Фан, 1951.,

4. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. АННССР, 1950 ., Т

5. Маллицкий Н.Г. О некоторых географических терминах, имеющих отношение с Средней Азии // ИВГО. Вып. 5. – Спб., 1845. – С. 283; Андреев М.С. Новые данные по установлению значения слова «Фергана» // Сообщения Таджикского ФАН СССР. Вып. 24. – Сталинбад, 1950.

6. Мирсадиқ Исхақов. Эски турк яритларин сографраси ве турк этногенез сурежларин тарихи ўртами. Туркистан Қозок-турк университетин «Туркология» Журналин. – Туркестан. – 2003. – № 2. ; Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. – Т., 2003

7. Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА .- М., 1962.

8. У.Абдуллаев, Г.Валихонова. Фарғона водийси аҳолиси : этник таркибининг шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи. Т., 2016,

9. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар.- Т.: Фан, 1990.

10. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996-№6.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ КРАУДСОРСИНГА ДЛЯ РАЗВИТИЯ БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

к.ф.-м. н., доцент М.Х.Охунов<sup>1</sup>, к.э.н., доцент Д.М.Охунов<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ферганский политехнический институт

<sup>2</sup> Ферганский филиал Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий

*Аннотасия.* Краудсорсингинг асосий мақсади харажатларни камайтиришидир, лекин бундан ҳам муҳими, инноватсияларни тезлаштиришидир. Краудсорсинг нима, унинг табиати ва моҳияти нима? Нима учун у бутун дунёда машҳурлик касб этмоқда? Ушбу мақолада шу саволларга жавоблар берилган.

*Калитли сўзлар:* рақамли иқтисодиёт, краудсорсинг, буюмлар Интернет, оломон, крауд-платформаси.

*Аннотация.* Основная цель краудсорсинга – снижение издержек, но более важная цель – это ускорение инноваций. Что же такое краудсорсинг, какова его природа и сущность? Почему он набирает популярность по всему миру? В этой статье даны ответы на поставленные вопросы.

*Ключевые слова:* цифровая экономика, краудсорсинг, интернет вещей, толпа, крауд-платформа.

*Annotation.* The main goal of crowdsourcing is to reduce costs, but the more important goal is to accelerate innovation. What is crowdsourcing, what is its nature and essence? Why is it gaining popularity all over the world? This article provides answers to these questions.

*Keywords:* digital economy, crowdsourcing, Internet things, crowd, crowd platform.

Современный тип экономики влияет на все отрасли без исключения, начиная от розничной торговли и заканчивая образованием, энергетикой и многие другие. Ключевым элементом инфраструктуры современной экономики является цифровая экономика которая включает соответствующие цифровые технологии, а именно: Интернет вещей (*IoT*), большие данные (*Big Data*), робототехника, искусственный интеллект, мобильные устройства - все они видоизменяют способы экономических отношений и социального взаимодействия.

Несмотря на то, что влияние цифровой экономики на экономические процессы и отношения является очевидным, данный вопрос еще не является достаточно изученным и требует детального рассмотрения.


За последние годы в Узбекистане принят ряд принципиально важных документов. Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан №3832 от 3 июля 2018 года «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан»<sup>22</sup> нашей страной принимаются широкомасштабные меры по развитию цифрового сектора экономики, внедряются системы электронного документооборота, развиваются электронные платежи и совершенствуется нормативно-правовая база в сфере электронной коммерции.

Существует не так много определений термина «краудсорсинг». Так, по Джеффу Хау «краудсорсинг (*crowdsourcing*, *crowd* - «толпа» и *sourcing* - «использование ресурсов») - передача некоторых производственных функций неопределенному кругу лиц, решение общественно значимых задач силами добровольцев» [1, 74]. По мнению Л.В. Лapidус,

<sup>22</sup> Постановление ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» от 3 июля 2018 года

**краудсорсинг** (*crowdsourcing*) в широком смысле - включение людей («толпы») в процесс создания, финансирования, производства, продвижения проекта (продукции, услуги) на добровольной основе (см. рис. 1). с целью добавления потребительской ценности и получения прибыли за счет формирования дополнительного спроса на проект (продукт, услугу) или решения социально-значимых капитало-, трудо- и знаниеемких задач с использованием краудсорсинговой платформы [2, 476].

Частным случаем коммерческого и некоммерческого краудсорсинга является краудсорсинг инноваций [3]. Практики все чаще стали использовать термин «**открытые инновации**», что можно рассматривать в качестве конечного продукта краудсорсинга инноваций [4].



**Рис. 1.** Сущность краудсорсинга.

В заключении нужно отметить, что отказ от электронных коммуникаций и инновационных технологий продвижения товаров, услуг на рынок на основе краудсорсинга может привести к потере контроля над охватом целевой аудитории, слабой обратной связи с потребителями и, что самое существенное, к невозможности конкурировать за сокращение транзакционных издержек.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Hollensen S. Global Marketing [Text] / Svend Hollensen. - Sixth Edition. - Pearson Education Limited. - 2014.
2. Лапидус Л.В. Краудсорсинг и краудфандинг: природа, сущность, особенности реализации крауд-проектов [Текст] / Л.В. Лапидус // Экономика и предпринимательство. - № 1 (78). - 2017. - С. 476-479.
3. D.Okhunov, S.Semenov, S. Gulyamov, D.Okhunova, M.Okhunov. Tools to support the Development and Promotion of Innovative Projects. SHS web of Conferences 100, 01008(2021) ISCSAI 2021
4. Dilshod Okhunov, Mamatjon Okhunov, Mukaddas Akbarova. Method of calculation of system reliability on the basis of construction of the logical function of the system. E3S Web of Conferences 139, (2019)/ RSES 2019.

## ПРИМЕНЕНИЕ КЕЙС-ТЕХНОЛОГИИ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

Рахимова Н.Х., преподаватель ТУИТ имени Мухаммада ал-Хоразмий

***Аннотация.** Статья посвящена проблеме использования кейс-технологии для организации устно-речевого аутентичного взаимодействия / общения обучающихся на занятиях по иностранному языку. Уточняется понятие технологии case study, а также рассматриваются её отличительные признаки.*

***Ключевые слова:** кейс-технология, образовательный процесс, метод, обучение, игровой метод, принцип и этапы технологии, коммуникация.*

***Annotaciya.** Maqola chet tili darsida o'quvchilarning og'zaki-nutq autentik o'zaro ta'sirini / muloqotini tashkil qilish uchun keys texnologiyasidan foydalanish muammosiga bag'ishlangan. Keys texnologiyasi tushunchasiga oydinlik kiritilib, uning farqlovchi xususiyatlari ko'rib chiqiladi.*

***Kalit so'zlar:** keys texnologiyasi, o'quv jarayoni, metodi, o'rgatish, o'yin usuli, texnologiya tamoyili va bosqichlari, aloqa*

***Annotation.** The article is devoted to the problem of using case technology to organize oral-speech authentic interaction / communication of students in a foreign language class. The concept of case study technology is clarified, and its distinguishing features are considered.*

***Keywords:** case technology, educational process, method, training, game method, principle and stages of technology, communication.*

Для эффективной организации образовательного процесса, естественно, возникает вопрос, каким образом организовать систему подготовки компетентных специалистов, способных отвечать большинству требований работодателя. При этом работодатель чаще предъявляет требования к молодому специалисту, относящиеся к общим компетенциям: работать в команде, принимать самостоятельные решения, мобильно перестраиваться, ставить и решать новые профессиональные задачи.

С названных позиций в качестве образовательной стратегии кейс-метод обучения (case-study) представляется наиболее функциональным.

Кейс-метод — это метод активного обучения на основе реальных ситуаций (идёт формирование проблемы и путей её решения на основании кейса, который выступает одновременно в виде технического задания и источника информации для осознания вариантов эффективных действий) [1].

Как правило, выделяют следующие принципиальные особенности метода исследования ситуаций:

- а) центральный пункт – проблема, а не предмет;
- б) кейс должен иметь дело с конкретным объектом, а не только с общей теорией;
- в) обучаемые обязаны активно участвовать в процессе учения, а не только быть пассивными слушателями;
- г) возможно не одно решение проблемы.

Ситуационная методика опирается и включает в себя многочисленные методы преподавания, но предпочтение отдается методам стимулирования и мотивации учебно-воспитательной деятельности. Таким образом, кейс-метод можно представить, как сложную систему, в которую интегрированы другие, более простые методы познания. В него входят моделирование, системный анализ, проблемный метод, игровые методы и другие формы и методы преподавания [2].

На сегодняшний день уже не подвергается сомнению тот факт, что кейс-технологии – обучение на примере конкретных случаев – являются одним из эффективных развивающих способов обучения студентов навыкам решения типичных проблем.

В переводе с англ. «кейс» означает портфель; дипломат, кейс. Кейс-метод (case-study) – техника обучения, использующая описание реальных экономических и социальных ситуаций (от англ. case — «ситуация, случай»): это письменное описание какой-то конкретной реальной ситуации в фирме; обучающихся просят проанализировать ситуацию, разобраться в сути проблем, предложить возможные решения и выбрать лучшее из них. Это своего рода инструмент, посредством которого в учебную аудиторию привносится часть реальной жизни, практическая ситуация, которую предстоит обсудить, и предоставить обоснованное решение.

Структура кейса включает в себя:

- 1) ситуацию (случай, проблема, история из реальной жизни);
- 2) контекст ситуации (хронологический, исторический, контекст места, особенности действия или участников ситуации);
- 3) комментарий ситуации, представленный автором.

Этапы решение кейсов следующее:

- Первый этап – знакомство с ситуацией, ее особенностями.
- Второй этап – выделение основной проблемы (основных проблем), выделение факторов и персоналий, которые могут реально воздействовать.
- Третий этап – предложение концепций или тем для «мозгового штурма».
- Четвертый этап – анализ последствий принятия того или иного решения.
- Пятый этап – решение кейса – предложение одного или нескольких вариантов (последовательности действий), указание на возможное возникновение проблем, механизмы их предотвращения и решения [3].

Принцип кейс-метода особенно значим тем, что позволяет инициировать самостоятельное изучение ситуаций студентами, формировать их собственное видение проблем и их решения, вырабатывать умения обсуждать ситуацию со своими коллегами. Этим данный метод особенно ценен для обучения иностранным языкам, ведь для успешного овладения иностранным языком важно иметь постоянную возможность говорить на этом языке, развивать навыки диалогической и монологической речи, совершенствовать умение поддерживать беседу на иностранном языке, высказывать свою точку зрения, используя различные грамматические конструкции, расширяя свой лексический словарный запас. Основной целью изучения иностранных языков при этом была и остаётся по сей день коммуникация.

Таким образом, метод кейсов предоставляет студентам отличную возможность творчески применять пройденный языковой материал на базе своих профессиональных знаний и позволяет студентам адаптироваться к реальным и потенциально возможным ситуациям.

#### **Использованная литература**

1. Деркач А. М. Кейс-метод в обучении // Специалист. - 2010. - N 4. - С. 22-23.
2. Деркач А. М. Кейс-метод в обучении органической химии: составление и использование заданий // Среднее профессиональное образование. — 2010. — N 11. — С. 45-47
3. Смолянинова, О.Г. Инновационные технологии обучения студентов на основе метода Case Study // Инновации в российском образовании: сб.- М.: ВПО, 2000.

## YOSHLAR INTELEKTINI OSHIRISH MUVAFFAQIYAT OMILI SIFATIDA

Turg'unov Bahromjon Rahimjonovich

Andijon davlat universiteti,  
Umumiy psixologiya kafedrası doktoranti  
[btrbaxrom@gmail.com](mailto:btrbaxrom@gmail.com) +998978310828

**Annotatsiya:** Har qanday jamiyatning taraqqiyotini belgilovchi asosiy omillardan biri ta'lim-tarbiya ishlarining samaradorligini oshirishdir. Jamiyat istiqboli ko'p jihatdan o'quv muassasalarida tayyorlanayotgan mutaxassislarning mahoratiga, yuqori intellektual darajasiga bog'liqdir. Ushbu maqolada intellektning xususiyatlari, o'sish dinamikasini aniqlash va o'qitishning faol, innovatsion metodlarni qo'llash va ulardan amaliyotda foydalanish to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** intellekt, qobiliyat, ta'lim, tarbiya, istedod, aql, axloq

В Постановлении Кабинет Министров от 12 октября 2021 года №639 «Развитие альтернативной энергетики, электротехники и микроэлектроники, повышение эффективности научных исследований в области физики полупроводников, а также меры по усилению деятельности научно-исследовательского института «Физики полупроводников и микроэлектроники» при Национальном Университете республики Узбекистана имени Мирзо Улугбека» говорится о привлечении научно-педагогических кадров, специалистов, молодых ученых, одаренных студентов и школьников к прикладным исследованиям в институте. Это требует от Института исходя из зарубежного опыта, расширения сотрудничества с общеобразовательными школами с углубленным изучением физики в стране, привлечение старшеклассников в науку.

Для этих целей нами был разработан план действий по формированию «Ассоциации физиков и молодых ученых»; сформирован устав и определены задачи Ассоциации; сформирована перечень общеобразовательных и специализированных школ республики с углубленным изучением физики; пересматриваем программу по интегрированному обучению, где практические занятия преобладают по количеству общей утверждённой учебной программы; учебные аудитории необходимо переоборудовать, оснащать лабораторные кабинеты, создать виртуальные лабораторные работы, организовать мультимедийное обучение.

Для этих целей с институтом Механики и сейсмостойкости сооружений АНРУз составлен проект о создании «Комплекта лабораторных работ по курсу физики для специализированных и общеобразовательных школ». Получены положительные отзывы, ждем финансирования; С 2021/2022 учебного года базе института организованы учебно-практические занятия для студентов соответствующих бакалаврских и магистерских специальностей, а также ведутся научно - исследовательские работы по их дипломным и кандидатским диссертациям [3.с. 3]; сформирована база данных магистерских тем, которые соответствуют направлению исследования института и промышленных предприятий Республики.

Среды традиционных способов взаимодействия университетов и НИИ выделяют производственную практику студентов. Во время прохождения практики студентам выдается возможность применить свои умения и навыки, которые они получили во время обучения, это практика продолжается дальше на промышленной бизнес-структуре им предоставляется возможность, оценить рабочую атмосферу и условия в конкретной организации, где молодые специалисты получают знания о производственных, организационных и технологических процессах, знакомятся с документацией промышленной структуры, получая важный для будущей трудовой деятельности опыт. Данное взаимодействие положительно влияет как на университеты, НИИ, так и на сами бизнес структуры, которые получают возможность оценить молодых, еще недипломированных специалистов в процессе работы. Подобные мероприятия и практика сильно влияет на мотивационные аспекты молодёжи и их дальнейшего роста. На базе основных кафедр университета создана филиалы базовых кафедр ТГТУ(технический) и



ТГТУ (транспортного). В данный момент идет процесс разработки программ научно-исследовательской и учебной работы базовой кафедры института.

По опыту создание программ для магистров ведущими зарубежными университетами нами выделены некоторые из них. За рубежом, в основном программы составляются соответственно от цели, поставленной перед университетом. Например,

- *Содействие процессам непрерывного образования виде дистанционных курсов с участием иностранных профессоров* в основе которых:

- постоянное обеспечение рынка высококвалифицированными кадрами;
- улучшение взаимодействия между профессиональным и академическим образованием;
- быстрое применение новых знаний на практике;
- повышение уровня международной конкурентоспособности научной деятельности посредством получения профильного образования в течение всей жизни наряду с работой.

- *Обеспечение региона специализированными кадрами*

Здесь имеется ввиду, обеспечение специалистами определенных отраслей, и региона в целом. При этом, предлагаемая программа должна быть финансово жизнеспособным. Здесь требуется изучить спрос рынка, потенциал института, его ресурсы, возможности для карьерного роста на рынке труда, ориентация на международный рынок с акцентом на научно-исследовательские приоритеты.

В большинстве европейских вузов реализуются магистерские программы 3-х типов:

– практико-ориентированные магистерские программы, обучение по которым ведется очно, заочно, дистанционно или в смешанной форме;

– научно-ориентированные магистерские программы, большинство из которых носят инновационный характер и служат основой для продолжения научных исследований для своих выпускников;

– магистерские программы различной продолжительности, реализуемые без отрыва от производства для слушателей, получающих дополнительную квалификацию. Таким образом, механизмы выбора содержания и структуры магистерских программ в исследованных зарубежных университетах основаны на общих принципах, варьируясь в зависимости от стратегии развития вуза, его профиля и национальных особенностей.

Из выше рассмотренных наиболее приемлемым для нашей страны является смешанная модель реализации магистерских программ. Данную модель применяют 10 университетов мира. В Узбекистане из-за проблемы финансирования приглашенных преподавателей могут возникнуть трудности его внедрения. Для решение этой проблемы, опять обратимся к зарубежным опытом. В работе [5.с.71] отмечается, что сейчас в мировом сообществе сильно распространена идея поддержки компаний, которые активно сотрудничают с университетами. К примеру, в США правительство предоставляет определенные налоговые льготы в случае, если компания отчисляет средства для совместных НИОКР с высшими школами, а также особые льготы фирмам, которые представляют оборудование для лабораторий в вузах. В рамках организации программы по стимулированию совместных исследовательских и научных проектов власти даже пошли на перестройку антимонопольного законодательства, для того чтобы проекты крупных бизнес структур и крупных университетов не могли попасть под статью ущемления конкуренции. В России

результаты НИОКР наполовину удовлетворяет спрос на инновационные услуги и продукты, около 50% привозится из-за рубежа. В Узбекистане больше половины технологий, пользующихся нашей промышленностью, приходит из-за рубежа. Это показывают, что НИИ и ВУЗы имеют определенные трудности с созданием инновационных продуктов из-за нехватки финансирования, а также не полностью освоен у нас рынок научно-технических инноваций.

Эффективность развитие сферы науки и образования непосредственно зависит от достаточного объема финансирования, как со стороны государства, так и из бизнес среды. По статическим данным доля государства на финансирования НИОКР от ВВП страны выглядит таким образом: Россия -1,1%.; Великобритания - 1,69% ; Германия – 2,94%; Израиль – 3,4%.; Республика Корея – 3,4%.; США – 2,7%.; Финляндия - 3,8 % ; Швейцария – 3,4% ; Япония -3,4% ; Дания -3,4%; Австрия – 3.4% Китай – 2% .; Узбекистан – 0,5%. . (3).

В таблице №1 показана доля секторов, участвующих в финансировании сферы науки и исследования по странам. Здесь видно, что бизнес структуры распределяют свои средства намного больше, чем финансируют государственные учреждения, около 60-70% от общего объема инвестиций. Это показывает о благоприятном инвестиционном климате этих стран, которые снижают нагрузки на государственный бюджет этих стран.

Таблица. 1.

Структура затрат на научные исследования и разработки по источникам финансирования в 2017г.

№	государства	Средства гос-ва в %	Средства предпринимательского сектора	Другие национальные источники	Иностранные источники	Всего на НИОКР
1	Россия	66,2	30,2	0,8	2,8	100%
2	Великобритания	28	49	0,7	16	100%
3	Германия	28,5	65,2	0,3	6	100%
4	Израиль	11	34,3	2,7	52	100%
5	Республика Корея	22	75,4	1,3	1,3	100%
6	США	25,1	62,3	5,2	8	100%
7	Франция	27	54	9	10	100%
8	Швейцария	25	63,5	2,5	9	100%
9	Япония	15	78,1	6	1	100%
10	Китай	20	76,1	0,9	3	100%

Таблица составлена автором исходя из (5).

По словам известного английского философа, экономиста Джон Стюарт Милль движущей силой общественного развития является «повышение уровня умственного развития населения. По нашему мнению, для развития научно-технической сферы экономики, повышения интеллектуального потенциала страны требуется:

- установить тесный контакт с бизнес структурами и промышленными предприятиями, необходимо изучить спрос в квалифицированных кадрах;

- со стороны государства установить льготы предприятиям и бизнес структурам, инвестирующим НИИ и НИОКР, Вузовские КБ;
  - разработать учебные программы соответственно инновационному развитию и интеграции для магистратуры, бакалавриата и для одарённых школьников;
  - создать соответствующую инфраструктуру обучающим школьникам и студентам бакалавриата и магистратуры, организовать инновационный ресурсный центр для обучающихся молодёжи для повышения качественно-квалификационный потенциал;
  - на конкурсной основе выбирать профессорско-преподавательский состав.
- Это способствует выйти Узбекистан на новый уровень инновационного развития.

#### **Список использованной литературы.**

1. Давыденко Л.Н. диссертация. «Социальное предпринимательство как перспективное направление развитие человеческого потенциала»2022г.
2. Постановление кабинет министров от 12 октября 2021 года №639.
3. Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики». Рейтинг ведущих стран мира по затратам на науку. Новости. 24 июль2018г.
4. Воронцов Е.Б. «Технологии и инструменты управления человеческими ресурсами». 9стрПроблемы прогнозирования и государственное регулирования социально-экономического развития. МатериалыXXI Межд. Научн. Конф.Минск 22-23окт. 2020г.
5. Отчет о результатах экспертно-аналитического мероприятия «Определение основных причин, сдерживающих научное развитие в Российской Федерации» 2020г.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОЎМИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Худайбердиев Равшан Уктамжонович**  
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодий ва  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”  
илмий –тадқиқот маркази таянч докторанти

***Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистонда инвестициялар оқими самарали ташиқил этишни такомиллаштириши йўллари хусусида илмий қарашлар келтирилган.*

***Калим сўзлар:** иқтисодий, инвестиция, бевосита хорижий инвестиция, капитал, портфель, солиқ, амортизация, кредит, стратегия.*

***Аннотация:** В данной статье представлены научные взгляды на пути повышения эффективности организации инвестиционных потоков в Узбекистане.*

***Ключевые слова:** экономика, инвестиции, прямые иностранные инвестиции, капитал, портфель, налоги, амортизация, кредит, стратегия.*

***Annotation:** This article presents scientific views on ways to improve the effective organization of investment flows in Uzbekistan.*

***Keywords:** economy, investment, foreign direct investment, capital, portfolio, taxes, depreciation, credit, strategy.*

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг, жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Маълумки, ҳар

қандай давлат жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан, дунёдан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмаслиги барчамизга маълум.

Худудларимизда инвестиция фаолият фаолиятни бошқариш жараёнида ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал, замонавий билимларни олиш, солиқларнинг тартибловчи ролини янада такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик тенденциясини оширишга қаратилиши лозим. Бунда асосий вазифа сифатида – чет эллик ҳамкорларга капитал қуйишда энг самарали йуналишларни танлаш имкониятини бериш ва таклиф қилиш, ўзаро манфаатлар уйғунлиги белгилаш лозим.

Хорижий инвестициялар кўшма корхоналарда ўз хиссаси билан қатнашиб, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тўзиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, эркин иқтисодий худудларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Мақсадига кўра, хорижий инвестициялар бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади. Бевосита инвестициялар – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Бевосита хорижий инвестиция(БХИ)лар асосан тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

БХИ борасидаги яна бир ёндашув бу турдаги инвестицияларни фақат мулкчилик кўлами билан, яъни акционерлик капиталидаги улуши билан боғлиқ, деб кўрсатади. Унга мувофиқ БХИларни:

- а) хорижда акцияларни сотиб олиш орқали;*
- б) фойдани қайта инвестициялаш ёрдамида;*
- в) фирма ички қарзлари ва қарздорликлари орқали амалга ошириши мумкин.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”<sup>23</sup>ги Фармонида келтирилганидек, “26-мақсад:** Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш.

Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастан-юқорига» тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш.

2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш.

Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш.

Республика худудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, жумладан Сирдарё вилоятининг Хитой Халқ Республикаси, Сурхондарё вилоятининг Россия Федерацияси ҳамда Жиззах вилоятининг

<sup>23</sup> <https://lex.uz/docs/5841063>

Ҳиндистон бизнес доиралари билан инвестиция ва ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш.

Сурхондарё вилоятида «Инвесторларга кўмак маркази», Навоий вилоятида Навоий кон-металлургия комбинати томонидан «Бизнесга кўмаклашиш маркази» ва Тошкент шаҳрида «Илғор лойиҳалар ва инжиниринг маркази» ва ҳар бир туманда «Инновация ва технология марказлари» ташкил қилиб, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш.

Тошкент шаҳрида ҳар йили «Тошкент халқаро инвестиция форуми»ни ўтказиб бориш”.

Рақамли иқтисодиёт шароитида чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга ҳамда қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим.

Шунингдек тартибга солиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам инобатга олиш лозим. Бунда чет эл инвестицияларининг оқиб киришини рағбатлантириш, шунингдек миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб тартибга солишнинг вазифаси, бир томондан, бевосита чет эл инвестициялари оқимини ошириш ва хорижий тажрибанинг ўзлаштирилишидан, иккинчи томондан, миллий иқтисодиётдаги хусусий мулкчиликка асосланган ташкилотлар таркибидаги капитал қўйилмаларни кенгайтиришдан иборат бўлади.

Бевосита чет эл инвестициялари оқимини кенгайтиришга қулай шароитлар яратиш натижасида, уларнинг фаолиятини давлатлараро айирбошланишидан, қўшимча рискларнинг пайдо бўлиш эҳтимолларидан ва капитал оқимининг вақтли концепциясидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш талаб этилади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жами рисклари орасида валюта рисклари ажралиб туради.

Ҳукумат кафолати билан олинадиган кредитлар ва қарзлар ролининг ошиб бораётганлиги инвестиция муҳитини ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида кескин чора-тадбирлар кўрилишини таъқозо этадики, унга иқтисодиётнинг устувор секторларида солиқ кредитларидан кенг фойдаланишга ўтиш лозим.

Давлатимиз томонидан инвестицион фаолиятини бошқариш бир қатор чора-тадбирларни қўллаш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш асосида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

- солиқ тизимини қулайлаштириш, яъни солиқ субъектларини, объектлари, ставкаларини табақалаштиришмасдан ягона солиқ тизимини яратиш ва шу асосида солиқ имтиёзларини бериш;
- амортизация сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш ҳамда амортизация имтиёзларини тақдим этиш;
- айрим ҳудудларни, тармоқларни ривожлантириш мақсадида дотациялар, субсидиялар, субвенциялар орқали ёрдам кўрсатиш ва уларнинг самарали сарфланиши учун хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда фаолият юритиш;
- кредит сиёсатини, давлатнинг норма ва стандартларининг антимонопол тадбирларини ишлаб чиқариш, давлат мулкани хусусийлаштириш ва нарх сиёсатини ўтказиш;

- ер ҳамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш ва имкониятларни кенгайтириш;
- қиймати нолга тенглаштирилган корхоналарни имтиёзли кредитлар асосида ишга туширишни йўлга қўйиш;
- инвестиция лойиҳаларининг мониторингини ўтказиш ва механизмини такомиллаштириш.

Хулоса қилганимизда, Ўзбекистонда инвестициялар оқимини самарали ташкил этишни такомиллаштиришда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, у фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади, шунингдек инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш орқали мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва бу барча соҳа ҳамда тармоқлар салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли „2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида“ Фармони, <http://www.lex.uz> (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).
2. Н.Г.Каримов Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2017..
3. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Илмий-амалий кўлланма. / Тошкент: Vaktria press, 2017.

## **ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИСТОЧНИКОВ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ ПРЕДПРИЯТИЯ**

**Ст.пр.Гаджибекова Дилноза Бахтияровна**  
**Ташкентский Финансовый Институт**  
**Кафедра Финансы**  
[dilnozza1980@gmail.com](mailto:dilnozza1980@gmail.com)  
 сот.тел.+998903478192

***Аннотация:** В данной статье рассматривается понятие финансовых ресурсов, виды ресурсов предприятия, различные подходы по поводу определения финансовых ресурсов предприятия, определены функции финансовых ресурсов предприятия, собственные и привлеченные средства*

***Abstract:** This article discusses the concept of financial resources, types of enterprise resources, various approaches to determining the financial resources of an enterprise, defines the functions of financial resources of an enterprise, own and borrowed funds*

***Аннотация:** Ушбу мақолада молиявий ресурслар тушунчаси, корхона ресурслари турлари, корхонанинг молиявий ресурсларини аниқлашнинг турли хил ёндашувлари муҳокама қилинади, корхона молиявий ресурсларининг функциялари аниқланади,*

***Ключевые слова:** финансовые ресурсы, источники формирования финансовых ресурсов, структура финансовых ресурсов предприятия, собственные и привлеченные средства, макро и микро уровень.*

***Keywords:** financial resources, the sources of financial resources, structure of financial resources of the enterprise, own and borrowed funds, macro- and micro-levels.*

*Таянч сўзлар: молиявий ресурслар, молиявий ресурсларни шакллантириш манбалари, корхонанинг молиявий ресурслари таркиби, ўз ва қарз маблағлари, макро ва микро даражал*

В современных условиях хозяйствования финансовые ресурсы предприятий играют важную роль, так как именно они создают условия для непрерывного процесса производства, его стабильного роста, а также определяют конкурентоспособность предприятия на рынке.

Формирование финансовых ресурсов включает формирование уставного капитала, привлечение кредитов, займов, аккумуляция денежных фондов, образуемых от выручки реализации продукции, формирование нераспределенной прибыли, привлечение специальных целевых средств.

Источники формирования финансовых ресурсов зависят от формы собственности, на основе которой создается предприятие. Так, при создании государственных предприятий финансовые ресурсы формируются за счет бюджета, средств других аналогичных предприятий при их реорганизации и т.д. При создании частных предприятий или других негосударственных предприятий, они формируются за счет частичных взносов учредителей, добровольных взносов юридических и физических лиц и т.п. Все эти взносы (средства) представляют собой уставный (первоначальный) капитал и аккумулируются в уставном фонде созданного предприятия [5].



**Рисунок -1. Финансовые ресурсы предприятий<sup>24</sup>**

<sup>24</sup> Пласкова Н.С. Экономический анализ: учебник.- М.: Эксмо, 2016- 300с.



Первоначальное формирование финансовых ресурсов происходит в момент учреждения предприятия, когда образуется уставный фонд. Его источниками в зависимости от организационно-правовых форм хозяйствования выступают: акционерный капитал, отраслевые финансовые ресурсы (при сохранении отраслевых структур), долгосрочный кредит, бюджетные средства. Величина уставного фонда показывает размер тех денежных средств — основных и оборотных — которые инвестированы в процесс производства.

Значительные финансовые ресурсы, особенно по вновь создаваемым и реконструируемым предприятиям, могут быть мобилизованы на финансовом рынке. Формами их мобилизации являются: продажа акций, облигаций и других видов ценных бумаг, выпускаемых данным предприятием, кредитные инвестиции.

До перехода на рыночные условия хозяйствования значительные финансовые ресурсы предприятия получали на основе внутриотраслевого перераспределения денежных средств и бюджетного финансирования. Для создания благоприятных экономических условий в рамках предприятия государство использует такие методы: государственный кредит, финансовую помощь, упрощенную систему налогообложения, государственный заказ, заимствуя опыт у развитых стран мира. Таким образом, любое предприятие имеет возможность формировать финансовые ресурсы как за счёт собственных, так и за счёт заемных источников [4]. В современных условиях деятельности промышленных предприятий невозможно отдать предпочтение какому-то одному источнику формирования финансовых ресурсов из-за негативных последствий. Так, во время использования лишь собственных средств возникает угроза ограничения роста финансового потенциала предприятий, а использования заёмных и привлеченных средств в значительных объемах, с другой стороны, действительно даёт возможность выживания и прогрессивного развития в условиях нестабильности, но и значительно повышает уровень риска в финансовой деятельности предприятий. Проблемы формирования финансовых ресурсов присутствуют практически на каждом предприятии. Они связаны с особенностями организации производственно-хозяйственной и финансовой деятельности предприятий, государственной регулятивной политикой касаясь формирования финансовых ресурсов предприятий, влияние которой растет при условии государственной монополии на производство продукции. Однако в современных условиях предприятия недостаточно обеспечены финансовыми ресурсами из-за отсутствия и недостатка источников их формирования. Значительное количество предприятий являются убыточными, что существенно ограничивает собственные источники формирования финансовых ресурсов. Привлечение банковских кредитов сопровождается ростом платы за их использование, что приводит к увеличению операционных затрат и убыточности предприятий. Поэтому, каждому субъекту хозяйствования необходимо более рационально подходить к вопросу формирования финансовых ресурсов, уменьшать количество кредитов и обязательств. А государству, особенно в современных условиях, необходимо обеспечить постоянство экономики и улучшить нормативную базу, что позволит предприятиям быть защищенными и функционировать даже в кризисных ситуациях.

Одним из наиболее важных мероприятий по повышению финансовой деятельности предприятий является поиск внутренних резервов прибыльности и достижению безубыточной работы за счет более полного использования мощности предприятия,



повышения качества и конкурентоспособности продукции, снижения ее себестоимости, рационального использования материальных, трудовых и финансовых ресурсов, сокращения расходов и потерь.

Подводя итог, можно отметить что финансовый рост возможен при активной реализации различных нововведений: новой продукции, новых технологий, новой техники. Предприятию необходимо проводить комплекс работ по финансовому обоснованию и определению эффективности каждого мероприятия. Реализация вышеуказанных мероприятий позволит предприятию улучшить все свои финансовые показатели и стать одним из лидеров в своей области.

#### Список литературы:

1. Мирзиёев Ш. Послание Президента Республики Узбекистан к Олий мажлису от 24 января 2020 года [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
2. Jiyanova N. E. Finance of the agricultural economic sector in the conditions of market relations – Столица Науки, 2020.
3. Самсонов, Н.Ф. Управление финансами. Финансы предприятий. Учебник / Н.Ф. Самсонов. - М.: ИНФРА-М, 2017. - 825 с.
4. Пласкова Н.С. Экономический анализ: учебник.- М.: Эксмо, 2016- 350с.
5. Финансовый менеджмент: Учебное пособие / Под ред. проф. Е.И. Шохина. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2014. - 408с.

## ПРИНЦИП СОСТАВЛЕНИЯ ИНТЕГРАТИВНОЙ ПРОГРАММЫ ПРИ ОБУЧЕНИИ ЯЗЫКУ В ТЕХНИЧЕСКОМ ВУЗЕ

Абдуллаева С.Х  
Ташкентский университет  
информационных технологий  
имени Мухаммада ал-Хоразмий

***Аннотация.** В работе рассматривается интегративный принцип построения учебной программы в техническом вузе. Предложено решение задач по формированию системы знаний для интеграции инновационных методов на основе компетентностного подхода.*

***Ключевые слова:** компетенции, компетентностный подход, инфокоммуникационные технологии, деятельностная концепция коммуникативная компетенция, интеграция.*

***Annotatsiya.** Maqolada texnik universitetda o'quv rejasini tuzishning integrativ printsipi ko'rib chiqiladi. Kompetensiyaga asoslangan yondashuv asosida innovatsion usullarni integratsiyalash uchun bilimlar tizimini shakllantirish muammolarini hal qilish taklif etiladi.*

***Kalit so'zlar:** kompetensiyalar, kompetensiyaga asoslangan yondashuv, infokommunikatsiya texnologiyalari, faoliyat kontseptsiyasi, kommunikativ kompetensiya, integratsiya.*

***Annotation.** The article deals with the integrative principle of constructing a curriculum in a technical university. A solution to the problems of forming a knowledge system for the integration of innovative methods based on a competency-based approach is proposed.*

***Key words:** competencies, competency-based approach, infocommunication technologies, activity concept, communicative competence, integration.*

Построение рабочих программ интегративного характера в системе высшего образования, формулируя цели и задачи обучения с учетом профориентационной направленности обучения, должно стать основополагающей структурной компонентой.

Целью учебного предмета является: формирование профессиональной компетентности студента как интегральной характеристики специалиста для осуществления деятельности в сфере лингвистического образования и межкультурной коммуникации в целом и информационно-технологической компетенции как составляющей профессиональной компетентности.

Решаются такие задачи, как формирование системы знаний, необходимых для интеграции инновационных методов и средств обучения языку на основе компетентностного подхода; формирование умений критического осмысления современных образовательных ресурсов с точки зрения их значимости для процессов обучения языку и формирования профессиональной компетенции; создание условий для ознакомления студентов с лексикой инфокоммуникационных технологий, ее образовательным потенциалом; умение студентов использовать объекты инфокоммуникационных технологий при формировании лексических, фонетических и грамматических навыков учащихся в зависимости от языковых навыков обучаемых и этапа обучения; формирование навыков решения тестов и других видов контрольных заданий и программ, обеспечивающих обратную связь; формирование навыков и умений использования текстовых ресурсов инфокоммуникационных технологий в обучении говорению, аудированию, чтению, письму и проектной деятельности; создание условий для самообразования студентов через подготовку проектов и их защиты с целью формирования умений в различных видах речевой деятельности; организовать деятельность по применению инфокоммуникационных технологий в обучении различным языкам через моделирование учебных ситуаций на семинарах и во время практики.

С учетом сформулированных целей и задач следует пересмотреть и набор тематических модулей. На наш взгляд, целесообразно ввести в него: информационные технологии в образовании; дидактические основы применения инфокоммуникационных технологий в образовании; инфокоммуникационные технологии для проведения педагогического контроля знаний студентов, компьютерное тестирование; образовательный ресурс, информационный образовательный ресурс.

Изменения, на наш взгляд, должны коснуться не только содержательной части программы, в которой раскрываются основные темы занятий, их содержание и обоснование, но и методической.

Научно-педагогический анализ может прогнозировать результаты реализации программы, что, в свою очередь, предполагает формулирование объективных знаний, умений и навыков, которые будут формироваться в процессе изучения языков.

В результате освоения данных модулей достигается высокий уровень сформированности специальной профессионально-методической компетенции, а именно ее информационно-технологической составляющей, и совершенствуется базовая компетенция студентов в структуре профессиональной компетентности - коммуникативная компетенция. Студенты получают знания о современных электронных средствах обучения, приобретают умения в области использования инфокоммуникационных технологий во взаимосвязанном обучении видам речевой деятельности и формировании фонетических, лексических и грамматических навыков.

Студент:

1) должен знать: классификацию ИКТ; психолого-педагогические и лингводидактические основы использования ИКТ во взаимосвязанном обучении видам речевой деятельности; технологию использования ИКТ в формировании коммуникативной и межкультурной компетенции и принципы их интеграции в традиционную систему обучения русскому языку;

2) должен уметь: выбрать оптимальные способы семантизации, закрепления, активизации и использования лексического материала; пользоваться справочными материалами о грамматике языка в зависимости от этапа формирования грамматических навыков: презентация, закрепление, использование; опираться на тексты для чтения и

аудирования при формировании умений в данных видах речевой деятельности; дифференцировать тексты в зависимости от вида чтения (ознакомительное, просмотровое, поисковое, изучающее); анализировать задания к текстам с точки зрения их использования на дотекстовом, текстовом и послетекстовом этапах; пользоваться тестовыми формами контроля и создавать собственные контрольные задания на основе лексики инфокоммуникационных технологий; разрабатывать дизайн презентации с использованием инфокоммуникационных технологий; анализировать собственную профессиональную деятельность по оперированию инфокоммуникационной терминологией.

С учетом предлагаемой деятельностной концепцией обучения в качестве основополагающих принципов изучения языка в технических вузах следует выделить принципы: развивающего дифференцированного обучения с механизмами самоорганизации и саморегуляции; осознания личностью ценности и преимуществ совместного (корпоративного) обучения.

#### **Использованная литература**

1. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. Москва, 1989г.
2. Вятютнев М.Н. Теория учебника русского языка как иностранного. Москва, 1984г.

### **ЎЗБЕКИСТОН СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИДА СУВНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА САНИТАРИЯ-МУҲОФАЗА ЗОНАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ СУВ СИЁСАТИ РИВОЖЛАНИШИНИ МУҲИМ ОМИЛИДИР**

**Абдушахидов Нодир Бахромович**, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Ижтимоий фанлар факултети “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси эркин тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳозирги кундаги ҳамда яқин келажакда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур мақолада Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида сиёсатнинг шаклланиши ва амалга оширилишига таъсир ўтказувчи омилларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Калим сўзлар:** сув ресурси, сув сиёсати, санитария-муҳофаза зоналари, трансгегаравий, сув тежаши, ичимлик суви, томчилатиб сугориши, ирригация.

*Water policy development of water protection and sanitary protection zones in the water supply and sewerage system of Uzbekistan*

**Annotation:** In this article analysed problems of today and those which can arise in the sphere of water resources management and their use in Uzbekistan in the near future. Also in this article special attention is paid on a research of the factors influencing formation and implementation of policy in the field of use of water resources in Uzbekistan. Are analysed standardly – the legal acts relating to development of water policy of our country.

**Keywords:** water resource, water policy, management, gross –border, water saving, drinking water, drip irrigation, irrigation.

*Водная политика разработка водоохраных и санитарно-защитных зон в системе водоснабжения и канализации Узбекистана*

**Аннотация:** В данной статье проанализированы проблемы сегодняшнего дня и те, которые могут возникнуть в ближайшем будущем в сфере управления водными ресурсами и их использование в Узбекистане. Также в данной статье особое внимание обращено на исследование факторов влияющих на формирование и осуществление политики в области

*использования водных ресурсов в Узбекистане. Проанализированы нормативно – правовые акты, относящиеся к развитию водной политики нашей страны.*

**Ключевые слова:** водный ресурс, водная политика, управление, трансграничная, водосбережение, питьевая вода, капельное орошение, ирригация.

Дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшайди. 2025 йилга келиб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис ҳудудда яшаши мумкин[2].

Мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, ҳозирги вақтда Республикада сувдан фойдаланишнинг умумий йиллик ҳажми 55,1 куб.км.ни, шу жумладан суғориладиган ерлар учун 49,7 куб.км.ни, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини хўжалик ва ичимлик сувлари билан таъминлаш учун – 3,4 куб.км.ни ташкил этмоқда. Шу аснода қишлоқ хўжалик (ирригация) эҳтиёжлари учун 84,2-91,8%, саноат эҳтиёжлари учун – 1,8-3%, коммунал – хўжалик эҳтиёжларига – 3-6%, энергетикага – 2-6%, балиқчилик учун – 0,5-2% сув сарфланмоқда. Сув захираларида вужудга келган аҳволни умуман баҳоладиган бўлса сув етарлидек кўринади, аммо айни вақтда сув тақчиллиги ортмоқда [2].

Шу нуқтаи назардан жамиятда ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш сиёсати муҳим аҳамиятни касб этади. Ҳозирги кунда дунёда сув ресурсларини бошқариш ва ундан фойдаланиш сиёсатини тақазо қиладиган тўртта сабаб мадвжуд. Булар қуйидагилар:

1. Илмий техник прогресс ва халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши;
2. Озиқ – овқат муаммоси;
3. Табиатдаги мавжуд сувларнинг сифатини табиий ва сунъий омиллар кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкинлиги;
4. Яқин келажакда дунёда сув танқислиги кузатилиши, бунинг натижасида минтақавий ва халқаро можароларни келиб чиқиши ҳавфи мавжудлиги.

Мавзумиздан келиб чиқиб, сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш тушунчаси ҳақида тўхталсак. Кўпинча сув ресурсларини бошқариш деганда ўта содда фикр, яъни сувни керакли нуқтага иложи борица керакли вақтда ва керакли миқдорда етказиш тушинилади. Шунингдек сув хўжалиги ташкилотларининг асосий вазифаларига юқоридаги ташкилотлардан ёки ҳамкорлардан кўпроқ сув ҳамда ходимлар ва иншоотларни сақлаш учун маблағ ундириб олиш, фондларни ушлашга қайғуриш, иншоот ва каналларни ўз сув истемолчиларга сувни етказиш учун ишини ташкил этиш тушунилади.

Олим J. R. Lund сув ресурсларини бошқариш нафақат техник- муҳандислик масаласи балки бу сиёсий жараён эканлигини таъкидлаб ўтган[3].

Бугунги кунда Ўзбекистон сув таъминоти ва канализация тасарруфидаги объектлар ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори талабларига зид равишда юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария-муҳофаза зоналаридаги ер майдонларини ноқонуний эгаллаб олиш ҳолатлари қайд этилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли саломатлигига жиддий ҳавф туғдиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бу муаммоларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 21.10.2021 йилдаги йигирманчи ялпи мажлисида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги[4]. Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун муҳокама қилинди. Бунда, мазкур Қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари кучайтирилмоқда, сув истемолчилари уюшмаларининг фаолияти ўз аъзоларининг ҳар йиллик аъзолик бадали, шартнома асосида

сувни етказиш ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ҳамда конунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб кўйилди. Шунингдек фойдаланувчилар мажбуриятлари қаторига рақамли технологияларни жорий қилиш шартлиги киритилди. Шу билан бирга, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари режимини бузиш тақиқланмоқда.

Шунингдек, биз сув ресурсларини кўриқлаш ҳамда ундан ялпи фойдаланишнинг меъёрий ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттиришимиз зарур. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Республика сув таъминоти ва канализация тизимидаги ҳудудий ташкилотлари қошида “Сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини назорат қилиш жамоатчилик Кенгаши” фаолиятини ташкил этиш, бунда халқ депутатлари кенгашларини жалб қилиш муҳим ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1.Ф.Т.Ганиева. Сув муаммоси-глобал муаммо // “Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар” мавзусидаги халқаро конференцияси Т.: 2018 й.

2.Проф. А.Т.Саллохиддинов., проф. Р.К.Икрамов. Управление водными ресурсами-Ташкент, ТИМИ, 2013

3. Lund J. R. & Israel, M. S. (1995). Water transfers in water resources systems Journal of Water Resources Planning and Management, 121(2), 193-204.

4.[https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/suvdan\\_foydalanish\\_sohasi\\_isloh\\_qilinadi](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/suvdan_foydalanish_sohasi_isloh_qilinadi)

## **ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНING АСОСЛАРИ ВА МАМЛАКАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ**

**Саидқосимова Умида Ибрагимовна,  
ТАТУ, АКТ соҳасида иқтисодиёт кафедраси магистранти**

***Аннотация** Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳукумат томонидан замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалаларнинг умуман янгилигини эътиборга олиб, уни нима эканлиги ва қандай қилиб жорий этса кўпроқ самарага эришиши мумкинлигини тушуниб этиш жуда катта аҳамиятга эга.*

***Аннотация** После обретения независимости республиками внимание было уделено современным информационным технологиям, предоставляемым государством. Учитывая общую новизну этих вопросов, очень важно понять, что и как добиться большей эффективности.*

***Annotation** After the independence of the republics, attention was paid to modern information technologies provided by the government. Given the general novelty of these issues, it is very large enterprise to understand what and how to achieve greater efficiency.*

Ахборот коммуникация технологияларининг кенг ривожланиши, компьютерлаштириш охириги ўн йилликлардаги дунё ривожланишидаги глобал тенденция ҳисобланади. Динамик ривожланаётган ҳозирги дунёда ахборот коммуникация технологиялари иқтисодий ўсишнинг локомотиви ҳисобланади, мамлакатга инвестициялар жалб қилинишига, янги иш ўринлари яратилишига, ишлаб чиқариш ва бошқаришда илғор

технологияларни илгари суришда кўмаклашади, ахборот айирбошлашда, бозор қатнашчилари ўртасида битимлар тузишда харажатларни қисқартирадиган восита бўлади.

Бозор иктисодиётининг замонавий ривожланиш босқичларида инсон фаолиятининг барча соҳаларида янги информацион технологиялардан фойдаланиш зарурияти туғилмоқда. Унинг таъсирида ишлаб чиқариш экстенсив ўсишдан интенсив ўсишга ўтмоқда. Меҳнат тақсимотида ва бошқариш технологиясида беҳисоб салмоқли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, янги ахборот технологияларни татбиқ қилиш жараёни бутун дунё компьютер тармоғи - Интернет мисолида яққол кўзга ташланмоқда.

Интернет АҚШ мудофаа вазирлиги томонидан 1969 йили амалга оширилган махфий тадқиқот натижасида юзага келди. Энг биринчи бундай тармоқ Калифорниядаги учта тармоқни Юта штатидаги битта тармоқ билан Интернет- протокол (Интернет протокол ёки қискача IP) деб ном берилган коидалар тўплами бўйича бирлаштирган ARPANET тармоқидир.

1972 йили АҚШ мудофаа вазирлигига алоқадор университетлар ва тадқиқот ташкилотларига ушбу тармоққа кириш ҳуқуқи берилганидан сўнг, у ўз ичига 50 дан ортиқ университет ва тадқиқот ташкилотларини қамраб олган бутун бошли тармоққа айланиб кетди. 1973 йили ушбу тармоқ Англия ва Норвегиядаги тармоқларни ўз ичига мужассам этиб, халқаро миқёсга чиқди. Яна 10 йил ўтгач еса, Интернет-протокол маҳаллий тармоқларни ҳам, глобал тармоқларни ҳам қўллаб-қувватловчи коммуникацион протоколлар тўплами (TCP/IP - узатишни бошқариш протоколи, тармоқлараро протокол) эвазига кенгайтирилди. Шундан сўнг, орадан кўп вақт ўтмай суперкомпьютер марказларнинг бештасини ўзаро боғлаш мақсадида АҚШнинг миллий илмий фонди National Science Foundation (NSF) томонидан NSFnet яратилди. TCP/IP протоколи жорий этилиши билан бир вақтда янги яратилган ушбу тармоқ Интернетнинг "ўзаги" (backbone) сифатида ARPANET ўрнини егаллади.

Интернетнинг оммалашиб кетиб, равнақ топишига, шу жумладан, бизнес юритиш муҳитига айланиб қолишига World Wide Web нинг (WWW, бутун жаҳон ўргимчак тўрининг) пайдо бўлиши қудратли туртки бўлди. Бугунги кунда сиз билан биз WWW остида идрок этадиган тушунчалар асосини 1980 йили Тим Бернерс-Ли томонидан Европадаги элементар зарралар физикаси лабораторияда гиперматнлар тизимини яратиш бўйича олиб борилган ишлар жараёнида яратилди. Натижада 1990 йили илм ахли эътиборига гиперишоралар билан ўзаро боғланган матнли онлайн файлларни кўриб чиқиш имконини берувчи энг биринчи матнли браузер хавола етилди. 1991 йили ушбу браузердан фойдаланиш ҳуқуқи кенг оммага ҳам берилди, бироқ унинг илмий доиралардан ташқарига чиқиш суръати паст кечди.

Интернет ривожининг янги босқичи 1993 йилда, АҚШнинг NCSA, National Center for Supercomputing Applications - суперкомпьютерларга оид иловалар миллий марказида 1992 йилда амалиётдан ўтаётган талаба Марк Андресен томонидан ишлаб чиқилган Mosaic график браузерининг биринчи Unix - шакли пайдо бўлишидан бошланди.

1994 йили Windows ва Macintosh оператсион тизимлар учун мўлжалланган Mosaic браузерни, кўп ўтмай Netscape Navigator ва Microsoft Internet Explorer браузерларининг шакли пайдо бўлиши - WWW шухратининг, демакки Интернетнинг доврўғи гўё портлаш таъсиридек ошиб, дастлаб АҚШда, сўнгра бутун дунёда оммалашиб кетишига сабаб бўлди. 1995 йили NSF Интернет учун маъсулиятни хусусий сектор зиммасига юклади ва айни шу

фурсатдан эътиборан Интернет бугунги кунда сиз билан биз таниш бўлган Интернет тармоғи сифатида мавжуд бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда дунёда барча соҳаларда Интернетдан интенсив равишда фойдаланилмоқда. Бундай ахборотлашган соҳаларга қуйидагилар киради:

- Миллий иқтисодиёт тармоқлари; Банк-молия соҳаси; Давлат бошқаруви; Таълим; Интернет провайдер (инглизчадан, Internet Service Provider, ISP – Интернет хизматлари таъминотчиси) – Интернетга уланиш хизматлари ва Интернет билан боғлиқ бошқа хизматларни кўрсатувчи ташкилот.

Интернет провайдер томонидан кўрсатиладиган хизмат турларига қуйидагилар киради:

- Интернетга симсиз уланишни таъминлаш;
- Web сайтлар фаолиятини таъминлаш ва сақлаш мақсадида бўш диск жойларини ажратиш (хостинг);
- Электрон почта қутилари ва бошқа виртуал почта серверлари ишини таъминлаш;
- Провайдер ўз худудида буюртмачи қурилмаларини жойлаштириш (колокация);

Уланиш провайдерлари орасида биринчи даражадаги (магистрал) – ўз магистрал алоқа каналларига эга бўлган ва иккинчи даражадаги (шаҳар) – биринчи даражадаги провайдерлардан алоқа каналларини арендага оладиган провайдерларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хозирги кунда Интернет провайдерлар томонидан Интернетга уланиш технологияси бўйича бир нечта хизмат турлари кўрсатилмоқда:

Интернетга симли уланиш технологиялари: Dial-Up, xDSL (Digital Subscriber Line), Ажратилган линиялар орқали Интернетга уланиш, Интернетга телевизион тармоқ кабел каналлари орқали уланиш (DOCSIS), Интернетга 220 вольт кучланишага эга электр тармоғи орқали уланиш (HomePlug), Ethernet, FTTx ва бошқа турли технологиялар.

Интернетга симсиз уланиш технологиялари: WiFi (Wireless Fidelity), WiMax (WorldWide Interoperability for Microwave Access), RadioEthernet, HSPA, EV-DO ,спутник орқали уланиш ва бошқа турли технологиялар.

Интернет провайдерлар қуйидаги Интернет хизматларини фойдаланувчиларга тақдим этади: электрон почта, қидирув тизими, интернет ТВ, интернет радио, IP-телефония, FTP сервер, WWW хизмати, IRC (веб-чат), мессенджерлар, янгиликлар гуруҳи (Usenet), веб – форумлар, блоглар, википедия, ижтимоий тармоқлар, файл алмашувчи тармоқлар, кўп фойдаланувчига эга интерактив компьютер ўйинлар, DNS хизмати, веб – хостинг, telnet, ping, iptunnel, whois; шлюз, Gopher; телеконференция, Skype ва бошқа хизмат турлари.

Иқтисодиётда Интернет тармоғи орқали қуйидаги хизмат турлари тақдим қилинмоқда: электрон тижорат, Интернет банкинг, Интернет клиринг, Интернет аутсорсинг, Интернет-маркетинг, Интернет логистика - транспорт хизматлари ва таъминот усуллари, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва консалтинг хизматлари, иқтисодий субъектлар орасидаги низоли ҳолатларни ҳал қилиш, бир нечта компаниялар биргаликда янги товар ёки хизматларни ишлаб чиқиш, Интернет орқали меҳнат муносабатлари ва бошқа хизмат турлари.

Интернет банкинг қуйидаги операцияларни амалга ошириш имконини беради:

- Ҳисоб китоб рақамидан харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун пул ўтказиш, шу жумладан Интернет магазин орқали харид қилинган товарлар учун ҳам;



- Турли давр учун ҳисоб китоб рақами ҳолати тўғрисида турли хил шаклда маълумотнома олиш;
- Аниқ вақтда ҳисоб китоб рақамига келиб тушган пул маблағлари тўғрисида ахборотга эга бўлиш;

Интернет технологияларини ривожлантиришнинг аҳамияти, Ўзбекистонда Интернет хизматлари бозорини ривожланишига тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўриб чиқилди ва таклифлар берилди. Ўзбекистонда Интернет хизматларини ривожлантиришнинг истиқболлари ёритилди.

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, АКТ соҳасини, хусусан Интернет хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида олиб борилган тадбирлар натижасида сўнги даврларда соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги мавқеси мустаҳкамланиб бормоқда. 2010 йилда АКТ соҳаси даромадлари 2 триллион 39,6 миллион сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан ўсиш сурати 129 фоизни ҳамда ЯИМ улуши 3,29% тенг бўлган. Халқаро маълумотлар узатиш тармоғига чиқишнинг умумий тезлиги 2004 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 53 баробарига ошириб, ҳозирда бу кўрсаткич 2,8 Гбит/с. ни ташкил этмоқда. Ушбу рақамлар Республикада АКТ соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг далолат беради.

Ахборот коммуникация технологиялари ва Интернет хизматларини янада ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўйидаги йўналишларда амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ:

1. Хизматлар сифатини ошириш.
2. Хизматлар кўрсатишни жуғрофий ҳудудини кенгайтириш.
3. Интернет тармоғига уланиш янги технологияларини жорий қилиш (xDSL, Wi-Fi, WiMAX, FTTx технологияси асосида, кабел телевидения тармоғи орқали).
4. Ахборот ҳажми кўпайтириш йўли орқали on-line маълумотларни тақдим қилишни кенгайтириш.

Агар воситасиз тўлдирувчи уруғсиз кишилик олмоши билан ифодаланган бўлса, у кесимдан олдин келади.

On les avait embarqués tous les deux à la garde de Tachkent.  
Уларнинг иккаласини Тошкент вокзалида поездга ўтказишди.  
Агар воситали тўлдирувчи уруғсиз кишилик олмоши билан ифодаланган бўлса, у хаамиша кесимдан олдин келади:

On leur avait confié cinquante euro. Уларга эллик евро беришди.  
Воситаситали тўлдирирувчи одатда воситасиз тўлдирувчидан кейин келади.  
Le professeur a montré les photos aux étudiants. Ўқитувчи расмларни талабаларга кўрсатади.  
Сифатдош билан ифодаланган аниқловчи доим отдан кейин келади:  
Cet élève est discipliné. Бу ўқувчи бола одобли.

Кўрсатиш ёки эгаллик сифати ёки сон билан ифодаланган аниқловчи доим отдан олдин келади, аммо аслий сифат уларни ажратиб туради.

Cette belle place.- Бу ажойиб жой.

Ce nouveau bâtiment.- Бу янги бино.

Notre première leçon.- Бизнинг биринчи дарс

Ҳол одатда феълдан кейин келади. Лекин у гапнинг бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам келиши мумкин.

Chaque jour nous avons 8 leçons. Ҳар куни бизнинг 8 (соат) дарсимиз бор.

Mon père est revenue le soir. Отам кечқурун қайтиб келди.

L'étudiant a passé sans difficulté cet examen. Талаба бу имтихонни қийналмасдан топширди.

Содда равиш билан ифодаланган ҳол феълдан кейин келади.

L'enfant marche lentement. Бола секин юряпти.

Демак, француз тилида флексия йўқлиги сабабли сўз тартиби тўғри бўлади. Сўзнинг функцияси унинг гапдаги ўрнига кўра аниқланади. Француз тилида сўз тартиби деганда, аниқловчи сўзнинг аниқланмишдан кейин келиши тушунилади.[1.45]

Тил воситалари ёрдамида фикрни баён этиш бир мунча қийин кечади. Чунки ушбу жараёнда бир йўла икки хил нутқий дастурни бажаришга тўғри келади: бири тафаккурга оид, иккинчиси тил бирликларини қўллашдир.

Кўп аффиксли ясама сўзлар семантикаси масаласида шуни қайд этишимиз мумкинки, кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шу нарсдан далолат беряптики, француз тилида суффиксилар ёрдами билан сўз яшаш энг сермахсул усуллардан бири ҳисобланади.

Аффиксал сўз яшаш сатҳида кўп аффиксли ясама сўзлар таркибидан бирнеча кетма-кет қўшилган аффиксал морфемаларни ажратиб олиш мумкин бўлади.

Масалан, *internationaliste, fonctionaliste, culturaliste, conceptualisation, intellectualité, humanitarisme* ва бошқалар. Бундай усул азалдан қўлланиб келаётган сўзлар негизи асосида ҳам, китобий тиллар негизи асосида ҳам кенг тарзда тараққий этиб бормоқда. Кўп аффикслар ёрдамида ясалган сўзларнинг семантик табиатини ўрганиш масаласи ҳозирги кунга қадар ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган масалалардан бўлиб, сўз ясовчи ўзак семантикаси билан сўз ясовчи суффикслар семантикаси ўртасида ўзаро маъно алоқаларни чуқурроқ ўрганишни тақазо этади.[2.85] Мақолада эътибор асосан ясама сўз компонентлари ўртасида мавжуд бўлган семантик алоқалар нисбатини аниқлашга қаратилган.

Семантика нуктаи назаридан ҳамма ясама сўзлар, одатда, икки гуруҳга бўлинади. Бир гуруҳга лексик маъноси ясама сўз компонентларининг маъноларидан келиб чиқадиган сўзлар киради. Қиёслаб кўрайлик: *courette*-“*petite cour*”, бу ерда - *ette* суффикси кучайтиришни билдирувчи сўз яшаш маъносининг ташувчисидир. Бошқа гуруҳ шундай ясама сўзларни қамраб оладики, уларнинг лексик маънолари морфемаларнинг маъносидан ташқари яна мазмун (маъно) оттирилишини ҳам қамраб олади.[3.137] Қиёслайлик: *chansonnier* сўзининг лексик - семантик вариантыда (“*recueil de chansons*”) - *ier* суффикси иштирокчини англатувчи сўз яшаш маъносига эга бўлса-да, *recueil* маъноси билан бошланишли эмас.

Кўп аффикслар ясама сўзлар, одатда, семантиканинг фразеологик табиатга эгаллиги билан характерланмайди. Бир аффиксли ясама сўзларда эса бу ҳолатни кузатишимиз мумкин. Масалан: *loc+iste=N: jusqu'au boutiste*. Қиёслаб кўрайлик: *humanitarisme - systeme humanitai conceptions humanitaires; dieteticienne – specialiste de dietetique; intellectualite – caractere de celui, de ce qui est intellectual; chauffagiste - specialiste du chauffage central*. Шу билан бир қатарда кўп суффиксли ясама сўзларнинг маънолари уларни ташкил қилувчи морфемалар маъноларининг йиғиндисидан ташкил топади, деб тасдиқлаб ҳам бўлмайди. – *ite*, – *aire*, – *el*, – *ique*, – *age* суффикслари ўзлари ясаган сўзларнинг маълум бир маъно компоненти билан ўзаро боғланишда бўлмайди.

Кўп аффикслар ясама сўзнинг маъноси ясовчи ўзакнинг лексик маъноси ҳамда сўз яшашнинг сўнги актида қўшиладиган суффикснинг сўз ясовчи маъносининг ўзаро алоқаси натижасида синтезланади. – *ite*, – *aire*, – *el*, – *ique*, – *age* суффиксларининг сўз ясайдиган маънолари сўз ясовчи негизларининг лексик маънолари билан қўшилиб кетганлар. Шундай қилиб, кўп аффикслар ясама сўзларнинг ясовчи негизи бир семантик бутунликдан иборатдир.[4.67]

Кўп аффикслар ясама сўзлар сўз яшаш жиҳатидан икки аъзоли структурадир: ясовчи негиз плус сўз ясовчи аффикс. Бошқа суффикслар сўз яшаш функциясини тўлиқ йўқотади.

Юқорида берилган материал ўқувчи ва талабаларга француз тилини амалий ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Адабиётлар:**

1. Martin Riegel, Jean-Christophe Pellat et René Rioul, Grammaire méthodique du français, Presses universitaires de France, coll. « Quadrige manuels », janvier 2014, 5e éd. (1re éd. 1994), 1107 p. (ISBN 978-2-13-062756-2, ISSN 1630-5264, BNF 43762452).
2. Gilles Siouffi et Dan van Raemdonck, 100 fiches pour comprendre les notions de grammaire, Bréal/Studyrama, 2014.
3. Marc Wilmet, Grammaire critique du français, De Boeck, 2007.
4. Anne Abeillé, Danièle Godard (sous la dir. de), La Grande Grammaire du Français. Actes Sud & Imprimerie Nationale, 2021.

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА БОШҚАРУВ ВА РАҲБАР ШАХСИ ФЕНОМЕНИ

Қурбонали Сулаймонов  
ФарДУ доценти, тарих фанлари номзоди

### *Аннотация*

*Мақолада ўрта асрлар шарқ мутафаккирларининг таълимотларида илгари сурлигна адолатли жамиятни қарор топтиришда бошқарув жараёни ва раҳбар шахсига қўйиладиган талабларнинг конструктив-феноменологик мазмуни тадқиқ қилинган.*

### *Аннотация*

*В статье рассматривается конструктивно-феноменологическое содержание управленческого процесса и требования к лидеру в принятии решений сурлинского справедливого общества в учениях средневековых восточных мыслителей.*

### *Annotation*

*The article examines the constructive-phenomenological content of the management process and the requirements for the leader in the decision-making of the surligna fair society in the teachings of medieval Eastern thinkers.*

**Таянч сўз ва иборалар:** давлат, бошқарув, адолатли жамият, раҳбар, раҳбар ахлоқи, раҳбар фазилатлари, раҳбарлик масъулияти, маънавият, сиёсат.

**Ключевые слова и выражения:** государство, менеджмент, справедливое общество, лидер, этика лидера, лидерские качества, ответственность лидера, духовность, политика.

**Keywords and expressions:** state, management, Fair Society, leader, leader ethics, leadership qualities, leadership responsibility, spirituality, politics.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг улкан ва мураккаб жараёнларини бошдан кечирмоқда. Ҳа бугун кунда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллади.

Жамият ҳаётида туб ўзгаришларни амалга оширишда, ислохотларни чуқурлаштиришда раҳбар кадрларнинг дунёқараши, маънавияти, иқтидори, салоҳияти ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Кадрлар фаолиятининг принциплари, мақсадлари, усуллари тўғри олиб борилиши бошқарувнинг, давлат ва жамият қурилишининг муваффақиятини маълум бир маънода олдиндан белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳозирги замон раҳбари ҳақида фикр билдирар экан, авваламбор, замонавий раҳбар муваффақият сари интилувчи, жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир, ташкилотчи ва иродаси мустаҳкам шахс бўлмоғи керак. Шунингдек, раҳбардан ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши, қўл остидагиларни ҳам шунга сафарбар этиши, жамоани қийнаётган жиддий муаммоларни чуқур ўрганиб, мақбул ечимини топиши, муаммоли вазиятларни донолик билан бартараф этиши, ўз ишига танқидий қараш қобилятига эга бўлиши керак, деб таъкидлайдилар[1,104].

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларнинг ҳақиқий ечими психология фанининг соҳаларидан бири бўлмиш ижтимоий-психология фанида акс этган бўлиб, уни ўрганиш ҳозирги психологик тадқиқотлар ичида жуда аҳамиятли саналади. Қолаверса, раҳбар шахсига хос фазилатлар, психологик хусусиятлар, индивидуал-психологик хусусиятлар, касбий хусусиятлар, толерантлик, фидойилик, ҳаётда ва касбда ўз ўзини камол топтириш

масалалари жамият бошқарувини тубдан ислоҳ қилиш учун ўта муҳим психологик масалалардан саналади. Ана шундай масалаларнинг илк мумтоз концептуал асослари ўтмишда яшаб ижод этган алломаларимиз асарларида акс этган. Жумладан, Ал Тусий, Юсуф Хос Хожиб, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абдурахмон Жомий, Давоний, Алишер Навоий, Амир Темур каби буюк аллома ва тарихий шахсларнинг асарлари бунга яққол мисолдир. Демак, ижтимоий психология фанининг бош мавзуларидан саналган, бошқарув, раҳбарлик, замонавий раҳбар ва унинг ўзига хос сифатлари каби мавзуларнинг илк мумтоз тадқиқотларини ўрганиш ўта долзарб саналади.

Дарҳақиқат Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ғоялар ва илмий кашфиётлар асрлар давомида умум башарият йўлини ўз заррин нурлари билан ёритиб келмоқда.

Тарихдан маълумки, қайси бир мамлакатда давлат бошқаруви тизими мукамал қонун-қоидага асосланган ҳолда бўлса, ўша юртда илим-фан ва жамият тараққиёти тўсиқларсиз ривожланади. Жамият бошқарув тизиминини тараққиёти ўз навбатида илм-фан ривожига, уни таъсирида эса, миллатга хос бошқарув, эркин ва фаровон ҳаёт тарзи кечишига гаровдир.

Алломалардан Али Тусий Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” ёки «Сияр ул-мулк» асарида «Бир кишига икки вазифанини ва бир амални бирданига икки кишига бериш мумкин эмаслигини» такидлайди[2,76]. Агар икки амал бир кишига берилса, бир иш доимо охиригача бажарилмаган ё камчилик билан яқунланади. Сабаби бир киши икки амалга чин кўнгил бермайди ва текширганда шу амаллардан кўпроқ камчилик топилади, киши маломатга қолади. Шунингдек, икки кишига бир амал берилса, бири бошқасига юклайди ва иш бажарилмай қолади». Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сида келтирган юқоридаги фикр ҳозирги кунда ҳам ўз моҳиятини ёқотмаган деб айтсак хато бўлмайди.

Бундан ташқари аллома Абу Али Ибн Синонинг ўзининг «Донишнома» асарида раҳбарлик ва бошқарув жараёни фақат ақлий етукликка, илмийликка асосланишини таъкидлаб ўтган. Яъни «Илим уч турга бўлинади [3,96]:

- Биринчиси – жамиятда албатта тартиб ва интизом бўлиши учун халқни идора қилиш илмидир, бу илм ҳам икки турга бўлинади: бири мавжуд шароит ва йўл – йўриқларнинг қандай бўлиши, иккинчиси – сиёсатнинг қандай бўлиши ҳақидадир. Буларни биринчиси туб бўлса, иккинчиси натижасидир.

- Иккинчи илм – уйни идора қилиш, уйда эр билан хотин, ота билан бола, хўжаин билан хизматчи ўртасида бўладиган муносабатларни тартибга солиш илмидир

– Учинчи илм - одамнинг ўзи-ўзига қандай муносабатда бўлиши кераклиги тўрисидаги илмдир».

Ибн Сино бошқаграв илмига баҳо бериш жараёнида бу илмнингбиринчи турига – «жамиятда албатта тартиб ва интизом бўлиши учун халқни идора қилиш илмидир» деб жамиятни бошқариш ниҳоятда мураккаб ва нозик эканлигига урғу беради. Мазкур илимни эгаллаш асносида жамиятдаги тартиб ва интизомни бир маромда сақлаш вахалқни илимга тайанган ҳолда идора (раҳбарлик, бошқариш) қилиш орқали мамлакат тинчлигини таминлашни такидлайди[3,114].

Абу Райҳон Беруний инсон камолотида меҳнат ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим фикрларни баён этади. У ҳар бир ҳунар эгасини меҳнатига қараб турларга бўлади. Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини келтиради. Айниқса, илм аҳли-олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, хайрихоҳ бўлишга

чақиради, уларни маърифат тарқатувчилар, жамият равнақига ҳисса қўшувчилар деб билади. Шу билан бирга оғир меҳнат қилувчи кончилар ер остида гавҳар изловчилар, деҳқонлар ҳақида гапириб, уларнинг меҳнатини рағбатлантириб туриш керак, дейди. Айниқса, подшоҳлар бундай меҳнат аҳлига ғамхўр бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Чунки ана шу меҳнат аҳли улар ҳукмронлигининг таянчидир.

Юқоридагилардан фарқли ўларок, аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг ўша даврда касиб хунарамандларга нақадар хайрихоҳлиги ўз ўзидан эмасди. Чунончи, давлатнинг тинч осойишталиги, жаҳонда тутган мавқеи, бойлиги, халқнинг фаровонлиги ана шу тоифадаги кишиларга боғлиқ бўлган[4,84]. Зеро, касб-хунари таълимнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маданий тараққиётининг ўлчов бирлиги саналарди. Яъни, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигида муҳим ўринга эга бўлган деҳқонлар, чорвадорлар, савдогарлар, табиблар, олимлар ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этиб, уларни қўллаб қувватлашда адолатни ва оқил раҳбар керак бўлади.

Кайковус жамият тараққиётида илм билан бирга касб-хунарни зарурлигини таъкидлайди: «Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у ҳалойиқнинг иззат ва ҳурматидан узоқлашишини айтиб ўтади[4,121].

Абдурахмон Жомий фикрича, илм ва хунарни эъзозлаган раҳбар ўз элининг эъзозиди бўлиши, бундай ўлка эса, гуллаб-яшнашини таъкидлайди[4,144].

Шарқнинг қомусий олимларидан Давоний фикрича, агар бола маълум бир касб-хунари ёки илм билан шуғулланса, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бу илм ёки касбни эгаллаш учун керакли шарт-шароитни яратиш лозим[5,125]. Бир касб-хунарни ўрганишга интилувчилар бутун истеъдодларини ана шу касбни эгаллашга қаратадилар, натижада ўз севган касб-хунариларини тезда ва пухта ўзлаштириб оладилар. Яъни ҳозирги замон раҳбари ўз соҳасининг етук билимдони ва мутахассиси бўлиши назарда тутилади.

Таъкидлаш жоизки, мутафаккирлардан Форобийнинг асарлари эътиборга молик саналиб, унда илгари сурилган фикрлар ҳозирги замон бошқаруви учун ҳам қимматли маълумотлар беради. Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида шахар ҳокимлари ва ҳукмдорлар 12 та муҳим хислатга эга бўлишлари зарур деб таърифлайди. Раҳбар шахсида шарт саналган жисмоний, ақлий, ахлоқий етукликни ва адолатпарварлик сифатларига алоҳида урғу беради. Мазкур сифатлар ичда ақлнинг маҳсули бўлмиш донишмандлик, энг муҳим хислат сифатида раҳбар учун шарт бўлишини келтириб ўтган.

Юқоридаги раҳбар шахси хислатларни замонавий бошқарув психологияси фани нуқтаи-назаридан таснифлайдиган бўлсак, унда қуйидагилар ажратилади[6,125]:

- Донишмандлик – ҳурфикрлик ва комилликда намоён бўлади;
- Раҳбар тафаккури – идрок – хотира – тафаккур – интеллект кабилар биалн узвий боғлиқ;
- Раҳбар мантиқий тафаккури – ижодий хаёл – изланувчанликда намоён бўлади.
- Раҳбар дунёқараши – ижодий тафаккур – мантиқий тафаккурда кечади;
- Раҳбарнинг сўз мантиқий тафаккурида – ички нутқ – фикр мужассам;
- Раҳбарнинг руҳий қуввати – физиологик ҳолати билан боғлиқ.

Бошқарув феномени борасида олиб борилган замонавий изланиш натижалари Фаробийни фикрларин нақадар тўғри эканлигини исботлаб бермоқда. Ўз даврида Фаробий таъкидлаб ўтган ҳар бир раҳбар шахсида шаклланиши лозим бўлган хусусиятлар XXI аср

рахбарларига ҳам талукли эканлигини барча замонавий ижтимоий фанлар татқиқотларида тастиқини топмоқда десак хато бўлмайди.

Аллома фикрича, шаҳарлар - инсонларнинг жамоа бўлиб яшашининг олий шакли бўлиб, унда инсоний баркамол бўлиб етишиши учун зарурий шароитлар бўлади.

Фаробий инсонлар табиий эҳтиёж натижасида ўзаро бирлашиб, жамоани ташкил қилганлигини алоҳида таъкидлайди[6,168].

Фаробий шаҳар-давлатларни фозил ва жоҳилга ажратади. Фозил шаҳар халқини бахтли ва саодатли этиш, унинг бошлиғи эса адолатли, юксак ахлоқли ва маърифатли, ўзида бутун ижобий хислатларни эгаллаган бўлиши лозим. Лекин, шундай шаҳар ёки мамлакатлар бўладик, уларнинг аҳолиси нафсга берилган, шунингдек шаҳар бошлиқларининг бутун фикри-зикри бойлик тўплаш бўлади. Фаробий бундай шаҳарларни жоҳил шаҳарлар деб атайд. Фаробийнинг ёзишича, ҳақиқий бахтга эришиш учун ҳаракат қилувчи, ўзаро ёрдам қилувчи: халқини бирлаштирган шаҳар - фозил шаҳар ҳисобланади. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган ва бирлашган кишилар фазилатли жамоа бўлади. Фаробий инсон фазилатларини туғма ва яшаш жараёнида пайдо бўладиган фазилатларга бўлади. Олимнинг фикрича, туғма фазилатларга инсоннинг ўта ўтқир зеҳнлилиги, бирор нарсени билишга ўта қобилиятсизлиги киради. Лекин туғма фазилатлар ҳаётда қам учрайди. Асосий ахлоқий фазилатларни одам яшаш давомида эгаллайди. Туғма фазилатли одамлар ҳам тарбияга муҳтож. Агар ундай одамни тарбиялаб иа тўғри йўлга солиб турилмаса, унинг қобилияти тезда сўниб қолиши мумкин. Туғма қобилият ҳам нисбий тушунчадир. Баъзи кишилар туғма қобилиятини ишга солиб яхши натижага эришса, бошқалари ёмон натижага эришиши мумкин. Мана шу ўринда аллома тилида раҳбарлик типлари эътироф этилади. Яъни «Фуқаролик жамиятида - шаҳар-давлат икки усулда бошқарилади: биринчиси, ҳақиқий бошқарув бўлиб, унда фуқароларнинг чинакам фаровонлигига олиб борадиган турмуш, ижтимоий ҳаракатлар, маънавий меъёрлар ва ўзаро ҳурмат қарор топган бўлади, одамларнинг бундай уюшмаси, аслида, моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан энг мақбулдир, иккинчиси, соҳита бошқарув бўлиб, унда қарор топган инсон ҳаёти, ижтимоий муносабат, ахлоқ одоб қоидалари ва ижтимоий табақаланиш типлари фақат бахт-саодатга етакчи бўлиб туюлсада, аслида бу мақсаддан чалғитади. Том маънода айтганда, сохта бошқарув усули жаҳолатли давлатларга хосдир» [6,125].

Дарҳақиқат, адолатли бошқарувсиз ҳеч бир муассаса ва ташкилотнинг бугуни ва келажагини тасаввур этиш иложи эҳтимолдан ҳоли саналади.

Фаробий жамият бошқарувида табақаланиш мавжудлиги алоҳида таъкидлаб, раҳбар ва ходимларнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатади. Яъни шаҳарда муайян инсон-бошлиқ шунингдек, шу бошлиққа яқин бошқа кишилар ҳам бор, шу кишиларнинг ҳар бири ўз мавқеи, қобилиятига кўра, мақсадга мувофиқ ҳаракат қилади. Бу кишилар биринчи босқичда туради, улардан кейинги кишилар биринчиларнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракат қиладилар ва иккинчи босқични эгаллайдилар. Улардан кейинги кишилар ўзларидан олдингилар мақсадларига биноан ҳаракат қиладилар.

Юқорида келтириб ўтилган буюк алломаларимизнинг бошқарув феноменига оид фикр-муҳозалари таҳлил қилар эканмиз, аввламбор замонавий жамиятни бошқаришда юқори поғона билан қуйи поғона ўртасида боғлиқликни кўриш мумкин. Ана шу боғлиқлик раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар саналиб, унинг ижобий бўлиши кўп истикбол режаларнинг самарали ошишига гаровдир.

Хулоса килиб айтганда, замонавий раҳбар қиёфаси ҳақидаги қарашларнинг илк тадқиқотлари шарқ алломалари асарларида ўз ифодасини мукамал даражада топганлигини таъкидлаш ўринлидир. Чунки, улар ўша замондаёқ давлат ва жамиятни бошқаришда шарт бўлган раҳбарлик хусусиятлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этганлар.

#### REFERENCES:

1. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан курашимиз. – Тошкент. «Ўзбекистон» НМИУ, – 2017. – 488 б.
2. Али Тусий Низомулмулк «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» Т. 2010. Б32
3. Йўлдошев С., Қодиров М., Усмонов М. Аждодларимиз мероси – мафкурамиз гавҳари.–Т.:А.Қодирий, 2001.
4. Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока – М.: 2001.
5. Қурбонова Л. Шарқона бошқарув ва миллий ўзликни англаш. Жамият ва бошқарув,2009№1-17 б
6. Хайруллаев М. М. Абу Наср Форобий.– Т.: 2003

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАСАСАЛАРИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

Қурбонали Сулаймонов  
ФарДУ доценти, тарих фанлари номзоди

#### Аннотация

*Мақолада олий таълим муасасалари фаолиятини самарали таъкил этиши ва уларни бошқарув механизмларини такомиллаштириши орқали ходимлар бошқаруви жараёни сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг таъкилий-педагогик жиҳатларига доир замонавий қарашлар тадқиқ қилинган.*

**Калим сўзлар:** таълим, олий таълим, олий таълим муасасаси, сифат, самарадорлик, рақобат, бошқарув, замонавий бошқарув, бошқарув самарадорлиги, илгор тажрибалар.

#### Аннотация

*В статье рассматриваются современные взгляды на организационно-педагогические аспекты повышения качества и конкурентоспособности процесса управления персоналом за счет эффективной организации деятельности высших учебных заведений и совершенствования их управленческих практик.*

**Ключевые слова:** Образование, Высшее образование, Высшее образование, качество, эффективность, конкуренция, менеджмент, современный менеджмент, эффективность управления, передовой опыт.

#### Annotation

*The article examines modern views on organizational and pedagogical aspects of improving the quality and competitiveness of the Personnel Management Process through effective organization of activities of higher education institutions and improvement of their management practices.*

**Keywords:** Education, Higher Education, Higher Education, quality, efficiency, competition, management, modern management, management efficiency, advanced experience.

Жаҳонда олий таълим сифати ва кадрлар рақобатбардошлигини ошириш, интеллектуал фаоллигини шакллантириш масалалари билан ЮНЕСКО, олий таълим сифатини таъминлаш Европа тармоғи шуғулланмоқда. Айниқса, олий таълим мазмунини халқаро даражага кўтариш, модулли таълимни ташкил этиш, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш асосида бўлажак мутахассисларнинг компетентлигини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, «Олий таълимнинг Европа кенглиги» (2010) каби интеграцион жараёнлар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ҳозирги вақтда олий таълим бир мамлакат доирасида ривожлана олмаслигини кўрсатмоқда[1].

Хорижий мамлакатларда ижтимоий, иқтисодий соҳаларда интеграллашув, халқаро малака талабларига мос кадрлар тайёрлаш мазмуни, муассаса ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илмий методик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий таълимдаги сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи механизмлар хусусиятларини кўрсатувчи бенчмаркинг, тюнинг методи, кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими, ялпи сифат менежменти, сифат кафолати, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари, узлуксиз сифат яхшиланиши каби сифатни таъминлашга ва илғор тажрибаларни ўрганишга йўналтирилган методларидан фойдаланиш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Республикаимиз олий таълим тизимида кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирларида ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг тараққий этган давлатларидаги олий таълим муассасалари билан бошқарув тизими, молиялаш, академик ва илмий алоқаларини кучайтириш орқали илғор тажрибаларни ўрганиб боришга ва уни амалиётда жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган давлат дастурида халқаро тажрибага таянган ҳолда олий таълимнинг миллий тизими сифатини ошириш, дипломларни ўзаро тан олишда ҳамда талабалар ва ўқитувчилар алмашинувида барча иштирокчи давлатларни қўллаб-қувватловчи Болонья жараёнига қўшилиш масаласини ҳал этиш чора-тадбирларининг муҳимлиги қайд этилган[2]. Бу ишларни амалга оширишда халқаро дастур лойиҳалари доирасида олиб борилаётган ишлар, Европа, Россия ва Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилганлиги, қўшма диплом таълим фаолиятининг кенгайтириб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим жараёни бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича назарий қарашлар Мумбай Университети профессори С.Хедекар[3], россиялик тадқиқотчилар О.Хомерики[4], В.С.Лазарев[5], В.И.Зверева[6], П.И.Третьяков[7], А.С.Красиков[8], Венгрия Фанлар Академияси доктори Г.Кертеси[9], Вашингтон Университети илмий ходимлари Бредлей С.Портин, С.Фельдмен ва С. Клапплар[10] асарларида ёритилган.

Турли тадқиқотчилар таълим муассасасининг бошқарув жараёнини турлича изоҳлашади. Масалан, С.Хедекар таълим муассасасида бошқарув жараёни – бу таълим мақсадларига эришиш мақсадида инсон ва моддий ресурслардан фойдаланган ҳолда таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат этиш жараёнидир, деб таъкидлаган[11]. Бошқача айтганда, С.Хедекар таълим муассасасининг бошқарув жараёнини инсон ва меҳнат ресурслари ҳамда бошқарув циклига боғлиқлигини назарда тутган.



Аммо О.Хомерики С.Хедекардан фаркли ўлароқ, таълим муассасаларининг бошқарув жараёнини бошқарувга таъсир этувчи объектлар, бошқарув фаолиятининг мазмуни ҳамда бошқарув цикли билан боғлиқлигини эътироф этади ва ўзининг таълимда бошқарув жараёнини тўлиқ акс эттирувчи қуйидаги кўп ўлчовли концептуал моделини ишлаб чиқади.

Ушбу моделдан шуни кўришимиз мумкинки, бошқарув фаолияти мазмунини тўртта йўналиш қамраб олган: маъмурий-хўжалик ва молиявий фаолият, ўқув-методик ва тажриба-синов ишлари, кадрлар билан ишлаш ва жамоанинг психологик муҳитини мустаҳкамлаш.

Юқоридаги биринчи йўналишда таълим муассасасининг маъмурий-хўжалик ва молиявий фаолиятини таъминлаш, иккинчи йўналишда педагогларнинг малакасини ошириш, учинчи йўналишда ўқитувчиларнинг умумий ва педагогик маданият даражасини кўтариш, педагогик ходимларни саралаш ва баҳолаш, тўртинчи йўналишда эса жамоада оптимал ижтимоий-психологик шароитни яратиш назарда тутилган.

Умумий бошқарувда бўлганидек, таълим муассасалари раҳбарлари ҳам ўз фаолиятлари давомида қуйидаги еттита бошқарув циклидан фойдаланадилар: мақсадни белгилаш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш.

Таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолиятининг кўп ўлчовли модели тадқиқотчи А.С. Красиков томонидан ишлаб чиқилган[8].

Таълим муассасасининг раҳбари ўзига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида қуйидаги уч турдаги объектларга бевосита таъсир кўрсатади: таълим жараёни иштирокчилари (ўринбосарлар, ўқитувчилар, ўқувчилар, техник ходимлар, ота-оналар, хо мийлар ва ҳ.к.), жараёнлар (таълимий, тарбиявий), моддий-техник воситалар[4].

Моделдаги 3 та ўлчовнинг юқори кўрсаткичлари таълим муассасасидаги бошқарув фаолиятининг қанчалик самарали ташкил этилганлигини кўрсатиб беради.

Шундан келиб чиқиб, Хомерики таълимда бошқарув самарадорлигини бошқарув объекти, бошқарув фаолияти мазмуни ҳамда бошқарув цикли ўртасидаги ҳам миқдорий, ҳам сифат тавсифларига эга бўлган турли кўрсаткичлар, деб баҳолайди.

Таъкидланганидек, самарадорлик тушунчаси бошқарувга доир фанларда кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келади. Сабаби турли соҳаларда самарадорлик соҳанинг хусусий кўрсаткичларидан келиб чиқиб аниқланади. Аммо таълим тизими ижтимоий соҳага тегишли тизим бўлганлиги сабаб барча натижаларни аниқ кўрсаткичлар билан баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Кўп тадқиқотчилар самарадорлик тушунчасини таърифлашда «унумдорлик» тушунчасига мурожаат қилишади.

Бу борада ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловлар қуйидаги фикрларни билдириб ўтишган: «Унумдорлик – бу қандайдир вақт ичида олинган натижаларнинг фойдалилиги ва у билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи фаолият хусусияти демакдир»[12]. Шунингдек, ушбу тадқиқотчиларнинг фикрича, бир таълим муассасасининг бошқа таълим муассасасига нисбатан юқорирок натижалари ушбу таълим муассасасида ҳар доим ҳам бошқарув сифати юқорирок бўлишидан далолат бермайди. Масалан, таълим муассасаси бой моддий базага эга бўлса, молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобига ўқитувчиларга бошқа таълим муассасасидагига нисбатан юқорирок иш ҳақи тўлай олса, бу таълим муассасаси бу барча неъматлардан маҳрум бўлган оддий таълим муассасасига нисбатан таълим сифатининг

юқорироқ бўлишини таъминлаши мумкин. Лекин масала ҳар бир таълим муассасаси ўзида мавжуд имкониятлардан нечоғлиқ фойдаланаётганлигидан иборат.

Юқоридаги каби қарашларни россиялик тадқиқотчи В.С.Лазарев тадқиқотларида ҳам кузатиш мумкин. Унинг фикрича, бошқарув самарадорлиги эришилган ва имконияти мавжуд бўлган унумдорлик ўртасидаги муносабатлар ни акс эттиради. Унумдорлик маълум бир вақт давомидаги натижалар ва улар билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги ижобий муносабатни кўрсатади[5].

В.И.Зверева ҳамда П.И.Третьяковларнинг фикрича, таълим муассасасининг бошқарув самарадорлиги – бу бошқарув фаолияти мақсадига эришганлик кўрсаткичи, яъни таълим муассасасида ҳар бир таълим олувчининг шахсини ривожлантирувчи шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳисобланади[6].

Таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича турли хил қарашлар ва турли хил методикалар мавжуд. Яъни, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини турли кўрсаткичлар орқали баҳолаши мумкин. Бир томондан, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш фақат бошқарувга доир кўрсаткичлар билан амалга оширилиши мумкин, яъни, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат, тартибга солиш, бошқарув аппарати таъминоти учун нисбатан кам харажат қилиш ва ҳоказо. Иккинчи томондан, бошқарув самарадорлиги таълим муассасасидаги педагогик жараёнларнинг ўзгариш динамикаси, ресурсларнинг натижавийлиги, ўтказилаётган ислохотларнинг ҳар бир шахс учун таъсир даражасига боғлиқ.

Бу борада олимлар турли хил тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, Венгрия Фанлар Академияси доктори Габор Кертеси ўзининг «Таълим муассасаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш: мактаблар мисолида» мақоласида таълим муассасасининг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун таълим муассасасидаги фақат иқтисодий кирим ва чиқимларининг ўзаро нисбатини ўлчов сифатида олиш унинг фаолиятини тўлиқ баҳолашда етарли эмас, бунинг учун таълим муассасасининг ижтимоий кирими ва чиқимини ҳам инобатга олиш лозим, дейди. Бу ерда у ижтимоий кирим сифатида 3 та компонентни назарда тутди: меҳнат (масалан, педагог ходимларнинг), товар ва хизматлар (ўқув материаллари ва электр энергия сарфи), капитал хизматлар (масалан, бинолар ва моддий-техник базага кўрсатиладиган хизматлар)[9].

Чиқим сифатида эса таълим олувчилар жамиятнинг фаол аъзоси сифатида шаклланиши ва давлатнинг ривожига самарали ҳисса қўша оладиган билим ва кўникмаларни эгаллаганлиги даражаси назарда тутилади.

А.С.Красиков[8] таълим муассасаси раҳбарининг меҳнат самарадорлигини баҳолаш – бу юқори турувчи органлар томонидан ўзига бўйсунувчи ташкилотнинг юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлаш учун қўлланиладиган воситаларнинг биригина холос, дейди. У, шунингдек, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун юқори ташкилот раҳбарлари натижаларнинг қандай даражаси белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлашлари лозимлигини ҳам таъкидлайди.

Юқорида берилган таърифлар ва қарашлардан келиб чиқиб, таълим муассасалари бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш – бу таълим муассасасида мавжуд бўлган ресурслар (моддий, инсон) ва воситалардан қай даражада фойдаланганлик, таълим олувчиларнинг жамият аъзоси сифатида қай даражада шаклланганлиги ва давлатнинг ривожига

ҳисса кўша оладиган билим ва кўникмаларни қай даражада эгаллаганликларини ўрганувчи восита ҳисобланади, деган хулосага келишимиз мумкин.

Умуман, муассасанинг бошқаруви самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар қуйидаги ўзаро боғланган учта гуруҳга бўлиниши мумкин.

1. Муассасанинг фаолият натижалари ва бошқарув сарф-харажатлари орқали ифодаланадиган бошқарув тизими самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар гуруҳи. Таълим муассасалари мисолида бунда битирувчилар сонининг (махсулот ҳажмининг) ортиши, илмий тадқиқотлар, турли грантлар, хўжалик шартномаларининг бажарилишидан олинаётган маблағлар, лойиҳаларга капитал қўйилмалар ҳажми, профессор-ўқитувчилар ва битирувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари каби кўрсаткичлар самарадорлигини кўриб чиқиш мумкин.

2. Бошқарув жараёнининг мазмуни ва уни ташкил қилиш, жумладан, бошқарув меҳнатининг бевосита натижалари ва сарф- харажатларини ифодалайдиган кўрсаткичлар гуруҳи. Таълим муассасаси бошқарув харажатлари сифатида бошқарув аппаратини сақлаб туришга кетадиган жорий харажатлар, ўқув ва техник воситаларни ишлатиш, ўқув ва техник биноларни сақлаш, бошқарув ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш учун сотиб олинadиган ҳисоблаш техникаси ва бошқа воситалар ҳамда уларни ўрнатиш харажатлари ҳисобга олинади.

Бошқарув жараёни самарадорлигини баҳолашда ҳам миқдоран, ҳам сифат жиҳатдан баҳоланадиган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бошқарув аппаратининг унумдорлиги, тежамкорлиги, тезкорлиги, ишончилигини шун дай кўрсаткичлар қаторига киритиш мумкин. Масалан, олий таълим муассасаси ўқув бўлими иши автоматлаштирилганда профессор-ўқитувчиларга дарс юкламаларини тақсимлаш, ўқув жараёни жадвали, дарс жадвалини тузиш, назоратларни ўтказиш муддатларини белгилаш, талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини назорат ва таҳлил қилиш осонлашади. Шу билан бирга, бунда бошқарув аппаратининг унумдорлик, тежамкорлик, тезкорлик, мослашувчанлик, эгилувчанлик, ишончилилик кўрсаткичлари ҳам яхшиланади.

3. Муассасанинг ташкилий тузилмаси, унинг техник-ташкилий даражасининг мақсадга мувофиқлигини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳи. Бу гуруҳга ўқув муассасасида бўлим ва бўлинмалар каби ташкилий бирликлар, марказлар, кафедраларнинг мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги, кафедраларнинг факультетларга асосли равишда бирлаштирилганлиги, бошқарув функцияларининг марказлашганлик даражаси, проректорларга ташкилий тузилма бўйича умумий раҳбарликнинг тўғри юклатилганлиги, бошқаришнинг қабул қилинган меъёрлари, лавозим йўриқномалари, ҳуқуқ ва жавобгарликнинг мувозанатлашуви кабилар киритилиши мумкин.

## REFERENCES

1. European integration in higher education: the bologna process towards a european higher education area, Hans de Wit, University of Amsterdam, the Netherlands, © Springer 2007

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент, 2017.- Б.108.

3. Sandhya Khedekar. Educational Management, TSCER. III.1 Function of Education Management. 2007. P. 1.

4. Хомерики О.Н. Развитие школы как инновационный процесс. – М., 1994.
5. Лазарев В.С. Нормативный подход к оценке инновационной деятельности школы. // «Педагогика», 2003. № 3. –С. 17-26.
6. Зверева В.И. Организационно-педагогическая деятельность руководителя школы. – М.: «Новая школа», 1997. –С. 28-29.
7. Третьяков П.И. Формирование и развитие системы управления общеобразовательной школой. Дисс. докт. пед. наук. – М., 1997.
8. Красиков А.С. Оценка качества труда руководителя сферы образования. Учебное пособие. Российская академия образования, Вологодский Институт развития образования. – Санкт-Петербург. 2006. –С. 38-43.
9. Gabor Kertesi. The assessment and evaluation of educational institutions, school accountability. Green Book: for the renewal of public education in Hungary. Budapest. 2009. P. 179-180.
10. Bradley S. Portin, Sue Feldman and Michael S. Knapp. Leadership Assessment: Purposes, Uses and Practices of Leadership Assessment in Education. Center for the Study of Teaching and Policy, University of Washington, 2006.
11. Sandhya Khedekar. Educational Management, TSCER. III.1 Function of Education Management. 2007. P. 1.
12. Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. – Т.: «Турон-Иқбол», 2006. –101-б.

## **KOMIL INSON SHAXSIYATINI BARPO QILISHDA TA'LIM VA TARBIYANING O'RNINI**

**Salohiddinova Nigora Inomjonovna**

AQXAI, O'zbek tili, pedagogika va jismoniy madaniyat kafedrasini assistenti

**Keldiyorova Nozigul**

**Baxriddinova Gulmira**

Buxgalteriya hisobi va audit yo'nalishi, 1-71- guruh talabarlari

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada komil inson shaxsiyatini barpo qilishda ta'lim va tarbiyaning o'rnini haqida so'z yuritilgan.*

***Kalit so'zlar:** tarbiya, vatan, shaxs, ta'lim, tafakkur, axloq, komil inson.*

***Annotation.** This article discusses the role of education and upbringing in the formation of a perfect human personality.*

***Key words:** upbringing, homeland, personality, education, thinking, morality, perfect man.*

***Аннотация.** В данной статье рассматривается роль образования и воспитания в формировании совершенной человеческой личности.*

***Ключевые слова:** воспитание, Родина, личность, образование, мышление, нравственность, совершенный человек.*

Yurtimizda yoshlar tarbiyasi va ularning salomatligi borasida juda katta ishlar amalga oshirilmoqda. Bunga dalil sifatida yildan-yilga soni va sifati ortib borayotgan ilm dargohlari va sport inshootlarini keltirishimiz mumkin. Bundan tashqari Yurtboshimiz tashabbuslari bilan mustaqillik yillaridan beri har bir yilga o'ziga xos nom berilib, juda keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. O'zbekistonda demokratik tuzumni barpo etishda amalga oshirilayotgan ulkan o'zgarishlarni asosiy ishtirokchilari bo'lgan jamiyatimiz a'zolarining ma'naviyatini butunlay yangicha qaror toptirish lozim. Chunki ta'lim tarbiya - ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini xam belgilaydigan omildir. Binobarin, ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirmasdan

turib ongni o'zgartirib bo'lmaydi. Ongni, tafakkurni o'zgartirmasdan turib esa biz ko'zlagan oliy maqsad ozod va obod jamiyatni barpo etib bo'lmaydi.

Tarbiya — shaxsda muayyan jismoniy, ruhiy, axloqiy, ma'naviy sifatlarni shakllantirishga qaratilgan amaliy pedagogik jarayon; insonning jamiyatda yashashi uchun zarur bo'lgan xususiyatlarga ega bo'lishini ta'minlash yo'lida ko'riladigan chora tadbirlar yig'indisi. Tarbiya insonning insonligini ta'minlaydigan eng qadimiy va abadiy qadriyatdir. Tarbiyasiz alohida odam ham, kishilik jamiyati ham mavjud bo'la olmaydi. Chunki odam va jamiyatning mavjudligini ta'minlaydigan qadriyatlar tarbiya tufayligina bir avloddan boshqasiga o'tadi.

Ma'lumki, so'nggi yillarda globallashuv turli tuman qarashlar asosida, deyarli barcha ijtimoiy hodisalar bilan bog'liq ravishda talqin etilayotgan muammolardan biriga aylandi. Hozirgi kunda globallashuv jarayoni yangi-yangi hudud va mintaqalarni, inson faoliyatining barcha sohalarini o'z domiga tortayotganining guvohi bo'lmoqdamiz. Ayniqsa, ba'zi nosog'lom kuchlar, mafkuraviy va ma'naviy sohada o'z g'oya hamda mafkuralarini singdirish, ta'sir doiralarni kengaytirish maqsadida, o'z manfaatlarini ko'zlab, globallashuv jarayonidan kengroq foydalanishga intilmoqdalar.

Biz esa bundan yoshlarimizni himoya qilishimiz uchun ularning ma'naviyatlarini yuksak qilishimiz va kamolotga erishishlari yo'lida barcha sharoitlarni yaratib berishimiz zarur hisoblanadi. Odam bolasiga beriladigan tarbiya, birinchi navbatda, ilmga, fanga asoslanmog'i, ta'limiy jihatdan to'g'ri tashkil etilmog'i lozim. Agar tarbiya pala-partish holda savodsizlarcha tashkil etilsa, tizimli va muntazam ravishda olib borilmasa, bunday «tarbiya» inson kelajagiga, shaxsning shakllanishiga faqat zarar keltiradi. Mana shu qoidalarga amal qilingandagina ta'lim-tarbiya o'zining pirovard maqsadiga erishishi - komil insonni voyaga yetkazishi mumkin.

Payg'ambarimiz Muhammad (a.s.) komil inson sifatlariga shunday ta'rif berganlar: “Komil musulmon shunday kishiki, boshqa musulmonlar uning tili va qo'lidan salomat bo'ladilar”. Islom dinida mukammal komil inson deya biz Muhammad (a.s.) olishimiz mumkin. U zot Alloh taolo tomonidan insoniyatga rahmat qilib yuborilgandirlar. Ular barcha insoniy fazilatlar ziyodasi bilan jamlangan yuksak axloq sohibi bo'lganlar. Ularning yuksak axloq sohibi ekanliklarini Alloh taolo ta'kidlab: “Va albatta, sen ulkan xulqdasan ”(Qalam,4) deya marhamat qiladi. Rasululloh (a.s.)ning o'zlari ham: “Men kishilarning axloqlarini mukammal qilish uchun yuborildim” deya marhamat qilganlar. Va juda ko'p bor farzand tarbiyasi va uning ilm olishiga e'tibor qaratib, bizga o'zlarining muborak hadisi shariflarini qoldirganlar.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, har bir farzand tarbiyasida doimo pokizalikka va axloqqa e'tibor qaratish lozim. Albatta farzandlarimiz kelajagiga e'tiborli bo'lish, ularning kamoloti yo'lida xech narsani ayamaslik darkor.

Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo'lmasligi, farzandlarimizning bizdan ko'ra kuchli, ilmli, dono va albatta baxtli bo'lib yashashi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etayotgan ekanmiz, bu borada ma'naviy tarbiya masalasi hech shubhasiz beqiyos ahamiyat kasb etadi. Ta'lim va tarbiyani mustahkamlash orqali yoshlarni komil inson etib tarbiyalash lozim, yuksak ta'lim yoshlarni tarbiyalashda juda katta ta'sir etadi. Yoshlarni komil inson etib tarbiyalash eng avvalo tarbiyaga bog'liq.

Ta'lim-tarbiya haqida so'z ketganda, Abdulla Avloniyning “Tarbiya biz uchun yo hayot — yo mamot, yo najot — yo halokat, yo saodat — yo falokat masalasidir”, degan chuqur ma'noli fikri yodimizga tushaveradi. Buyuk ma'rifatparvar bobomizning bu so'zlari asrimiz boshida millatimiz uchun qanchalar muhim bo'lgan bo'lsa, hozirgi vaqtda ham shunchalik, balki undan

ham ko‘proq dolzarb ahamiyatga ega. Barkamol avlodni tarbiyalash orqali esa oldimizga qo‘ygan ulkan maqsadga erishamiz — mamlakatimizda uchinchi Uyg‘onish ko‘z ochadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Ibragimov X., Abdullaeva SH. Pedagogika nazariyasi. —: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2008. – B.153-155;

2. Hasanboev J., Turopova M., Hasanboeva O. Ma’naviy-axloqiy tarbiya asoslari. – T.: G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 2002;

## **COMMONWEALTH OF INDEPENDENT STATES: HISTORY OF CREATION AND DEVELOPMENT PROSPECTS**

**Abbasov Farukh Feruzovich**

*Command of the Security Forces of categorized objects Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan.*

*(listener of the Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan)*

*Supervisor: Bakhtiyor Rakhimov*

*First Deputy Head of the Institute of ICT and Information Technologies for Academic and Scientific Work, doctor of technical sciences, professor*

**Annotation.** *The article examines questions about the thirty-year history of the creation and development of the Commonwealth of Independent States, provides an analysis of the main legal acts of the CIS and determines the prospects for the development of the CIS. The current state of the Commonwealth is considered, possible options for the development of this organization are determined.*

**Key words:** *The Commonwealth of Independent States, the history of the creation of the CIS, the prospects for the development of the CIS, the Warsaw Pact Organization, the Charter of the CIS, the Council of Heads of State.*

**Introduction.** The Commonwealth of Independent States (CIS) emerged as a result of the collapse of the Soviet Union, the most powerful state in the world in the second half of the twentieth century. His departure from the historical arena was so rapid and unforeseen that it still does not find an unambiguous definition. The Commonwealth that emerged in the post-Soviet space united the former Soviet republics, which became independent national states. Over the years of its development, the CIS has become an international regional organization recognized by the international community. To the history of the creation of the CIS 2021 marks thirty years since the collapse of the USSR and the formation of the Commonwealth of Independent States (CIS) in the geopolitical space it occupied. This international organization is still the largest structure in the post-Soviet region. Despite the many challenges that arose as it was formed and developed, it has shown sustainable viability. It is believed that the collapse of the seemingly inviolable power, what was the Soviet Union, determined the so-called «Rebuilding», initiated by Mikhail Gorbachev, who held the posts of General Secretary of the Central Committee of the CPSU (1985-1991), Chairman of the Supreme Soviet of the USSR (1989-1990), the President of the USSR (1990-1991). «Rebuilding», however, only accelerated arising from the second half of the 1980s in the USSR the crisis processes taking place in socio-economic and politico-legal aspects of life in Soviet society. They also affected the positions of the Soviet Union in the international arena [1].

**Literature and methodology.** The process of formation of the CIS was complex and contradictory. The founders of the Commonwealth had a different understanding of the goals, status, and prospects of an established interstate education. The political elites of the newly independent states preferred to strengthen their own sovereignty and national state institutions.

The history of the creation of the CIS is quite well known, so we will only mention the key stages of the Commonwealth's formation. December 8, 1991 at the government residence «Viskuli» of the Belarusian SSR signed the «Agreement on the creation of the Commonwealth of Independent States» [2], which went down in history as the «Belovezh Accords» (Viskuli village is located in Belovezh Forest, approximately 8 km from the border of Belarus with Poland). The signatures under this document, which liquidated the Soviet Union, were put, as they called themselves, by the High Contracting Parties: from the Republic of Belarus (BSSR) – Chairman of the Supreme Council S.Shushkevich, Chairman of the Council of Ministers V.Kebich, Minister of Foreign Affairs P.Kravchenko; from the Russian Soviet Federative Socialist Republic (RSFSR, as the modern Russian Federation was then called as part of the USSR) - President Boris Yeltsin, First Deputy Prime Minister G.Burbulis, Minister of Foreign Affairs A.Kozyrev and State Councilor of the RSFSR S.Shakhrai; from Ukraine (USSR) – President L.Kravchuk, Prime Minister V.Fokin and the Minister of Foreign Affairs A.Zlenko. The essence of the «Agreement», consisting of 14 articles, was that the agreement of December 30, 1922 on the creation of the USSR was denounced and, consequently, the termination of the existence of the USSR was declared [3].

Instead, the former Soviet republics created the CIS, which was initially considered not as a supranational association, but as a union of new states. Such an alliance was created to solve joint tasks in specific areas: foreign policy, the development of a common economic space, transport and communication systems, migration problems, ecology, and so on. In continuation of the CIS formation process, on December 21, 1991, at the initiative of the first President of Kazakhstan N.Nazarbayev, the «Alma-Ata Declaration» was adopted. This document was signed by the heads of 11 republics of the former USSR, with the exception of Georgia and the Baltic states [4]. Thus, the CIS began the history of its functioning in the format of 11 republics of the former USSR.

After the formation of the CIS, one of its main goals was to maintain close economic ties between the former Soviet republics. On January 22, 1993, the CIS Charter was adopted, which to this day is the main normative act regulating the activities and policies of the CIS as an international organization [5]. The Charter did not consider the Commonwealth as a supranational structure: this document stated that the CIS was based on the right of States to sovereign equality and their existence as equal subjects of international law. It is believed that with the adoption of the Charter, the organizational stage of registration of the CIS as an international structure has ended. However, there was a very difficult work to be done on the institutional arrangement of this organization, on the development of priorities for its functioning and determining its place in the system of modern international relations. The structure of the CIS as an international organization from the moment of its formation to the present, the CIS is a full-fledged international organization. An important factor is the recognition of her in this capacity by the United Nations. In particular, the CIS Charter is registered with the UN Secretariat in accordance with Article 102 of this international organization [6]. The supreme body of the CIS since its formation is the Council of Heads of State (SGG), which is determined by Article 21 of the CIS Charter. He can consider any issues of the activity and development of the Commonwealth, and the sphere of exclusive competence of the SGG includes amendments to the CIS Charter, the creation of new

